

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

А.Х.Саидов

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ**

Дарслик

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг
қарори билан ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари
талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.**

Тақризчилар:

**Ж. Тошқулов, юридик фанлари доктори;
А.Т. Юнусова, юридик фанлари номзоди.**

*Инсон ҳуқуқлари цивилизацияни доимо қизиқтириб
келган. Таниқли ҳуқуқшунос олим А.Х. Саидов томонидан
тайёрланган мазкур дарслик инсон ҳуқуқларининг тарихи,
унинг даврларга бўлиниши, мазкур муаммоларни
ўрганишга қаратилган фикр ва ғояларни ўз ичига олади.*

*Ушбу китоб инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ
соҳасида ёзилган биринчи дарсликдир. Унда кўпгина
китобларда ҳали учрамайдиган йўналишлар, ғоялар,
фикрлар ва тушунчалар келтирилган.*

*Дарслик юридик соҳадаги ўқув юртлари талабалари ва
кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

Саидов А.Х.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: Дарслик.
– Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. 400 бет.**

**Сарлавҳада: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универси-
тети, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази.**

© А.Х.Саидов, 2006.

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2006.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази, 2006.

© «Konsauditinform-Nashr» нашриёти, 2006.

Сўзбоши.....	9
КИРИШ.....	12
УМУМИЙ ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИГА КИРИШ.....	15
I. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.....	16
1-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг предмети, объекти ва вазифалари.....	16
2-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг усуллари, аҳамияти ва тизими.....	19
II. СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ.....	22
3-мавзу. Қадимги ва Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши.....	23
1-§. Инсон ҳуқуқлари ғояларининг тарихий ривожланишини даврларга бўлиш.....	23
2-§. Агтик дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	25
3-§. Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши.....	30
4-§. Уйғониш даврида табиий ҳуқуқнинг ривожланиши.....	33
4-мавзу. Қадимги ва Ўрта асрларда Шарқда инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши.....	35
1-§. Зардуштийлик ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари.....	36
2-§. Қадимги ҳинд ҳуқуқида инсоннинг ҳуқуқ ва бурчлари... 38	
3-§. Яҳудийликда (иудаизмда) инсон ҳуқуқлари.....	40
4-§. Конфуцийчиликда инсон ҳуқуқлари.....	41
5-§. Мусулмон ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари.....	43
6-§. Хулосалар.....	46
5-мавзу. Янги даврда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоясининг ривожланиши.....	47
1-§. Маърифат даври мутафаккирларининг асарларида инсон ҳуқуқлари.....	48
2-§. АҚШ Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари.....	51
3-§. Ғарбий Европада, хусусан, Англия ва Францияда инсон ҳуқуқлари.....	54

4-§. Либерализм ва XIX-XX аср бошларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги гояларнинг ривожланиши.....	59
5-§. Россияда инсон ҳуқуқлари гоясининг ривож.....	61
6-§. Хулосалар.....	62

III. ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТУТГАН ЎРНИ..... 64

6-мавзу. Ижтимоий фанлар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни..... 64

1-§. Фалсафа ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 65

2-§. Сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 66

3-§. Социология ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 67

4-§. Халқаро муносабатлар фани ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 68

7-мавзу. Юридик фанларнинг асосий тармоқлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 69

1-§. Ҳуқуқшунослик фанлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 69

2-§. Конституциявий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 70

3-§. Фуқаролик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 71

4-§. Маъмурий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 72

5-§. Живоят ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 74

8-мавзу. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 75

1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқининг мустақил тармоғи..... 75

2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро одат ҳуқуқи..... 76

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномалар ҳуқуқи..... 77

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро ташкилотлар ҳуқуқи..... 78

5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ..... 79

6-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқ..... 80

IV. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ БИЛАН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ МУНОСАБАТИ.....	83
9-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик.....	83
1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқий тизими.....	85
2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инглиз-америка ҳуқуқий тизими.....	87
3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва социалистик ҳуқуқ.....	88
4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва ҳозирги Шарқнинг диний (ағъанавий) ҳуқуқий тизимлари.....	90
5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими.....	92

МАХСУС ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТИЗИМИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ...97

V. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ.....	97
10-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари.....	98
1-§. Инсон ҳуқуқлари концепцияси тараққиётининг асосий тамойиллари.....	98
2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари.....	101
3-§. Инсон ҳуқуқлари авлодлари.....	107
11-мавзу. БМТ ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари.....	108
1-§. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича норма ижодкорлик фаолияти.....	109
2-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва инсон ҳуқуқлари.....	110
3-§. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл.....	112
4-§. БМТнинг инсон муайян ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи халқаро шартномалари.....	119
5-§. БМТнинг одил судловда амалга ошириш соҳасидаги халқаро қоидалари.....	124
6-§. БМТнинг инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа халқаро ҳужжатлари.....	126
12-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари.....	128

1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ институтлари тизими.....	128
2-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар.....	132
3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси. Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури...	137
4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг БМТ тизими доирасидан ташқаридаги фаолияти.....	138
5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими.....	139

VI. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАЛҚАРО КЎЛАМДА ҲИМОЯ ЭТИШ.....

13-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг универсал тизими.....	149
1-§. БМТнинг асосий органлари тизими ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш.....	149
2-§. БМТнинг ихтисослашган муассасалари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши.....	160
3-§. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий (назорат) органлари.....	163
4-§. БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим.....	168
14-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг минтақавий тизимлари.....	170
1-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Европа тизими.....	170
2-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Америка мамлакатлараро тизими.....	174
3-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Африка тизими.....	176
4-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Осиё тизими.....	177
5-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Арабча тизими.....	177

VII. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УНИВЕРСАЛЛИГИ.....

15-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва маданий релятивизм.....	179
1-§. Маданий релятивизм ва ҳуқуқий идеализм тушунчалари.....	179
2-§. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги.....	180
16-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши.....	182
1-§. Инсон ҳуқуқларини миллий қонунчиликда мустаҳкамланиши.....	182
2-§. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланиши.....	183

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги.....	184
17-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда индивиднинг халқаро-ҳуқуқий субъектчилиги.....	185
1-§. Миллий ҳуқуқда шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси.....	185
2-§. Халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчаси.....	186
3-§. Индивид - халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида.....	187
18-мавзу. БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим.....	190
1-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг зарурлиги.....	190
2-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тушунчаси.....	191
3-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг мақсадлари...192	
4-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг аҳамияти...192	
5-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995-2004 йиллар).....	194
6-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракатлар режасининг мақсади ҳамда аҳамияти.....	195

VIII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ.....197

19-мавзу. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги.....	197
1-§. Конституция ва инсон ҳуқуқлари.....	197
2-§. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро қонунчилик.....	198
3-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилиги.....	200
4-§. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги.....	201
5-§. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.....	202
6-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми.....	204
20-мавзу. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими.....	206
1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаси ва турлари.....	206
2-§. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари...209	
3-§. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари.....	215
4-§. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.....	220
21-мавзу. Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг кафолатлари.....	226
1-§. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги....	226
2-§. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари...229	
3-§. Фуқароларнинг бурчлари.....	235

ИЛОВАЛАР	241
1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.....	241
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.....	248
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол.....	270
4. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.....	274
5. Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация.....	287
6. Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция.....	292
7. Қийноқ, ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция.....	318
8. Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро Конвенция.....	335
9. Вена декларацияси ва ҳаракат дастури.....	350
10. Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида конвенция.....	376
11. ЮНЕСКОнинг маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси.....	384
12. ЮНЕСКОнинг маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга ошириш бўйича ҳаракат режасининг асосий йўналишлари.....	390
13. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар.....	394

СЎЗ БОШИ

«...Инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига, эркаклар ва хотин-қизларнинг тенгҳуқуқлилиги ҳамда кўп сонли ва кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари тенглигига бўлган ишонч яна қарор топтирилсин...»¹

БМТ Уставининг Муқаддимасидан

Учинчи минг йиллик бошларига келиб, инсон ҳуқуқлари муаммоси бунга қадар учрамаган тарзда кескинлашиб кетди. Бир андишали савол эса ҳамон кўндаланг бўлганича турибди: ҳамма инсон ҳуқуқлари ҳақида гапиришга тушган, кимдир ёқлаб, кимдир қарши фикрлар билдираётган бир паллада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нимани англади, деган масалада бирон бир муроса, келишувнинг ақалли аломатлари ҳам кўринмаяпти. Хўш, инсон ҳуқуқлари аслида нима? Демократик тузум асосими ёки эътиқодлар ва хулқ-атвор қондалари мажмуими? Ёки бошқа яна кўплаб қирраларда намоён бўлувчи ҳолатми?

Бундай саволларга жавоб кўп, аммо улар бир-биридан кескин фарқ қилади, кўпинча эса бир-бирига зид бўлади. Бу, энг аввало, ғоявий жўшқинлик, мафкуравий эҳтирослар самараси бўлса керак. Зотан ҳар бир мафкура инсон ҳуқуқларининг «ягона тўғри» тушунчаси дея ўз талқинини тиқиштиришга уринади. Мафкуралар эса оз эмас. Бу чигаллик чангалидан чиқиб олиш учун инсон ҳуқуқлари назариясини ҳамда уларни амалга ошириш соҳасида тўпланган тажрибани холислик билан таҳлил қилиш зарур деб эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас.

Айни ана шу муаммони холисона таҳлил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйиш асносида яна бир муаммога, юридик,

¹ Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави//Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тошкент, 2002, С.18.

сиёсий, ижтимоий, фалсафий, тарихий ва шу сингари кўпгина ёндашувлардан иборат катта бир қийинчиликка дуч келдик. Бу ёндашувларнинг баъзиларини қонуний дейиш қийин, бошқаларини эса бир чеккага суриб қўйишнинг иложи йўқ. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси мавжуд бўлишга ҳақли. Хилма-хил нуқтаи назарларни шунчаки қиёслаб қўя қолиш ҳам бефойда. Шунга қарамай, ҳамонки инсон ҳуқуқлари умумий назариясини шакллантиришни ният қилган эканмиз, барча нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш имконини берадиган ва айни пайтда улардан биронтасининг ҳам «кун кўриш»га бўлган ҳақ-ҳуқуқига дахл этмайдиган ёндашувга амал қилишдан ҳам тўғри йўл йўқ. Моҳият эътибори билан биз янги илмий йўналиш, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ йўналиши чизгиларини беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Уни мухтасар тарзда баён этишнинг афзаллиги шундаки, бунда тўғридан тўғри масаланинг моҳиятига ўтаверса бўлади. Бироқ, мухтасар баён усулини ҳам камчиликдан холи дейиш қийин. Негаки, у ўқувчини мавзу соҳасини тушунишга аста-секин етаклаб кирувчи кўп босқичли тафаккур юритиш йўлига олиб киришга қодир эмас. Шу сабабли, биз соддароқ қилиб айтганда, сиз ҳам, кабоб ҳам кўймайдиган йўлни танлаб, баённи имкон қадар соддалаштиришга ҳаракат қилдик ва далил-исботларни имкон қадар яққолроқ кўрсатиб ўтишни маъқул топдик.

Ушбу дарсликда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг бор муаммолари тўла қамраб олинди, демоқчи эмасмиз. Китобда халқаро ҳуқуқнинг ана шу янги тармоғи тарихи, предмети ва аҳамиятини бирмунча умумлашма кўринишда тавсифлаб беришга ҳаракат қилинди.

Дарсликдан кўзланган мақсад унинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг мустақил кириш қисми бўлиб хизмат қилишига, шунингдек, «Халқаро ҳуқуқ» ва «Инсон ҳуқуқлари»¹ сингари асосий ўқув курсларидаги шу мавзуга тааллуқли материалларни бойитишига эришишдан иборатдир.

Табииyki, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги барча маълумотларни биргина дарслик доирасида қамраб ва

¹ Қаранг: Права человека: Учебник/Отв.ред.Е.А.Лукашева.М.,2002; Права человека: Учебник – хрестоматия/Отв.ред.А.Х.Саидов. Ташкент, 2001.

жамлаб бўлмайди. Шу сабабли тавсия этилаётган дарсликни халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари ва материаллари билан мувозий тарзда ўрганиш таклиф этилмоқда¹.

Ушбу дарсликда айтилган баъзи қоидалар баҳсли, мунозарали деб қаралиши мумкинлигини инобатга олиб, муаллиф инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ юзасидан илмий мунозарани ривожлантиришга ёрдам берадиган тавсия ва таклифлар учун миннатдорчилик изҳор этади ҳамда уларни мамнуният билан қабул қилади.

¹ 2002 йилда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни жамлаган тўртта тўплам чоп этилди. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Тошкент, 2002; Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами. Тошкент 2002; Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар. Тошкент, 2002; Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари. Тошкент, 2002.

К И Р И Ш

«Инсон ҳуқуқлари кодексини ҳимоя этиш билан боғлиқ қобилият ва лаёқатларимиз халқаро миқёсда ҳам, миллий миқёсда ҳам ривожланишда давом этмоқда»¹

Кофи Аннан,
БМТ Бош котиби

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларда янги йўналиш бўлиб, ҳозирги халқаро оммавий ҳуқуқнинг энг муҳим ва энг изчил ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир.

Юзага келиши нисбатан янги бўлгани билан бу тармоқни ўз тарихига эга эмас экан-да деб бўлмайди. Аксинча, инсон ҳуқуқлари гоёси ўтмиш мутафаккирларининг асарларида тарихан муҳим ўрин тутиб келган, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ гоёлар соф юридик категория бўлиб қолмай, балки сиёсат, фалсафа, этика категорияси сифатида ҳам ривож топган. Инсон ҳуқуқларини умумий тарзда эътироф этиш ва мустақамлашга бўлган интилиш ана шу ҳуқуқларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳаси бўлиб ажралиб чиқишига олиб келди.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий халқаро тизими яратилди. Бу нарса, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унинг ихтисослаштирилган муассасалари ва минтақавий ҳукуматлараро ташкилотлар савъ-ҳаракати билан амалга оширилди. Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ 80дан ортиқ умумжаҳон ва минтақавий конвенцияларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар қатнашчи давлатлар учун мажбурий норма ҳисобланади ва бу билан улар «қатъий ҳуқуқ»²ни ҳосил этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, институтлар, механизмлар ва тартиб-таомиллар жадал ривожланиб бораётганлигига қарамай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқиш юзасидан қилинадиган ишлар ҳали кўп. ***Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг***

¹ Қаранг: Кофи Аннан. *Общая судьба новая решимость*. Нью-Йорк, 2001. С.90.

² Қаранг: Симонидес Я., Володин В. *Предисловие // Левин Л. Права человека: Вопросы и ответы*. М., 1997. С.6.

ҳозирги дунёда ўқув дарси сифатида қарор топиши XX асрнинг охириги чорагига тааллуқли, холос. Гарчи бу йўналишда талайгина ишлар ва махсус асарлар эълон қилинган бўлса-да, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқ бўйича умумий ишларда халқаро ҳуқуқнинг шунчаки бир соҳаси сифатида қараб ўтилади¹. Бироқ, бунда ҳам бир қанча камчиликлар бор, хусусан, атамалар бобида муайян чалкашликлар мавжуд. Чунончи, бир қанча муаллифлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни гуманитар ҳуқуқ деб атайдилар, ваҳоланки халқаро оммавий ҳуқуқнинг бошқа тармоғини² гуманитар ҳуқуқ деб юри-тадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одатда халқаро-ҳуқуқий адабиётларда гуманитар ҳуқуқ деганда, қуролли можаролар даврида муайян тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига тааллуқли нормалар, шунингдек, урушнинг қонунлари ва одатларини тартибга солувчи нормалар мажмуи тушунилади³.

Шу сабабли, таниқли россиялик ҳуқуқшунос И.И.Лукашукнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳар қандай ҳолатда ҳам таржимада аслидагидек жарангламаслиги⁴ тўғрисидаги адолатли гапларига қарамай, халқаро ҳуқуқнинг кўриб чиқиладиган соҳаси номини қарор топган ҳолатда, яъни «**Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ**» - «**International Human Rights Law**» ёки «**International Law of Human Rights**» ёхуд «**Международное право прав человека**» шаклида сақлаб қолишни маъқул кўрдик.

¹ XX асрнинг 70-йилларида халқаро муаммолар устида иш олиб борган машҳур олим Г.И.Тункиннинг ёзишича, «халқаро ҳуқуқнинг барча одамларга, уларнинг ирқи, тили, дини, жинсидан қатъий назар, асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлаб бериш юзасидан давлатларнинг мажбуриятини белгилаб берувчи янги тармоғи пайдо бўлмоқда». Қаранг: Тункин Г.И. Теория международного права. М., 1970. С.93. Кейинчалик у «халқаро ҳуқуқнинг тармоқларидан бири - инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳимоя» юзага келганлиги ва ривожланаётганлигини эътироф этган. Қаранг: Международное право /Под ред. Г.И.-Тункина. М., 1974. С.232).

² Қаранг: Колосов Ю.М. Международные стандарты в области прав человека и проблемы советского законодательства //Советский журнал международного права. 1991. № 2. С.67-68.

³ Қаранг: Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Инсонпарварлик ва хайрихоҳлик муаммолари /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Тошкент, 2000, С.17-21.

⁴ Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть: Учебник. М., 1997.С.33. Ушбу дарсликнинг иккинчи нашрида муаллиф И бобни «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ» деб атаган. Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть: Учебник. М.2000.С.1.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ илмий тадқиқотлар объекти сифатида нисбатан узоқ тарихга эга, аммо ўқув фани сифатида яқинда пайдо бўлган. Тўғри, чет элларда бу фан бўйича таълим беришда анча-мунча тажриба орттирилган. Чувончи, ЮНЕСКО ташкил топган вақтдан бошлаб, барча даражадаги таълим учун ва кенг жамоатчиликка мўлжаллаб, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган кишилар ва ноҳуқумат ташкилотлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича 200дан ортиқ турли ўқув қўлланмалари чиқарган¹.

Кейинги вақтларда ана шундай фан Ўзбекистондаги юристлар, сиёсатшунослар ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган таълим муассасаларининг ўқув режаларига ҳам киритилди. Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида сўнгги беш йил ичида “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ” фани ўқитилиб келинмоқда. Таассуфки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа доир чиқарилаётган ўқув адабиётларининг миқдори ҳам, сифати ҳам уларга бўлган ва тобора ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларга ҳозирча жавоб берамайди.

Ушбу дарслик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро механизмларига, хусусан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихи ва ҳозирги ҳолатига бўлган қизиқишни ҳамда муттасил ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларни қисман бўлса ҳам қондиришга қаратилган.

Дарслик ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ асослари бўйича таянч тайёргарлиги бўлган талабаларга мўлжалланган. Шу сабабли биз инсон ҳуқуқлари назарияси асосларини баён этишга тўхтамай, бира тўла ўрганилаётган мавзунинг амалий жиҳатини ёритишга ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу ўринда асосан фанлараро тадқиқотлар анъаналарига риоя этдик. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва миллий қонун ҳужжатларини таҳлил этишдаги юридик, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий институтлар ривожининг асосий қонуниятларини ўрганишдаги сиёсатшунослик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарияси ва амалиётининг тарихий-тадрижий ривожланиш йўллари билан белгилашдаги тарихий, муайян яхлит ҳуқуқий моделнинг хусусиятларини ажратиш кўрсатишдаги қиёсий ёндашувларнинг уйғунлиги таъминланиши, шак-шубҳасиз, тавсиф этилаётган ҳолатларнинг серқирра жиҳатлари манзарасини очиб бериш ҳамда талабалар материалларни ўзлаштиришини яхшилашга кўмаклашади.

¹ Қаранг: Human Rights: New Dimensions and Challenges. Manual on Human Rights/Ed. Z Symonides. Paris: UNESCO, 1998.

УМУМИЙ ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИГА КИРИШ

*«Инсоннинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этиладиган фундамен-
тал ҳуқуқ ва эркинликларининг эълон
қилиниши ҳамда амалга оширилиши му-
аммолари кўпгина умумсиёсий йўналиш-
даги ва соф юридик саволларга жавоб
топиб бериши керак бўлган махсус тад-
қиқот мавзусидир»¹*

Б.Н.Топорнин, академик

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг предмети, усул-лари ва аҳамияти
- Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида инсон ҳуқуқлари
- Гуманитар фанлар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг туган ўрни

¹ Қаранг: Топорнин Б.Н. Права человека и разделение властей // Права человека: время трудных решений. М., 1991. С.28.

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

«Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг тармоғи бўлиб, унинг принциплари ва нормалари инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлатлар ҳамкорлигини тартибга солиб туради»¹

И.И.Лукашук,
БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг аъзоси, профессор

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг предмети, объекти ва вазифалари
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг усуллари, аҳамияти ва тизими

Биринчи мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг предмети, объекти ва вазифалари

Кўҳна ўтмишдан бизгача етиб келган «Улуғворлик тўғрисида»ги шарҳда шундай дейилади: «Илм йўлини тутган ҳар бир аҳли донишга одатда иккита талаб қўйилади: **биринчидан**, тадқиқот предметини аниқлаб олиш, **иккинчидан**, ана шу предметни эгаллашга ёрдам берувчи усул ва услубларни топиш ва кўрсатиб бериш зарур, шуниси ҳам борки, иккинчи талаб аҳамияти жиҳатидан муҳим бўлса-да, тартиб тақозоси билан кейинроқда берилмоқда»². Ўшандан буён ўтган неча асрлик вақт номаълум муаллифнинг фикрлари нақадар оқил ва тўғри эканлигини тасдиқлади.

Ҳар қандай фан мустақиллик талаб қилар экан, ўз предмети, яъни ўз соҳаси ва ўз усулига эга бўлиши керак.

Ўқув фанининг **предмети** ана шу фан ўрганаётган масалалар доирасидан, **усули** эса предмет қайси усул ёки усуллар мажмуи ёрдамида ўрганилаётган бўлса, шу усул ёки усуллар мажмуидан иборат бўлади.

¹ Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть: Учебник. М., 2002. С.1.

² Қаранг: О возвышенном. М., 1966. С.5.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ бошқа фанларда так- рорланмайдиган ўз предметига эга. Инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқларининг тарихий тадрижий-тараққиё- ти, сиёсий-ҳуқуқий асоси ва юридик моҳияти, бу ҳуқуқларнинг мавжудлигига бўлган глобал таҳдидлар ҳамда ана шу таҳдид- ларни бартараф этиш воситалари, инсон ҳуқуқлари таъминоти даражасининг қиёсий таҳлили, инсон ҳуқуқларини турли дав- латлар амалиётига сингдириш усуллари, уларнинг кафолатлари механизми шулар жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳозирги халқаро ом- мавий ҳуқуқнинг шундай янги бир тармоғики, унда халқаро ҳуқуқ субъектларининг уларнинг юрисдикциясига қирадиган шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, бу ҳуқуқ ва эркин- ликларга риоя этиш, уларни ҳурматлаш ва ҳимоя қилишдаги мажбуриятлари белгилаб берилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда халқаро ва мил- лий қонун ҳужжатларида, жаҳондаги турли мамлакатларнинг ижтимоий амалиётида инсон ҳуқуқларини ривожлантиришнинг асосий масалаларига эътибор жамланган бўлади, шу билан бир вақтда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни ўргани- лади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ янги юридик фан бўлгани учун ҳам у инсон ҳуқуқлари ягона концепциясини яра- тишда кўпгина ижтимоий фанларнинг ютуқлари ва маълумотла- рига асосланади ва шу боис фалсафа, тарих, этика, сиёсатшунос- лик ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги кенг қамровли фан ҳисобланади. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари энг аввало фалсафий, маънавий, сиёсий ва юридик категория сирасига қиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг *предмети* инсон ҳуқуқлари муаммоларини жаҳон маданияти негизида ўрганиш- дан иборатдир, зеро инсон ҳуқуқлари жаҳон цивилизациясининг умумэътироф этилган қадрияти ва бойлигидир.

Тараққиёт йўли халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назардан жаҳон миқёсида кўриб чиқиладиган инсон ва унинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ предмети бўлиб хизмат қила- ди. Бунда инсон ер юзидаги энг олий қадрият қадр-қиммат ифодачиси вазифасини ўтайди. Инсонга турли ижтимоий муноса- батларнинг иштирокчиси сифатида ҳам, индивидуал асос ифода- чиси сифатида ҳам қаралади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ўрганишнинг асо- сий ва марказий *объекти* бор жилоси билан намоён бўлувчи сер- қирра инсон ҳуқуқлари бўлиб, уларга:

биринчидан, жамият ва давлатда инсонни эркин камол топиши имконияти сифатида;

иккинчидан, унинг шахсининг ажралмас хусусияти сифатида;

учинчидан, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий нормалар билан таъминланган, йўл қўйиладиган даражадаги хулқ-атвор мезони сифатида;

тўртинчидан, энг муҳим шахсий, моддий ва маънавий неъматларга эришиш ҳамда қобилият ва истеъдодларни ривожлантириш воситаси сифатида;

бешинчидан, инсоният фаолиятига хавф солаётган таҳдидларни бартараф этиш воситаси сифатида қаралади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини таъминловчи ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ва давлат ички ҳуқуқий нормаларини ҳам ўрғанади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ажратиш ва ўрганишга бўлган талаб-эҳтиёж шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоси доираси аҳамияти ортиб бораётганлиги, бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлатлар томонидан халқаро-ҳуқуқ стандартлари даражасида конституциявий йўл билан эътироф этилганлиги, уларнинг юксак қадриятини тушуниб етиш, уларни давлат органлари томонидан пухта таъминлаш ва муҳофаза этиш зарурати тақозосидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда умумбашарий асосларни мустаҳкамлашдан иборат. Ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини демократлаштириш жараёни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ривожланиб ҳамда бу ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати кучайиб бориши билан узвий боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

биринчидан, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги, бу ҳуқуқларни амалга ошириш ва уларни кафолатлаш тўғрисидаги билимларни эгаллаш;

иккинчидан, инсонга нисбатан, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш;

учинчидан, фуқарони ҳар қандай қонунсизлик ва бедодликдан ҳимоя этишга қаратилган тўғри йўлланнишни мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, субъектив ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ва уларни ҳимоя этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллашни кўникмаларини шакллантириш.

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида эълон қилинган ва кейинчалик сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантирилган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари муаммоларига замонавий демократик қарашлар моҳият эътибори билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг концептуал асосини ташкил этади. Устувор жиҳатлардан бири инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамоҳанглигини ўрганишдан иборатдир.

Шундай қилиб, *инсон қадр-қиммати категорияси ва унинг ҳуқуқлари юзага келиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари, бу ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берувчи юридик нормалар, шунингдек, мазкур ижтимоий ҳодисалар мавжуд бўлишининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа омиллари ҳамда шартлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ предмети*дир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ фанининг предмети нималар ташкил этади?
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ фанининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Иккинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг усуллари, аҳамияти ва тизими

Ҳар қандай фан ўрганилаётган ҳодиса ва ҳолатларни билишнинг муайян усул ва услубга ёки усул ва услублар мажмуига эга бўлади. Барча фанларга, ҳамма билим соҳаси ва ўқув фанларига хос, замирида табиат, жамият, тафаккур тараққиётининг муштарак қонунлари ётувчи универсал усул хусусий усуллардан фарқланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ методологияси (услубияти) шундай услуб ва усуллар мажмуидан иборатки, уларнинг ёрдамида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ва ҳозирги ҳолати тўғрисидаги ҳақиқий билимни холис тарзда олишга эришилади.

XX асрнинг охирларидан бошлаб, жаҳонда содир бўлаётган барча жараёнлар «инсонийлик мезони» орқали баҳоланмоқда. Инсон ҳуқуқлари муаммосига гуманистик тарзда ёндашув, инсонга «*барча ашёлар мезони*» (Протагор) сифатида қарашга интилиш, шахс-

ни давлат машинасининг мурвати деб биладиган тоталитар тафаккурдан воз кечиш инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг методологияси (услугияти) асосларини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий усуллари жумласига тизимли, тарихий, қиёсий, социологик, мантиқий ва бошқа усуллардаги ёндашув киради.

Тизимли усул. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ илмий холислик, тарихийлик принципи асосида, инсон ҳуқуқлари муаммолари силсиласига халқаро-ҳуқуқий маънода тизимли ёндашувни инobatга олган ҳолда ташкил топади. Инсон ҳуқуқлари барча жамоат ва давлат институтлари билан яхлит тарзда қаралади. Инсон ҳуқуқлари тизими шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бир-бири билан ўзаро боглиқ кичик тизимларидан таркиб тошган ягона бир бутун тарзда тавсифланиши бежиз эмас.

Тарихий усул. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ тизимида тарихий ривожланишда, бундай ҳуқуқларни амалга оширишнинг мураккаб жараёнини, уларнинг қарор топиш ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини инobatга олган ҳолда ўрганилади. Кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги билимларни олиш имконини берувчи тарихий манбаларни (қонунлар, расмий ҳужжатлар, муайян ишлар бўйича суд қарорлари ва шу кабиларни) таҳлил этиш усуллари кўпроқ қўлланилади.

Қиёсий усул тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнларни қиёслаб кўриш ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ёки тафовутларни аниқлаб олишни тақозо этади. Масалан, турли мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қиёслаш мумкин.

Социологик усул фактларга асосланган маълумотлар негизида инсон ҳуқуқларини тадқиқ этишдан иборат. Социологик ўрганиш статистика маълумотлари ва ҳар хил ҳужжатларни таҳлил этиш, ижтимоий-ҳуқуқий эксперимент ҳамда аҳоли ўртасида сўров ўтказиш, материалларни қайта ишлашнинг математик усуллари ва шу сингари усулларни қамраб олади.

Мантиқий усул инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни мантиқан ўрганишнинг воситалари ва усулларини ўз ичига олади ҳамда тафаккур шакллари ва расмий мантиқ қонунларига асосланади. Инсон ҳуқуқларини ўрганишда мантиқий усулдан фойдаланиш инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари зиддият ва қарама-қаршиликлардан холи бўлишини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда тизимли, тарихий, қиёсий, социологик ва мантиқий усуллардан ташқари билиш

назариясининг бошқа усулларидан ҳам фойдаланилади. Лекин юқорида зикр этилган усуллар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётида анча кенг тарқалгандир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этиш барча фуқаролар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига тааллуқли билимларни эгаллаган бўлишини тақозо этади. Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари халқаро-ҳуқуқий йўналишдаги 80 дан ортиқ универсал ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозир дунёда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, яъни инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берувчи халқаро-ҳуқуқий ва давлат ички нормалари тизими, шунингдек, уларни ҳимоя этиш ва қафолатлашнинг универсал механизми шаклланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ икки қисмдан иборат.

Улардан **биринчиси**, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг юзага келиш ва тадрижий ривожланиш тарихи, бошқача қилиб айтганда, бундай ғояларнинг, умуман олганда, жаҳон миқёсидаги тарихий ривожланиш негизидаги ва хусусан, ҳар бир давлатнинг тараққий этиш асносидаги қарор топиш қонуниятларини ўрганишдир.

Иккинчиси, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда шу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ўз ичига олади, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича асосий, кўп тарафлама шартномаларни ҳамда ана шу соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ўрганишдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ фанини ўрганиш методологияси нималардан иборат?
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ фанини ўрганиш усуллари тизимига қайси методлар киради?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ фанини ўрганишнинг асосий услубларини қисқача таърифлаб беринг.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

“Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти узоқ ва ибратли тарихга эга. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масаланинг ҳозирги талқини ўзининг янгилиги ҳамда жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даража ва сажияси тақозо этаётган хусусиятлари билан башариятнинг бой ўтмиш тажрибасига ва энг аввало, одамларнинг жамоат ҳамда давлат турмушини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий усули соҳасидаги бой ўтмиш тажрибасига таянади”¹.

В.С.Нерсеянц,
академик

- Қадимги ва Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши
- Қадимги ва Ўрта асрларда Шарқда инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши
- Янги даврда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоясининг ривожланиши

¹ Қаранг: Права человека: Учебник/Отв. ред. Е.А.Лукашева. М., 1999. С.35.

Учинчи мавзу.

Қадимги ва Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши

«Ғарб маданиятида инсоний қадр-қиммат ғояси қадимги даврлардан бери мавжуд ва асрлар ўтиши билан аста-секин кўздан-кўп қоида ва эркинликлар билан бойиб борган. Шунга қарамай, бу ғоянинг юзага келганлиги халқаро миқёсда қайд этилиши учун XX асрни кутишга тўғри келди»¹

С.Маркус Эльмонс,
бельгиялик профессор

1-§. Инсон ҳуқуқлари ғояларининг тарихий ривожланишини даврларга бўлиш

Халқаро ҳуқуқ доирасида ҳар хил доктрина ва институтлар юзага келган бўлиб, улар одамларнинг турли гуруҳларини, айтилик, қулларни, кам сонли, туб ерлик аҳолини, чет эллик фуқароларни, инсон ҳуқуқлари ялпи тарзда бузилганлигидан жабрланганларни, урушаётган тарафларнинг жангчилари ва шу кабиларни ҳимоя қилади. Халқаро ҳуқуқнинг ана шу жиҳатлари назарияси ва қўлланиш амалиёти инсон ҳуқуқлари бўйича ҳозирги халқаро ҳуқуқ ривожини учун конституциявий ва институционал асос яратди. Бундан ташқари кўпгина эски институтлар ва доктриналар инсон ҳуқуқлари бўйича ҳозирги халқаро ҳуқуқ билан бир қаторда иш олиб бормоқда ёки унинг ажралмас қисмига айланиб қолган. Мазкур ҳуқуқнинг ўтмишдошлари муайян соҳаларда унга ғоят кучли таъсир ўтказганлар. Шу сабабли инсон ҳуқуқлари бўйича ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг тарихий илдизлари тўғрисидаги тushунча талабига уни яхшироқ билиб олишда ёрдам беради².

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нисбатан янги фандир. Лекин, бундан унинг предмети, яъни инсон ҳуқуқлари ғоя ва принциплари ҳам янги экан, деган маъно келиб чиқмайди. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шунингдек, оилали бўлиш, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва шу сингари бошқа бир қатор фунда-

¹ Қаранг: Маркус Эльмонс С. Права человека в национальной и международной перспективах // Права человека в истории человечества и в современном мире / Отв. ред. Е.А. Лукашева. М., 1989. С.127.

² Қаранг: Бюргенталь Т. Международные права человека: Краткий обзор / Пер. с англ. Алматы, 1999. С.32.

ментал ҳуқуқлари оламнинг ўзи каби қадимийдир, десак муболаға эмас. Айни шу нарса инсон ҳуқуқлари табиий ҳуқуқ ва универсал характерда эканлигини ҳам исботлаб турибди. Зотан, улар у ёки бу даражада ҳамма даврларда барча халқлар ва миллатларга хос бўлиб келган.

Бироқ, ҳозирги кўринишдаги, яъни умумлаштириб муайян бир тизимга солинган, қонунчилик асосида мужассам этилган ва илмий асосда ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари, табиийки, олдинги даврларда бўлиши мумкин ҳам эмасди¹. Бунинг учун нафақат ҳуқуқий йўналишдаги, балки фалсафа, социология, сиёсат, этика ва диний йўналишдаги тафаккурнинг тарихан узоқ тадрижий ривожига талаб этилар эди. Ана шу ривожланиш тўғрисидаги умумий тасаввурсиз инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқишини ҳам, мақсадлари, қадриятлари ва ХХI аср талабларига монанд универсаллик хусусиятини ҳам тушуниш қийин.

Кўриб чиқилаётган даврдаги инсон ҳуқуқлари ғояларининг тарихий ривожига учта асосий йўналишни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчиси. Уруғ, жамоа, давлатдан ажралиб чиқаётган алоҳида шахс сифатидаги, ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатидаги инсон ғоясининг шаклланиши.

Иккинчиси. Қадимги даврларда ва Ўрта асрларда ўз ҳуқуқий тизимининг ривожланиши, қонунларнинг мужассамлашуви ва юридик институтларнинг қарор топиши.

Учинчиси. Ҳуқуқлар ва қонунларнинг универсаллик ғояси, уларни барча одамларга беистисно қўлланиш ғоясининг ишлаб чиқилиши.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қатъий шажаравийлик ва табақавий маҳдудликка асосланган Қадимги ва Ўрта асрлар жамиятларида инсон ҳуқуқлари ғояси, одатда ҳақиқий ҳуқуқий амалиёт хусусиятига деярли боғлиқ бўлмаган, ақлан ўйлаб топилиб, зеҳн билан сайқалланган ҳосила хусусиятига эга эди. Бу эса, кўпгина тадқиқотчиларнинг қадимги ва ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлганлиги фактига танқидийроқ, шубҳа билан қарашига асос бўлади.

Масалан, сенегаллик ҳуқуқшунос К.Мбаенинг фикрича, “Қадимги даврлардаги инсон ҳуқуқлари тизими изларини излаб топишга зўр бераётганда шуни ёдда тутиш керакки, улар нари борса излар, холос, бундан ортиқ эмас”². Венгриялик академик И. Сабо бу бо-

¹ Қаранг: Нерсеянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Тошкент, 2003.

² Қаранг: Mbaye K. Human Rights and Rights of Peoples//International Law: Achievements and prospects. Ed. By M Bedjaoui. Paris, UNESCO, 1992. P. 1043.

рада янада кескинроқ фикр айтади: “Инсон ҳуқуқлари келиб чиқишини инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлишини таъминловчи асосий шартлар, хусусан, эркинлик ва тенглик ғояларидан йироқ ижтимоий тузумларга олиб бориб тақашга уриниш ғирт хато бўлади”¹. В.С.Нерсеянц ҳам инсон ҳуқуқлари ғоясининг Ғарбда шаклланишини фақат Уйғониш даврига нисбат беради².

Тўғри, Арасту асарларидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги таърифларни излашнинг ўзи кулгилидир. Лекин инсон ҳуқуқлари ғояси муайян бир даврда, айтилик, Уйғониш ёки Маърифат даврида, бирон бир халқда - французлар ёки инглизларда йўқ ердан пайдо бўлиб қолган деб ўйлаш ҳам хатодир. Бу билан инсон ҳуқуқлари универсаллиги ғояси билвосита рад этилиб, тарихий ўтмиш “ҳуқуқсиз” ва “шафқатсиз” деб бадном этилган бўлади. Яна шуни ҳам унутмаслик зарурки, “ваҳший қадимги даврда” эмас, балки айни XX асрда, “маърифатли халқларнинг халқаро ҳуқуқи” эълон қилинган бир паллада Европа ҳудудининг каттагина қисмида инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини ҳам назар-писанд қилмасликда на Қадимги даврларда, на Ўрта асрларда кўрилмаган тузум ўрнатилди. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, ўтмишдан инсон ҳуқуқларининг “излари”ни эмас, балки инсон ҳуқуқлари ғояси тушунчасининг кўтаринкилик ва тушкунлик ҳолатида бўлса ҳам изчил ривожини излаш керак.

2-§. Антик дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

«Барча ашёларнинг мезони - инсон»³

Протагор, қадимги юнон файласуфи

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг қарор топиши ҳамда аста-секин универсаллашиб бориши жараёнида уларнинг

¹ Қаранг: Szabo I. Historical Foundations of Human Rights//The International Dimensions of Human Rights. Paris, UNESCO, 1982. P.12

² «Негизини Ҳиндистонда табақалар (касталар) ташкил этувчи корпоративизм шахсни бутунлай қамраб олганди, диний манбалар, хусусан, «Бхагаватгита» мутлақ илоҳиятни билишдан четга тортиб кетувчи «самости» ғоясини улоқтириб ташлашга чақирарди. Бунда ҳиндларга ёки Шарқнинг ўзига хос хусусият йўқ: Европада индивидуализм Уйғониш даврида юзага келади». Қаранг: Мартишин О.В. Политическая и правовая мысль древней Индии// История политических и правовых учений: Древней мир/ Отв.ред.В.С.Нерсеянц.М., 1985. С.154.

³ Қаранг: Платон. Соч.М., 1970.Т.2. С.238.

ажралмас, туғма хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар алоҳида роль ўйнади. Маълумки, бу ғояларнинг юзага келиши қадимги даврларга бориб тақалади, янада аниқроқ қилиб айтганда, Қадимги Юнонистон ҳуқуқшунослигидаги **табий** (яъни туғма) **инсон ҳуқуқлари** ғоясига бориб тақалади. Шу маънода Ж.Тенекидеснинг мана бу фикрига қўшилиш мумкин: «**Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кўҳна Юнонистон институтларида ўзининг олис она маконига эга**»¹.

Энг аввало, бу нарса олий қадрият сифатида **инсон ғояси** шаклланишида ўз ифодасини топган. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Протагор берган ўша машҳур таъриф, яъни «**барча ашёларнинг мезони - инсон**» деган таъриф бугунги кунда ҳам улкан умумбашарий қимматга эгадир. К.Мбае таъкидлаб айтганидек, «Протагор инсонни барча ашёларнинг мезони деб эълон қилиш билан инсон ҳуқуқлари ғоясини юзага келтириши мумкин бўлган жамики фикрларнинг силсиласини қамраб олди, зотан бу ҳикматомуз таъриф замирида муайян гуманизм, инсонпарварлик ётади»².

Фалсафадаги софизм оқимининг бошқа тарафдорлари, хусусан, Антифонт, Ликофрон, Алкидам **барча кишиларнинг табиатан тенглиги ғоясини** илгари сурдилар. Одамларнинг нотенглиги, шу жумладан, ҳур, озод кишилар ва қулларга бўлиниши улар томонидан сунъий инсоний қурилмалар оқибати сифатида шарҳланди.

Табий ҳуқуқнинг қарор топиш жараёни тарихида қадимги Юнонистоннинг улуғ мутафаккири Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) алоҳида ўрин тутди. Арасту табиатнинг ўзини энг оқилона ва адолатли деб билар, инсонни эса ундаги энг мукамал унсур деб ҳисоблар эди. Курраи заминдан макон топган тўрт оёқлиларга нисбатан инсонга кўпроқ мурувват қилинган, «маҳлуқотлар орасида фақат унинг ўзигина бевосита табиати ва моҳияти илоҳий эканлигининг оқибатида тик, адл туради» деб айтганди.

Арастунинг ҳуқуқ тўғрисидаги фикрлари ҳам жуда муҳимдир. Унинг фикрича, ҳуқуқ «қисман табий, қисман шартлидир. Табий ҳуқуқ ҳамма ерда бир хил аҳамиятга молик бўлган ҳамда унинг ўзини тан олишлари ёки тан олмасликларига боғлиқ бўлмаган нарсадир. Шартли ҳуқуқ дастлаб у ёки бу тарздаги жиддий тафовутсиз бўлиши мумкин бўлган, бироқ борлиги аниқ бўлиб қолганидан кейин бу фарқсизлик барҳам топадиган нарсадир».

¹ Қаранг: Tenekides G. Laction des Nations Unies contre la discrimination raciale// R.C.A.D.I.,1984.Vol.168.P. 303

² Қаранг: Mbaye K. Op.cit .P. 1042-1043.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ғояси айна Арастуға тегишlidir. Кейинчалик унинг бу фикри Ж. Локк, Ш.Л.Монтескье ва Маърифат даврининг бошқа бир қанча машҳур мутафаккирлари асарларида ўз ривожини тошган. Шу билан бирга Арасту қулдорликни ҳам оқлаб чиққан. Баъзи кишилар, деб ёзади у, ўз табиатига кўра ҳур, эркин, бошқалари эса қулдирлар, қулларга қулликда бўлиш ҳам фойдали, ҳам адолатlidir.

Арастунинг табиий ва ирода билан белгиланувчи (шартли) ҳуқуқлар нисбати тўғрисидаги таълимоти унинг бошқа бир қанча ғоялари қатори фалсафий таълимотнинг *стоицизм* оқими вакиллари томонидан бажонидил қабул қилинган. Бу ғоя (стоицизм) ҳам қадимги Ювонистонда, милоддан аввалги IV аср охирларида юзага келди. Бу оқимнинг йирик намояндалари орасида Зенон, Хрисипп ва бошқалар бўлган. Стоицизм тарафдорлари барча кишиларнинг табиий тенглиги ва уларнинг ҳуқуқлари универсаллиги ғоясини ривожлантирганлар. Уларнинг фикрича, инсон табиати умумий табиат ва умуман олганда, оламнинг бир қисми, барча одамлар эса коинот ва ягона жаҳоний давлат фуқароларидир.

Шак-шубҳасиз, бу ғоялар кўп жиҳатдан ақлни ҳам чалғитиб қўядиган, ҳавойи, ширин хом хаёллар бўлиб қолаверган. М.Палумбонинг таъкидлашича, «Ювон демократияси ҳозирги, бизнинг тушунчамиздаги инсон ҳуқуқларини билмаган. Қадимда Афинада хотин-қизлар бирмунча ҳуқуқларга эга бўлганлар. Ҳамма ерда қулдорлик ҳукмрон бўлган»¹. Бироқ, шу муаллифнинг ўзи урғу бериб айтадики, «қадимги ювонлар оддий одам ўзини воил деб биладиган инсоний қадриятлар ва фазилатларни тушунишда ўзларига замондош бошқа цивилизациялардан анчагина илгарилаб кетганлар»².

Табиий ҳуқуқ ғоясининг кейинги ривожи Қадимги Римда кечган. Бу ғоялари, жумладан, машҳур давлат арбоби, нотик ва мутафаккир Марк Туллий Цицерон (милоддан аввалги 106-43 йиллар) ривожлантирган. Цицерон адолатлилигининг асосий принципи сифатида табиий ҳуқуқ (*jus naturale*) тўғрисида сўз юритиб, бу ҳуқуқ «ҳар кимга ўзига тегишлисини беради ва улар ўртасида тенгликни сақлаб туради» деб таъкидлаган (Давлат тўғрисида, III, VII, 10). Табиий ҳуқуқ (чин қонун) ёзма шаклда битилган ҳар қандай қонун ва умуман, давлатдан анча олдин юзага келади. Адолатлилики, деб ҳисоблаган Цицерон, одамлар-

¹ Қаранг: Palumbo M. Human Rights: Meaning and History. Malabar, 1982.P.15

² Қаранг: Ibid.

нинг фикри ва хоҳишига боғлиқ эмас. Ҳуқуқни табиатнинг ўзи белгилайди, негаки, «Агар ҳуқуқлар халқларнинг хатти-ҳаракати, етакчи кишиларнинг қарорлари, судьяларнинг ҳукмлари билан ўрнатиладиган бўлса, босқинчилик ҳуқуқи, фосиқлик ҳуқуқи, сохта васиятномалар тақдим этиш ҳуқуқи, агар бу ҳуқуқлар оломнинг овоз бериши ёки қарори билан маъқулланадиган бўлса, авжига чиққан бўлур эди» (Қонунлар тўғрисида, I, 43).

Цицероннинг фикрича, табиатан «биз ҳаммамиз бир-биримизга ўхшаш ва бир-биримизга тенгдирмиз», зотан «одамлар ўртасида ҳеч қанақа фарқ йўқ, чунки одам бутун дунёнинг, баайни ягона бир шаҳарнинг фуқаросидир» (Қонунлар тўғрисида, I, 29-30; II,61). Бироқ бу ёндашув Цицеронга қулдорлик институтиви оқлашга монелик қилмаган. Унинг таъкидлашича, қулдорлик табиатнинг тақозосидир, бинобарин, табиат «энг яхши кишиларга кучсизлар устидан уларнинг фойдасини кўзлаб ҳукмронлик қилиш»¹ имконини беради. Шу билан бирга Цицерон қулларга ёлланган кишиларга қарагандек қараш кераклигини, улардан нуқул иш талаб қилавермасдан, балки уларга тегишли бўлган нарсаларни ҳам бериш керак, деб ҳисоблаган (Мажбуриятлар тўғрисида, I, 41).

Табиий ҳуқуқ ғоялари стоицизмнинг римлик тарафдорлари ижодиётида ҳам ўз ифодасини топган. Луций Анней Сенека ана шу йўналишнинг энг йирик намояндаларидан биридир (милоддан аввалги 3 милодий 65 йиллар). Унинг айтишича, барча инсоний қонунлар ва давлат «тақдир қонунига» (табиат ҳуқуқига) бўйсунди. «Биз, деб таъкидлаган Сенека, хаёлан иккита давлатни кўз олдига келтирмоғимиз лозим: улардан бири маъбудлар ва одамлардан иборат бўлади; унда бизнинг назаримиз ер юзининг муайян гўшаси билан чекланиб қолмайди, зеро давлатимиз сарҳадлари қуёш ҳаракати билан ўлчанади; иккинчиси эса, бизни тасодиф рўбарў қилган давлатдир. Ана шуниси, иккинчиси Афина ёки Карфаген ёхуд бошқа бирон бир шаҳар бўлиши мумкин; у барча кишиларга эмас, балки уларнинг муайян гуруҳларидан бирига тааллуқлидир, холос. Шундай одамлар ҳам борки, улар айни бир вақтда ҳам катта, ҳам кичик давлатга хизмат қилаверадилар, айни чоғда фақат катта давлатга хизмат қиладиганлар ҳам, фақат кичик давлатга хизмат қиладиганлар ҳам бор»². Сенеканинг фикрича, оқиллик (табиий ҳуқуқ) шундан иборатки, одатда бир давлатга мансуб кишилар умумдунёвий қонунлар амал қилишини эътироф этишлари ва бундай қонунларга амал қилишлари лозим.

¹ Қаранг: Права человека: Учебник//Отв.ред.Е.А.Лукашева.М.,1999. 50-52-б. Яна қаранг: Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. М.,1966.

² Қаранг: Антология мировой философии. М.,1969.Т.1.ч.1. С.507.

Шундай қилиб, айни стоицизмнинг юнонистонлик ва римлик тарафдорлари саъй-ҳаракатлари билан одамларнинг ягона космополитик давлат ҳамфуқаролари сифатидаги тенглиги гоёси тор давлатчилик ва этник доирадан ташқари чиқиб, бутун башариятга тарқалган.

Инсон ҳуқуқлари фалсафий хусусият касб этиб, юридик амалиёт хусусияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган Қадимги Юнонистондан фарқли равишда Қадимги Римда юридик асарларда аниқ-равшан, баралла ифодалана бошлаган. Римлик юристлар томонидан табиий ҳуқуқ мавжудлиги эътироф этилиши ва айни вақтда римликларнинг ҳуқуқий тушунчасида табиий ҳуқуқни рад этиш тариқасида ижобий (позитив) ҳуқуқ деган махсус тушунча йўқлиги шундан далолат берадики, римлик юристларнинг шарҳларида табиий ҳуқуқ амалдаги ҳуқуқ жумласига киритилади ва унинг таркибий махсус қисми деб қаралади. Бинобарин, бу ҳуқуқ шунчаки мавҳум тузилма ва категория эмас, ҳақиқатда мавжуд бўлиб турган ҳуқуқнинг норма ва принциплари учун шунчаки «соф», ташқи тушунча ҳам эмас, амалдаги ҳуқуқнинг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади¹.

Табиий ҳуқуқнинг талаб ва хусусиятлари фуқаролик муомала ҳуқуқи сифатида ҳам, халқлар ҳуқуқи (*ius gentium*) сифатида ҳам амал қилади, негаки, у барча халқлар учун муштарак ҳуқуқни, шунингдек, қисман халқлараро мулоқот ҳуқуқини ҳам англатади. «Халқларнинг ҳуқуқи, - деб таъкидлайди римлик юрист Ульпиан, - башарият халқлари фойдаланаётган ҳуқуқдир; унинг табиий ҳуқуқдан фарқини осонгина билиш мумкин: табиий ҳуқуқ барча жонли мавжудотлар учун муштарак ҳуқуқдир, халқлар ҳуқуқи эса одамларнинг ўзаро муносабатларида уларнинг ўзига тегишли бўлган ҳуқуқдир» (Ульпиан Д.1.1.1.4.)

Шундай қилиб, Ульпианнинг нуқтаи назарида халқлар ҳуқуқи табиий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида намоён бўлади, улар ўртасидаги тафовут моҳият жиҳатидан эмас, қолаверса, уларнинг хусусиятлари ва фазилатлари бўйича ҳам эмас, балки уларнинг таъсир доираси билан қамраб олинadиган субъектлар силсиласи бўйича (яъни барча жонли мавжудот ёки фақат одамларнинг ўзи) ажралиб туради. Ульпианнинг фикрича, табиий ҳуқуқни «табиат барча жонли мавжудотларга ўрнатди, зотан бу ҳуқуқ инсон авлодига (фақат унинг ўзигагина эмас) хос бўлиб қолмай, балки ер юзида, денгизда дунёга келадиган барча мавжудотлар, шунингдек, паррандалар учун муштаракдир. Эркаклар билан аёллар ўртасида биз

¹ Қаранг: Нерсеянц В.С. Политические и правовые учения Древнего Рима//История политических и правовых учений: Древний мир. М.,1985. С.296.

никоҳ деб юритадиган боғланишни ҳам шунга киритиш мумкин; тарбия ҳам шунга киради: жониворлар, ҳатто ёввойи жониворларда ҳам бу ҳуқуққа тааллуқли тажриба борлигини кўрганмиз»¹.

Шу сабабли М.Палумбо алоҳида эътибор қилганидек, «истило этилганидан кейингина римликлар салтанатида яшаган халқлар томонидан *ius gentium* ижобий қабул қилинди. Бу уларни римлик ҳукмронлар бедодлигидан ва замондош фуқароларнинг қонунга хилоф ҳаракатларидан қалқон бўлиб ҳимоя қилди. Инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда унинг фойдаси муҳим одим бўлиб қолди»².

Хулоса тарзида айтиш керакки, қадимги дунёда инсон ҳуқуқларининг барча асосий тушунчалари анчагина ишланиб, тақомилига етган тарзда мавжуд бўлган. Бироқ инсон ҳуқуқларини қадимги даврда тушуниш билан ҳозирги даврда тушунишни бир-биридан фарқловчи иккита омил бор. Сиёсий нуқтаи назардан бу эркинлик ва тенгликнинг ҳар қандай ғоясини йўққа чиқарувчи **қулдорлик институтидир**. Диний нуқтаи назардан қараганда эса бу инсоний турмуш қадриятининг ўзини рад этувчи **фатализм ғоясидир**. Жаҳондаги якка худоликка асосланган динлар - Ғарбда насронийлик ва Шарқда ислом дини шарофати билан инсон ҳуқуқларининг қадимги ғоялари универсаллик ғояси билан бойиган.

3-§. Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши

«Одамларнинг умумий тенглиги хусусида қадимги дунёда юзага келган ғоя ўрта асрларда йўқ бўлиб кетмади; у турли йўللardan, ҳар хил шакл ва йўналишларда (масалан, диний мавзуда ижод қилувчиларнинг, ўрта аср куфроналиги маддоҳларининг ижодиетида, ўрта аср ҳуқуқшуносларининг асарлари ва шу кибиларда) ривожланишда давом этди»³.

В.С.Нерсисянц,
академик

Насроний ҳуқуқий ғоя Рим ҳуқуқий ғояси ва иудаизмнинг зиддиятли таъсири остида шаклланган мураккаб ва комплекс

¹ Қаранг: Перетерский И.С. Дигесты Юстиниана. М.,1956. С.102.

² Қаранг: Palumbo M. Op.cit.P.16-17.

³ Қаранг: Нерсисянц В.С. Права человека в истории политической и правовой мысли (от древности до Декларации 1789) // Права человека в истории человечества и в современном мире. С. 26.

тузилмадир. Бу тузилма юридик нормаларнинг маънавий-императив ва диний хусусиятини яҳудийлик иудаизмдан олган. Яҳудийлар дини «Янги аҳд» баъзан «Қонун» деб аталиши ҳам тасодиф эмас. Бундан ташқари иудаизм бўйича қул талайгина ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланган; қадимги яҳудийларда қулдорлик институти қадимги (антик) дунёда бўлган даражада катта аҳамиятга эга бўлмаган. Шу сабабли дастлаб яҳудийлик муҳотида юзага келган насронийлик қулдорликни қоралаб чиққанлиги ҳам бежиз бўлмаса керак.

Бошқа жиҳатдан олганда, насронийлик қадимги даврдан, энг аввало, стоицизм фалсафасидан **универсаллик ва байналмилаллик** гоёсини, яъни яҳудийлар миллий динида бўлмаган бир гоёни ўзлаштириб олган. Насроний ҳаворийлардан бири Павелга нисбат бериладиган номада айтилганидек, Эллин ҳам, яҳудийлар ҳам ... ваҳшийлар, скифлар, қуллару ҳурлар ҳам йўқ... зотан биз ҳаммамиз Яратганнинг олдида бирмиз¹.

Инсон ҳуқуқлари гоёсининг шаклланишига илк насронийлик тафаккури қўшган яна бир муҳим улуш Тангри томонидан яратилган хилқат тариқасида **ҳар бир инсоннинг ноёб ва бетакрор** эканлиги тўғрисидаги таълимот, яъни руҳнинг мангу эканлиги гоёсидан келиб чиқувчи таълимотдир. Бу билан насронийлик инсонни тақдир қўлидаги оддий ўйинчоқдан (қадимги дунёда инсонга шундай деб қаралган) Тангри Таолонинг беназир ижодиёти маҳсули, эркин иродали мавжудотга айлантирган.

Бу гоёлар насронийлик илоҳиётчиси, насроний фалсафа ва тарих асосчиси **Августин Аврелий** (354-430) асарларида кенг кўламда ривожлантирилган.

Августин инсонни Худонинг марҳамати билан эркин иродага (*Iiberum arbitrium*) эга бўлган мавжудот деб ҳисоблаган. Бу инсон эркинлиги унинг ҳуқуқлари каби ҳурмат қилинмоғи зарурлигини англатади. Августин «Илоҳий шаҳар ҳақида» деган асарида **тинчлик, тинч-тотув яшаш** гоёсини халқнинг энг асосий бойлиги, қадрияти ва ҳуқуқи сифатида илгари сурган. Шу билан бирга у ҳуқуқнинг ижтимоий турмушнинг асосий қуроли тариқасидаги мавқеига шубҳа билан қараган. У Цицероннинг халқни «ҳуқуққа (*jus*) нисбатан розилик ва умумий наф йўлида бирлашган кўшлаб одамлар» сифатида таърифлаганлигига қўшилмаган ва нафақат Рим давлати, балки умуман ҳеч бир давлат ҳеч қачон чинакам ҳуқуқни билмаган² деб баралла айтган. Августин маж-

¹ Қаранг: Права человека: Учебник /Отв.ред.Е.А.Лукашева. М.,1999. С.58.

² Қаранг: Майоров Г.Г.Формирование средневековой философии. М.,1979. С.336.

бурловни ҳам, қулдорликни ҳам ўзича инсонийлик моҳиятидан келиб чиқадиган нарса деб ҳисобламаган ва уларни инсоннинг куфур кетиши, гуноҳ қилиши, гуноҳга ботиши оқибати, холос деб билган. Ана шундан келиб чиқиб, Августин ҳокимиятни дунёвий ва диний тармоқларга бўлиниши гоёсини, уларнинг бири-бирининг ишига аралашмаслик гоёсини асослаб берган.

Насроний ҳуқуқий тафаккурнинг яна бир ёрқин намоёндаси доминикочи роҳиб **Аквинулик Фомадир** (1226-1274). Насронийликда ўзига хос из қолдирган бу илоҳиётчи қадимги дунё мутафаккирларининг, энг аввало, Арастуинг сиёсий ва фалсафий гоёларини қайта ишлаш ҳамда католик черков эҳтиёжларига мослаштириш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширган. Фома табиий ҳуқуқ жамики жонли мавжудот учун умумий ва муштаракдир деб ҳисоблаган. Бу ҳуқуқ хоҳиш-ирода билан ўрнатиладиган ҳуқуқ билан мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли фақат ўз фойдаси ташвишини қиладиган ҳокимиятга қарши халқ қўзғалиши ва уни ағдариб ташлаши мумкин. Инсон, агар қонун ҳужжатлари табиий ҳуқуқ принципларини бузадиган бўлса, бундай қонун ҳужжатларига бўйсунма олмайди.

Оилани сақлаб қолишнинг талаб-эҳтиёжларига, тарбияга, одамларнинг кадр-қимматига зид бўлган йўл-йўриқларни Аквинулик Фома қонун демаган. Умуман ижобий (позитив) ҳуқуқ, агар у табиий ҳуқуққа зид бўлмасagina, ҳуқуқ бўлиши мумкин деб ҳисоблаган Фома.

Гарчи Ўрта асрлардаги юридик тафаккурда инсон ҳуқуқлари гоёси Рим ҳуқуқидагига нисбатан бирмунча камроқ учраса-да, XIII асрда Англияда парламентаризмни ривожлантиришда аячгина ўзгаришлар содир бўлган. Натижада, 1215 йили Эркинликларнинг буюк хартияси (*Magna Charta*) қабул қилинган. Мазкур ҳужжатда қонуннинг устунлиги принципи эълон қилинган ҳамда қуйи табақадагилар (тужжорлар ва деҳқонлар) учун муайян эркинликлар, маъмурларнинг бедодлигидан ҳимояланишнинг ҳуқуқий механизмлари назарда тутилган эди.

Бироқ, умуман олганда, ўрта асрлар ҳуқуқида насронийликнинг этикага оид гоёлари заиф акс этган бўлиб, бу ҳол насроний муаллифларнинг ҳуқуққа «бу дунё»нинг восита ва қуроли сифатида қарашларида намоён бўладиган анъанавий салбий муносабатга мувофиқ эди. Бундан ташқари якка худодликка асосланган бошқа динларда бўлгани каби насронийликда ҳам инсон ва унинг ҳаёти эмас, балки Тангри Таоло энг олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг ўзи қадриятга эга эканлиги гоёси фақат Уйғониш даврига келиб ҳуқуқий тафаккурда қарор топди.

4-§. Уйғониш даврида табиий ҳуқуқнинг ривожланиши

Уйғониш даври қадимги ва кўҳна анъаналарни, шу жумладан, ҳуқуқий анъаналарни шунчаки ўз-ўзидан тиклашни аңлатмайди. Айни шу даврда шахснинг ижтимоий келиб чиқиши, дини, жинси ва ҳоказолардан қатъий назар, ҳуқуқ субъекти сифатидаги илгари мавжуд бўлмаган тушунча юзага келган ва шаклланган¹. Бошқа жиҳатдан қараладиган бўлса, айни Уйғониш даврида насроний ҳуқуқий фалсафада илоҳий қонунларга насроқ назар билан қараб келинган қонун, ҳуқуқ тушунчалари оқланган ва тикланган.

Ана шу гоаяларни флоренциялик мутафаккир ва давлат арбоби *К.Салютати* (1331-1406) асарларида учратамиз. «Қонунларнинг мақсади, - деб ёзган у, - инсон ҳаракатларини бошқаришдан иборат. Бинобарин, уларнинг предмети - бир неъмат, лекин бу шунчаки неъмат эмас, балки умум учун керакли, бизларни яхшиликка бошловчи муқаддас неъматдир. Биринчиси - табиий неъмат бўлиб, унинг учун бизни мақташ ўринсиздир». «Халқнинг эътиборига етказиладиган қонунлар, - деб ҳисоблаган Салютати, - хато ва янглишишларни йўқ қилади ҳамда халққа хос табиий оқилликни ўзига жо этган бўладики, буни ҳар қандай ақли салим киши кўради ёки фикрлаш ва баҳслашиш асносида аниқлаб олиши мумкин»². Салютати кўкларга кўтариб мақтаётган қонунлар маънавий ҳаётнинг принциплари, ижтимоий ҳаёт, кишилик жамиятининг қалбидир; улар инсоний мулоқотнинг бор гўзаллиги билан намоён бўлишида асос бўлиб қолади.

«Қонунларни ҳеч қачон етарли даражада мақтамайдилар; улар деҳқонларни, шаҳарликларни, бою бадавлатларни тизгинлаб туришдан ташқари судьялар ва магистратларни чеклаб, измида тутиб туради, подшоҳларни бошқаради, синьорлар устидан ҳукмронлик қилади, императорлар узра ўз ҳукминин намоён этади... кучсизларни кучлилардан ҳимоя қилади, тенглар ўртасида тотувлик ва келишувни сақлаб туради...»³

¹ Рус ҳуқуқшуноси Л.М.Баткин таъкидлаганидек, «Ғарб» ва «Шарқ» тушунчалари биринчи бор келиб чиққан бир пайтда, янги даврга ўтишда муҳим аҳамият касб этган Европанинг ижтимоий-маданий моделлари (қадимги ва яҳудийлик-насонийлик моделлари) тафсилотларини инобатга олганда, бунга қадар Мен категорияси ё салбий баҳолаб келинган ёки уни ўз-ўзича идрок этилмай, унга контекстдаги аллақандай (ижтимоий) қўшимча сифатида қаралган, холос». Қаранг: Баткин Л.М. Итальянское Возрождение в поисках индивидуальностей. М., 1989, С.5.

² Қаранг: Гарен Э. Проблемы итальянского Возрождения: Избр. работы/ Вступит.статья и ред. Л.И.Брагиной. М., 1986. С.53.

³ Ўша жойда, С. 56.

Бироқ, айна Уйғониш даврига келиб юридик қонунларга бoшқача, танқидий муносабатлар ҳам юзага келди, қонунлар оломоннинг ўзига керак, ҳукмдорлар ва ҳокимлар учун шарт эмас, деган фикрлар ҳам кўриниб қолди. Салютатининг шоғирди *Л.Бруни* (1370-1444) ҳам айна шундай нуқтаи назар тарафдорларидан бири эди. Бруни ҳуқуқнинг фақат мажбурлов жиҳатини рўкач қилиб, унга яхши, хайрли эмас, балки нуқсонли нарса сифатида қараган ва уни ўрни ҳамда вақтига қараб ўзгариб турадиган серқусур нарса деб баҳолаган: «чунки Феррарада қораланадиган нарсалар кўпинча Флоренцияда қонуний деб ҳисобланади»¹. Унинг замондоши *П.Браччолини* (1380-1459) ҳуқуқ тўғрисида истеҳзо ва киноя билан фикр билдириб, буюк воқеалар ва хатти-ҳаракатлар асосан алоҳида олинган бир инсон иродаси кўпчиликнинг қонунларини барбод этган тақдирда содир бўлади, деган хулосага келган. «Фақат паст табақали ва қора халқ сизларнинг қонунларингиз билан боғланган, ҳуқуқ ришталари фақат шундайлар учун мавжуд. Ўз қадрини биладиган, дониш кишилар қонунларга муҳтож эмас. Улар ўз табиати ва билимига кўра хайрли ишларга ва яхши хулқ-атворга мойил бўлиб, ўзлари учун ҳаёт қонунини ўзлари белгилайдилар... Кучли кишилар кучсизларга, ёлланма ходимларга, қашшоқларга, дангасаларга, чўнтаги қуруқ кишиларга мослаштирилган қонунларни рад этадилар ва хоҳлаганча ўзгартираверадилар... Ҳақиқатда барча улкан ва хотирада сақланиб қоладиган қилмишлар адолатсизлик ва зўравонлик туфайли, яъни қонунларни бузиш оқибатида содир этилган»².

Шундай қилиб, инсон шахси эъзозланган Уйғониш даври инсон ҳуқуқлари концепциясини анчагина бойитди ҳамда инсон ҳуқуқларига тўғридан-тўғри антагонистик ғояни назарий жиҳатдан асослаб берди. Аниқроқ қилиб айтганда, қонунлар сиёсатнинг қурол ва воситаларидан бири, инсон ҳуқуқлари эса фақат бир кишининг - ўз қўли остидагиларнинг ҳуқуқларини ўз билгича тасарруф этувчи ҳукмдорнинг ҳуқуқларидир, холос. Бунга қадар на Фарб, на Шарқ ҳуқуқий тафаккурида маълум бўлмаган бундай волюнтаристик ёндашув XX асрда кўпдан-кўп тоталитар ва авторитар тузумларга ғоявий асос, мафкуравий пойдевор бўлиб қолди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида инсон ҳуқуқлари ғоялари қандай ўрин тутди?

² Қаранг: Ракитская И.Ф. Леонардо Бруни Аретино (1370-1444) и политико-правовая мысль кватроченто//Правоведение. 1980. №5, С.105.

¹ Қаранг: Гарен Э. Проблемы итальянского Возрождения: Избр.работы/Вступит.статья и ред. Л.И.Брагиной. М., 1986. С.55-56.

2. Инсон ҳуқуқлари ғояларининг тарихий ривожланишини қайси даврларга бўлиш мумкин?

3. Қадимги Юнонистонда инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳуқуқшунослардан кимларни биласиз?

4. Қадимги рим ҳуқуқшунослари инсон ҳуқуқлари ғоялари ривожига қандай ҳисса қўшганлар?

5. Ўрта асрларда Европада инсон ҳуқуқлари ғоялари ривожланишининг хусусиятлари нималардан иборат?

6. Уйғониш даврида инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожига табиий ҳуқуқ назарияси қандай таъсир кўрсатган?

Тўртинчи мавзу.

Қадимги ва Ўрта асрларда Шарқда инсон ҳуқуқлари ғояларининг ривожланиши

«Башарти ҳамма ерда инсоний қадр-қиммат тўғрисидаги гамхўрлик Фарбдан келиб чиққан ғоя, деб ҳисоблашга кўникиб кетилган бўлса ҳам, лекин бу мазкур ғоя тамомила Фарбнинг ўзига тегишли деган маънони англатмайди. Бордию, инсон ҳуқуқлари Фарбнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улуши бўлса, бу цивилизация замирида бутун Фарб дунёсини, Фарб ва Шарқни тушуноқ керак. Бугунги кунда ана шу иккала қутб ўртасида инсоний қадр-қиммат туйғусини имкон қадар кўпроқ қаноатлантириш муддаоси билан янги мулоқот бошланаётганлиги гоят ажиб ипдир»¹.

С.Маркус Эльмонс,
бельгиялик профессор

Шарқ ва Фарбга қатъий тарзда бўлиниш Қадимги дунёга ҳам, Ўрта асрларга ҳам хос эмас. Бу нарса Фарбда фақат Уйғониш даврида юзага келган, айни пайтда Шарқ тафаккур оламида бундан асар ҳам бўлмаган². Юнон-Македония, Рим, Византия ва Усмония империяларида европаликлар ҳам, осиелик ва африкаликлар ҳам

¹ Қаранг: Маркус Эльмонс С. Права человека в национальной и международной перспективах //Права человека в истории человечества и в современном мире/Отв.ред.Е.А.Лукашева.М.,1989.С.131.

² Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Тошкент, 1998.

яшагани боис улар ўртасида маданий алмашинув жараёни узлуксиз кечган. Чунончи, «ғарбий» Рим ҳуқуқи «шарқий» яҳудийлар ҳуқуқига, қолаверса, «ғарбий» насронийлар ҳуқуқига таъсир этган, ана шу насроний ҳуқуқ эса мустамлака босқинлари даврида кўпгина «шарқий» ҳуқуқий анъаналарга ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабли ҳам инсон ҳуқуқлари Шарқда қандай шаклланганлигини таҳлил этмай туриб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг келгуси ривожини англаб олиш қийин¹.

1-§. Зардуштийлик ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари

Зардуштийлик исломга қадар бўлган ўз ривожининг неча минг йиллик даврида ўзига хос диний-фалсафий тизим сифатида шаклланган ҳамда Марказий Осиё ва Эрон халқларининг аксарияти учун ҳуқуқнинг универсал манбаи бўлган. Ҳуқуқшунос Н.Сафо-Исфиҳонийнинг таъкидлашича, «қонун тушунчаси зардуштийликнинг илк босқичлариданоқ унинг муҳим таркибий қисми бўлган. Зардуштийликка хос муқаддас китобнинг учдан бир қисми турли босқич ва соҳадаги қонунга тааллуқли эди», зардуштларнинг «амалий қонулар»ни ўзида мужассам этган муқаддас китоби - Авестонинг мақсади эса «ҳар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган уюшган, гуллаб-яшнаётган жамият барпо этиш»²дан иборат бўлган. Зардуштийлик ҳуқуқининг диний хусусиятига қарамай, этник мансублиги, дини, ёши, жинси ва қайси табақадагилигидан қатъий назар шахс ҳуқуқлари унда Рим ҳуқуқидан кам бўлмаган даражада шаклланган ва қарор топган. Шу боис тадқиқотчилар зардуштийлик қонуни «одамларнинг хоҳиш-иродаси эркинлигига эътибор беради»³ деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Ҳуқуқшунос олим А.Г.Периханян зардуштийлик ҳуқуқида «хотин-қизлар эмансипациясининг айрим унсурлари»⁴ намоён бўлганлигига эътиборни қаратади. Аёл киши шахсий мулк ҳуқуқига эга бўлиб, уни хайрия мақсадларида мустақил тарзда ишлатиши, шунингдек, мустақил тарзда даъвогарлик қилиши ва гувоҳлик кўрсатмалари бериши мумкин бўлган. Зардуштий-

¹ Қаранг: Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 1998.

² Қаранг: Safa-Isfehani N. Rivayat-i Hemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). Cambridge, 1980. Vol. 2.P.I.

³ Қаранг: Idid. P.X.

⁴ Қаранг: Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. М., 1983. С. 87.

лик ҳуқуқида никоҳ аҳдлашувчи томонлар - никоҳланувчиларнинг икки тарафлама танлови самараси деб ҳисобланган ва фақат шундан кейингина ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган¹ (бу нарса ҳозирги кунда бўлганидек, ота-оналар ва васийлар томонидан мажбурлов ҳоллари бўлишини истисно этмаган). Никоҳ шартномалари муайян муддатга, одатда ўн йил муддатга тузилган, ана шу муддат тугаганидан кейин ҳар икки томоннинг азму қарори билан никоҳ янгидан тузилган. Оила моногам, яъни бир никоҳли асосда қурилган. Тўғри, эр ўз хотинини унинг розилигисиз бошқа эркакка муваққат никоҳга беришига йўл қўйилган, лекин бунда у хотини ана шу муваққат никоҳдан орттирган болаларни ҳам ўзининг қонуний болалари ва ворислари деб эътироф этиши шарт бўлган². Бу ҳол табиийки, эр киши учун жиддий тушов бўлиб хизмат қилган.

Аёлларнинг ҳуқуқи, эр судда хотинини ўзига бўйсунмаганликда, итоатсизликда айблаган тақдирда ҳам, инобатга олинаврган. Шунини таъкидлаш жоизки, ўша даврдаги бошқа диний тизимларда бўлгани каби зардуштийликда ҳам хотиннинг итоатсизлиги, бўйсунмаганлиги энг оғир гуноҳлардан бири деб ҳисобланган. «Эрининг измига юрмайдиган, унинг буйруғини бажармайдиган аёлни хотин деб ҳисобламаслик керак»³, - дейилади ўрта асрларда ёзиб қолдирилган форсий насиҳатлардан бирида. Шунга қарамай, бундай қилмиш уч марта содир этилиб, суд тартибидида оммага эълон қилинган тақдирдагина эр «итоатсизлик, бўйсунмаслик тўғрисидаги расмий ҳужжат»ни олар ва шундан кейингина хотинига нисбатан даъво қўзғашни мумкин бўлган. Аммо ана шундай бўлган тақдирда ҳам аёл киши ўзига қўйилаётган айбловни омма олдида рад этиш ва ўзининг айбсизлигини исботлаш ҳуқуқини сақлаб қолган. Акс ҳолда у ўзига тегишли бор мол-мулк эрининг фойдасига ўтиб кетишига қарши ҳеч нарса қила олмаган⁴.

«Авесто, дейди С.Г.Ганбаров, туғилган ва ҳали дунёга келмаган болаларнинг ҳуқуқларини қатъий муҳофаза этган»⁵.

¹ Қаранг: Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Баку, 1992. С.12.

² Қаранг: Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. М., 1983. С.87-88.

³ Қаранг: Изведать дороги и пути праведных: Пехлевийские назидательные тексты/Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий, глоссарий и указатели О.М. Чунаковой. М., 1991. С.84.

⁴ Қаранг: Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. М., 1983. С.88.

⁵ Қаранг: Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Баку, 1992. С.12-13.

Вояга етмаган болаларни ота-онасидан олиб кетиб қолиш, уларни васийликсиз қолдиришга оғир жиноят сифатида қараган¹. Болаларни гўдаклигиданоқ ўқитиш, илмли қилиш тавсия этилган. «Агар ўғлинг бўлса, - дейилади «Адурбаднинг ўтитлари» да, - уни болалигиданоқ мактабга бер, зотан билим кўз нуридир»².

Гарчи ўша даврдаги бошқа динларда бўлгани каби зардуштийликда ҳам қулдорлик қораланмаган бўлса-да, зардуштийлик ҳуқуқига кўра қул муайян ҳуқуқларга эга бўлган. Айрим ҳолларда у ўз хўжайинига қарши даъво қўзғатиши мумкин бўлган. Ана шундай ҳоллардан бири зардуштийликнинг Тақдир китобида эслатиб ўтилган³.

Умуман олганда, зардуштийлик ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилишдан ташқари жамият ҳаётининг ҳуқуқ билан боғлиқ барча соҳаларини ўзида тўлиқ жамлашга интилган. Зардуштийлик динининг ана шу хусусияти уни яҳудийлик (иудаизм) ва насронийлик билан бир қаторга олиб чиққан. Шу боис ўз ҳуқуқий тизимини яратиш у ёқда турсин, ҳуқуқий муносабатларга киришишдан умуман ўзини четга оладиган мажусийлар - гностиклар, буддапарастлар ва монихейлардан фарқлаш учун зардуштийлар, яҳудийлар ва насронийларни мусулмон илоҳиётчилари «қонун кишилари» (афтидан «ўз қонунлари бор кишилар») деб ҳисоблашлари бежиз эмас.

2-§. Қадимги ҳинд ҳуқуқида инсоннинг ҳуқуқ ва бурчлари

«Ҳинд ҳуқуқи Ғарбдагидек ҳуқуқлардан эмас, балки бурч ва мажбуриятлардан бошланади», - деб таъкидлайди Д.М.Браун⁴. Ҳинд ҳуқуқ тизими жаҳондаги энг қадимий тизимлардан биридир. Миллоддан аввалги II минг йилликнинг турли даврларида ва ҳатто ундан ҳам олдинроқ яратилган ҳинд диний қўшиқлари, дуолари, мадҳиялари ва ўтитлари тўпламлари - ведалари кўҳна матнлардан иборат бўлиб, уларнинг айрим мисраларини ахлоқ қоидалари, хулқ-атвор қоидалари сифатида талқин этиш мумкин.

¹ Қаранг: Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. М., 1983. С. 248.

² Қаранг: Изведать дороги и пути праведных: Пехлевийские назидательные тексты/Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий, глоссарий и указатели О.М.Чунаковой. М., 1991. С. 78.

³ Қаранг: Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. М., 1983. С. 37.

⁴ Қаранг: Brown D.M. The White Umbrella: Indian Political Thought from Manu to Ghandi. Los Angeles. 1953. P. 16.

Агар Қадимги Римда анчагина етук ҳуқуқий институтлар пайдо бўлган, яъни ҳуқуқнинг ривожини уни диний шакллардан халос этиш билан қўшиб олиб борилган бўлса, Қадимги Ҳиндистонда ҳуқуқий институтлар билан нормалар мусулмон ҳуқуқида бўлгани каби диний қобиқда шаклланган. Н.А.Крашенинникова ёзганидек, ҳинд ҳуқуқининг тадрижий ривожига хос нарса секуляризация жараёни эмас, балки диний шакллар билан боғлиқлик хусусияти ўзгариши, ҳуқуқий ва диний шакллар муносабатидаги ўзгаришлардир¹. Ҳуқуқий ва диний шакллар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини давлат ҳокимияти ўтаган².

«Қадимги Ҳиндистонда шахс ҳуқуқлари концепцияси шаклланмаганлиги у ерда бедодлик ҳукм сурган ёки хавфсизлик доимо таъминланган эмас, деган маънони англатмайди. Ҳар қандай жамиятда муайян чегара мавжуд бўлиб, шахс ана шу чегара доирасида эркин ва тажовузлардан холи этилган деб ҳисобланади. Ана шу чегаралар расм-русм, урф-одатлар билан қанча кўп таъмин этилса, улар шунчалик пухта бўлади. Шахс ҳуқуқлари тўғрисидаги масала ўртага қўйилишининг ўзи реал аҳволдан, эркинлик чегараси ва қадимги жамиятларнинг аксарияти каби Ҳиндистон ҳам эриша олмаган сиёсий индивидуал онг даражасини ўзгартириш, кенгайтиришга қаратилган ҳаракатлардан қониқмаслик тақозосидир. Қониқмаслик ҳуқуқлар тўғрисидаги тасаввурдан эмас, балки ҳар бир кишига жамиятда ажратилган ўрин тўғрисидаги тасаввурдан келиб чиқадики, бу нарса ана шу одамнинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси табақа, тоифага мансублиги билан белгиланади»³.

Буддизмда шахс эмансипацияси йўлида олга томон муҳим қадам қўйилган. Буддизм жиноятни адашиш, янглишиш деб ҳисоблаган, шу сабабли буддапарастлар биринчилар қатори ўлим жазоси қўлланишини рад этганлар ҳамда маҳжумларга нисбатан инсонпарварлик билан муносабатда бўлишни тарғиб қилганлар. Буддапараст муаллифнинг ҳукмдорга қаратилган ўғитида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Ҳатто улар (сенинг маслаҳатчиларинг) қонунга биноан жазо қўллаб, қамоққа ташлаш ёки дарра уриншни тайинлаган бўлсалар ҳам сен раҳмдиллик йўлини тутиб,

¹ Қаранг: Крашенинникова Н.А. Индусское право: История и современность. М., 1982. С. 8.

² Қаранг: Крашенинникова Н.А. Права человека в Индии: традиционализм и современность // Права человека: итоги века, тенденции, перспективы / Под общ. ред. Е.А. Лукашева. М., 2002. С.321-322.

³ Қаранг: Мартышин О.В. Политическая и правовая мысль древней Индии // История политических и правовых учений: Древний мир / Отв. ред. В.С. Нерсисянц. М., 1985. С.155.

шафқат-мурувват қилиб, албатта авф этиш ҳаракатида бўл. Эй, шаҳаншоҳ, раҳмдиллик ва қилган яхшилигинг шарофати билан бор мавжудот, ҳатто оғир жиноят содир этган кимсаларнинг ҳам ўй-фикри ва нияти муттасил яхшилаиб боради. Айниқса, оғир жиноят содир этган ёвуз жиноятчиларга раҳмдиллик ва мурувват кўрсатилмоғи керак, зеро тубанликка тойганлар қалби буюк одамларда, айниқса, кўпроқ раҳм-шафқат уйғотади. Ҳолати расм бўлиб қолган, заифлашган маҳбусларни ҳар куни ёки ҳар беш кун оралатиб озод қил, қолганларини эса вазиятга қараб банддан халос эт. Ҳеч кимни ҳибсда узоқ тутма. Бордию, сен озод этишни хоҳламаётган кишилар бор экан, бу нарса сенинг туйғу ва ҳиссиётларинг жиловланмаганлигидан далолат беради. Ана шу тизгинсизлик натижасида сенинг айбинг муттасил орта боради. Ҳамонки улар тутқунликда экан, улар бор нарса ва имкониятлардан баҳраманд бўлсинлар - соч-соқолни олдириш, ҳаммомга тушиш, ея-ичарда, дори-дармон ва кийим-кечак олишда қийинчилик сезмасинлар... Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб, чамалаб, шундай қилгинки, тамомила бузуқлик ботқоғига ботган кишилар, ҳатто қотиллар салтанатингдан ҳайдаб чиқарилса чиқарилсин-у, лекин уларни асло жазолама, уларга зарар етказишдан тийил»¹.

Қотиллик содир этган кишини, агар у, биринчидан, қотиллик қабоҳат эканлигига иқрор бўлган бўлса, иккинчидан, уни қасддан содир этмаган, тасодифан шундай ишга қўл урган бўлса, буддизм айбдор ҳисобламаган².

Шундай қилиб, ҳинд ғоя ва тафаккури инсон ҳуқуқлари гоёсидан холи эди деб бўлмайди: бундай ҳуқуқлар шахсий маънавий камол топиш ва расм-русмларга риоя этиш гоёсига ён берганлиги боис ҳаминша ҳам кўзга яққол ташлана қолмайди, холос.

3-§. Яҳудийликда (иудаизмда) инсон ҳуқуқлари

Яҳудийликда (иудаизмда) шахс ҳуқуқларининг таг-заминли омили инсон ҳаётининг мутлақ ва шак-шубҳасиз қадрият эканлигига бўлган ишончдан иборатдир. Бу ишонч Тангри Таолонинг яратувчилик режасида шахснинг беазир қадрият эканлигига асосланган бўлиб, Библия йўналишидаги адабиётларда ҳам, Талмуд анъаналарида ҳам турлича талқин этилади. Тарихий иудаизм учун ҳосила ва асос бўлган библиявий нуқтаи назар қадимги

¹ Қаранг: Андросов В.П. Нагарджуна и его учение. М.,1990. С.151.

² Ўша жойда. С.173,174,408.

Яқин Шарқ ҳуқуқидан кескин фарқ қилади. Қадимги Яқин Шарқ ҳуқуқида, хоҳ у Вавилон, Ассирия ҳуқуқи бўлсин, хоҳ у Хетт ҳуқуқи бўлсин, аниқ нисбат кўзга ташланади: ҳаёт ўзининг иқтисодий қадр-қимматига эга, айни бир вақтда мол-мулк тегишинча ҳаётий ифодада баҳоланади. Чунончи, Хетт ҳуқуқида қотилларнинг жазоси «қонга-қон» тарзида эмас, бошқа кишиларга муодала йўсинида ижтимоий бойликни бериш шаклида ифодаланиши ҳам мумкин.

Библия ҳуқуқида одамлар билан мол-мулк ўртасида боғлиқлик йўқ, инсоний қадрият билан иқтисодий бойлик ўртасида мутаносиб равишдаги алмашинув, яъни муайян оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳолат ҳам йўқ. Жумладан, қадимги Исроилда қасддан қилинган қотиллик учун ўлим жазоси берилса-да, лекин бу иш ўч олиш маъносида қилинмайди. «Қотил томонидан содир этилган ўлим гувоҳини сен ўз ҳаётинг билан ювмаслигинг керак, дейилади қонунда, лекин унинг ўзи ҳеч шубҳасиз ўлимга мустаҳиқ этилмоғи лозим» (Нит. 35;31). Инсоннинг ҳаётига зомин бўлган қотиллик учун ана шу оғир жазо нормасида биргина истисно назарда тутилган. Ана шундай истиснога, агар қотиллик шахсан содир этилмаган бўлса ёки зарар етказиш ниятида амалга оширилган бўлмаса, айтайлик, қутуриш даражасига етган ёвуз буқанинг эгаси бепарволиги, эҳтиётсизлиги оқибатида одам ўлган бўлса, йўл қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, гарчи қонун буқанинг эгасига ўлдирилган шахснинг оиласига улар айтган пулни тўлаш имконини берса-да, бевосита қотилликка сабабчи бўлган ҳайвон (буқа) бўғизлаб қўя қолинади.

Ана шу қимматли принцип Яқин Шарқ ҳуқуқидаги жазога нисбатан Библия ҳуқуқида қаттиқроқ жазолар қўлланилганлигини изоҳлаб беради.

4-§. Конфуцийчиликда инсон ҳуқуқлари

Конфуцийчилик¹ 1911 йилги инқилобга қадар Хитой империясида давлат мафкурасининг асоси бўлиб келган. Конфуцийчиликка кўра инсон ва Тангри, осмон ва ер, жамики жонли ва жонсиз нарсалар уйғун, батартиб ва ягона коинотнинг узвий қисмларидир. Шу сабабли инсоннинг олий мақсади - ўй-фикрла-

¹ Бу таълимотнинг асосчиси Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (Кун-цзи, милоддан аввалги 551-479 йиллар) бўлиб, унинг айтганларини, ҳикматли сўзларини шоғирдлари янги эрадан аввалги V асрда «Лунь-юй» («Сўхбатлар ва мулоҳазалар») деган китобга жамлаганлар. Қаранг: Древнекитайская философия. М., 1972. Т.1.

ри, туйғу ва ҳиссиётлари, хатти-ҳаракатлари коинот билан энг юксак даражада уйғун бўлишга интилишдан иборат бўлмоғи керак, хусусан, одамлар ўртасидаги мавжуд табиий мувозанатни бузмасликка, унга раҳна етказмасликка ҳаракат қилмоқ лозим. «Тўғри» ахлоқ қоидалари «ли» деб юритилган бўлиб, уларнинг моҳияти одамнинг ижтимоий мавқеига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, бу қоидалар одамнинг оиладаги, уруғ-аймоқдаги, қўшнилар орасидаги, расмий шажарадаги ва давлатдаги мавқеига қараб татбиқ этилган. Шундай қилиб, «ли» ёки тўғри ахлоқ қоидалари ҳар бир вазият учун, кексалар ва ёшлар учун, номдор шахслар ва шаҳарликлар учун жуда пухта белгилаб қўйилган. Бу қоидалар қариндош-уруғлар, дўст ва ошна-оғайнилар, бегоналар ўртасидаги, ота билан ўғил, ака билан ука, эр билан хотин ўртасидаги муносабатларни белгилаб берган. Конфуцийчилик таълимотига биноан оламнинг табиий тартибини тушуниб етадиган, бу ахлоқ қоидаларининг зарур эканлигини ва мўлжалланган аҳамиятини тан оладиган, уларни ихтиёрий равишда адо этадиган ҳамда шу йўл билан уйғунликни сақлаб қолиш мақсадида ўз манфаатларига эрк бермайдиган киши энг мукамал шахс ҳисобланган.

Конфуцийчиликдаги инсон ҳуқуқлари концепциясини таърифлаганда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир:

биринчидан, адолат ғоясининг тенглик ғоясидан устунлиги. «Конфуцийчилик ижтимоий тафовутни ҳаётга хос нарса сифатида қабул қилган ва тенг бўлмаганларга нисбатан адолат тантана қилиши учун ёш, жинс, ижтимоий мақомдаги фарқлар эътиборга олиниши лозим деб ҳисоблаган»¹;

иккинчидан, одат/ расм-русмининг қонундан устунлиги;

учинчидан, масъулият/ бурчнинг ҳуқуқлардан устуворлиги;

тўртинчидан, ўзини ўзи камол топтиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳитни мукаммаллаштиришдан устуворлиги;

бешинчидан, халқ ҳуқуқининг шахс ҳуқуқидан, ҳатто ҳукмдор ҳуқуқидан устуворлиги.

Милоддан аввалги 479-400 йилларда яшаб ўтган Мо-цзининг ёзишича, самовий амрга, яъни анъанавий конфуцийчилик маънавиятига риоя этмаган ҳукмдорни халқ ағдариб ташлаши мумкин. «Конфуцийчиликнинг табиий ахлоқ доктринаси... инсоннинг муайян ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун асос яратиб беради»².

¹ Қаранг: De Bary Th. W. Neo-Confucianism and Human Rights // Human Rights and the Worlds Religions. Ed. by L.S. Rouner. Notre Dame. 1988. P. 186.

² Қаранг: Ibid. P. 189.

Ҳуқуқ нормаларига ёки бу нормаларнинг судларда мажбурий тарзда ижро этилишига конфуцийчиликнинг сира рағбати йўқ эди. Ҳар қандай ҳуқуқ ҳаётдаги муносабатларни соддароқ тарзда, муайян йўналишда тартибга ва шаклга солишни назарда тутганлиги сабабли уни тарафларнинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ хилма хил омилларнинг ҳаммасини инobatга олади дейиш қийин. Конфуцийчиликда юридик ҳуқуқлар суд қарорлари воситасида ўрнатилиши унча маъқул кўрилмайди. Конфуцийчиликнинг этикага оид таълимотига кўра кимнингдир хатти-ҳаракати оқибатида бирон фуқаро ўзига нисбатан «ли» қоидаларига беписандлик қилинди, деб ҳисоблаётган бўлса, низои у муҳокама йўли билан, эҳтиросларга берилмай, хотиржам, вазминлик билан ҳал этишга интилиши, юзага келган келишмовчиликни ўз ҳуқуқларини ҳадеб рўкач қила бериш ёки судьяга даъво-шикоятбозлик қилиш билан алангалашиб юбормаслиги лозим. Мулоҳим, хушфезл ва яхшилиқ ахтарувчи киши низо ва можаро чиққанда вазмин-босиқ, етказилган адолатсизликка нисбатан сабрли бўлиш билан жамият олдида ҳам, Тангри олдида ҳам ғолибликка ноил бўлади. Судга мурожаат қилиш ёки содир этган қилмиши учун замондошини омма ўртасида фош этишга уриниш билан жамоат осойишталигини бузган кимса камтар, муросасоз бўлишдек энг яхши фазилатлардан бебаҳра, қўнол, тўпори ва тарбиясиз киши деб ҳисобланган¹.

5-§. Мусулмон ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари

Мусулмон ҳуқуқи ўз заминида норматив тизим сифатида VII-X асрларда араб халифалигида феодал жамият қарор топаётган бир даврда шаклланган бўлиб, ислом динига асослангандир². Ислом мавжуд ҳуқуқ Аллоҳ томонидан юборилганлигига асосланади. Сарвари коинот тарихнинг муайян бир даврида башариятга ўзининг расули - Муҳаммад пайғамбар (тахминан 570 - 632 йиллар) орқали ислом таълимотини аён этди. Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳуқуқ инсониятга бир йўла ва абадул абад берилган. Шу боис жамият бу ҳуқуққа амал қилмоғи, бинобарин, муттасил ўзгариб турувчи ҳаётнинг ижтимоий шароитлари остида ўз ҳуқуқини яратишга уринмаслиги лозим. Тўғри, мусулмон ҳуқуқи

¹ Қаранг: Королев С.В. Китайская концепция прав человека//Право человека: итоги века, тенденции, перспективы/ Отв.ред.Е.А.Лукашева. М., 2002. С. 367-401.

² Қаранг: Human Rights in Islam. Kuwait University, 1982.

назарияси илоҳий кашфиёт тушунтириш ва шарҳлашга муҳтож эканлигини эътироф этади. Мусулмон ҳуқуқшуносларининг неча асрлик сермашаққат ишлари айни ана шунга, яъни тушунтириш ва шарҳлашга кетган. Бироқ уларнинг бу саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқ яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан нозил бўлган ҳуқуқни фақатгина амалий жиҳатдан фойдаланишга мослаштиришга қаратилган, холос.

Мусулмон ҳуқуқида Римнинг кейинги даврига оид ҳуқуқдаги, қолаверса, Ғарб ҳуқуқига хос қонун тушунчаси йўқ. Назарий жиҳатдан ёлғиз Аллоҳ қонунчилик ҳокимиятига эга. Амалда эса ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг бирдан-бир манбаидир. Мусулмон ҳуқуқи хусусий мутахассислар томонидан яратилган ва ривожлантирилган. Давлат эмас, балки фикҳ - ҳуқуқ илми қонун чиқарувчилик ролини ўйнайди¹. Ҳуқуқ муайян нормаларнинг мажмуи сифатида ислом амал қила бошлаган дастлабки икки аср мобайнида шаклланди. Кейинги асрлар амалда бу борада ҳеч бир янгилик киритмаган. Ана шу турғунликни ижтиҳод эшикларини ёпилишига боғлайдилар. XIX асрга қадар мусулмон ҳуқуқий онгининг тадрижий ривожидиний-ҳуқуқий шарҳлар ҳамда фатволар мажмуида ўз ифодасини топган. Бу шарҳ ва фатволар эса шариаатнинг анъанавий қоидалари ва принципларини янгича тарзда талқин этар эканлар, ҳеч қачон уларни очикдан-очик рад этмаганлар ва уларнинг одатий жарангини ўзгартирмаганлар².

Ислом насронийлик каби руҳ абадийлиги гоёсига эътиқод қилади. Унда бани башар Одам Атонинг тенг ҳуқуқли фарзандлари сифатида қаралади. Мусулмонлар ўз қаламравларидаги кофирларга, бединларга ҳаминша сабр-муроса билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик фазилатини намоён этиб келганлар. Номусулмон жамоаларга одатда ўз ички ишларини бошқариш ҳуқуқи берилган.

Арабларнинг исломгача бўлган урф-одатлари ва удумларига нисбатан исломда қашшоқлар, етим-есирлар ва аёлларга муносабатда анчагина илғор тамойиллар кўзга ташланади. Гарчи қулдорлик сақланиб қолган бўлса-да, қулларга юридик ҳуқуқлар берилган, улар, хусусан, ишлаб топган маблағлари асосида ҳақ тўлаб озод бўлиш ҳуқуқини олганлар. Мажбурий тусда бўлмаса

¹ Қаранг: Schacht J. Introduction to Islamic law. Oxford, 1966. P.5. Муфассалроқ билиш учун қаранг: Сюкияйнен Л.Р. Доктрина как источник мусульманского права//Источники права. М., 1985. С.65-83.

² Қаранг: Хайдарова М.С. Основные направления и школы мусульманского права //Мусульманское право. М., 1984. С.47.

ҳам, ҳар қалай қулларнинг озод қилиниши дин шарофати билан содир бўладиган ҳаракат сифатида қўллаб-қувватлаб келинган. Илгари кенг тарқалган қиз болаларни гўдаклигидаёқ нобуд этиш, йўқ қилишдек ваҳший одат тақиқланган. Қотиллик учун шахсий ўч олганлик ёки бошқа жинойи қилмишлар юзасидан жавобгарлик кучайтирилган. Одил судлов дин пешволари томонидан Қуръон оятларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилган. Муқаддас китоб - Қуръонда эр-хотин ажралиши тўғрисидаги нормалар, никоҳ бекор бўлиши оқибати болалар учун келтириб чиқарадиган қоидалар ҳам қамраб олинган.

Инсон ҳуқуқлари гоёси диний ва ҳуқуқий асарлардагина эмас, фалсафий тафаккурнинг энг сара меваларида ҳам ўз аксини топган. Марказий Осиёнинг энг йирик мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий (873-950) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» деган асарида айтган, фозил шаҳар ҳукмдори «шаҳар учун дастлабки имомлар томонидан жорий этилган қонунлар, қоидалар ва расм-русмларни биладиган, ёдда тутадиган ва ўз ишлари, ҳаракатларида уларга риоя этадиган» бўлмоғи лозим¹. Бошқача қилиб айтганда, фозил шаҳарда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг асосий омили бўлган қонун устуңлигига риоя этилмоғи лозим. Ер юзида бахт-саодатга эришувнинг шартларидан бири ҳам шу. «Агар халқлар бахт-саодатга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берадиган бўлсалар, бутун курраи замин фозил ва оқил бўлиб қолади»², - деб ёзган Форобий инсонпарварлик соҳасида, муруватпешаликда, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорлик имкониятларини олдиндан кўргандек.

Шу сабабли, Э.Мейер таъкидлаб айтганидек, «ислом тафаккур олами инсон ҳуқуқларининг ривожланган назариясига эга бўлмаганлиги факти мусулмон дунёсининг анъанавий жамиятларида давлат репрессив намунада тузилганлигини англамайди; аксинча тарихан бундай жамиятларда ижтимоий ва маданий масалаларга ҳукмдорларнинг аралашмаслигидек умумий намуна мавжуд бўлган. Ўтмишда қарор топган анъаналар, уруғ-аймоқ ва жамоалар сингари ноҳукумат институтлар шахс эркинлигига таъсир этувчи омиллар сифатида ҳукмдорларга нисбатан муҳимроқ роль ўйнаган. Давлат билан шахс ҳуқуқлари ўртасида мутасил низо ва можаролар келтириб чиқарадиган ёки ислом мута-

¹ Қаранг: Фараби. Трактат о взглядах жителей добродетельного города/Пер. А.В.Сагадеева//Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. М., 1960. С.165.

² Там же. С. 157.

фақкирларини бундай эркинликларни ҳукмдорлар эгаллаб олишидан ҳимоя этиш билан инсон ҳуқуқларининг ҳозирги нормалари ривожига замирида ётган ташвиш-андуҳлар билан боғлиқ масалалар устида иш олиб боришга ундайдиган шарт-шароитларнинг ўзи йўқ эди»¹.

6-§. Хулосалар

Шундай қилиб, Фарбада бўлгани каби Шарқда ҳам инсон ҳуқуқлари ғояси Янги давр келгунга қадар мустақил ҳуқуқий хусусият касб этмаган. Бу минтақаларда улар Европада бўлгани каби диний ва фалсафий таълимот ўзанида ривож топган. Ана шу ғояларнинг аксарияти Шарқдан Европага узлуксиз равишда кириб борган ва махфий таълимот, оқим ҳамда бидъат, хурфот шаклида тарқалган. Яқин Шарқда юзага келган яҳудийлик (иудаизм) динининг ана шундай таъсири хусусида юқорида айтиб ўтилди.

Келиб чиқиши зардуштийликка бориб тақаладиган **митраизм** ва **монелик** сингари диний таълимотлар янги эранинг дастлабки асрларида Европада кенг тарқалган. Монелик ғоялари Европага Ўрта асрларда ҳам альбиликлар ҳамда катарлар таълимоти шаклида кириб борганди. Ўрта асрларнинг сўнги даврида Европада мусулмон мутафаккирларидан Ибн Рушд (1126 - 1198)², Ибн Сино (980 - 1037), Ибн Халдун (1332 - 1406) ва бошқаларнинг асарлари жадал таржима этилиб, кенг тарқала борди. XIX аср бошларида **буддизм** ва **ҳиндуизм** ақл-заковат эгалари ўртасида жуда кенг расм бўлган.

Ва ниҳоят, Маърифат даврининг кўпгина мутафаккирлари ҳамда Америка ва Франция инқилобларининг мафкурачилари масонликка³ мансуб бўлган. Зотан, **масонлик** дастлаб Шарқ таълимотларининг жуда кўп унсурларини ўзида мужассам этган. Инсон ҳуқуқлари тарихига оид илмий изланиш ва асарларда ма-

¹ Қаранг: Mayer A.E. The Dilemmas of Islamic Identity//Human Rights and the Worlds Religions. Ed. By L.S. Rouner (Boston University studies in philosophy and religion. Notre Dame, 1988. P.94-95.

² Ибн Рушд (лотинча Аверроэс деб юритилган) ҳақида шундай деб нақл қилишади: «Арасту табиатни, Ибн Рушд эса Арастунини тушунтириб берган».

³ Масалан, Монтескье («Горн» бўлими), Вольтер («Деятели Сестер» бўлими), Б.Франклин («Св.Иоанна» бўлими), Ж.Вашингтон («Александрия» бўлими). Қаранг: Моромарко М. Масонство в прошлом и настоящем. М., 1990. С. 263-266.

сонликнинг Янги даврдаги тарихий роли сафсата, сийқанамо гап тарзида баҳо бериб келинган бўлса-да, айти масонлар инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши ва тарқалишида салмоқли роль ўйнаган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимот Ғарб ва Шарқ таълимотларини бирлаштиришга ҳаракат қилган масонлар космополитизмининг қонуний самараси бўлиб қолган. Бироқ бу масала ҳанузга қадар етарлича ўрганилган эмас.

Такрорлаш учун саволлар

1. Зардуштийликда инсон ҳуқуқлари қандай ўрин тутган?
2. “Авесто”да инсон ҳуқуқлари қандай тартибга солинган?
3. Қадимги ҳинд ҳуқуқида инсон ҳуқуқ ва бурчлари қандай ўрин тутган?
4. Яҳудийликда инсон ҳуқуқлари қандай тартибга солинган?
5. Конфуцийчиликда инсон ҳуқуқлари концепцияси шакллانганми?
6. Исломда инсон ҳуқуқлари қандай ўрин туттади?
7. Шарқда инсон ҳуқуқлари концепциясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Бешинчи мавзу.

Янги даврда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоясининг ривожланиши

«Америка Қўшма Штатлари Конституциясининг шакл ва сайқал топиш жараёнидаёқ янги давлат, гарчи у черковдан ажратилган давлат сифатида дунёга келган бўлса-да, барибир очиқдан-очиқ Худога ишонган ва унинг шоҳидлигига таянган ҳолда бошқа нарсалар қатори замонавий эркинликлар хартиясини биринчилардан бўлиб таърифлаб берди»¹.

У.Черрони,
италиялик профессор

¹ Черрони У. Права человека. Демократия. Светская этика // Права человека в истории человечества и в современном мире // Отв. ред. Е.А.Лукашева. М., 1989. С. 52.

1-§. Маърифат даври мутафаккирларининг асарларида инсон ҳуқуқлари

«Ижтимоий кулфатлар ва ҳукуматларнинг нўноқлигига бирдан-бир сабаб нодонлик ҳамда инсон ҳуқуқларини унутиш ва уларни менсимасликдир»¹

Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси Муқаддимаси

Европада табиий ҳуқуқ ғояси ижтимоий аҳамиятининг энг баланд авжи феодализмнинг умумий танглиги шароитида кечган. Айни шу вақтда табиий ҳуқуқнинг оқилона назарияси узил-кесил шаклланган. Бу назария таниқли мутафаккирлар Г.Гроций, Б.Спиноза, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Д.Дидро ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Табиий ҳуқуқ назарияси феодализмни танқид қилиш билан ҳамда шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлик қилиши зарурлигини асослаш билан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги янғича тасаввурлари билан феодализмга қарши қаратилган ва миллий-озодлик йўналишидаги инқилобларни ғоявий тайёрлашга ва уларнинг натижаларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлашга катта улуш қўшган. Хусусан, давлат фаолиятининг келиб чиқиш манбаи ва ҳуқуқий асоси сифатида **ижтимоий шартнома** концепцияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. «Давлат, - деб ёзганди голландиялик ҳуқуқшунос **Г.Гроций** (1583-1645), - эркин кишилар томонидан қоидаларга риоя этишни ва умумий фойдани кўзлаб тузилган иттифоқдир»².

Г.Гроцийнинг ватандоши файласуф **Б.Спиноза** (1632-1677) «давлатнинг мақсади аслида эркинликдир»³ деб таъкидлаган, сўнгра «ҳар кимнинг фуқаролик ҳолатидаги табиий ҳуқуқи тугамайди»⁴ деб уқтирган. Зотан инсон табиий ҳолатда ҳам, фуқаролик ҳолатида ҳам ўз табиати қонунлари бўйича ҳаракат қилади: ўз фойдасини кўзлаб фикр юритади, қўрқув ва умид измида яшайди. Инсонни унинг табиий ҳуқуқларидан маҳрум этиш зулмга асосланган бошқарув усулига олиб боради.

¹ Қаранг: Декларация прав человека и гражданина 1789 г.//Международные акты о правах человека: Сб. документов. М., 1998. С.32.

² Қаранг: Гроций Г. О праве войны и мира. М., 1956. С. 74.

³ Қаранг: Спиноза Б. Избранные произведения. М.,1957. Т.2. С.261.

⁴ Там же. С.300.

Инглиз мутафаккири *Ж.Локк* (1632-1704) ҳар ким фуқаролик манфаатларини: ҳаёти, соғлиги, эркинлиги таъминланиши, сақланиши ва амалга оширилиши имкониятига эга бўлиши «ҳамда пул, ер, уй-жой, рўзгор ашёлари ва шу каби ташқи неъматларга эғалик қилиши» учун қанча ваколат зарур бўлса, давлат одамлардан худди шунча ваколат олади деб ҳисоблаган. *Ж.Локк*нинг фикрича, халқнинг суверенитети унинг ўзи томонидан барпо этилган давлатнинг суверенитетидан юқорироқдир. Шу сабабли золим ҳукмдорларга нисбатан халқ «арши аъло»га илтижо этиши ва куч қўлланиши шарт. «Бош ва буюк мақсад» ҳуррият тузумига давлатдаги ҳокимият ваколатларини тенг тақсимлаш йўли билан эришиш мумкинлиги хусусида *Локк* айтган фикр, айниқса, муҳимдир¹.

Ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ва бундай тақсимотнинг принциплари тўғрисидаги гоё француз мутафаккири *Ш.Л.Монтескье* (1689-1755) томонидан қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган. У ўзининг «Қонунларнинг руҳи тўғрисида» деган асарида шуни таъкидлаганки, ҳар бир давлатда ҳокимиятнинг учта тармоги, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлмоғи лозим. *Монтескьенин*г айтишича, «қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият битта шахс ёки биргина муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, озодлик ва эркинлик бўлмайди, чунки ана шу ҳукмдор ёки сенат золимликка асосланган қонунларни золимона йўл билан қўллаш учун яратаверишидан қўрқса бўлади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан ажратиб қўйилмас экан, бунда ҳам эркинлик бўлмайди. Агар суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият билан бирлашгудек бўлса, фуқароларнинг ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик, бедодлик ҳукми остида қолади, зотан қонун чиқарувчи унинг, яъни судьянинг ўзи бўлади. *Бордию*, суд ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият билан бирлашиб кетадиган бўлса, судьянинг зулм ўтказувчига, бинобарин, зулмкорга айланиш эҳтимоли юзага келади. Ана шу учала ҳокимият битта шахс ёки муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, ҳамма нараса ҳалок бўлди деяверинг: ҳокимият қонунлар яратади, ҳокимият умумдавлат тусидаги қарорларни ижро этади ва ҳокимият жиноятлар устидан ҳукм чиқаради ёки хусусий шахслар билан судлашади»².

Табиий ҳуқуқ назариясига *Ж.Ж.Руссо* (1712-1778) катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, табиий ҳолатда барча кишилар тенг.

¹ Қаранг: *Локк Дж. Избранные философские произведения. М., 1960. Т.2. 8, 16, 34, 50, С.116.* Шунингдек қаранг: *История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э.Лейста. М., 1997. С.185-190.*

² Қаранг: *Монтескье Ш. Избранные произведения. М.,1955. С. 289.*

Фақат соғлиқ ҳолати ва ёшига кўра тенгсизлик мавжуд, холос.

Ижтимоий тенгсизлик, Руссонинг эътиқодича, меҳнат қуро-ларини такомиллаштириш жараёнида, хусусий мулкчилик ва маданият юзага келиши асносида келиб чиқади. Бунинг оқиба-тида бойлар ва к² шпоқларга бўлиниш содир бўлади. Шу муно-сабат билан Русс¹ нинг айтишича, одамлар ўз ҳуқуқларини бой бермайдиган ва эркинликларини сақлаб қоладиган сиёсий ту-зилмагина қонуний ва ваколатлидир. Унинг мўлжалига кўра ижтимоий шартнома давлат ҳокимиятининг асосидир. Бундай шартнома амал қилганида ҳар бир одам ўзини умум хоҳиш-иродасининг олий раҳбариятига бағишлайди ва бу билан унинг (хоҳиш-ироданинг) қатнашчисига айланади, негаки ҳокимият шартнома қатнашчиларидан таркиб топадиган суверен ихтиё-рига ўтади. Суверенитетнинг ўзи халққа тегишлидир. Ж.Ж.Руссо халқнинг золимларга қарши ўзгармас ҳуқуқи борлигини эъти-роф этган¹.

Табиий ҳуқуқ гоёсини француз қомусий алломаси *Д.Дидро* (1713-1784) ҳам қўллаб-қуватлаган. У ҳам инсонга олий қад-рият тариқасида қараган. «Фақат иккита чин бойлик мавжуд, деб таъкидлаган у. - бу инсон за заминдир»². Д.Дидро ҳам дав-лат ҳокимиятини ижтимоий шартнома маҳсули деб билган. «Ҳеч кимга табиат бошқа кишилар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермаган, - деб ёзган у. - Эркинлик самовий инъом-дир ва ҳар бир шахс ундан ақлини ишлата бошлаши биланоқ фойдаланиш ҳуқуқига эга»³. Табиат ҳукмронлиги хусусида фикр юритиб, у шундай деб таъкидлаган: «бошқа ҳар қандай ҳукм-ронликнинг келиб чиқиши табиатга бориб тақалмайди»⁴. Диқ-қат билан синчиклаб ўрганилса, табиат ҳукмронлигининг ман-баи ҳаминша мана бу икки ҳолатдан бири эканлиги аён бўлади: ҳокимиятни ўзлаштириб олган шахснинг зўравонлиги ва шаф-қатсизлиги ёхуд ўзлари тузган ёки тузишни мўлжаллаётган шартнома бўйича муайян шахсга бўйсунганлар билан ҳокимият кимга ишониб топширилган бўлса, ўша кимса ўртасидаги рози-ликдан иборат.

Табиий ҳуқуқий тартиб гоёсидан феодал-мутлақ тузумлар-ни оқлаш учун фойдаланилганлигини ҳам айтмаса бўлмайди. Шу муносабат билан Германия табиий ҳуқуқ назариясининг йи-

¹ Қаранг: История политических учений/Под ред. О.В. Мартышина. М., 1996. Вып. 2. С. 61-74. Руссо Ж.Ж. Трактаты. М., 1990.

² Қаранг: Права человека: Учебник-хрестоматия. Т., 2001. С. 17.

³ Там же. С. 17.

⁴ Там же. С. 18.

рик намояндаси С.Пуфендорфнинг (1632-1694) қарашлари ҳам ибратлидир¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши тўғрисидаги таълимот билан чамбарас боғланиб кетадиган инсоннинг бўлинмас, табиий ҳуқуқлари хусусидаги назарий тасавурлар буржуа инқилобларини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда жуда муҳим роль ўйнаганлигидан ташқари илк буржуа конституциявий қонунчилигига ва давлат-ҳуқуқ амалиётига ҳам катта таъсир ўтказган.

2-§. АҚШ Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари

«1766 йилги Виржиния декларациясида инсонни ҳаёт, эркинлик ва мулкдан маҳрум этиш мумкин эмаслиги айtilган. Ҳуқуқлар тўғрисидаги 1791 йилги биллда эълон қилинишича, ҳеч кимни қонундан бўлак йўл билан ҳаётдан, эркинлик ёки мулкдан маҳрум этиш мумкин эмас, хусусий мулкни эса адолатли тарзда товоқ пули тўламай туриб, оммавий фойдаланишга бериш мумкин эмас.»²

А.Хармати,
венгриялик профессор

Шимолий Америка мустамлакаларини озод этиш учун олиб борилган муваффақиятли кураш натижасида 1776 йил 10 майда уларни Англиядан ажратиб чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган. Шу муносабат билан **Т.Жефферсон** (1743-1826) бошчилигида беш кишидан иборат комиссия тузилиб, унинг зиммасига **Мустақиллик декларацияси** матнини тайёрлаш вазифаси топширилган. Асосан Т.Жефферсон томонидан ёзилган ана шу ҳужжат 1776 йил 4 июлда қабул қилинган.

Мазкур Декларациянинг тарихий аҳамияти унда янги давлат - Америка Қўшма Штатлари дунёга келганлиги эълон қилинганлигидан ташқари инсон эркинликларининг умумфалсафий принциплари юридик жиҳатдан таърифлаб берилганлиги билан ҳам белгиланади. Декларацияда таъкидланишича, қуйидаги ҳақиқатлар кундек равшан: барча одамлар тенг қилиб яратилган ва уларнинг барчасига ўз Яратганлари томонидан айрим ажралмас

¹ Қаранг: История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э.Лейста. М., 1997. С. 195-196.

² Қаранг: Хармати А.О праве собственности как одном из прав человека//Права человека в истории человечества и в современном мире. С. 91.

ҳуқуқлар, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва бахт-саодатга интилиш ҳуқуқи инъом этилган. Ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар ўртасида ҳукуматлар таъсис этилган бўлиб, улар ўз измидагиларнинг розилигига таянган ҳолда адолатли ҳокимиятни йўлга қўядилар. Ҳукуматнинг бундай шакли ана шу кўзланган мақсад учун ҳалокатли тусга айланаётган бўлса, халқ уни ўзгартириш ёки йўқ қилиш, наздида унинг хавфсизлиги ва бахт-саодатини имкон қадар кўпроқ таъминлай оладиган янги ҳукуматни муайян принциплар асосида ва ташкилий жиҳатдан айна шу йўсинда таъсис этиш ҳуқуқига эга¹.

Яна шуниси ҳам муҳимки, Декларациянинг дастлабки матнидаги Т. Жефферсоннинг қулдорликни «инсоннинг бутун борлигига қарши қақшатқич уруш сифатида» қораловчи гоёси қулдорлик институтини сақлаб қолиш тарафдорлари томонидан рад этилган.

Фуқаролик эркинликларининг қарор топиш жараёни ана шу воқеалар билан тугамаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. 1787 йили қабул қилинган АҚШ Конституцияси ҳам худди шундан далолат беради. Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш жуда мураккаб шароитларда кечган - мустақиллик учун олиб борилиб, 1783 йили ниҳоясига етган уруш натижасида Америка иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан оғир вазиятга тушиб қолган. Бу вазият штатларнинг сиёсий алоқаларини мустақамлашни ҳамда мамлакатнинг кескин ички ва ташқи муаммоларини ҳал этишга қодир ҳукумат тузишни тақозо этган. Шу мақсадда 1787 йили Таъсис конвенци тузилган. Унга федерал Конституцияни ишлаб чиқиш топширилди. Конституциянинг Конвент томонидан тайёрланган лойиҳасини штатларнинг атайин шу мақсад учун сайланган конвентлари ратификация қилиши лозим бўлган.

Бироқ лойиҳа кескин танқид қилинган, хусусан, барча штатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати бўлгани ҳолда мазкур лойиҳада ҳуқуқлар тўғрисида бўлим (билл) йўқлиги танқид остига олинган. Пировард натижада 1789 йили **Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл** АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланган. 1791 йилнинг декабрига қадар уни (Конституцияга доир биринчи ўнча тузатишни) штатлар ратификация қилганлар².

Биринчи тузатиш черковнинг давлатдан ажратилганлигини, диний эътиқод эркинлигини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, «халқнинг тинч йўл билан тўпланиш ҳамда суиистеъ-молликларни бартараф этиш тўғрисидаги арзномалар билан ҳуқуқатга мурожаат этиш ҳуқуқини» эълон қилган.

¹ Қаранг: Декларация независимости Соединенных Штатов Америки // Международное сотрудничество в области права человека: Документы и материалы. М., 1993. Вып. С. 2.80.

² Қаранг: Билль о правах // Конституции государств Американского континента: В 3 т. М., 1959. Т. 3. С. 245-254.

Иккинчи тузатиш «халқнинг қурол сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқи»ни тасдиқлайди.

Учинчи тузатиш тинч даврда қўшивларни хонадонларга мажбурий тартибда жойлаштиришни таъқиқлаган.

Тўртинчи тузатиш халқнинг шахсни, уй-жойни, қоғоз-ёзишмаларни ҳамда мол-мулкни «асоссиз равишда тинтув қилиниш ёки хатлавишдан» муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқини белгилаб берган.

Бешинчи тузатиш «оғир жиноят ёки иснод келтирувчи, шармандали бошқа жиноят учун» жавобгарликка тортишда қонунийликка риоя этилишини кафолатлайди. Унда яна шу нарса таъкидланадики, «ҳеч ким қилган айни битта жинояти учун ўз ҳаёти ёки тан дахлсизлиги билан икки бора жавоб бермаслиги лозим; ҳеч ким жиноят ишида ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги лозим; ҳеч ким қонуний суд муҳокама-сисиз ҳаётдан, эркинлиги ёки мол-мулкдан маҳрум этилмаслиги лозим; ҳеч бир шахсий мулк адолатли ҳақ тўланмай туриб, жамоат фойдаланишига олиб қўйилмаслиги лозим».

Олтинчи тузатиш «беғараз ва бетараф холисларнинг ошиғич ва оммавий суди» га бўлган ҳуқуқ ҳамда айбланувчиларнинг шунга боғлиқ ҳуқуқи кафолатларини ўз ичига олган. Уларнинг орасида «айблов хусусиятлари ва сабабларини ўзига маълум қилишни талаб этиш ҳамда унга қарши гувоҳлик бераётганлар билан юзлаштиришни талаб қилиш ҳуқуқи бор; айбланувчи ўз гувоҳлари мажбурий тарзда чақиртирилишини талаб қилиши ва ҳимоя учун адвокат ёрдамидан фойдаланиши мумкин».

Еттинчи тузатиш «умумий ҳуқуққа асосланган, даъво қиймати йигирма доллардан ошувчи судлов ишлари бўйича» холислар судига бўлган ҳуқуқини кафолатлаган.

Саккизинчи тузатиш «шафқатсиз ва ғайриодатий жазолар»ни тақиқлайди, шунингдек, ҳаддан зиёд катта гаров талаб этилмаслигини, ҳаддан зиёд катта жарима ундириб олинмаслигини кафолатлаган.

Тўққизинчи тузатиш «Конституцияда муайян ҳуқуқларнинг айтиб ўтилиши халқ томонидан сақланиб келаётган бошқа ҳуқуқларни инкор этиш ёки камситиш сифатида талқин этилмаслиги лозим»лигини кафолатлаган.

Ўнинчи тузатиш орқали эълон қилинишича, «Қўшма Штатларнинг ушбу Конституциясида берилмаган ҳамда айрим штатлар томонидан фойдаланиш тақиқланмаган ваколатлар штатларнинг ўзи учун ёки халқ учун кучини сақлаб қола беради»¹.

¹ Қаранг: Билль о г'равах (десять поправок к Конституции США приняты в 1791 г. в целях обеспечения права граждан и штатов)//Права человека: основополагающие принципы. Вена. 1997. С.22.

Кейинги йилларда АҚШ федерал Конституциясига яна бир қанча тузатишлар киритилган (ҳаммаси бўлиб 27 тузатиш киритилган)¹. АҚШ Конституцияси замирида ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши гоёси, федерализм принципи, шунингдек, Конституциянинг оддий ҳуқуқдан устуңлиги ётганлиги эътиборга олинадиган бўлса, айни АҚШда жаҳонда биринчи бўлиб фуқаролик эркинликлари институти ўзининг энг мукамал ва тўлиқ ҳуқуқий ифодасини топган, деб хулоса қилиш мумкин.

«1789 йилги Инсон ва фуқаро декларациясида француз инқилобини амалга оширган ижтимоий синфлар тўғрисидаги концепция излари (айниқса, мулкчилик ва эркинлик масалаларида) акс этганлигига қарамай, у, шунингдек, ҳуқуқий давлатга асос қилиб олинadиган асосий принципларни, яъни қонуннинг устуңлиги, сиёсий ҳокимиятлар ва маъмурият устидан назорат қилишнинг демократик механизми зарурлиги тўғрисидаги принципларни ҳам тасдиқлаб берди»².

М.Лесаж,
франциялик профессор

3-§. Ғарбий Европада, хусусан, Англия ва Францияда инсон ҳуқуқлари

«1765 йилда Бэксдон бундай деб ёзган эди: инглизларда учта мутлақ ҳуқуқ, яъни шахсий хавфсизликка бўлган ҳуқуқ, шахсий эркинликка бўлган ҳуқуқ ва шахсий мулкка бўлган ҳуқуқ бор»³

А.Хармати,
венгриялик профессор

Инглиз инқилоби. 1642-1649 йиллардаги инглиз инқилоби натижасида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир

¹ Қаранг: Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты. М., 1993.

² Қаранг: Лесаж М. Права человека, правовое государство и еврейское правовое пространство//Права человека в истории человечества и в современном мире. С.61.

³ Қаранг: Хармати А.О праве собственности как одном из прав человека//Права человека в истории человечества и в современном мире.С. 94.

қанча муқим юридик ҳужжатлар қабул қилинган. 1679 йилнинг 26 майида «Раиятларнинг эркинлигини энг яхши тарзда таъминлаш тўғрисида ҳамда денгиз ортига сургун қилишларнинг олдини олиш ҳақида»ги ҳужжат (Habeas Corpus Act¹) қабул қилинганлиги ўша даврда энг муқим воқеалардан бири бўлган. Мазкур ҳужжат судгача бўлган тартиб-таомилларни изга солган. Бундай тартиб-таомилнинг асосий мақсади ҳибсдаги шахсни судгача (дастлабқи қамоқдалигида) ҳимоя қилишдан иборат бўлган. 1679 йилги ҳужжат ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиладиган пул гаровини киритиши мумкин бўлган «шахс ҳуқуқларини таъминловчи» мураккаб юридик механизмни узил-кесил тартибга солган. Мазкур ҳужжатга биноан ҳеч ким суднинг қарорисиз ушланиши ёки ҳибсга олиниши мумкин эмас.

1689 йил 13 февралда Таъсис парламенти конвент Ҳуқуқлар декларациясини қабул қилган, бу декларация ўша йилнинг кузида *Йнсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл*га айлантирилган. Билл парламентнинг давлат органлари тизимидаги мавқеини белгилаб берган. Билл қонунчилик ҳокимияти ва молия сиёсати соҳасида парламентнинг устувлигини тасдиқлаб берар экан, биринчидан, қонунларнинг амал қилишини ёки уларнинг ижросини парламентнинг розилигисиз тўхтатиб қўйишни; иккинчидан, солиқлар ва йигимларни тахт эгаси фойдасига парламентнинг розилигисиз ундириб олинишини ғайриқонуний деб эълон қилган. Билл парламентда сўз ва музокаралар эркинлигини, парламентга сайлов эркинлигини белгилаб берган. Биллда кўрсатиб ўтилишича, «қиролга илтимоснома билан мурожаат этиш раиятнинг ҳуқуқи бўлиб, бундай илтимоснома учун ҳар қандай йўсинда ушлаб туриш ва таъқиб қилиш қонунга хилофдир»².

Ҳуқуқлар тўғрисидаги биллнинг айрим бўлимлари парламент фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларига тааллуқли бўлган. Хусусан, унда айтиладики, «парламентдаги сўз, музокаралар эркинлиги ва унда содир бўлаётган жамики нарсалар таъқиб қилиш учун важ ёки бирон-бир судда ёхуд парламентдан бўлак бир ерда кўриб чиқиш учун мавзу бўлиши мумкин эмас». Унда, шунингдек, ҳаддан зиёд солиқ тўлаш, ҳаддан зиёд жарима солиш ёки шафқатсиз ва ғайриодатий жазолар белгилаш талабига йўл қўйилмаслиги ҳам назарда тутилган. Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл холислар судининг ҳуқуқларини анчагина кенгайтирган ҳамда хо-

¹ Қаранг: *Международное сотрудничество в области прав человека: Документы и материалы*. Вып.2. С.72-79.

² Қаранг: *Билль о правах//Международные акты о правах человека*. С.14-18.

лислар суди таркибининг ҳукумат томонидан ўзбошимчалик билан алмаштирилишига қарши қафолатларни белгилаган.

Буюк француз инқилоби. 1789 йил 26 августда инқилоб гирдобидаги Францияда оламшумул—тарихий аҳамиятга молик бўлган ҳужжат - *Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси* қабул қилинган. Унда айтилишича, «одамлар эркин бўлиб туғилдилар ва ҳуқуқ бобида эркин ҳамда тенг бўлиб қолаверадилар. Ижтимоий тафовут фақат умумий фойдага асосланиши мумкин» (1-модда)¹. Декларациянинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда инсоннинг борлиқ, табиатнинг ўзидан келиб чиқадиган «табиий, ажралмас ва муқаддас ҳуқуқлари» мавжуд дея эълон қилинган. Декларацияда яна шу нарса таъкидландики, «ҳар бир давлат уюшмаси мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Эркинлик, мулк, хавфсизлик ҳамда зулмга қаршилиқ шундай ҳуқуқлардир» (2-модда). 3-моддада «суверенитетнинг манбаи моҳиятан миллатга асосланади. Биронта ҳам корпорация, биронта ҳам шахс келиб чиқиши айни ана шу манбадан бўлмаган ҳокимиятга эга бўла олмайди» деган қоида таърифлаб берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Декларация муаллифлари инсон ҳуқуқлари муаммосининг икки ёқлама хусусияти борлигига эътибор берганлар. Табиат инъом этганлиги сабабли инсон ҳуқуқлари табиий ҳуқуқдир, шу сабабли бошқа шахсга ўтказилмайди, бинобарин, ажралмасдир. Ана шу ҳуқуқларга тажовуз бўлган тақдирдагина, уларни ҳимоя қилиш зарурияти юзага келади. Табиий ҳолатда бундай таҳдид йўқ. Бундай таҳдид инсон фуқаролик жамиятига ўта бошлаган пайтдан эътиборан юзага келади. Шу сабабли инсон ҳуқуқларини ҳукмронлик қилувчилардан ва бошқа шахслардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалани фақат жамият доирасида, бу жамият қабила, шаҳар, давлат кўринишида бўлишидан қатъий назар, кўндаланг қўйилиши ўринлидир. Давлатнинг равнақ топиши сиёсий иттифоқ барпо этиш ва Конституцияни тасдиқлаш воситасида амалга оширилади. Зотан, асосий мақсади табиий ҳуқуқларни таъминлаш бўлганлиги учун ҳам айни Конституция «сиёсий иттифоқ» асосларига замин яратади.

Фуқаролик жамияти доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бутун залварини кўтариш қонунга юклатилган. Бинобарин, Декларациянинг 6-моддасида таъкидланганидек, айни қонун «умум хоҳиш-иродасининг ифодасидир». Шу сабабли бар-

¹ Қаранг: Декларация прав человека и гражданина//Международное сотрудничество в области права человека. Вып.2.С.84.

ча фуқаролар қонунни яратишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эга. Қонун муҳофаза этаётганлиги ёки жазолаётганлигидан қатъий назар, ҳамма учун бир бўлмоғи керак. Барча фуқаролар қонун олдида тенг ва шу боис қобилиятларига мутаносиб равишда барча вазифа ва мансаб лавозимларини эгаллаш, иш, касб-ҳунар билан машғул бўлиш имкониятидан тенг баҳраманд бўлмоқлари лозим. Уларнинг фазилатлари ва қобилиятларига боглиқ тафовутлар бундан мустасно, албатта. Декларациянинг 7, 9, 10 ва 11-моддалари шахс эркинлигини, виждон, сўз ва матбуот эркинлигини (йиғилишлар ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги назарда тутилмаган) тасдиқлаб берган; 13 ва 14-моддалар солиқларни эркин келишув асосида барча фуқаролар ўртасида тенг меъёрларда тақсимлаш, уларни ундириб олиш тартиби ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш қоидасини белгилаб берган; 15-моддада жамиятнинг ҳар бир мансабдор шахсдан «бошқарувнинг унинг ўзи ишониб топширилган қисми юзасидан» ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқи эълон қилинган. 16-моддада кўрсатилишича, «ҳуқуқлардан фойдаланиш таъмин этилмаган ва ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши амалга оширилмаган жамиятнинг Конституцияси бўлмайди». Охириги, 17-моддада эълон қилинганидек, «мулк бўлинмас ва муқаддас ҳуқуқ бўлганлиги учун ҳам ундан ҳеч ким қонунда шак-шубҳасиз жамоат зарурати деб белгиланганидан ҳамда зарар-чиқимларининг ўрни адолатли тарзда ва олдиндан қопланганидан бўлак ҳолларда маҳрум этилиши мумкин эмас».

Инсон ҳуқуқлари 1791 йилги Конституцияда ҳам мустақамлаб берилган. Унда, хусусан, таъкидлаб ўтиладики, «қонун бундан буён табиий ҳуқуқ ёки Конституцияга зид бўлган диний аҳд, қасамёд қилишни ҳам, бошқа бирон-бир мажбуриятларни ҳам тав олмайди». Конституция қуйидаги табиий ва фуқаролик ҳуқуқларини кафолатлаган:

1. Барча фуқароларнинг «иш жойлари ва лавозимларни, уларнинг фазилатлари ва қобилиятларидан келиб чиқувчи тафовутларни истисно этганда, бирон-бир тафовутсиз эркин эгаллаши».

2. Солиқларнинг фуқаролар ўртасида «уларнинг қудратига мутаносиб равишда» тенг миқдорда тақсимланиши.

3. «Бирон-бир шахсий ихтилоф ва қарама-қаршиликлардан қатъий назар айни бир хил ҳуқуқбузарлик учун айни бир хил жазо билан жазоланиши».

Конституция «табиий ва фуқаролик ҳуқуқлари сифатида» қуйидагиларнинг таъминланишини ҳам кафолатлаган:

биринчидан, ҳар кимнинг «фақат Конституцияда назарда тутилганидан бўлак тартибда ушлаб турилишдан ёки ҳибсга оли-

нишдан чўчимай, бир жойдан иккинчисига кўчиш, ўз жойида қолиш ёки бу жойни тарк этиш» эркинлиги;

иккинчидан, ҳар кимнинг «ўз фикрини эълон қилингунга қадар олдиндан ҳеч қандай цензура қилинмай ёки текширишдан ўтказилмай, оғзаки ва ёзма ифодалаш, матбуотда чоп этиш ва ошқора узатиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган диний эътиқод расм-русмлари ва ибодатларини адо этиш» эркинлиги;

учинчидан, фуқароларнинг «жамоат жойларида осойишталикни сақлаган ҳолда ва қурол-яроғсиз, полиция қонунларига риоя этган ҳолда йигилиши» эркинлиги;

тўртинчидан, «айрим фуқаролар томонидан имзоланган петициялар билан ҳокимиятнинг белгиланган органларига мурожаат этиш эркинлиги».

«Қонун чиқарувчи ҳокимият, - деб таъкидланган Конституцияда, мазкур бўлимда санаб ўтилган ва Конституцияда таъминланган табиий ва фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилишига монелик қилувчи қонунлар чиқариши ёки бу ҳуқуқларни бузиши мумкин эмас»¹.

Конституция, шунингдек, «мулк дахлсизлигини ҳамда агар қонун томонидан белгиланган жамоат зарурати мулкий қурбонликларни тақозо этадиган бўлса, олдиндан адолатли тарзда қоплаб берилиши»ни ҳам кафолатлаган. Бу ҳужжатда яна шу нарса кўрсатиб ўтиладики, «барча фуқаролар учун умумий, қисман бепул, барча одамларга зарур халқ таълими таъмин этилади ва ташкил қилинади...» ҳамда «бутун қиролик учун муштарак фуқаролик қонунлари кодекси чоп этилади».

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид тасаввурларнинг тадрижий ривожланиши нуқтаи назаридан 1793 йил 24 июнда Миллий конвент томонидан янги Конституция билан биргаликда қабул қилинган **Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясига** алоҳида эътибор бериш тўғри бўлади. Декларациянинг 1-моддасида қайд этилишича, «жамиятнинг мақсади умум бахт-саодатидир». Инсон ўзининг «табиий ва ажралмас ҳуқуқлари»дан фойдаланишини таъминлаш давлат ҳукуматининг асосий вазифаси саналади. «Бу ҳуқуқларнинг моҳияти: тенглик, озодлик, хавфсизлик, мулк» (2-модда). Декларацияда яна шу нарса қайд этилганки, «барча одамлар табиатан ва қонун олдида тенгдирлар» (3-модда) ҳамда «қонун ҳукмронлик қилувчилар томонидан бўладиган зулмга қарши жамоат ва шахс эркинлигини муҳофаза этмоғи ва қўриқламоғи лозим» (9-модда). Декларацияда «озодлик» тушунчаси ҳам очиб берилган: «Озодлик бошқаларнинг ҳуқуқла-

¹ Қаранг: Конституция 3 сентября 1791 г.//Права человека: Учебник-хрестоматия. С.155.

рини камситмаган тарзда инсонга ҳамма ишни қилиш имкониятини беришдир; озодликни таъминлаш қонун демак...»(6-модда)¹.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, 1789 ва 1793 йилги Декларациялар ана шу даврга қадар шаклланган фалсафий ва сиёсий тафаккурнинг энг илғор ютуқларига таянганлиги ҳамда француз инқилоби якунларини ўзида мужассам этганлиги туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш тарихида муҳим босқич бўлиб қолган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назария ва амалиётнинг шундан кейинги бутун ривож ҳозирги кунга қадар ҳам айни ана шу ҳужжатларни ўзида у ёки бу даражада синаб кўрди ва синаб келмоқда.

4-§. Либерализм ва XIX-XX аср бошларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг ривожланиши

Буюк француз инқилобининг ғоялари Франция сарҳадларидан ташқарига тез тарқалган. XVIII асрнинг 90-йилларига келиб инсон ҳуқуқлари концепцияси иккита забардаст инглиз мутафаккири, яъни Э.Бёрк (1729-1797) билан Т.Пейн (1737-1809) ўртасидаги баҳс-мунозара марказига айланган. Э.Бёрк ўзининг «Франциядаги инқилоб тўғрисида ўйлар» деган асарида (1790 йил) табиий ҳуқуқни рад этган ҳамда инсон ҳуқуқларини жамиятдаги мавжуд муносабатлар ва анъаналар сирасидан чиқарган. Т.Пейн эса аксинча, «Инсон ҳуқуқлари» деган асарида (1792 йил) инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари асоси сифатида («инсон жамият аъзоси сифатида бу ҳуқуқларга эга бўлади») табиий ҳуқуқларнинг («инсон мавжудлиги ҳуқуқи сифатида улар инсонга тааллуқлидир») аҳамиятини алоҳида таъкидлаган². Бу мунозара инглиз жамиятида катта қизиқиш уйғотган ва зўр акс садо берган.

Бу орада Франциянинг ўзида 1793 йилги Декларацияда эълон қилинган ҳуқуқларнинг каттагина қисми 1804 йилги Наполеон кодекси билан бекор қилинган. Шундай бўлса-да, мазкур Кодекс айрим ҳуқуқларнинг, хусусан, виждон эркинлиги, қонун олдида тенглик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ва шу кабиларнинг кафолатларини сақлаб қолган. Бу эса инсон ҳуқуқлари ғоясининг ёйилиши ва тарқалиб бориши аста-секин муқаррарлик тусини олаётганлигини англатган. Ҳатто Ғарб тараққиётининг инқилобий даврига моҳият эътибори билан чек қўйган 1814 йилги Вена конгрессида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни шакллантиришда олға томон анчагина қадам ташланган. Чунончи,

¹ Қаранг: Декларация прав человека и гражданина 24 июня 1793 г. // Права человека: Учебник-хрестоматия. С.164-165.

² Қаранг: Права человека: основополагающие принципы. Вена, 1997, С.8.

Бельгия, Голландия ва Германияда диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган. Айни ана шу даврда Германия, Австрия ва Россияда кам сонли миллатлар - яҳудийлар ва поляклар жамоаси ҳуқуқлари кафолатланди; қулдорликни бекор қилиш масаласи ҳам кун тартибда бўлган.

Буларнинг ҳаммаси инқилоблар давридан кейин либерализм даврига навбат келганлигини англатарди. Либерализм сиёсий стратегия сифатида жамиятни «юқоридан» аста-секин ислоҳ қилишга мўлжалланган бўлиб, бу иш «қуйидан», халқ томонидан қўллаб-қувватланишига таянарди. Либерализм моҳиятан Ғарбда ҳокимиятга секин-аста «учинчи табақа», яъни йирик ва майда буржуазия келиши даври бўлиб қолган. Айни йирик ва майда буржуазия инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги инқилобий декларацияларни ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда ҳуқуқий амалиёт тилига кўчира олган куч бўлиб қолган. Ана шу йўналишдаги энг муҳим бўғинларни таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, Англия мустамлакаларида (1833 йил) ва АҚШда (1868 йил) қулдорлик ва қул савдоси (аболиционизм) аста-секин бекор қилинган;

иккинчидан, фабрикалар тўғрисидаги миллий қонунларда (1833 ва 1844 йилларда Англияда, 1841 йилда Францияда, 1853 йилда Пруссияда), касаба уюшмалари ҳаракатининг легаллаштирилишида (1876 йилда Англияда, 1884 йилда Францияда, 1914 йилда АҚШда), социализм ғоялари ёйилишида ишчиларнинг ҳуқуқлари эътироф этила бошланган;

учинчидан, эркалар билан хотин-қизларни ҳуқуқ бобида аста-секин тенглаштиришга қаратилган хотин-қизлар ҳаракатлари (феминистик ва суфражистик ҳаракатлар) ривожланган.

Халқаро ҳуқуқ анчагина кенг ривож топган. «Норматив захира тўпланган, халқаро ҳуқуқий онг пойдеворига асос солинган. Миллий ҳуқуқда ўзгаришлар кўзга ташланиб қолган, бу ҳуқуқ, жумладан... чет элликларнинг ҳуқуқий режимини белгилаб берган. Айрим мамлакатларда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари мамлакат ҳуқуқининг бир қисми деган доктрина қарор топа бошлаган»¹. Шаклланиб бораётган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг, гарчи бир томонлама ифодаси бўлса ҳам, умуман биринчи назарияси, яъни инсонпарварлик интервенцияси назарияси (ўзга давлат ҳудудида яшаётган ўз фуқаролари ҳуқуқларини, бу ҳуқуқлар бузилган тақдирда ҳимоя этиш) ҳам ишлаб чиқилган.

1914 йилги биринчи жаҳон уруши ва ундан кейин Россияда содир этилган 1917 йилги октябрь тўнтариши либерализм маф-

¹ Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник. М., 1997. С.53.

кураси маддоҳларининг Фарбнинг тинч ва тадрижий ривожини тўғрисидаги кўпгина хом хаёлларни чиппакка чиқарган. Шунга қарамай, ана шу урушдан кейин 1919 йили ташкил этилган **Миллатлар Лигаси** доирасида либерализмнинг кўпгина ғоя ва принциплари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ғоя ва принциплари халқаро ҳуқуқ соҳасида ўз аксини топган. Худди шу Миллатлар Лигаси доирасида 1919 йили Халқаро меҳнат ташкилоти (меҳнат қилиш ҳуқуқи соҳасида ва қилинган меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши соҳасида халқаро стандартларни белгилайди), 1922 йилда эса Халқаро одил судловнинг доимий палатаси (кейинчалик биринчи халқаро судга айланган) тузилган.

Миллатлар Лигаси доирасида қул савдоси, шунингдек, хотин-қизлар ва болаларни сотишдек қабих ишларнинг пайини қирқишга қаратилган бир қанча шартномалар имзоланган. Кам сонли миллатлар ҳуқуқлари анчагина кенг кафолатланадиган бўлиб қолган. Бироқ, таниқли ҳуқуқшунос В.А.Карташкин таъкидланганидек, «Миллатлар Лигасига аъзо давлатлар ўз олдиларига инсоннинг ақалли энг оддий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этиш тўғрисидаги қондаларни ўз ичига олган универсал халқаро ҳужжат ишлаб чиқиш вазифасини ҳам қўймаганлар»¹. Таассуфки, Миллатлар Лигаси жуда кўп инсонлар ҳаётига зомин бўлган, инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини ҳам поймол этган иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетишининг олдини олишга қодир бўлмаган.

5-§. Россияда инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожини

«Инсон ҳуқуқлари тарихи - у ёки бу одамларнинг у ёки бу доирадаги муносабатлар учун инсон сифатида ҳуқуқий эътироф этилишининг ривожланиб, кенгайиб бориш тарихи, ҳуқуқий тенглик принципининг бойиб бориши ҳамда одамлар ва муносабатларнинг тобора кенгроқ доирасига тарқалиши тарихидир»²

*В.С.Нерсисянц,
академик*

Европанинг илгор сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳамда АҚШ ва Франциядаги инқилобий ўзгаришларнинг сезиларли таъсири ос-

¹ Қаранг: Карташкин В.А. Права человека и развитие международно-го права//Общая теория прав человека. М., 1996. С.423.

² Қаранг: Нерсисянц В.С. Права человека в истории политической и правовой мысли (от древности до Декларации 1789 г.)//Права человека в истории человечества и в современном мире. С.23.

тида барча одамларнинг тенглиги тўғрисидаги, инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги табиий-ҳуқуқий ғоялар чор Россиясида ҳам аста-секин ёйила борган.

Ана шундай ғояларнинг дастлабки тарафдорларидан бири *А.Н.Радишчев* (1749-1802) бўлган. У барча одамларнинг эркинлиги ва тенглиги тўғрисидаги, давлатнинг шартномавий асосда келиб чиқиши тўғрисидаги, инсоннинг ўз ҳаётига, мулкига, фикр ва сўз эркинлигига бўлган ажралмас ва бўлинмас ҳуқуқлари тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантирган.

Петрашевчиларнинг инқилобий жамияти аъзолари, рус демократи ҳаракати арбоблари ҳам чоризм ва крепостнойчиликка қарши курашда табиий-ҳуқуқий ғоялардан фойдаланганлар.

Б.Н.Чичерин (1828-1904) инсоннинг эркин шахс деб эътироф этилишини фуқаролик ҳаётининг тарихий ривождаги муҳим қадам ҳамда фуқаролик тартиботи чинакам инсонийлик тузумига айланадиган босқичга эришишдаги ютуқ сифатида таърифлаган. У Россия самодержавиясидини ислоҳ қилиш ҳамда мамлакатни фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сари олиб бориш зарурлигини асослаб берган.

Шахс эркинликлари ва ҳуқуқларининг табиий-ҳуқуқий ғояларини ҳимоя этиш рус ҳуқуқшуноси ва файласуфи *И.И.Новгородцев*нинг (1866-1924) ижодиётида акс этган. Табиий ҳуқуқ, унинг тушунишича, мавжуд тузумда ислоҳотлар ва ўзгартишлар ўтказиш талаби сифатида тугилади ҳамда ижобий ҳуқуқ билан муносабатда идеал сифатида намоён бўлади.

Озодлик, тенглик ва одамларнинг ҳуқуқлари ғоялари рус диндор файласуфлари *В.С.Соловьев* (1853-1900), *Н.А.Бердяев* (1874-1948), *С.Н.Булгаков* (1871-1944), *И.А.Ильин* (1883-1954) ва бошқаларнинг ижодиётида чуқур талқин этилган¹.

6-§. Хулосалар

1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда мазкур Декларация қоидаларини ривожлантирувчи бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқ-

¹ Қаранг: Графский В.Г. Политические и правовые идеи в религиозно-философской литературе//История политических и правовых учений: XX в. М., 1995. 30-49-б. Россияда инсон ҳуқуқлари ривожини тўғрисида муфассалроқ билиш учун яна қаранг: Права человека в России: прошлое и настоящее. Пермь. 1999; Бурлацкий Ф.М. Проблемы прав человека в СССР и России. М., 1999; Скрипилев Е.А. Права личности в России до октября 1917//Права человека: время трудных решений. М., 1991. С.151-168.

аро ҳуқуқ ривожига янги босқични бошлаб берди. Бироқ ана шу ҳужжатларнинг қабул қилинишига башарият цивилизациясининг бунга қадар бутун кечмиш тарихи, ҳуқуқий, диний ва фалсафий тафаккур тараққиёти асос солганлиги кундек равшан. Бунда хусусан қуйидаги омиллар муҳим роль ўйнаган:

1) юнон фалсафасида табиий ҳуқуқ ғоясининг юзага келганлиги;

2) Рим ҳуқуқида халқлар ҳуқуқи ғояси ривожлантирилганлиги;

3) Шарқ диний-ҳуқуқий тизимларида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожлантирилганлиги;

4) Ўрта асрлардаги насроний ва мусулмон ҳуқуқида барча одамларнинг Худо олдида тенглиги ғояси тасдиқ топганлиги;

5) Америка ва Франция конституцияларида тенглик ғояси секуляризация қилинганлиги ва инсон ҳуқуқлари юридик жиҳатдан расмийлаштирилганлиги.

XIX-XX асрларда халқаро ҳуқуқ жадал ривожланганлиги шарофати билан бу ғоялар ҳозирги халқаро ҳуқуқий дунёқарашнинг узвий қисмига айланди. Шундай қилиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам инсон ҳуқуқлари ғояси шаклланиши ва сайқал топишининг кўп асрлик жараёнида ўзига хос ва афтидан ҳали поёнига етмаган хотимаси бўлиб қолди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Уйғониш даври мутафаккирларининг инсон ҳуқуқлари ҳақидаги асосий ғояларини айтиб беринг.

2. Уйғониш даврида табиий ҳуқуқ назариясининг инсон ҳуқуқлари ривожига таъсири қандай бўлган?

3. АҚШ Конституциясида инсон ҳуқуқлари қандай мустақамланган?

4. АҚШнинг ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллида қайси инсон ҳуқуқлари мустақамланган?

5. Англиянинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллига тавсиф беринг.

6. 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларациясининг тарихий аҳамияти нимада?

7. Либерализм назарияси инсон ҳуқуқлари ривожига қандай таъсир кўрсатган?

8. Миллатлар лигаси инсон ҳуқуқлари тараққиётига қандай ҳисса қўшган?

9. Россияда инсон ҳуқуқлари ривожининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсонга ва жамиятнинг ҳар бир органига қарата инсон ҳуқуқлари ҳурматланиши ва эъозланишига кўмаклашиш ҳамда уларни самарали тарзда ва ялписига эътироф этилишига ҳаракат қилиш даъвати мужассамдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим одамларнинг ўз ҳуқуқларини ва бошқа кишиларнинг ҳуқуқларини ёқлаш, ҳимоя этиш имкониятларини кенгайтириш асосини ташкил этади. Уларнинг имкониятлари бу тарзда кенгайиб бориши инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга кўп жиҳатдан ёрдам бериши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва инсон ҳуқуқлари мақсади ўз-ўзича ҳуқуқ, яъни ҳар кимнинг, барча кишиларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳамда бу ҳуқуқлар ҳурмат қилинишига қай тарзда эришилишини билиш ҳуқуқидир»

Мэри Робинсон,
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Олий комиссари

- Ижтимоий фанлар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни
- Юридик фанларнинг асосий тармоқлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ
- Ҳозирги халқаро ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик

Олтинчи мавзу.

Ижтимоий фанлар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тарихига бағишланган олдинги бўлимда фалсафа, илоҳиёт, сиёсатшунослик ва шу

сингари фанлар бу жараёнда нақадар муҳим роль ўйнаганлигини кўрдик. Бу таъсир ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Шуниси ҳам борки, эндиликда бундай таъсир икки томонлама муносабат хусусиятини касб этмоқда.

«Инсон тўғрисидаги илм-фанда инсон ҳуқуқлари фалсафаси муҳим ўрин тутати, зотан, бу фалсафада янгича тафаккурнинг норматив жиҳатлари ўз ифодасини топмоғи ва ривожлангирилмоғи лозим, замонавий фалсафа эса унда гуманистик, инсонпарвар фалсафа сифатида ўзининг тўла тасдиғини топмоғи даркор»¹

Г.В.Мальцев,
россиялик профессор

1-§. Фалсафа ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг фундаментал қонуниятлари тўғрисидаги, борлиқ, турмуш асослари ҳақидаги фандир. Инсон, унинг моҳияти, жаҳондаги ўрни ва қисмати фалсафий таҳлилнинг муҳим объектларидан биридир. Айни **фалсафий антропология** (инсон фалсафаси) доирасида инсоннинг бор ҳолича мустақил ва бор ҳолича қадрли мавжудот тариқасидаги тушунча аста-секин ривожланиб борган. Бусиз бирон-бир «инсон ҳуқуқлари» тўғрисида ҳам, умуман, ана шу ҳуқуқларнинг соҳиби тариқасида «инсоннинг ўзи» ҳақида ҳам гапириш қийиндир².

Аксиология (фалсафанинг қадриятларини ўрганувчи тармоғи) ҳамда **этика** (ахлоқ фалсафаси) илмида асрлар мобайнида инсон турмушининг қадриятлари - ҳаёт, озодлик, эркинлик, адолат ва шу сингарилар тўғрисидаги ҳамда уларни амалга ошириш йўллари ҳақидаги тасавурлар шаклланиб келди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда ҳам, табиийки, буларнинг ҳаммаси ўз аксини топди.

Ва ниҳоят, **ижтимоий фалсафа**, энг аввало, **ҳуқуқ фалсафаси** фалсафанинг антропология, аксиология ва этика бобидаги ғояларининг синтез қилинишини таъминлайдиган замин бўлиб қол-

¹ Қаранг: Мальцев Г.В. Новое мышление и современная философия прав человека//Права человека в истории человечества и в современном мире/Отв.ред.Е.А.Лукашева. М., 1989. С.36.

² Қаранг: Ковлер А.И.Антропология права. М., 2002.

ган. Бу синтез эса табиий ҳуқуқнинг бирламчи концепцияси сифатида, кейинроқ, янги даврда эса «инсон ҳуқуқлари» концепцияси тарзида ҳуқуқий расмийлашган.

Шундай қилиб, фалсафа инсон ҳуқуқлари ғояларининг расмий-ҳуқуқий, мазмундор ва ҳарёклама ишончли манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини қандайдир мутлақ ҳуқуқ сифатида ақидапарастларча тушувиш йўлига айна фалсафа гов бўлади. Негаки, бу нарса фалсафанинг диалектик ва танқидий усулларига зиддир.

2-§. Сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Сиёсатшунослик сиёсий ташкилотлар ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти тўғрисидаги, ички ва ташқи сиёсат муаммолари ҳақидаги илмлараро фандир.

Сиёсатшунослик билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нақадар чамбарчас боғлиқ эканлиги ана шу таърифнинг ўзидан ҳам яққол кўриниб турибди. Ҳамонки халқаро ҳуқуқ, хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлат-субъектлар сиёсатидан ҳоли, ажралган ҳолда амал қила олмас экан, инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий таҳлили сиёсий таҳлил билан уйғун тарзда олиб борилиши зарур эканлиги равшан бўлади.

Сиёсатшунослар, хусусан, сиёсий нуқтаи назардан инсон ҳуқуқларининг норматив жиҳатларидан ҳам кўра кўпроқ функционал жиҳатларини идрок этиш ва асослаш тақозо этилишини таъкидлайдилар. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий ҳамжамиятлар равнақ топиши ва самарали фаолият олиб бориши учун инсон ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини идрок этиш ва асослаш талаб этилишига ургу берадилар. Мазкур масала бўйича фикрлар ва ёндашувлар хилма-хилдир. Буни сиёсий кескинлик, юзага келаётган муаммоларнинг анъанавий «қолип»га сигмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ ана шу тафовутларга қарамай, ҳам назарий, ҳам амалий маънода умум аҳамиятга молик деб эътироф этилган бир туркум масалалар ҳам бор. Улар жумласига, айтайлик, сиёсий ҳамжамият аъзосининг ҳуқуқлари билан мажбуриятлари ўртасидаги узилишни барта-раф этиш муаммосини киритиш мумкин: булар ўтмишда, қадимги дунёдаги шаҳар-давлат демократияси шароитида ажралмас деб тасаввур этилган¹.

¹ Қаранг: Права человека//Политология: Энциклопедический словарь/Общ. ред. и сост. Ю.И.Аверьянов. М., 1993. С.310.

3-§. Социология ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

«Ижтимоий фикрнинг вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликка мойил шахс шаклланишига кўмаклашишдан иборат.

Бу соҳада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда ишларнинг ҳақиқий аҳволдан одамларнинг хабардорлиги муҳим аҳамият касб этади. Гап уларнинг ўз мамлакатидаги инсон ҳуқуқлари бўйича билими тўғрисида, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни билиши ҳақида, бошқа мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятлардан воқиф бўлиши хусусида бормоқда»¹

М.С.Савин,
россиялик социолог олим

Социология жамиятнинг қарор топиши, ривожланиши ҳамда фаолият олиб бориши қонуниятларини ўрганади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа бошқаларга нисбатан кўпроқ боғланган соҳа ҳуқуқ **социологиясидир**². Социологиянинг бу тармоғи бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳамжиҳатликда ҳуқуқ институти фаолият олиб боришини, шунингдек ҳуқуқий нормалар генезиси ва динамикасини, бу нормаларнинг ижтимоий сабаби ҳамда жамиятда тутган ролини ўрганади. Шу боис социологлар инсон ҳуқуқларига ҳуқуқнинг тармоғи сифатида эмас, балки «инсоннинг ижтимоий мавжудот тариқасидаги камолотини кўрсатувчи, тавсифловчи тушунчалар кодекси»³ сифатида қарайдилар.

Ҳуқуқ социологияси социал психология ва этнология билан биргаликда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳар бир давлатда амалга оширилиши масалаларида зарур илмий-таҳлилий асос яратади. Социологик сўровлар ўтказиш йўли

¹ Қаранг: Савин М.С. Общественное мнение и вопросы международного сотрудничества в области прав человека//Права человека в истории человечества и в современном мире. С.142-143.

² Қаранг: Лапаева В. Социология права. М., 2000.

³ Қаранг: Права человека//Социологический энциклопедический словарь/Под ред.акад.РАН Г.В.Осипова. М., 1998. С.254.

билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг у ёки бу нормалари (масалан, ўлим жазосига тааллуқли нормалар) миллий қонун ҳужжатларига сингдирилишига фуқаролар қай даражада тайёрлиги аниқланади, шунингдек, бу сингдириш ишининг амалга оширилиши мониторинги олиб борилади.

Шу билан бирга социология инсон ҳуқуқлари назариясига нисбатан энг танқидий кайфиятдаги фан сифатида намоён бўлади. Бунинг боиси шундаки, социология ҳам, инсоннинг табиий ҳуқуқларини рад этувчи ҳуқуқий позитивизм, аниқроқ қилиб айтганда, XIX аср позитивизми ҳам баҳраманд бўлган манба бир.

4-§. Халқаро муносабатлар фани ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала байналмилаллик хусусиятини касб этиб бормоқда, ҳуқуқнинг ўзи инсоннинг башарият вакили сифатида, халқларнинг ана шу башарият авлодининг қисми сифатида намоён бўлишининг шакли, воситаси, механизмига айланмоқда. Халқаро муносабатларнинг демократлаша ва инсонпарварлик хусусияти касб эта бориши инсон ҳуқуқларининг тан олиниши ва ҳимоя қилинишидан ажралмасдир. Таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқларнинг эътироф этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиш даражаси инсониятнинг умуман ягона, яхлит башарий тараққиёт тариқасида аста-секин қарор топиб бораётганлигининг ишончли мезони бўлиб хизмат қилади»¹

Н.Неновски,
болгариялик профессор

Халқаро муносабатлар давлатлар ўртасидаги, давлатлар тизимлари ўртасидаги, жаҳон майдонида фаолият кўрсатиб турган асосий ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа йўналишдаги алоқалар ҳамда ўзаро муносабатлар мажмуини ўрганувчи фандир. Гарчи тадқиқотчилар «халқаро муносабатлар тўғрисидаги фан билимларнинг қандайдир қарор топган тизими сифатида ўзини намо-

¹ Қаранг: Неновски Н. Новые реальности в мире и права человека // Права человека в истории человечества и в современном мире. С.39.

ён этмайди»¹ деб таъкидласалар-да, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ривожига унинг аҳамиятига тўғри баҳо бериш жоиздир.

Биринчидан, юқорида айтиб ўтилган барча фанлар ичида бу фан ўрганиш жабҳаси бўйича инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа жуда яқин, чунки халқаро ҳаёт соҳасини қамраб олади.

Иккинчидан, халқаро муносабатлар фалсафий, сиёсатшунослик ва социологик ёндашувларни айна халқаро амалиётда уларнинг қўлланилишини қамраб олувчи комплекс фан сифатида шакл ва сайқал топмоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий фанлар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ қандай ўрин тутган?

2. Фалсафа билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари қандай?

3. Сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзаро таъсири қандай?

4. Социология билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари қандай?

5. Халқаро муносабатлар тизимида инсон ҳуқуқлари қандай ўрин эгаллайди?

Еттинчи мавзу.

Юридик фанларнинг асосий тармоқлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари белгили, ялпи қамраб олувчи ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги жамики илм-фан томонидан ўрганилмоқда. Бу бежиз эмас, зотан инсон ўз моҳияти ва фаолиятининг турли жиҳатларига кўра гуманитар фанларнинг тадқиқот соҳасидир»²

Е.А.Лукашева,
россиялик ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори

1-§. Ҳуқуқшунослик фанлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг шаклланишида давлатларнинг миллий ҳуқуқи ва унинг асосий тармоқлари, яъни

¹ Қаранг: Цыганков П.А. Предисловие//Международные отношения: социологические подходы/Рук. авт.колл.проф. П.А.Цыганков. М., 1998. С.6.

² Қаранг: Лукашева Е.А. Введение. Предмет и задачи теории прав человека//Права человека: Учебник. М., 1999. С.1.

конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ҳуқуқи ижтимоий фанлардан кейин иккинчи манба бўлган. Кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзи миллий қонунларга инсон ҳуқуқларининг халқаро нормалари ва стандартларини сингдириш йўли билан миллий ҳуқуққа тобора фаолроқ таъсир эта бошлади.

Инсон ҳуқуқлари назариясини ўрганишда унинг бошқа юридик фанлар - давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан, юриспруденциянинг барча тармоқлари - конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлар билан, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, маъмурий процессуал сингари процессуал билим тармоқлари билан кесишуви ва ўзаро таъсири муқаррардир. Чунончи, шахснинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқий қобиляти, муомалага лаёқатсизлиги муаммолари ҳуқуқнинг умумий назариясида ҳам, тармоқ юридик фанларда (тармоқ ҳуқуқий мақом сифатида) ҳам ўрганилмоқда. Инсон ҳуқуқларининг қарор топиши ва ривожланиши хусусида ҳам шундай дейиш мумкин: бу нарса чет эл ва миллий давлат ва ҳуқуқи тарихида, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида ўрганилади. Тармоқ юридик фанлар шахснинг конституциявий, фуқаролик, ер, аграр, экологик ва бошқа ҳуқуқларини ўрганиб борадики, бу ҳуқуқлар жамланган ҳолда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади. Конституциявий, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, маъмурий процессуал ҳуқуқ орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари ва механизмлари, бузилган ҳуқуқларни тиклаш усуллари ўрганилади.

2-§. Конституциявий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимнинг етакчи тармоғидир¹. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий тузилишининг асосий принципларини, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан муносабатлари тартибини, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини тартибга солиди ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимини аниқлаб беради. Бир қанча мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ давлат ҳуқуқи деб ҳам юритилади.

¹ Қаранг: Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Тошкент, 2001.

Айрим мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи шу мамлакат қабул қилган асосий принциплар негизида ташкил топади. Ана шундай принциплардан бири ички давлат ва халқаро ҳуқуқ муносабати масаласини ҳал этишдан иборатдир. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуққа нисбатан устунликка эга бўлгани учун ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари конституциявий ҳуқуқ тузилишини бевосита белгилаб беради. Айни ана шу халқаро нормалар (ички давлат ҳуқуқида улар қай тарзда акс этганлигидан қатъий назар) шахснинг у ёки бу ҳуқуқларини мустаҳкамлаб беради, уларни халқаро кўламда ва ички давлат миқёсида ҳимоя этиш механизмини белгилайди.

Бошқа жиҳатдан олганда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини шакллантириш жараёнида уларни юзага келтираётган давлатларнинг хоҳиш-иродаси белгиловчи аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий ҳужжатларини яратишда иштирок этган давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи нормалари мазмунига боғлиқ ҳолда шаклланади. Келишувлар, хусусан, икки тарафлама ва кўп тарафлама келишувларга келганда шунини айтиш жоизки, бунда конституциявий ҳуқуқ нормалари уларни шарҳлашга, айрим тушунчалардан фойдаланишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг муайян механизмларини кўрсатишга ва барча давлатлар учун муштарак бўлган шу сингари бошқа ишларга сезиларли даражада таъсир этади.

3-§. Фуқаролик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Фуқаролик ҳуқуқи миллий ҳуқуқнинг конституциявий ҳуқуқдан кейинги энг муҳим тармоғидир. Мулкий муносабатлар ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқи бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларни, масалан, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқини тартибга солади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари фуқаронинг муҳим ҳуқуқларини белгилаб беради: улар давлатнинг фуқаролик ҳуқуқида акс этади, уларни ҳимоя қилиш механизмлари эса инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларга мувофиқ фуқаролик процессуал ҳуқуқида белгилаб қўйилади. Чунончи,

фуқаролик ҳуқуқида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасидаги («Ҳар бир инсон, қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниши ҳуқуқига эгадир»), 12-моддасидаги («Ҳеч ким инсоннинг ...орномуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ... ана шундай тажовуздан қонун йўли билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир»), 15-моддасидаги («Ҳар бир инсоннинг гражданлик (фуқаролик) ҳуқуқи бор») қоидалар ва бошқа қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқида эса мазкур Декларациянинг 8-моддасида берилган қоида («Ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир») ва бошқа нормалари мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Айни бир вақтда муайян давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи (хоҳ у моддий ҳуқуқ бўлсин, хоҳ процессуал ҳуқуқ бўлсин) конституциявий ҳуқуқ сингари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари яратилишига ҳам таъсир этади. Бу таъсир фуқаро ҳуқуқларини ҳамда уларнинг ҳимоя этиш механизмларини (улар билан кўпинча ҳимоя этишнинг суд тартиби аниқлаб олинади) акс эттирувчи конкрет нормалар яратилишида ўз ифодасини топади.

4-§. Маъмурий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувининг ташкил этилиши ҳамда унинг ижро ва идора этиш билан боғлиқ фаолияти жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғидир.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларида давлат бошқаруви билан, энг аввало иқтисодиёт ва ижтимоий-маданий соҳадаги бошқарув билан инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан боғлиқ механизмлар кўпроқ акс этади. Бунга жумладан, таълим тизимини ташкил этиш, таълимни бошқариш ва таълим муассасалари фаолияти устидан давлат назоратини олиб бориш; соғлиқни сақлаш ишлари бошқаришни ташкил этиш, давлат соғлиқни сақлаш бошқаруви тизимини, санитария-эпидемиология назоратини ташкил

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл//Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т.: Адолат.1992. С.12-13.

этиш; фан, маданиятни бошқариш; фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув киради. Шундай қилиб, маъмурий нормалар инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишнинг давлат ички механизмини таъминлайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида мустақкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари шахс томонидан қай тарзда амалга оширилиши мумкин эканлигини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа акс таъсирини халқаро шартномалар ва битимларда ёйилган ҳолда, кўзга унча ташланмайдиган нормаларда кўриш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий ҳужжатларида кўпинча алоҳида олинган бир давлат юрисдикциясидаги шахс ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шу давлат нималар қилиши кераклиги тўғрисидаги умумий тушунчалар берилади. Ривожланиши, маданияти ва иқтисодиёти бўйича ўзаро яқин мамлакатларнинг давлат тузилишида ҳам фарқ бўлиши мумкинлиги инобатга олинмаган бўлса, ана шундай тарзда тушунча берилиши табиий эканлиги аён бўлади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 2-моддасида, жумладан, шундай дейилади: «Мазкур Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат яқка тартибда ва халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида ... ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни барча зарур усуллар билан, жумладан, қонунчилик чоралари кўриб, мавжуд бўлган ресурслар доирасида имкони бор қадар кўпроқ тадбирлар кўриб, аста-секин рўёбга чиқариш мажбуриятини олади»¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида 1993 йил 25 июнда қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида бу борада, масалан, анчагина кенг тавсиялар берилган. Унда, жумладан, давлатларга қаратилган шундай кўрсатма бор: «Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ҳукуматларни ички қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардаги стандартларни киритишга ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириб бориш ва ҳимоя этиш ишида муайян роль ўйнайдиган миллий тузилмаларни, институтлар ва жамият органларини мустақкамлашга қатъият билан даъват этади»².

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл//Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т.: Адолат.1992. С.19.

² Қаранг: Венская декларация и Программа действий// Право человека: Учебник-хрестоматия.Т.: 2001. С.260.

5-§. Жиноят ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликни ҳамда ижтимоий муносабатларнинг мазкур тизими учун хавfli қилмишлар жазоланишини белгилайдиган юридик нормаларнинг мажмуидан иборат ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқининг асл мақсади жиноятчиликка қарши курашдир. Бу ҳуқуқ қайси қонунбузарликлар ижтимоий хавfli эканлигини, яъни алоҳида олинган бир шахснинг ва умуман, жамиятнинг ҳуқуқларини бузишга қаратилганлигини аниқлаб беради. Бунда жинойи жазо белгиланадиган қилмишларнинг объектлари - ҳуқуқлар ва ижтимоий муносабатлар аниқлаб олинади. Мазкур объектлар инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан иборатдир. Процессуал ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя этиш механизмини шакллантиришга ёрдам берди ва бунда миллий суд ишини юритиш принципларини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди сингари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари асосида фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар фаолиятига асос қилиб белгилаб қўйди.

Айни вақтда акс алоқани кузатиш ҳам қийин эмас. Қатнашчи давлатлардан ҳамма яхши жиҳатларни қабул қилиб олиб, уларни Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл, БМТ конвенциялари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа ва бошқа минтақавий декларациялар, бир қанча минтақавий конвенциялар ва битимлар сингари муҳим халқаро ҳужжатларда қамраб олиш билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ бу нормаларни миллий ҳуқуққа сингдириш мажбуриятини қатнашчи давлатлар зиммасига юклади. Бундан ташқари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда ҳибсга олинганларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда бошқа бир қанча нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, улар миллий жиноят-процессуал ҳуқуққа ҳам кирди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳуқуқшунослик фанлари тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ қандай ўрин эгаллаган?
2. Конституциявий ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари қандай тартибга солинади?
3. Фуқаролик ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари қандай тартибга солинади?
4. Маъмурий ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари қандай тартибга солинади?
5. Жиноят ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?

Саккизинчи мавзу.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

«Инсон ҳуқуқлари ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг тармоғи сифатида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳол объектининг ўзига хос хусусияти ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш усулининг эътиборли белгилари билан, давлат ички ҳуқуқига жинслашиб кетувчи алоқаси билан, ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги аҳамияти ҳамда бошқа кўнгина ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ҳуқуқ мазкур тармоғининг ўзига хос белгиси халқаро битимлар бўйича зиммага олинган мажбуриятларнинг давлатлар томонидан амалга оширилиши устидан назорат олиб борувчи халқаро механизмнинг вужудга келтирилиши ҳамда фаолият олиб боришида намоён бўлади»¹

В.А.Карташкин,
россиялик профессор

1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ - ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқининг мустақил тармоғи

Халқаро ҳуқуқ давлатлар, миллий-озодлик ҳаракатлари, халқаро ташкилотлар, давлатсимои тузилмалар ўртасидаги ва баъзи ҳолларда шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ айни халқаро ҳуқуқнинг шундай тармоғики, унда давлатлардан ташқари муайян бир шахс ва шахслар гуруҳи ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қаралади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ худди шу жиҳати билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа кўнгина тармоқларидан фарқ қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳақида, шунингдек, унинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан нисбат ва муносабатлари тўғрисида ҳозирги кунга қадар баҳс-мунозара юритиб келинаётганлиги бежиз эмас, албатта.

¹ Қаранг: Карташкин В.А. Права человека и развитие международно-го права //Права человека: Учебник/Отв. ред. Е.А.Лукашева. М., 1999. С.495.

Шунга қарамай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, умуман олганда, халқаро ҳуқуқ билан бир хил кўрсаткичларга эга. Ҳар иккала ҳуқуқнинг, хусусан:

биринчидан, манбалари бир бўлиб, булар халқаро шартномалар, халқаро одатлар, халқаро конференция ёки кенгашларнинг ҳужжатлари ва шу сингари ҳужжатлардир;

иккинчидан, мақсадлари бир бўлиб, бу тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашдан иборат;

учинчидан, принциплари бир бўлиб, бу суверенитет принципи, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва шу каби принципларда намоён бўлади;

тўртинчидан, норма яратиш усуллари бир хил бўлиб, улар халқаро мулоқот субъектларининг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига асосланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари уни халқаро ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан қиёслаганда, айниқса, яққол кўзга ташланади.

2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро одат ҳуқуқи

Халқаро одат ҳуқуқи давлатларнинг ҳуқуқий мажбурияти тушунчасидан келиб чиқади ҳамда қатъий риоя этиладиган умумий ва доимий амалиётдан ташкил топади.

Халқаро одат халқаро ҳуқуқнинг манбаидир. Халқаро ҳуқуқнинг одат нормаси хулқ-атвор ва юриш-туришнинг барчага баб-баравар қоидалари, яъни халқаро ҳуқуқ субъектлари юридик жиҳатдан мажбурий деб эътироф этадиган қоидалар бир хил амал қилишида кўринади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлат билан унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бошқа давлатлар одатда бундай ҳуқуқ мониторингига фақат оддий дипломатик амалиёт воситасида тасодиф туфайли жалб этилиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ҳосил этиш сифатида қабул қилинган амалиёт, умуман олганда, халқаро одат ҳуқуқини ташкил этувчи хулқ-атвор ва юриш-туришнинг айрим шаклларида фарқ қилувчи шаклларни ўз ичига олади. Булар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

биринчидан, БМТ Уставига ва унинг инсон ҳуқуқларига доир қоидаларига ялпи тарафдорлик;

иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси уни-

версал тарзда ва тез тасдиқ этилган ҳолда қабул қилинганлиги;
учинчидан, инсон ҳуқуқларининг умум эътироф этилган принципларини қабул қилиш ёки айрим ҳуқуқларнинг ўзини қабул қилиш тўғрисида халқаро битимларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш ишида давлатларнинг ялпи иштироки;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари принципларининг Европа, Лотин Америкаси ва Африкадаги минтақавий ташкилотларда давлатлар томонидан қабул қилиниши;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро принципларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари деб эътироф этилиши;

олтинчидан, давлатларнинг ўз миллий ҳуқуқий тизимлари ёки амалиётларини халқаро стандартларга ёки халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган принципларга мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги фаолияти ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг миллий конституциялар ва қонунларга бевосита ёки билвосита киритилиши;

еттинчидан, миллий сиёсатда, дипломатик амалиётда, халқаро ташкилотларнинг фаолияти ва ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари принципларига мунтазам муносабат этиб турилиши;

саккизинчидан, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни бузиш билан боғлиқ амалиётни, шу жумладан, бошқа давлат томонидан қонунбузарликка жавоб тариқасида кўрилаётган қамоққа олиш чоралари ва содир этилаётган бошқа номатлуб ҳаракатлари акс этган бошқа муносабатлари ёки ҳаракатлари.

Халқаро одил суд ҳамда Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи мавжудлиги эътироф этилган. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи асосан биринчи авлод (туркум) ҳуқуқлари деб юритиладиган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли бўлиб, иккинчи ва учинчи авлод ҳуқуқларига, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларга амалда дахл этмайди.

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномалар ҳуқуқи

Халқаро шартномалар ҳуқуқи давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги халқаро шартномалар тузиш, бундай шартномаларнинг амал қилиши ва уларни бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи асосан учта универсал конвенцияга:

1. 1969 йилда қабул қилинган Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси;

2. 1986 йилда қабул қилинган Давлатлар билан халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлараро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси;

3. 1978 йилда қабул қилинган Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясига жамланиб, муайян бир тизимга солинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг аксарияти иштирокчи давлатлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, масалан, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда жамланиб, тартибга солинганлиги боис инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ана шу қисми халқаро шартномалар ҳуқуқи билан мос келади. Бироқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, айтиш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг шу тармоғи билан чекланиб қолмайди, бинобарин, унинг кўпгина ҳужжатлари, масалан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1965 йилда қабул қилинган Ёшлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳурмат ва халқлараро хайрихоҳлик ғояларини тарқатиш тўғрисидаги декларация шартномавий эмас, тавсиявий хусусиятга, шунингдек, халқаро русум ва одат хусусиятига эгадир.

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро ташкилотлар ҳуқуқи

Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи халқаро ташкилотларни тузишни, бундай ташкилотларнинг мақоми, ваколати ва фаолият олиб боришини ҳамда уларнинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ҳамкорлигини тартибга солади. Халқаро конференциялар ҳам халқаро ташкилотлар вазифасини ўтайди.

Инсон ҳуқуқларини халқаро кўламда ҳимоя қилиш, энг аввало, БМТ, ЕХҲТ ва шу сингари нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда “Халқаро амнистия” ва шу сингари халқаро ноҳукумат ташкилотлар томонидан амалга оширилаётганлиги учун ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг каттагина қисмини халқаро ташкилотлар ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолда қараб чиқиш мумкин. Бироқ бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари стандартлари ва нормаларини келишиб олиш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилишни тартибга солиш билан шуғулланади. Айни чоғда стандартларнинг ўзи ва жамлаб, тартибга солиш иши халқаро шартномалар ҳуқуқига хос ҳуқуқдир.

5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ деганда, одатда, мустақиллик учун кураш олиб бораётган давлатлар ҳамда халқлар мақомини тартибга солувчи ҳуқуқ тушунилади. Бу ҳуқуқ БМТ Уставида, 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларда ўз аксини топган. Кейинги вақтларда халқларнинг ҳуқуқи деганда халқларнинг ривожланишга бўлган ҳуқуқи ҳам тушунилмоқда. Лекин бу ҳуқуқ айни чоғда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан юзага келган ҳосила ҳамдир¹.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг бу тармоғи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ билан жуда пайваста бўлиб кетган. Бир қанча халқаро ҳужжатларда, масалан, Осие - Тинч океани индивидлар ва халқларнинг инсоний ҳуқуқлари декларациясида ҳамда халқаро ҳуқуққа оид асарларда² улар умуман бирлаштириб қўя қолинган.

Бироқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ўз кўламига кўра халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқдан анчагина кенг бўлиб, бундай ҳуқуқларни муайян қисм сифатида ўз ичига олади. Зотан:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси халқларнинг ҳуқуқларига нисбатан бир мунча универсалроқ хусусиятга эга; “халқ” алоҳида шахслар, яъни индивидлар бирлашмаси шаклларида бири ва у, қоида тариқасида, тарихий жиҳатдан “давлат” деган тушунчага мос келади;

иккинчидан, халқларнинг ҳуқуқлари тушунчаси тарихан чекланган хусусиятга эга. Бу тушунча XX асрнинг 50-60-йилларида мустамлакачилик тизими таназули авжига чиққан бир паллада шаклланган бўлиб, шундан кейин у ўз аҳамиятини секин-аста йўқота борди;

учинчидан, халқларнинг ҳуқуқлари сиёсат ҳамда ўзгарувчан мафкура “бозори” билан анча кенг жипс тарзда боғлиқ. Бу ҳол Югославиянинг парчаланиб кетиши билан ҳамда Чеченистондаги уруш билан боғлиқ воқеаларда яна бир карра намоён бўлди.

¹ «Ривожланишга бўлган ҳуқуқ», - деб таъкидлайди жазоирлик аллома М. Бежаовий, - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиқади». Қаранг: Bedjaoui M. The Right to Development//International Law: Achievements and Prospects/Ed. By M. Bedjaoui/UNESKO, 1992.P.1184.

² Қаранг: Ibid.P.1043

Шунга қарамай, юқорида айтилган гаплар халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ аҳамиятини асло камайтирмайди. Бу хусусда француз ҳуқуқшуноси М.Виреллининг мана бу фикрига тўла-тўқис қўшилиш мумкин: “Халқаро ҳуқуқда халқларнинг ҳуқуқлари тушунчасининг ривож топиши, шакл-шубҳасиз, 1945 йилдан эътиборан халқаро ҳуқуқдаги жўшқин ўзгаришлардан бири бўлиб қолди”¹.

6-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқ

“Инсон ҳуқуқлари аввало гуманитар ҳуқуқнинг нормалари сифатида, қолаверса, ҳозирги кунда тинчликнинг муқаррар, дахлсиз ва ажралмас омили тариқасида намоён бўлаётганлиги жиҳатидан ҳам муҳим ўрин тутади”²

С.Маркус Эльмонс,
бельгиялик профессор

Халқаро гуманитар ҳуқуқ - уруш олиб бориш қоидаларини ёки уруш олиб бориш қонунлари ва одатларини ташкил этувчи ҳамда уруш олиб боришнинг воситалари ва усуллари инсонпарварлик билан йўғрилишини таъминлаш мақсадини кўзловчи халқаро конвенциявий нормалар ҳамда одат нормалари мажмуидан иборатдир.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ уруш қурбонлари, яъни урушдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам йўналтирилган. Урушдан жабр кўрганлар жумласига ҳарбий асирлар, ярадорлар ва касаллар, кема ҳалокатига учраган - денгиз қуролли кучлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек, аҳолининг ноҳарбий қисми, шу жумладан босиб олинган ҳудудлардаги аҳоли киради. Ана шу шахсларнинг ҳар бир тоифаси 1949 йилда қабул қилинган тўртта Женева конвенцияларидан бирининг ва 1977 йилда қабул қилинган уларга қўшимча протоколларнинг ҳамда

¹ Қаранг: Virally M. Panorama du droit international contemporain// R.C.D.I. 1985.P.58.

² Қаранг: Маркус Эльмонс С. Права человека в национальной и международной перспективах//Права человека в истории человечества и в современном мире/Отв.ред.Е.А.Лукашева. М.,1989. С.129.

гуманитар ҳуқуқни амалга ошириш билан шуғулланувчи ташкилот - Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг ҳимояси остида бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ билан халқаро гуманитар ҳуқуқ муносабати ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг муаммоларидан бири бўлиб, бу борада уч хил ёндашув мавжуд.

Биричи ёндашувни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқшунослар Халқаро Қизил Хоч қўмитаси имкон даражасида бетараф ва сиёсий жиҳатдан, таъбир жоиз бўлса, зиммасида юки йўқ ташкилот бўлишига, ўзи чамбарчас боғлиқ бўлган сиёсатдан унинг узоқроқ туришини хоҳловчи ҳуқуқшунослардир. Ана шу ёндашув, айниқса, С.Нахлик томонидан лўнда ифода этилган: “Халқаро гуманитар ҳуқуқ билан инсон ҳуқуқлари ўртасида катта фарқ бор, зотан инсон ҳуқуқлари қуролли можаролар вақтида қўлланилмайди”¹. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, гуманитар ҳуқуқ нормалари барча иштирокчи давлатлар учун тўғридан-тўғри амал қилади, инсон ҳуқуқлари нормалари тўғрисида эса бундай деб бўлмайди.

Иккинчи ёндашувга кўра халқаро гуманитар ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа ўхшашиб кетади. Бинобарин, анъанавий тарзда гуманитар ҳуқуқ деб юритиладиган ҳуқуқ қуролли можаролар вақтида халқаро ҳуқуқ сифатида қаралади². Бироқ бир қанча муаллифлар адолатли тарзда таъкидлаганларидек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни халқаро гуманитар ҳуқуқ деб номлаш “мазкур тушунчадан фойдаланишнинг қарор топган анъанасини бузади”³.

Ҳаққонийлик жиҳатидан қаралса, **учинчи ёндашув** устунроқ бўлиб, унга кўра халқаро гуманитар ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг таркибий қисми ва унга “уруш давридаги инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқ”⁴ сифатида қарамоқ керак.

Назаримизда, халқаро гуманитар ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа унинг уруш қурбонларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ қисми бўйича киради, қуролли можаролар устидан,

¹ Қаранг: Nahlik S. A Brief Outline of International Humanitarian Law, Extract from «International Review of the Red Cross» July-August 1984. P.7.

² Бундай нуқтаи назарни, жумладан, “Юридическая энциклопедия” (М., 1997. С.103) муаллифлари ва П.Н.Бирюков (қаранг:Бирюков П.Н. Международное право: Учебное пособие. М., 1998. С.204.) қўллаб-қувватлайди.

³ Қаранг: Додонов В.Н., Панов В.П., Румянцев О.Г. Международное право: Словарь-справочник/Под общ.ред.акад.МАИ, д-ра юрид.наук. В.Н.Трофимова. М., 1998. С.144.

⁴ Қаранг: Human Rights. Major International Instruments UNESCO. 1996. P.12.

бетарафлик режими, истилочилик режими ва шу сингарилар ус-
тидан назорат олиб борилишини назарда тутувчи нормаларга та-
аллуқли қисми бўйича эса қирмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Замонавий халқаро ҳуқуқ деганда нимани тушунаси?
2. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ қандай ўрин тутуди?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ замонавий халқаро ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида қандай ҳусусиятларга эга?
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг халқаро одат ҳуқуқи билан ўзаро боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ билан халқаро шартномалар ҳуқуқининг ўзаро таъсири қандай?
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро ташкилотлар ҳуқуқининг ўзаро муносабатлари қандай?
7. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ билан халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг боғлиқлиги нималарда кўринади?
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг умумий ва фарқ қилувчи томонлари нималардан иборат?

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ БИЛАН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ МУНОСАБАТИ

“Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва давлат ички ҳуқуқининг бирлашиб кетиши, бир-бирига кириб бориши ва бир-бирига таъсири кучайиши бугунги кунда ҳар қачонгига қараганда ҳам чуқурроқ содир бўлмоқда”¹

*Е.А.Лукашева,
Россия Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси, профессор*

«Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ принциплари ҳамда нормаларининг қарор топиши ва ривожланиши уларнинг давлат ички қонун ҳужжатлари билан муносабати тўғрисидаги масалани муқаррар равишда ўртага кўндаланг қилиб қўяди. Бу масала халқаро ҳуқуқ ўз ривожининг муайян босқичида умуман нимани намоен этишига ҳамда ҳуқуқнинг турли субъектларининг унга муносабати қандай экаилогига қараб ҳал этилади»²

*В.А.Карташкин,
россиялик профессор*

Тўққизинчи мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик

“Инсон ҳуқуқларини халқаро кўламда ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қиёсий ҳуқуқшуносликни ривожлантириш анчагина муҳим аҳамият касб этади. Бунда демократия институтларини ривожлантиришнинг ўтган неча ўн йиллари мобайнида жаҳон жамоатчилиги

¹ Қаранг: Лукашева Е.А. От ответственного редактора //Права человека в международном и внутри государственном праве. М., 1995. С.4.

² Қаранг: Карташкин В.А. Права человека в международном и внутри государственном праве. М., 1995. С.5.

В.В.Копейчиков,
украиналик профессор

Халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига, халқаро ҳуқуқий нормалар яратиш ишига давлатларнинг миллий ҳуқуқи ҳам жалб этилади. Халқаро ҳуқуқ юз йиллар мобайнида миллий қонунчилик тажрибаси негизида ривожланиб келган. Ҳозирги кунда эса халқаро ҳаёт ва халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари кўпроқ эътиборга олинмоқда. Айни вақтда халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро нормалар бошланишиданоқ миллий ҳуқуқ тажрибасига унинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда таяниб келади. Кейинчалик халқаро ҳуқуқ кўпгина давлатларнинг миллий ҳуқуқидаги инсон ҳуқуқлари институтига сезиларли ва баракали таъсир ўтказиб келмоқда².

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ кўп жиҳатдан шахс ҳуқуқлари борасидаги анъанавий Ғарб қадриятлари ҳамда Ғарбнинг либерал концепциясига асосланган дейиш мумкин. Айни бир вақтда халқаро ҳамжамият таркибига ҳар бири ўз тарихига, маънавий-ахлоқий ва диний-маданий қадриятларига, ҳуқуқий анъаналарига эга бўлган 200га яқин давлат киради. Инсон ҳуқуқларига бўлган муносабат кўп жиҳатдан ижтимоий қадриятларга ҳамда бир қанча фундаментал фалсафий масалаларга, шу жумладан, инсон шахси моҳияти ҳамда шахс билан жамият ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги масалага бўлган қарашларга боғлиқ эканлиги фактини эътироф этмаслик мумкин эмас³.

Миллий ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хил эканлигига қарамай, қиёсий ҳуқуқшуносликда ҳозирги кундаги ҳуқуқий тизимларни роман-герман ҳуқуқий тизими, инглиз-америка ҳуқуқий тизими ва анъанавий ҳуқуқий тизимга (мусулмон ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи ва шу кабиларга) бўладилар⁴. Бугунги кунга келиб, ўз

¹ Қаранг: Копейчиков В.В. Социальные реальности и права человека / Права человека в истории человечества и в современном мире / Отв ред. Е.А.Лукашева. М., 1989. С.49.

² Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник. М., 2000. С.89.

³ Қаранг: Даниленко Г.М. Международная защита прав человека. Вводный курс: Учебн.пособие. М., 2000. С.30.

⁴ Қаранг: Саидов А.Х. Сравнительное правоведение: Учебник / Отв. ред. В.А.Туманов. М., 2000

таъсирини йўқотган ҳуқуқ турлари орасида совет ҳуқуқи ажралиб туради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ билан таққослаш учун энг кенг тарқалган ҳуқуқий тизим сифатидагина эмас, балки инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ шаклланишига, энг аввало, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмларига баракали таъсир ўтказган тизим сифатида *Ғарб ҳуқуқи тизими* деб аталмиш мумтоз тизимни (роман-герман ва инглиз-америка ҳуқуқий тизимларини), шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда халқларнинг ҳуқуқлари принциплари шаклланишида таъсири бўлган совет ҳуқуқини ажратиб кўрсатиш кифоя.

Анъанавий ҳуқуқий тизимларнинг, хусусан, ҳинд ҳуқуқий тизимининг, конфуцийчилик ҳуқуқий тизимининг, мусулмон ҳуқуқий тизимининг катта қисми инсон ҳуқуқлари принципларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилганлиги учун ушбу мавзуда ҳозирги босқичда энг нуфузли ҳуқуқ сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ислом нормалари билан қўшиш ва уйғунлаштиришга ҳаракат қилаётган мусулмон ҳуқуқига тўхталиш билан чекланамиз.

1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқий тизими

Ғарб ҳуқуқий тизимлари инсон ҳуқуқлари принципларини шакллантиришда етакчи роль ўйнаганлар. Улар Рим ҳуқуқи принципларини Уйғониш даврининг насронийлик универсализми ҳамда дунёвий мафкураси таъсири остида ривожлантирганлар. Бу ҳуқуқий тизимларда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни инсоннинг асосий ҳуқуқлари деб ҳисоблайдилар.

Роман-герман ҳуқуқий тизимига Европа қитъасида Рим, канолик ва маҳаллий ҳуқуқий анъаналар асосида юзага келган ҳуқуқий тизимлар киради. Роман-герман ҳуқуқий тизими Рим ҳуқуқий меросидан фойдаланилган ҳолда ташкил топган, тузилишининг, ҳуқуқ манбалари тизимининг муштараклиги ҳамда юридик тушунча ва атамалар ўхшашлиги билан бирлашган миллий ҳуқуқий тизимлардан иборатдир.

Ҳозирги вақтда роман-герман ҳуқуқий тизими Ғарбий Европа (қитъанинг яхлит қуруқлик қисми) мамлакатлари, Марказий ва Жанубий Америка давлатларининг аксарияти (Испания, Португалия ва Франциянинг собиқ мустамлакалари) ҳуқуқини, Япо-

ния, Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд ва бошқа баъзи Осиё мамлакатлари ҳуқуқини қамраб олади. Африкадаги кўпгина давлатларнинг, шунингдек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларида роман-герман ҳуқуқига мойиллик сезилади. Африка ва Осиё минтақасида роман-герман ҳуқуқининг муслмон ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи билан ўзаро муносабатлари мураккаб тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг ва хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг шаклланишига айни роман-герман ҳуқуқий тизими билан инглиз-саксон ҳуқуқий тизими, айниқса, катта таъсир ўтказган. Бунда халқаро ҳуқуқ кўпроқ Европа қитъасининг яхлит қуруқлик қисмида ривож топганлигининг таъсири ҳам бор. Шуниси ҳам сир эмаски, роман-герман ҳуқуқий тизимининг асосий белгилари ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг замонавий тизимига хосдир. Нормаларни жамлаб тартибга солиш, ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан (прецедент ва одатдан) қонуннинг устун эканлигини эслатиб ўтиш кифоя. Тўғри, халқаро ҳуқуқнинг шаклланиш жараёнида манба сифатида етакчилик ролини одат ўйнагани ҳолда халқаро оммавий ҳуқуқда прецедент яқиндагина, аниқроқ қилиб айтганда, халқаро судлов органлари тузилганидан кейин пайдо бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Бироқ турли мамлакатларнинг битта йирик ҳуқуқий тизимга мансуб эканлиги миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасида катта тафовутлар бўлишини истисно этмайди.

Масалан, ГФР Конституциясининг 25-моддасига биноан “халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари федерация ҳуқуқининг таркибий қисмидир. Бу нормалар қонун олдида устунлик мавқеига эга ва федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни бевосита келтириб чиқаради”. Халқаро ҳуқуқнинг таъсири ГФР ҳуқуқида Франция ҳуқуқидагига нисбатан анчагина аниқ акс этган. Халқаро ҳуқуқ Францияда ҳам эътироф этилади, лекин унинг Конституциясида бу нарса анча босиқлик билан “ўртамиёналик” сақланган ҳолда ифодаланган. Чунки, Конституциянинг 55-моддасида халқаро ҳуқуқ нормалари тўғрисида эмас, балки “лозим даражада ратификация қилиниши ёки маъқулланиши зарур бўлган шартномалар ёки битимлар”¹ тўғрисида сўз боради.

¹ Қаранг: Саидов А.Х. Сравнительное правоведение и юридическая география мира. М., 1993. Ўша муаллиф. Сравнительное правоведение: Учебник. М., 2000. Марченко М.Н. Правовые системы современно-го мира. М., 2001.

2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инглиз-америка ҳуқуқий тизими

Роман-герман ҳуқуқий тизими тан олинадиган мамлакатларда кучга кирган қонунни ҳуқуқнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдилар. **Инглиз-америка ҳуқуқий тизими** қадр топган мамлакатларда эса судьялар томонидан таърифланган ва суд прецедентларида ўз ифодасини топган нормалар ҳуқуқнинг асосий манбаидир.

“Умумий ҳуқуқ”нинг ҳуқуқий тизими Рим ҳуқуқи сингари “*ibi jus ibi remedium*” (ҳимоя таъминланган жойда ҳуқуқ ҳам бўлади) принципи асосида ривож топган. Шу сабабли И. Бентам ва бошқаларнинг жамлаб тартибга солишга уринишларига қарамай, “адолат ҳуқуқи” (Eguity Law) қоидалари билан тўлдирилган ва мукаммаллаштирилган инглиз умумий ҳуқуқи (Common Law) судлар томонидан яратилган прецедент ҳуқуқини ўзига асос қилиб олган. Бу ҳол статут (қонунчилик) ҳуқуқи роли ортиб боришини ҳам истисно этмайди.

Шундай қилиб, инглиз ҳуқуқи баайни учта тузилмага эга бўлди. Булар асосий манба бўлмиш умумий ҳуқуқ, ана шу асосий манбаи тўлдирувчи ва расамадга солувчи адолат ҳуқуқи, парламент томонидан келиб чиқадиган ёзма ҳуқуқ, яъни статут ҳуқуқидир.

Инглиз-америка ҳуқуқий тизимида келиб чиқиши АҚШ ҳуқуқи билан боғлиқ гуруҳни инглиз ҳуқуқи гуруҳидан фарқлай билиш керак. Инглиз ҳуқуқи гуруҳига Англия ҳуқуқи билан бир қаторда Шимолий Ирландия, Канада, Австралия, Янги Зеландия ҳуқуқи, шунингдек, Британия империясининг собиқ мустамлакалари (ҳозирги вақтда 36та давлат Британия Ҳамдўстлиги аъзоси ҳисобланади) ҳуқуқи киради. Маълумки, Англия йирик мустамлакачи давлат бўлган, шу боис инглиз умумий ҳуқуқи жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига тарқалганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Бугунги кунда ер юзи аҳолисининг қарийб учдан бир қисми муайян даражада ёки асосан инглиз ҳуқуқи нормаларига биноан яшамоқда, дейиш мумкин.

Сарчашмаси аслида инглиз умумий ҳуқуқи бўлган АҚШ ҳуқуқи ҳозирги кунда мустақил ҳуқуқ ҳисобланади.

Инглиз-америка ҳуқуқий тизимида инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя этиш салмоқли роль ўйнайди. Негаки, бу тизим судлов прецеденти асосига қурилган. Мазкур тизим таъсири доирасидаги энг ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизимида суд механизмини кучайтиришни ёқлаб ва қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва социалистик ҳуқуқ

Собиқ социалистик лагеръ таркибига кирган мамлакатларнинг аксариятидаги ҳуқуқий тизимлар дастлаб роман-герман ҳуқуқий тизими таркибига кирганлиги боис бу тизимларда ташқи жиҳатдан ўхшашлик сақланиб қолган. Чуновчи, ҳар иккала ҳуқуқий тизим роман-герман тизимида ҳам, социалистик тизимда ҳам ҳуқуқ нормаси хулқ-атвор ва юриш-туришнинг умумий қойдаси сифатида тушуниб келинган. Бу тизимларда айни чоғда аввалги юридик атамалар ва ҳуқуқни социализмгача бўлган даврга хос тарзда тармоқларга бўлиш таомили ҳам сақланиб қолган. Шунга қарамай социалистик ҳуқуқий тизимда тафовут шунчалар каттаки, бу ҳол унинг роман-герман ҳуқуқий тизимидан ажралиб чиқиб, мустақил ҳуқуқий тизим ҳосил этишига олиб келган.

Социалистик ҳуқуқий тизимларнинг ғоявий асосини марксизм-ленинизм ташкил этган. К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин социалистик ҳуқуқнинг муҳим хусусиятлари ва тавсифларини таърифлаб берганлар. Хусусан, бу ҳуқуқ жамият ижтимоий-иқтисодий тузуми тақозоси эканлигини, иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродаси сифатида ва бу синфнинг сиёсий ҳоқимияти воситаси сифатида қонун даражасига кўтарилган ҳуқуқнинг синфийлиги, ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ривожланишига муайян даражада акс таъсир ўтказиш қобилиятини таъкидлаганлар¹. Улар социалистик жамиятда ҳуқуқ зарурият эканлигининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омилларини асослаб берганлар². Буржуа ҳуқуқини қаттиқ танқид қилиб, уни инқилобий тарзда бекор қилиш зарурлигини далиллаш асносида улар пролетар инқилоби жараёнида ҳар қандай ҳуқуқни умуман тугатиш керак деган фикрдан йироқ бўлганлар. Чуновчи, В.И.Ленин бу хусусда шундай деб ёзган эди: «...утопизмга берилмай туриб, капитализм ағдарилгани ҳамона одамлар даров ҳар қандай ҳуқуқ нормаларисиз жамият учун ишлашни ўрганиб оладилар деб ўйлаб бўлмайди, қолаверса, капитализмни барҳам топтиришдек зўр ўзгариш бунга иқтисодий омилларни бирданига бермайди»³.

¹ Қаранг: Марксистско-ленинское учение о государстве и праве: История развития и современность. М., 1977. С.162–206.

² Қаранг: Учение К.Маркса, Ф.Энгельса, В.И.Ленина о социалистическом государстве и праве: История развития и современность. М., 1978. С. 207–219.

³ Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. Т.: Ўзбекистон, Т.33. С.99.

Советлар диёри И.В.Сталин томонидан идора қилинган даврда сингишиб кетган анъанага кўра процессуал қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ҳуқуқларига беписандлик билан қаралган. Судлар ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида юқоридан берилган кўрсатма измига юриб, оқлов ҳукмлари чиқаришни унутиб юборганлар ҳисоб. Ўтказилган дастлабки тергов сифатига судлар томонидан етарлича талабчанлик кўрсатилмаслиги эса терговчиларга тергов қилинаётганларнинг бўйнига фархил усуллар билан айб илиш ва уларнинг иқрорлигини ундиришда қўл келган. Тергов аппарати амалда суд назоратидан холи бўлиб олган. Совет ҳуқуқий тизимида қамоққа олиш учун санкцияни судья эмас, прокурор томонидан берилган. Терговчиларнинг аксарият қисми хизмат юзасидан ўзига бўйсунганлиги сабабли қонунийлик режимини мустақкамлаш устидан прокурорнинг самарали назорат ўрната олиши даргумон. Чунки бувақада унинг амалда ўзини ўзи назорат қилишига, ишга холисона ёндашиладиган бўлса, бевосита қўл остидагиларнинг ишда йўл қўйган нуқсонлари учун жавоб беришига тўғри келар эди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш кенг тарқалган, ҳатто зарурат бўлмаган тақдирда ҳам шундай чорани қўллай берганлар. Моҳиятан қамоққа олиш универсал эҳтиёт чораси бўлган. Лекин бунда кўпинча тергов қилишнинг қонун билан белгиланган муддатлари, шу жумладан, судгача қамоқда сақлаш муддатлари бузилишига йўл қўйилган. Турмаларда одамлар судга қадар уч-беш йиллаб сақланган. Айбланувчининг ҳуқуқлар билан таъминланмаганлиги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида дастлабки тергов жараёнида тараққий топган юксак маданиятли барча мамлакатлардан фарқли равишда, адвокатнинг иштирок этиши назарда тутилмаганлиги оқибатида янада кучайган (қонун ҳужжатларида вояга етмаганлар ва тергов қилинаётганларнинг айрим тоифалари учун баъзи истиснолар белгиланган бўлса-да, ҳатто шундай ҳолларда ҳам ҳимоячининг дастлабки тергов босқичида иштирок этишига рухсат бериш батамом терговчи ва прокурорнинг ихтиёрига боғлиқ қилиб қўйилган).

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа барча органлар амалда маҳаллий ҳокимиятга қарам бўлган. Судьялар, айтиш мумкинки, ялписига ҳукмрон партия аъзоси бўлганлар. Партиявий жавобгарлик институти суднинг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормани барбод этишнинг яна бир қуроли бўлган.

Совет ҳуқуқи назариётчилари (А.Я.Вишинский ва бошқалар) табиий ҳуқуқни рад этганлар ҳамда ҳуқуқларни ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар белгилаб бериши тўғрисидаги ҳуқуқий позитивизм принципларини дастак қилиб олганлар. Уларнинг назарида, инсоннинг ўз ҳуқуқларига эга бўлиши таби-

атдан эмас, бу ҳуқуқларни улар давлатдан олади. Давлат эса бундай ҳуқуқларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўяди.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг шаклланиши жараёнида социалистик ҳуқуқ ўйнаган муайян ижобий ролни ҳам таъкидлаш зарур. Совет юристлари инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши жараёнига сезиларли даражада таъсир ўтказганлар.

Биринчидан, Советларнинг 1917 йилда қабул қилинган Тинчлик тўғрисидаги декрети инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатган. Мазкур ҳужжатда мустамлакачилик муносабатларини тугатиш талаби илгари сурилиб, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эълон қилинган эди. И.И.Лукашукнинг фикрича, Совет ҳукуматининг дастури АҚШ Президенти Вильсоннинг ўн тўрт пункти деб аталадиган, Миллатлар Лигаси Статутига асос бўлган ҳужжатга таъсир этган¹.

Иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ишлаб чиқиш вақтида Совет Иттифоқи делегацияси 1936 йилги Совет Конституциясининг халқлар ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги қоидаларидан келиб чиқиб, ана шу нормани Декларацияга киритишни қатъият билан талаб қилган. Бу норма АҚШ, Буюк Британия ва бошқа бир қанча мустамлакачи давлатлар қаршилик қилганлиги сабабли Декларацияга кирмай қолган, бироқ кейинроқ Инсон ҳуқуқлари бўйича 1966 йили ҳар иккала халқаро пакт матнига кирди². Ва ниҳоят, айни совет вакиллари ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар халқаро миқёсда ҳимоя этилиши зарурлигини қатъият билан ёқлаб чиққанлар.

Гарчи Совет Иттифоқи, у билан биргаликда бутун социализм дунёси барҳам топган бўлса ҳам, социалистик ҳуқуққа доир анчагина элементлар собиқ социалистик мамлакатларда ҳозирги кунга қадар сақланиб турибди.

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва ҳозирги Шарқнинг диний (ағъанавий) ҳуқуқий тизимлари

XIX аср бошларига қадар мусулмон дунёси халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида ўзгаришлар жуда секинлик би-

¹ Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть: Учебник. М., 2000. С.70–71.

² Қаранг: Мовчан А.П. Международная защита прав человека. М., 1968. С. 61.

лан борган, шу боис ислом ҳуқуқи, гарчи унинг ақидалари ўзгармас бўлса ҳам, бу халқларнинг эҳтиёжларига тўла жавоб берган. Усмон империяси таназулга юз тутиши билан Яқин Шарқда Ғарбий Европа давлатларининг сиёсий таъсири кучайган.

Ғарб мамлакатлари билан алоқалар мусулмон дунёсининг ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишни тарихий зарурат даражасига чиқарган. Қонунчилик ислоҳотлари жараёнлари бошланиб кетган. Илгари фақат мусулмон ҳуқуқи билан тартибга солиб келинган муносабатлар соҳасига ҳам европача нормативлар кириб кела бошлаган.

XX аср ўрталарига келиб араб давлатларининг кўпчилиги асосий ҳуқуқий шакл бўлган мумтоз мусулмон ҳуқуқидан воз кечган. Баъзи араб давлатларининг ҳуқуқий тизимлари икки кўринишда, яъни роман-герман ҳуқуқий тизими ва инглиз-саксон ҳуқуқий тизими асосида шакл топган.

Ҳозирги мусулмон ҳуқуқининг тузилиши ва тармоқлари таҳлил этилганда унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи жиҳатларни топиш мумкин. Мусулмон ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари нормалари деб юритиладиган нормаларни кодификациялаш, яъни уларни жамлаб муайян тизимга солиш деган нарса мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, мусулмон ҳуқуқи манбаларида инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг аксарияти барибир у ёки бу тарзда мужассам топгандир.

Замонавий халқаро ҳуқуқ билан исломдаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солиб турувчи нормаларнинг универсаллиги тартибга солиш манбалари бўйича, улар асосида тартибга солинадиган масалалар бўйича ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши ва таъминланиши устидан назорат механизми бўйича фарқ қилади. Лекин исломда назарда тутилган айрим ҳуқуқлар ва эркинликлар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллда ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликларга зиддир. Булар қуйидаги ҳуқуқларга, хусусан, яшаш ҳуқуқи ва ўлим жазосига оид қоидага, эътиқод эркинлиги ҳамда уларни ифода қилиш эркинлигига, фикр юритиш ва виждон эркинлигига оид инсон ҳуқуқларига, эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари тенглигига, шунингдек, барча ҳуқуқлардан фойдаланишда эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги, қулдорлик ва қул савдосини тақиқлашга тааллуқли ҳуқуқлардир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича исломий битим ва шартномаларда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллдан фарқли равишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлашнинг ҳуқуқий механизми йўқ. Инсон ҳуқуқлари бўйича

исломий битим ва шартномалар Халқаро билдан фарқли равишда инсон ҳуқуқлари нормаларини ишлаб чиқишда давлатлар учун модел вазифасини ўтай олмайди. Негаки, улар том маънода тавсия хусусиятига эга.

Араб давлатлари лигаси раҳнамолигида инсон ҳуқуқлари бўйича араб мамлакатлариаро битим ва шартномалар қабул қилиш йўлида муайян амалий қадамлар қўйилган. Бироқ бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар, таассуфки, муваффақият келтирмаган. Бунинг сабаби бор, албатта. Араб давлатларининг бир қисми инсон ҳуқуқларини белгилаб олиш масаласида ислом концепцияси принциплари, яъни шариатни таяниш мумкин бўлган бирдан-бир асос деб биладилар. Бу мамлакатларнинг ишончи шунга комилки, инсон ҳуқуқлари тарихи, уларнинг назарида, Ғарб тарихию Руссо, Монтескье ҳамда Америка ва Франция инқилоблари арбобларининг асарларидангина иборат эмас. Инсон ҳуқуқлари тарихи Шарқнинг кўҳна цивилизацияси, қолаверса, ислом дини дунёга келган пайдан бошлаб Арабистон ярим ороли тарихи билан белгиланади. Шу билан бирга айрим араб мамлакатларида бошқача фикр ҳам кенг тарқалган. Унга биноан инсон ҳуқуқларига халқаро кўламда қараш керак. Ана шунда бошқа цивилизациялар ҳам инсон ҳуқуқларини фалсафий ва тарихий нуқтаи назардан идрок этадилар, бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларига татбиқан араб ва халқаро хусусиятларни бирлаштириш сари мойиллик юзага келади.

5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида халқаро ҳуқуқ ва ташқи сиёсатга ҳозирги барча дунё мамлакатлари конституциялари каби катта эътибор берилган. Унда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини миллий қонунчиликдан устувлиги конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ҳол, *биринчидан*, ҳозирги дунёда жараёнларнинг байналмилаллашуви ва глобаллашуви кучайиб бораётганлиги, *иккинчидан*, халқаро ҳуқуқнинг мавқеи кучайиб, унда башарият цивилизацияси тараққиёти мужассам бўлаётганлиги тақозосидир. Бу гап, энг аввало, ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқдек янги мустақил тармоғига тааллуқлидир.

XXI аср бошларига келиб инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимлар ривожига таъсири янада

кучайди. Ҳозирги кунда давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини писанд қилмайдиган, унга бажармаса ҳам бўлаверадиغان сиёсий декларациялар мажмуаси сифатида қарайдиган пайтлар орда қолди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг устун гоё эканлиги умум эътироф этилган ҳақиқат бўлиб қолди. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар ҳамда миллий-ҳуқуқий нормалар амал қилиши ва ривожлантирилишини мувофиқлаштириб боришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат тарихида биринчи бор халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари миллий қонунчиликдан устунлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциядаги ана шу янгилик Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг амал қилишига сезиларли даражада таъсир этди.

Бу принципнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари киритилди. Шу зайл Конституция цивилизация ютуқларини, жумладан, башарий қадриятлар тизимини, ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларини, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзида мужассам этди. Ўзбекистон шу йўл билан инсониятнинг юксак ғояларини қабул қилди ва ривожлантирди. Бунда гап миллий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан алмаштириш тўғрисида бораётгани йўқ. «Умум эътироф этилган принциплар ва нормалар» тушунчасининг ўзи универсал хусусиятга эга бўлиб, халқаро мулоқотлар қатнашчиси бўлган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон томонидан эътироф этилганликни англатади;

иккинчидан, миллий ҳуқуқий тизимга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари киритилди. Конституциянинг Муқаддимасига биноан Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг нормалари, агар давлат ички қонунлари нормалари уларга зид келадиган бўлса, давлат ички қонунлари нормаларига нисбатан устувор эканлиги белгилаб қўйилган. Халқаро шартнома билан миллий қонун ўртасида зиддият аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда эмас, балки халқаро шартномада ёзилган нормаларга амал қилишлари лозим;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши эъти-

роф этилди. Судлар ва бошқа давлат муассасалари тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита амал қилишга ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида зикр этилган Конституциядаги янгиликнинг аҳамияти халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуққа сингдиришнинг техникавий ва юридик муаммолари доирасидан бир мунча четга чиқади. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари ўз-ўзидан унинг миллий ҳуқуқий тизимининг бир қисмига айланади ва тегишлича турли давлат органлари ва судлар томонидан бевосита қўлланилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳол манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар ўзаро низоларни, шунингдек, давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар билан юзага келган низоларни ҳал этиш чоғида бевосита инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига таянишлари мумкин.

Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистоннинг миллий қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги боис инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга мувофиқ бўлиши лозим. Биронта ҳам давлат, шу жумладан, Ўзбекистон, агар ўз миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштирмас экан, инсон ҳуқуқлари бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмайди. Чунки инсон ҳуқуқларини тартибга солишнинг кўпгина масалалари ҳар бир давлатнинг юридик тартибга солиш предметиدير. Айни миллий қонун ҳужжатлари давлат ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни қандай тарзда ва қанақа ҳажмда бажаришини белгилаб беради. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини эътироф этиш, уларга риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг бурчидир».

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни белгилайди, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлардаги, БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган турли шартномалардаги принциплар ва нормаларни мустаҳкамлайди. Бу стандартларга халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг жаҳондаги барча давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлган умумэътироф этилган принциплари ва нормалари сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ қилиб баён этилганидек, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари халқаро

ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Бу билан Ўзбекистонда шахсининг ҳуқуқий мақоми халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Конституция ва миллий қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгартиришлар янги конституциявий институт - Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтини жорий этди. Бу институт фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизимига жо бўлди ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд механизмларини тўлдирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) айрим фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга парламент томонидан вакил қилинган, ишончли мустақил шахс бўлиб, асосан, ижро этувчи ҳокимият соҳасидаги мансабдор шахслар устидан парламент назоратини мазкур шахслар томонидан қабул қилинган қарорларни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда амалга оширади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ишининг асосий усули фуқаролардан тушпаётган шикоятларни кўриб чиқиш ва текширишдан иборат. Омбудсман назорат билан боғлиқ вазифасини ўз ташаббуси билан ёки фуқароларнинг талаблари ёхуд шикоятлари асосида амалга оширади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) фуқаролар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги воситачи сифатида бу органларнинг қарорларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Ўз назорати соҳаси юзасидан омбудсман парламентга ҳар йили маъруза тақдим этади. Бу ҳисоботда фуқаролар ҳуқуқларини бузишнинг энг кўп учрайдиган ҳоллари таҳлил қилинади, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятидаги камчиликлар таъкидланади, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни қўлланилиш амалиётини янада мукамаллаштиришга оид тавсиялар баён этилади.

Ўзбекистон Конституциясининг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги моддаларини шу соҳадаги муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таққосланадиган бўлса, умумий ёндашувлар бир-бирига мос келишидан ташқари кўпгина конкрет нормалар ўхшаш эканлиги ҳам аён бўлади. Бундан эса Ўзбекистонда шахсининг конституциявий мақомини белгиловчи принциплар БМТ, ЕХХТнинг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган умумжаҳон даражасини акс эттиради деб хулоса чиқариш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қиёсий ҳуқуқшунослик фани предметини нима ташкил этади?
2. Роман-герман ҳуқуқий оиласида инсон ҳуқуқларини тушунишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Инсон ҳуқуқларини инглиз-америкача тушунишнинг хусусиятлари қандай?
4. Инсон ҳуқуқлари социалистик концепциясининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
5. Шарқнинг диний (аъъанавий) ҳуқуқий тизимлари инсон ҳуқуқларига қандай ёндашади?
6. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида инсон ҳуқуқлари қандай ўрин тутади?

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТИЗИМИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, манбалари ва институтлари
- Инсон ҳуқуқларини халқаро кўламда ҳимоя этиш
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларининг универсаллиги
- Ўзбекистон республикасида инсон ҳуқуқлари

«Инсон ҳуқуқлари ҳамманинг ва ҳар кимнинг қадр-қимматини ҳамда инсон шахси ҳуқуқлари дахлсизлигини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари ботинан ҳар бир кишига, ҳар бир шахсга хос бўлиб, давлат ҳокимиятининг бирои бир органи томонидан инъом этилмайди ва бундай органларга боғлиқ бўлмайди ҳам. Бир қитъа учун бир қовун, бошқаси учун эса ўзга бир қовун бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари бузилганлиги устидан ҳукм чиқариш мумкин бўлган андоза битта, у ҳам бўлса, умумжаҳон андозаси бўлмоғи лозим»¹.

Кофи Аннан,
БМТ Бош котиби

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари
- БМТ ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари

«Ҳозирги кунда сайёравий унсур башариятнинг фундаментал муаммолар объектив тизимига киритилган. Бу унсур инсон ҳуқуқлари

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. М., 1998. С. 26.

таркибига кирмаслиги мумкин эмас. Одамзод тинч яшашга бўлган ўз ҳуқуқидан фойдаланишда комил ишончга эга бўлмас экан, ҳеч ким бундай ҳуқуқдан хотиржам фойдалана олмайди. Тенглик озодликнинг таркибий қисмига айлана боради, масъулият эса ҳам бурч, ҳам ҳуқуқ сифатида намоён бўлади»¹.

У.Черрони,
италиялик профессор

«Башарти биз алоҳида олинган одамларнинг ҳуқуқларини .., уларнинг аҳамиятини, уларнинг кадр-қимматини .., тан олмас эканмиз ва бу бутун жаҳонда эътироф этилиши лозим бўлган асосий ғоя эканлигига қўшилмас эканмиз, моҳият эътибори билан тинчликка эриша олмаймиз ёки тинчликни мустаҳкамлаш учун қулай муҳит ярата олмаймиз»².

Элеонора Рузвельт,
АҚШ Президентининг рафиқаси,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
комиссиясининг биринчи раиси

Ўнинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари

1. Инсон ҳуқуқлари концепцияси тараққиётининг асосий тамойиллари.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари.
3. Инсон ҳуқуқлари авлодлари.

1-§. Инсон ҳуқуқлари концепциясини тараққиётининг асосий тамойиллари

Кўпинча инсон ҳуқуқларининг ҳозирги концепцияси XVIII асрда шакл топган ва 1976 йилда қабул қилинган АҚШ Муста-

¹ Қаранг: Черрони У. Права человека. Демократия. Светская этика // Права человека в истории человечества и в современном мире/ Отв.ред. Е.А.Лукашева. М.,1989. С. 56.

² Қаранг: Права человека в России: декларации, нормы и жизнь. М.,1999. С. 7.

қиллиги декларациясида ҳамда 1789 йилда қабул қилинган Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида мужассам бўлган деб таъкидлайдилар. Бироқ инсон ҳуқуқлари асосий ғояларининг аксарияти Шарқ ва Ғарб мамлакатлари маданияти ва турмушида қадим-қадимдан мавжуд. Ғарб учун XVIII аср шуниси билан ажралиб турадики, бу даврда инсон ҳуқуқлари шахснинг яшаш ва озодликка бўлган ҳуқуқлари асосида концептуал ва қонунчилик жиҳатидан расмийлашув босқичидан ўтди¹. Бу концепциянинг илдизлари ўтмиш цивилизацияларнинг принциплари ва аъёналарига бориб тақалади.

Инсон ҳуқуқлари концепцияларининг Ғарбдаги ривожини ўз хусусиятига кўра тадрижий (эволюцион) ривожланишидир. XVIII асрда инсон ҳуқуқлари концепцияларини ишлаб чиқишга туртки берган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, яъни ҳимоя этилиши зарур бўлган инсон ҳуқуқларининг биринчи авлодидан кейин аста-секин иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, бинобарин, инсон ҳуқуқларининг иккинчи авлоди келган. XXI аср бўсағасида инсон ҳуқуқларининг учинчи авлоди алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Бутун инсониятнинг қонуний орзу-умидларини акс эттирувчи учинчи авлод ҳуқуқлари сирасига тинчлик ва тараққиётга бўлган ҳамда ифлосланишдан асралиши зарур мусаффо атроф муҳитга бўлган ҳуқуқлар киради².

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар концепцияларининг ривожини фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар концепцияларининг ривожига нисбатан бир мунча суст борган. Даставвал ўрта синф ва ишчилар синфи намояндаларининг, сўнгра эса хотин-қизларнинг демократик тузилмалардаги иштироки (уларга сайловларда овоз бериш ҳуқуқи берилган ҳолда) кенгайиб бориши бугунги кунда биз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар деб юритадиган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши оқибатидир. Ғарбда дастлаб эътибор саноат инқилобининг оқибатларига, хусусан, урбанизация, меҳнатни, шу жумладан, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш ва ишчилар синфининг чидаб бўлмас даражада қашшоқлашувиغا қаратилган.

Бошланғич босқичда бу муаммоларни ҳал этиш хайрия фаолияти билан шугулланувчи филантропия муассасалари ва айрим шахсларга боғлиқ бўлди. Ижтимоий иллат учун коллектив жавобгарлик концепцияси кейинроқ ривож топди ҳамда турли суғурта тизимлари ривожланиши муносабати билан трансферт тўловлари шаклини олган. Бироқ коллектив жавобгарлик тизимининг

¹ Қаранг: Люшер Ф. Конституционная защита прав и свобод во Франции // Защита прав человека в современном мире. М., 1993. С. 114.

² Қаранг: Ўша жойда. С.14-15.

дастлабки белгилари Фарбий Европада XIX аср охирларида, миллий қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтда пайдо бўлганлигига қарамай, айти Фарбий Европа мамлакатлари Осиё ва Африкада мустамлакачиликни кенгайтириб юборганлар. Бундай мустамлакачилик сиёсатининг оқибатларини тасдиқловчи ҳужжатлар кўп. Мамлакатлар забт этилиб, халқларнинг бўйсундирилиши ижтимоий тизимлар ва тузилмаларни барбод этган. Анъанавий жамиятлардаги ижтимоий муносабатлар илди-зига болта урилган, жамоаларнинг ҳуқуқлари эса мустамлакачи давлатлар томонидан поймаол этилган.

Якка тартибдаги чора-тадбирлар кўпчиликка тааллуқли муаммоларни ҳал этишга яроқсиз деб топилганидан кейингина уюшган ижтимоий таъминот концепцияси ривожлана бошлаган. Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари одамларга ер юзида ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва ўзаро алоқадор эканлигини яққол кўрсатган. Урушни қоралаш ҳамда халқаро ҳамкорлигининг институциявий асосларини яратишга қаратилган муштарак истак ва умумий орзу пайдо бўлган.

Халқаро, минтақалараро, минтақавий ва миллий даражада ҳамкорлик қилишга янгича ёндашувнинг далили сифатида, айтиш мумкинки, Миллатлар Лигаси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти таъсис этилган, шунингдек, 1920 йилда қатор ижтимоий-ҳомийлик ташкилотлари, масалан, Ижтимоий ҳомийлик масалалари бўйича халқаро конференция, Ижтимоий хизмат кўрсатиш мактаблари халқаро қўмитаси ва Халқаро ижтимоий ходимлар доимий котибияти ташкил топган.

Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасидаги навбатдаги муҳим босқич бошланиши учун, қанчалик қайғули бўлмасин, яна бир глобал хунрезлик - иккинчи жаҳон уруши керак бўлди. Урушдан кейин дунё мамлакатлари халқаро ҳамкорлигининг янги асоси қабул қилинди. Халқаро хулқ-атвор нормаларини ҳуқуқ сифатида расмийлаштириш зарур эканлиги кенг кўламда эътироф этилди. 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди ва бу ҳужжат норма ижодкорлик йўлида халқаро кўламда амалга оширилаётган кейинги барча фаолият учун асос бўлиб қолди.

Ҳозирги кунга келиб XIX асрга хос ўта миллатчилик иллоти бирон бир давлатда инсон ҳуқуқларига таҳдид бўлаётганда халқаро ҳамжамят четда томошабин бўлиб туриши мумкин эмаслигини ялписига тупувиш туйғуси билан алмашди.

Халқаро ҳамкорлик учун ана шундай янги асоснинг вужудга келтирилиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва халқаро ташкилотлар учун ҳам муайян оқибатлар келтириб чиқарди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятнинг принципларидан бири сифатида глобал бирдамлик принципи қарор топа бошлади. Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи халқаро, минтақавий ва миллий ташкилотлар сони кўпайиб, улар фаолият жўғрофияси ва қамраб олиш соҳаси кенгайди.

2-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фалсафий қадриятлар инсон ҳуқуқлари ролини тушунишда бағоят катта аҳамиятга эга. Бу қадриятлар инсон ҳуқуқларидек муҳим фанни ўқитишда ҳам ишончли асосдир. Мутахассислар ҳозирги кунда инсон фаолиятининг турли соҳаларида дуч келаётган кўпгина муаммолар аслида қадриятлар тизимининг танглиги ва таназзули билан боғлиқдир. Бу муаммоларга руҳий-ижтимоий ёки иқтисодий жиҳатдан изоҳни бошқа янада теранроқ омиллардан, шунингдек, юксак тараққий топган ҳамда маданият ва маърифатда юқори даражага эришган жамиятда ишлаб турган психологик, ижтимоий-иқтисодий ва қимматли тузилмалар ва жараёнлар ўртасидаги мавжуд алоқалардан изламоқ керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчаларини қисқача кўриб чиқамиз.

1. Яшаш ҳуқуқи. Инсон ҳаёти, кадр-қимматини идрок этиш ва тушуниб етиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча фаолият асосларининг асоси, ўзакларининг ўзагидир. Инсон ҳаётининг кадр-қиммати бошқа барча ғоя ва қадриятларнинг манбаи эканлиги боис ҳеч ким ҳаётдан, яшашдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Зотан яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас, узвий ва мутлақ ҳуқуқидир. Инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларига имкониятга қараб қарши туришнинг ўзи кифоя эмас. Ҳаётни таъминлаш ва уни яхшилаб боришга қаратилган барча фаолиятни фаол тарзда қўллаб-қувватлаш зарур. Фақат шу йўл билангина инсон ҳаёт кечиришининг моҳиятини реал мазмун билан тўлдириш мумкин.

Жисмонан соғлом бўлиш қадриятнинг зарур жиҳати ва ҳаёт кечиришнинг муҳим сифати ҳисобланади. Атроф муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, сув ресурслари соҳасидаги танглик, шу жумладан, бундай ресурсларнинг ифлосланиб бориши, соғлиқни сақлаш соҳасида дастурларнинг йўқлиги ёки бундай дастурлар қисқартириб ёки ташлаб қўйилганлиги, яъни ҳаёт учун хавфхатар таҳдидини юзага келтирувчи жиддий омилларнинг айрим-

ларини шунчаки айтиб ўтишнинг ўзи муаммо нақадар чуқур ил-
диз отганлигини кўрсатади.

2. Эркинлик - бу шундай принципки, унга мувофиқ «барча одамлар озод бўлиб туғилдилар». АҚШнинг собиқ Президентларидан Франклин Делано Рузвельт тўртта эркинликни қўллаб-қувватлаб, 1941 йил 6 январда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Эркинлик инсон ҳуқуқлари ҳамма ерда ва ҳамма нарсада устун эканлигини англатади. Биз ана шу ҳуқуқларни қўлга киритиш учун ёки уларни ёқлаб кураш олиб бораётганларнинг барчасини қўллаб-қувватлаймиз»¹.

Эркинлик принципи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг дастлабки иккита моддасида эълон қилинган.

Асосий эркинликлар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

- эркинлик ҳуқуқи;

- қулликдан ва тутқунлик ҳолатидан озодлик;

қийноққа солиш ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон

қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазодан озодлик;

- ўзбошимчалик билан қамоққа олиниш, ушлаб турилиш ёки қувғин қилинишдан озодлик;

- ўзбошимчалик билан шахсий ва оилавий ҳаётга аралашилишдан ҳамда уй-жой дахлсизлигига ва ёзишмалар сир сақланишига ўзбошимчалик билан тажовуз этилишдан озодлик, шунингдек, эркин кўчиб юриш ва турар жойни танлаш эркинлиги. Ана шу эркинлик ва озодликларнинг ҳаммаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг кейинги ўн тўққизта моддасида эълон қилинган.

Барча одамлар озод бўлиб туғилиши ва эркинлик ҳуқуқига эга бўлишининг ўзи ҳар бир одам ўз турмуш тарзини танлашда, тафаккур юритиш, ҳиссиёт ва ҳаракатларида эркин эканлигини англатади. Бироқ бу эркинликлар кўпинча моддий ва бошқа омиллар билан чекланиб қолади. Вундан ташқари ана шу эркинлик бошқа шахсларнинг эркинлик ҳуқуқини ҳурматлаш принципи билан ҳам чекланган бўлади. Шунга қарамай озодлик ҳаёт билан бир қаторда инсоннинг қадр-қиммати ва ҳаётининг боқий қадрияти билан чамбарчас боғлиқ энг муҳим инсоний қадриятларидан бири саналади.

Озодлик ва эркинликка бўлган интилиш қанчадан қанча кишиларни ҳудудий ва жўғрофий мустақилликка эришиш мақсади билан бақамти қилди. Маънавий ва интеллектуал эркинликка интилиш кўпларни қаҳрамонона ишларга, хатти-ҳаракатларга

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. С.15. Муфассалроқ билиш учун қаранг: Права человека: основополагающие принципы. Вена, 1997. С.33.

ундади. Муайян кишиларга келганда, эркинлик ёки ўз ҳиссиётларини идора эта билиш, жиловлаш қобилияти уларни маънавий осойишталик ва уйғунлик сари етаклайди.

3. Барча одамларнинг тенглиги ва камситилмаслиги (дискриминация қилинмаслиги) - бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида эълон қилинган асосий принципдир. Бироқ бу принцип инсоний муносабатларнинг турли жиҳатлари у ёқда турсин, кундалик турмушда ҳам етарлича қўлланилмаяпти. Ҳолбуки, бу принцип жуда муҳим аҳамиятга молик адолат принципи замирида ётибди. Бу билан биологик омиллар, маънавий, ижтимоий ва маданий талаб-эҳтиёжлар асосида ҳамда бошқаларнинг фаровонлигига ҳар ким қўшадиган улушни инobatга олган ҳолда адолат ва адолатсизликни, тенглик ва нотенгликни чуқур таҳлил этиш тақозо қилинади.

Тенглик принципи қабул қилинган тақдирда бирон-бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан камситишга ўрин бўлмайди. Камситмаслик биргаликда яхлит, бир бутунликни ташкил этувчи принциплар - тенглик ҳамда қадр-қимматни ҳурматлаш принципларига асосланади. Камситмаслик айни чоғда инсон шахсига яхлит, бус-бутун қарашни тақозо этади, камситиш эса эътиборни инсоннинг муайян белгиларидан бири, айтайлик жинси, irqи, дини, терисининг ранги ва шу каби белгилардан бирига қаратади, холос. Камситиш инсонни муте ва итоаткор ижрочига айлантириб қўяди, зотан бу аснода инсон унинг ўзига хос хусусиятлари ва айни пайтда унинг шахси яхлитлиги инobatга олинган ҳолда идрок этилмайди.

Айтиш мумкинки, камситиш тор доирадаги гуруҳ ёки бир гуруҳ кишиларнинг манфаатларини кўзлаб барча кишиларни уларнинг эътироф этилган фундаментал ва универсал ҳуқуқларидан маҳрум этишдан иборат. Камситиш турли шаклларга эга бўлиши мумкин. Бундай иллатни келтириб чиқарувчи сабабларнинг рўйхати тегишли халқаро шартномаларда акс эттирилган бўлиб, шундай сабаблар жумласига инсоннинг irqи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа хил эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый, табақавий ёки бошқа хил аҳволини киритиш мумкин.

Камситиш учун ҳамиша янги-янги вaж ва баҳоналар топилаверади. Жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар, айтайлик ҳирсни қондириш ва шаҳвониятга берилишдаги нотабий майллар, одамнинг орттирилган иммунитет танқислиги синдроми хасталигига чалиниши (ОИТС касаллиги) кенг тарқалаётганлиги, янгидан янги эркинликларнинг эътироф этилиши, технологик ва бошқа хил тамойиллар туфайли янгидан янги муаммоларнинг келиб

чиқиши, қисқа қилиб айтганда, ҳаёт тарзи ва асрлар мобайнида шаклланган мавжуд анъаналарни ўзгартириб юбораётган барча ўзгаришлар пировард натижада камситишда ҳам ўз аксини тошмоқда. Бундай сабаблар асосида бўладиган камситишга қаршилик кўрсатиш принципи ижтимоий соҳа ходимлари ўз фаолиятларида эътиқоди ва принцип нуқтаи назаридан ўзларини муттасил назорат қилиб боришлари зарур эканлигини англатади.

4. Адолат. Жамиятнинг ўз аъзолари қадр-қимматини ҳурматлаш ҳамда шахснинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш принципи асосида қурилган негизи бўлмиш адолатнинг турли жиҳатларини, хусусан, ҳуқуқий, судлов, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатларини, албатта, инobatга олиш зарур. БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларида ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этишга ҳамда шахсий ҳаётга аралаштишга йўл қўймаслик мақсадини, қолаверса, қонунга мувофиқ муҳофаза этишни таъминлаш мақсадини кўзловчи муҳим принциплар ва мажбуриятлар мужассам этилган. Қонун талаблари бузилган ҳолларда шахслар ўзларига тааллуқли ишлар ҳолис мустақил судлар томонидан тез ва адолатли тарзда муҳокама этилиш ҳуқуқига эга. Улар айбдор деб топилган тақдирда ўзларига нисбатан инсоний муносабатда ва муомалада бўлиш ҳуқуқига эгадирларки, бундай муносабат ва муомала замиридаги мақсад қонун бузилишига йўл қўйган шахснинг тузалиш йўлига кириши ва ижтимоий жиҳатдан қайта тарбияланишини таъминлашдан иборат. Халқаро шартномаларда суд ҳоқимияти органлари мустақиллигининг аҳамиятига алоҳида урғу берилади.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқларига бошқаларга нисбатан яхшироқ риоя этилади. Одил судловни амалга ошириш жараёнидаги ҳолислик аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий адолат инсоннинг кундалик талаб-эҳтиёжлари қондирилишини ва моддий ресурслар адолатли тарзда тақсимланишини англатади. Бу соҳадаги фаолият хизмат кўрсатишнинг соғлиқни сақлаш ва таълим сингари соҳаларидан барчанинг баҳраманд бўлишини таъминлашга, бошланғич босқичда тенг имкониятлар яратиб беришга, аҳволи ачинарлироқ вазиятдаги шахсларни ёки гуруҳни ҳимоя қилишга, тақдирлаш, истеъмол ҳамда фойда олиш сингари соҳаларида қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Зулм қандай кўринишда намоён бўлишидан қатъий назар, ундан ҳимояланишнинг асосий воситаси ҳам, башарият янада адолатлироқ раванқ топиши негизи ҳам адолат ҳамда ижтимоий одилликдadir.

5. Бирдамлик - бу ҳам муҳим қадриятларидан бири бўлиб, одамларнинг дарди ва аламларини тушуниш ҳамда шундай одамларнинг ўрнига ўзини қўя билишни англатишдан ташқари ана уларнинг ўз ишлари учун олиб борилаётган курашида иштирок этишини ҳам англатади. Кураш олиб бораётган кишиларга ёрдам кўрсатилар экан, бунда уларнинг сиёсий, фуқаролик, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳуқуқлари ҳар қандай тарзда камситилишига қарши бундай кишилар билан сўзда ва амалда бирдамликни намоён этиши зарур. Бирдамликни алоҳида шахслар билан ҳам, оилалар, гуруҳлар, жамоалар ва аҳоли билан, ҳатто бутун бир ирқий ёки этник гуруҳлар билан ҳам намоён этиш мумкин. Ер куррасининг ҳар қандай гўшасида зўравонлик, қийноққа солиш, эркинликни қувғин қилиш ёки камситишларнинг жабрдийдалари ва жафокашлари билан бирдам бўлиш зарур.

Бирдамлик табиий офатлар рўй берганда, бошқа бир қанча фожиали вазиятларда, айниқса, катта аҳамият касб этади. Муҳтожлик, ресурсларнинг адолатсиз тақсимланиши, беписандлик ва ижтимоий адолатсизлик йўлига солинадиган асосий ғов бирдамликдир. Қашшоқлик, очарчилик, тўйиб овқат емаслик, бошпанасиз, уй-жойсиз қолиш, тирикчилик учун, таъбир жоиз бўлса, қора қозонни қайнатиш учун маблағ йўқлиги, афтидан, инсон ҳуқуқларини жуда қўпол тарзда бузиш ҳолларидан бири бўлсада, ҳанузга қадар тан олинмаган ва тегишли баҳо берилмаган. Сиртдан қараганда фожиали деб бўлмайдиган бундай шароитларда бирдамлик кўрсатилиши жуда-жуда зарур. Негаки, одамлар бундай кезларда дафъатан сезилмасада, аслида катта уқубатни бошдан кечираётган бўладилар. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига ва инсон ҳуқуқлари бузилганлигидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш пировард натижада бу тоифадаги одамлар фаоллигини ошириш асосида уларнинг аҳволини ўзгартириш имконини беради ва маҳдудлик чангалидан қутулиб олишда мадаккор бўлади.

6. Ижтимоий жавобгарлик - бу аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилганлигидан жабрланганларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган фаолият бўлиб, шу аснода ёрдам кўрсатилади, уларнинг манфаатлари муҳофаза этилади. Ижтимоий жавобгарликни аслида бирдамликнинг амалий жиҳати деса ҳам бўлади. Диний таълимотлар ва фалсафий концепцияларнинг аксариятига биноан эзгу ният ва яхши гаплар хайрли ишлар билан қўшиб олиб борилмоғи керак. Ҳар қандай динда унинг тариқатига эътиқод қўйганларга ўзига тўқ ёки дуруст яшаётганлар бундайроқ кун кўраётган, аҳволи тангроқ, эғни юпунлар олдида муайян мажбуриятли

эканлиги уқтирилади. Дуруст яшаётганлар, ўзига тўқлар деган тушунча бойликни англамайди, негаки, бу нисбий тушунчада бир одамнинг бошқасига нисбатан қулайроқ аҳволда эканлиги назарда тутилади.

«Ижтимоий жавобгарлик» ибораси қўшимча мазмунга ҳам эга бўлиб, васийлик, мурувватпешалик маъноларини ҳам англатади. Шунга кўра биз нимагаки эга эканмиз, демак, буларнинг ҳаммаси бизга бошқаларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида фойдаланиш учун берилган. Васийлик, мурувватпешалик концепциясига кўра инсон фақатгина ўз бойлигини бошқалар билан баҳам кўриш билан чекланиб қолмаслиги керак, у ўз истеъдоди ва қобилятидан ҳам башарият тараққиёти йўлида фойдаланмоғи зарур.

7. Тадрижий тараққиёт, тинчликни таъминлаш ва зўравонликдан воз кечиш. Мазкур қадриятлар ва принциплар инсон ҳуқуқлари концепциясининг асоси бўлиш билан бирга одамлар ўртасидаги муносабат сифатини белгиловчи омиллар ҳамдир. Яна бир муҳим қадрият шак-шубҳасиз, тинчликдир. Уюштирилган можаролар йўқлигининг ўзи ҳали тинчлик деган гап эмас. Тинчликни асраш ва уни таъмин этиш учун қандай чора-тадбирлар зарур бўлса, ҳамма-ҳаммаси кўрилиши керак. Асосий мақсад ўз ўзи билан, бошқалар билан ва атроф муҳит билан уйғунлик ва ҳамоҳангликка эришишдан иборатдир.

Тўғри, одамлар ўртасидаги муносабатлар низо ва можароларсиз бўлмайди. Низо ва можароларни эса тинч йўл билан ёки зўрлик билан, амалий тарздаги ёки вайронгарчилик тарзидаги усуллар билан бартараф этиш мумкин. Ҳаммасини таг-томири билан яқсон қилиб ташлаб янгисини қуриш керак деган инқилобий ёндашув неча асрлар мобайнида одамларни ўзига жалб этиб келди. Шуниси ҳам борки, бундай инқилобий ёндашувнинг амалга оширилиши одамларга мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар олиб келди. Тадрижий тараққиётга асослашган ёндашув апча соқинлик, аста-секинлик билан содир бўлади, самараси кўпинча кўзга ташлана қолмайди, аммо пировард натижада янада ишончлироқ ва янада самаралироқ ечимлар топиш имконини беради.

Тарих жараёнларининг кечиши шунини кўрсатмоқдаки, зўравонлик ва қон тўкиш муаммоларни фақат вақтинча ҳал этади, айни чоғда янги инқилоблар учун замин яратади. Янги инқилобларнинг мақсади эса кечагина зулм остида эзилиб, эндигина жилловни қўлга олган мазлумларни ҳокимиятдан четлатишдир. Маълумки, нафратдан нафрат туғилади, ўчдан эса ўч! Узлуксиз қарама-қаршилиқ ёки зўрлик ишлатмаган ҳолда тазйиқ ўтказиш усуллари берадиган натижалар, аксинча, анчагина пухта бўлади. Гарчи бугунги кунда дунё қурол-яроғ ишлатишдан батамом воз кечишга тайёр бўлмаса-да, шак-шубҳасиз, инқилоблар

учун етарлича асослар мавжуд. Шунинг эътирофи этиш керакки, бир қараганда мурасимсиз кўринган қарама-қаршиликларни бар-тараф этишда воситачилик қилиш ва мурасимсозлик самарали омил ҳисобланади. Бундай омилларни қўлланишда изчилликка риоя этилса, ҳурмат, хайрихоҳлик ва билимга асосланган, бас. Тинч-тотув ривожланиш ҳамон эркинликка, адолатга, ижтимоий одил-ликка ҳамда можораларни зўрликка асосланмаган усуллар билан ҳал этиш мумкин бўлган тинчликни таъминлашга интиляётган одамларнинг мақсад ва муддаоси бўлиб қолмоқда.

8. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар. ХХI аср бошига келиб бошқа индивидларни ҳурмат қилиш ҳамда табиат билан уйғунликни излаш зарурияти кишиларнинг онгига тобора тевароқ кириб бормоқда. Атроф муҳит фоват қилиниши кучай-иб, унинг гариблашиб бораётганлиги яққол кўзга ташланиб қол-моқда. Бундан буён унга нописандлик, лоқайдлик билан қараб бўлмайди. Жаҳондаги мавжуд иқтисодий тартибот, тараққиёт-нинг номукамал усуллари, ресурслар захирасидаги тафовут, та-биатни радиоактив моддалар, сановат чиқиндилари билан ва бош-қача тарзда ифлослангириш, шунингдек, сановати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатларнинг истеъмол соҳасидаги тамойилларидаги фарқ она сайёрамиз дучор этилган ачинарли ҳолатнинг сабаблари сирасига киаради. Очкўзлик, ах-борот йўқлиги ва тирикчиликни ўтказиш дарди, табиий ресурсларга фақат истеъмолчилик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш ва ҳаддан ташқари кучайган қашшоқлик табиатга ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига таҳдид солмоқда.

Атроф-муҳит таназулга учрашининг олдини олиш ва уни тиклаш мақсадини кўзловчи комплекс дастурлар аҳолини экологик тарбиялаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс расмий ва норасмий дастурлар силсиласи билан тўлдирилмоғи лозим.

3-§. Инсон ҳуқуқлари авлодлари

Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқларига мансуб ҳуқуқларнинг учта авлоди ўртасидаги ўзаро боглиқлик тобора кўпроқ эътирофи этил-моқда.

Биринчи авлод «салбий шаклда таърифланган ҳуқуқлар»ни ўз ичига олади. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-сининг 2-21-моддаларида эълон қилинган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардир. Биринчи авлод ҳуқуқлари инсон ўз эркинликлари ҳар қандай тарзда чеклаб қўйилишидан ҳимояланишини таъ-минлашга қаратилган.

Иккинчи авлод «ижобий шаклда таърифланган ҳуқуқлар» - ни ўз ичига олади. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-27-моддаларида мустаҳкамлаб берилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қамраб олади. Иккинчи авлодга мансуб ҳуқуқлар ижтимоий адолатни, муҳтожликдан холи бўлишни таъминлашга ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда иштирок этишга қаратилган.

Учинчи авлод «коллектив» ҳуқуқларни ўз ичига олади. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 28-моддасида йўл-йўлакай эслатиб ўтилади. Унда айтилишича, «ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартибга бўлиши ҳуқуқига эга».

Инсон ҳуқуқлари бўйича турли халқаро шартномалар мавжуд бўлса-да улар аслида ягона бир бутунликни ташкил этади деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, инсонда ҳуқуқлар билан бир қаторда бажариш лозим бўлган мажбуриятлар ҳам, бурчлар ҳам бор.

XXI аср бошига келиб *Инсон мажбуриятлари ва бурчлари хартиясини* қабул қилиш вақти келди ва бу ҳужжат инсон ҳуқуқлари бўлинмаслиги принципини тўлдиради. Инсон ҳуқуқларининг бўлинмасилиги принципи эса XXI асрда тобора кенгроқ кўламда эътироф этилмоқда¹.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари концепцияси тараққиётининг асосий таъминчилари нималардан иборат?
2. Инсон ҳуқуқлари гоёси қачон пайдо бўлган?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчаларига қисқача таъриф беринг.
4. Инсон ҳуқуқлари уч авлодининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Ўн биринчи мавзу.

БМТ ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича норма ижодкорлик фаолияти.

¹ Қаранг: Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы. Нью-Йорк; Женева, 1995. С. 6.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва инсон ҳуқуқлари.

3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл.

4. БМТнинг инсон муайян ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи халқаро шартномалари.

5. БМТнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро қоидалари.

6. БМТнинг инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа халқаро ҳужжатлари.

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган пайтидан эътиборан инсон ҳуқуқлари масалаларига дахлдор халқаро юриспруденцияни такомиллаштириш ва аниқ таърифлаб бериш устида иш олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик йўлидаги фаолиятида доимий мавзу ва халқаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб қолган»¹

Кофи Аннан,
БМТ Бош котиби

1-§. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича норма ижодкорлик фаолияти

БМТ томонидан эришилган йирик ютуқлардан бири инсон ҳуқуқлари соҳасида муштарак халқаро норматив база яратилганлиги бўлди. Башарият тарихида биринчи бор инсон ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя этишга тааллуқли қонунларнинг умумий мажмуи яратилди. Барча давлатлар қўшилиши мумкин бўлган бу беазир халқаро ҳужжатлардан одамларнинг умиди катта.

БМТ доирасида 1948 йилдан кейин инсон ҳуқуқлари масалаларига доир 80 дан ортиқ шартнома, халқаро конвенция ва декларациялар ишлаб чиқилди. БМТнинг турли органлари декларациялар ёки одатда конвенция деб юритилувчи кўп томонлама шартномалар қабул қилиш йўли билан инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормалар ишлаб чиқмоқдалар.

Декларация расмий ва тантанали баёнот бўлиб, унда замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари ва кенг мажбуриятлар эълон қилинади. Декларация юридик мажбурий кучга эга

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. М., 1998. С.8.

бўлган ҳужжат эмас, БМТга аъзо давлатлар зиммасига муайян бир мажбурият юкламайди ҳам. Бунга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу Декларация ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, шу сабабли халқаро ҳамжамият аъзолари унда эълон қилинган принципларга риоя этишга ҳаракат қиладилар. Халқаро одат ҳуқуқига кўра шу Декларация барча давлатлар учун мажбурий бўлган қоидаларни жорий этувчи ҳужжат деб эътироф этилган.

Кўп томонлама халқаро битимларда (конвенцияларда) инсоннинг муайян ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя этиш мақсадини кўзловчи қоидалар қамраб олинган. Конвенция унинг матнида белгилаб қўйилган миқдордаги давлатлар томонидан ратификация қилинганидан кейингина кучга киради ҳамда ратификация қилиш ёки қўшилиш орқали бу ҳужжатнинг тарафларидан бирига айланган давлатлар учун юридик жиҳатдан мажбурий ҳужжат бўлиб қолади. Конвенция муайян ҳуқуқларни ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишга оид чекловларни белгилаб беради.

Инсон ҳуқуқларининг умумий ҳимоясини таъминловчи халқаро шартномалар жумласига қуйидагилар киради:

1. БМТ Устави (1945 йил);
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил);
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар (1966 йил);
4. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт (1966 йил);
5. Геноцид жиноятининг олдини олиш ҳамда бундай жиноят учун жазо тўғрисидаги конвенция (1948 йил);
6. Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция (1951 йил);
7. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил);
8. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 йил);
9. Қийноққа солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одамларнинг қадрқимматини таҳқирловчи турларига қарши конвенция (1984 йил);
10. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил) ва бошқалар.

2-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва инсон ҳуқуқлари

Халқаро ҳамжамият БМТ Уставини қабул қилар экан, ўз зиммасига инсон ҳуқуқлари кафолатларини вужудга келтириш

мажбуриятини олган. Бу кафолатлар, ҳар бир давлатнинг ҳаракатлари қайси шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳуқуқлари амалга оширилишига таҳдид солаётган бўлса, айни ана шу шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳимоя этилишини таъминлайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонун ҳужжатлари халқаро стандартларга мувофиқ бўлмоғи лозим. БМТ Уставининг муқаддимасида инсон ҳуқуқлари алоҳида таъкидланган. Унда: «Биз, Бирлашган Миллатлар халқлари... инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг қадр-қиммати, эркинлик билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда кўп сонли ва кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари тенглигига ишонччи қайта қарор топтиришга. . . қатъий аҳд қилиб . . .», - деб ёзилганлиги бежиз эмас, албатта.

БМТнинг асосий мақсадларидан бири «инсон ҳуқуқларига ҳамда барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар асосий эркинликларига ҳурмат-эътиборни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни» (1-модданинг 3-банди) таъминлашдан иборатдир.

БМТ Уставининг 56-моддасида айтилишича, БМТга аъзо барча давлатлар «55-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот билан ҳамкорликда ва мустақил равишда иш кўриш мажбуриятини зиммага оладилар». 55-моддада эса, жумладан, «инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутларидан қатъий назар ҳамманинг асосий эркинликларига ялпи ҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга» кўмаклашиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, БМТ Устави халқаро ҳуқуққа инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципини киритдики, бу давлатлар зиммасига муайян мажбуриятлар юклайдиган принцип¹.

Умуман олганда, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллини қабул қилиш ғояси БМТ Уставида анчагина аниқ акс этган. БМТ Уставида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига кўп марта тўхталиб ўтилган. Тўғри, бу мўътабар ҳужжатда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари таърифлаб берилган эмас, бундай ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг бирон-бир механизми ҳам назарда тутилмаган. Шу билан бирга Устав БМТга аъзо давлатлар зиммасига инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиш борасида ҳуқуқий мажбурият юклайди.

¹ Қаранг: Тункин Г.Н. Теория международного права. М., 2001. С. 91–95.

3-§. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг Уставида белгиланган принципларга мувофиқ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро биллни қабул қилган ҳамда инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари доирасини белгилаб олган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл бешта қисмдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчиси 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;

иккинчиси 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;

учинчиси - 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт;

тўртинчиси сўнгги пактга доир 1966 йилда қабул қилинган, шикоят қилиш ҳуқуқини эълон қилган биринчи Факультатив протокол;

бешинчиси 1989 йилда қабул қилинган, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив протокол.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларига оид замонавий концепцияни ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ривожлантириш йўлида тарихий босқич сифатида қайд этилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилган ҳамда уни «барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилилишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинисига интилишлари зарур» деб баралла эълон қилган¹.

Декларациянинг қабул қилиниши гоят улкан аҳамиятга эга бўлиб, буюк тадрижий жараёнда олға қараб ташланган катта бир тарихий қадам бўлган.

Халқаро ҳамжамият бундай ҳужжатни қабул қилиши мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Жаҳондаги кўпгина олимлар ва амали-

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/ Т.: Адолат. 2002. С. 48.

ётчилар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Чунончи, Эрика-Ирэн А. Даеснинг образли ибораси билан айтганда, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини давримизнинг чинакам Эркинлик хартияси деб ҳисоблаш мумкин»¹. Австрия Конституциявий судининг собиқ аъзоси Р.Махачекнинг айтишича, «биз комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси миллатларнинг одат ҳуқуқининг бир қисми бўлиб қолди ва барча давлатлар учун мажбурийдир»².

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларнинг шартномавий амалиёти, мана 50 йилдан ошдики, ривожланиши учун асос бўлиб келмоқда. Эндиликда инсон ҳуқуқларини белгиловчи халқаро кодекс 80дан ортиқ асосий халқаро шартномалар ва декларацияларни ўз ичига олган бўлиб, унинг бу борадаги кўламдорлик даражаси ортиб бормоқда³.

Декларация муқаддима ва 30та моддадан иборат бўлиб, уларда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари баён этилган бўлиб, бу ҳуқуқ ва эркинликлардан жаҳондаги барча эркеклар ва хотин-қизлар бирон-бир тафовутсиз баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга.

1-модда Декларациянинг фалсафий-ҳуқуқий омилларини белгилайди: биринчидан, эркинлик ва тенгликка бўлган ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, ундан ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас, иккинчидан, ҳамонки, инсонга ақл ва виждон ато этилган экан, у ер юзидаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилади ва шу сабабли бошқа мавжудотлар фойдалана олмайдиган муайян ҳуқуқлар ва эркинликларга бўлган ҳуқуқ фақат инсон измида.

2-модда инсон ҳуқуқлар ва асосий эркинликлардан фойдаланишда тенглик ҳамда камситишга йўл қўйилмаслигига оид асосий принциплни ўзига жо этган бўлиб, унга биноан «ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлардан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъий назар» Декларацияда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларнинг барчасига эга бўлиши жоиз.

¹ Қаранг: Свобода личности в праве. Нью-Йорк, 1993. С.6.

² Қаранг: Махачек Р. Эффективность прав человека в Австрии// Права человека в истории человечества и в современном мире/Отв.ред. Е.А.Лукашева. М.,1989. С. 107.

³ Қаранг: Карташкин В.А. Всеобщая декларация и права человека в современном мире//Там же. С. 18.

3-модда бошқа барча ҳуқуқлардан фойдаланишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ, яъни ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари эълон қилинган. 3-модда Декларациянинг **4-21-моддаларига** кириш вазифасини ўтайди. Ана шу моддаларда эса фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар баён этилган. Булар, хусусан, қуйидаги ҳуқуқлардир:

1) қулликдан ва эрксиз ҳолатда сақланишдан холи бўлиш (**4-модда**);

2) қийноққа солиш, шафқатсиз, гайриинсоний ёхуд қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазодан холи бўлиш (**5-модда**);

3) қаерда бўлишдан қатъий назар, инсоннинг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиншига бўлган ҳуқуқи (**6-модда**);

4) қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқи (**7-модда**);

5) ҳуқуқларнинг самарали тикланишига бўлган ҳуқуқ (**8-модда**);

6) ўзбошимчалик билан қамоққа олиншдан, ушлаб турилишдан ёки қувғин қилинишдан холи бўлиш (**9-модда**);

7) мустақил ва холис суд томонидан иш адолатли ва ошкора тарзда кўриб чиқилиши ҳуқуқи (**10-модда**);

8) айби қонуний тартибда аниқланмагунга қадар айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқи (**11-модда**);

9) шахсий ва оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралаштиришдан, уй-жой ёки ёзишмалари дахлсизлигига ўзбошимчалик билан тажовуз қилинишдан холи бўлиш (**12-модда**);

10) бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги ҳуқуқи (**13-модда**);

11) бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқи (**14-модда**);

12) фуқароликка бўлган ҳуқуқ (**15-модда**);

13) никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи (**16-модда**);

14) мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (**17-модда**);

15) фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи (**18-модда**);

16) эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқи (**19-модда**);

17) тинч йигинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқи (**20-модда**);

18) ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда давлат хизматига кириш эркинлиги ҳуқуқи (**21-модда**).

22-модда Декларациянинг **23-27-моддаларига** баайни кириш вазифасини ўтайди, ана шу моддаларда эса ҳар бир фуқаро жамият аъзоси сифатида эга бўлиши жоиз бўлган ҳуқуқлар, яъни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар баён этилган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар инсоннинг қадр-

қимматини баланд тутиш ҳамда унинг шахсини эркин ривожлантириш учун зарур. Бу ҳуқуқлар миллий сазй-ҳаракат ва халқаро ҳамкорлик воситасида амалга оширилмоғи керак. 22-моддада иқтисодиётга, ижтимоий ҳаётга ва маданиятга оид ҳуқуқларни амалга ошириш хусусидаги чекловлар ҳам айтиб ўтилган. Зотан, бундай ҳуқуқларнинг амалга оширилиш даражаси ҳар бир давлатнинг ресурсларига боғлиқдир.

22-27-моддаларда қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар эълон қилинган:

- 1) ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи (22-модда);
- 2) меҳнат қилиш ҳуқуқи (23-модда);
- 3) тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқи (23-модда);
- 4) дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳуқуқи (24-модда);
- 5) саломатлик ва фаровонликни таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи (25-модда);
- 6) таълим олиш ҳуқуқи (26-модда);
- 7) жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш ҳуқуқи (24-модда).

Агар 28-моддада ҳар ким инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб таъминланиши ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган бўлса, 29-моддада ҳар бир инсоннинг жамият олдидан бурчли эканлигига урғу берилган.

29-моддада бундан ташқари «ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак» лиги уқдириб ўтилади, сўнгра эса бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги жоизлиги таъкидланади.

30-моддада ҳеч бир давлат, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахслар ушбу Декларацияга мувофиқ ана шу муҳим халқаро ҳужжатда «баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган фаолият» билан шугулланиш ёки ҳаракат қилиш ҳуқуқига даъво қила олмайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя этиш тизимини ривожлантиришда янги даврни бошлаб берган. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти қуйидагиларда, аynиқса, яққол намоён бўлади:

Биринчидан, Декларация ҳар қандай демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳурматлаш ва уларга риоя этиш даражасини белгилашда мезон ҳисобланади. Декларация «барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида» қаралмоғи керак.

Иккинчидан, Декларация БМТнинг барча ҳужжатлари орасида энг муҳим ва ҳар тарафлама кўламдор ҳамда муштарак ҳужжат, шунингдек, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя этишга қаратилган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб қолган.

Учинчидан, Декларация инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларининг фалсафий асосидир. Бу ҳужжат XX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур тараққиётига салмоқли таъсир этган. 1948 йилдан эътиборан БМТ органлари инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилган деярли барча халқаро ҳужжатларда Декларацияда мустаҳкамлаб берилган принциплар ривожлантириб борилган.

Тўртинчидан, Декларация инсон ҳуқуқларининг ҳозирги концепцияси ривожланишига асос солган ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва миллий муассасалар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берган.

Бешинчидан, Декларация Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллнинг яқунланган қисми ҳисобланади. Декларация шундай тарихий ҳужжат сифатида эътироф этилганки, унда инсон шахсининг қадр-қиммати тўғрисидаги умумий қоидалар таърифлаб берилган.

Олтинчидан, Декларация, унинг асосий принциплари ва қоидалари жаҳондаги кўпгина давлатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган, аниқроқ қилиб айтганда, ижобий тарзда ўзлаштирилган, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари ривожига ҳам сезиларли таъсир ўтказган. Шу зайл улар миллий ҳуқуқий тизимларнинг таркибий қисмига айланиб қолган.

Еттинчидан, Декларация ўз ўзича юридик кучга эга эмас. Бу ҳужжат аслида ахлоқий нормалар тўпламидир. Ана шу ахлоқий нормаларнинг халқаро аҳамияти ва таъсири ҳамда уларнинг қўлланиш доирасини бу нормаларнинг кенг эътироф этилиб, давлатларнинг ички қонун ҳужжатларига киритилганлигининг ўзиёқ яққол кўрсатиб турибди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари хусусида жаҳон халқларининг мушта-

рак келишув ва аҳдлашувини акс эттиради ҳамда шу йўл билан халқаро ҳамжамият аъзолари учун мажбурий ҳужжатга айланиб қолади¹.

Декларациянинг асосий қоидалари инсониятнинг энг эзгу орзу ва умидларини акс эттиради. Бу ҳужжатда таърифларни сиёсий тил билан ифодаламасликка ҳаракат қилинган. Унда ҳар бир одамзод башарий хонадоннинг аъзоси сифатида бу ёруғ дунёдаги муносабатларда нимага эришиши жоиз бўлса, айти аша шу муносабатларнинг шакллари белгилаб берилган. Кўпгина сиёсий, маданий ва диний анъаналар учун муштарак ҳисобланувчи гоёлар мазкур тарихий ҳужжатда биринчи бор бир ерга жамланган.

Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари муфассал баён этилган Декларация чинакам тарихий халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. XX асрда бу ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқларнинг асосий манбаи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумжаҳон ҳаракатида эса энг муҳим бўгин қолди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши БМТ, унинг таркибий органлари ва ихтисослашган муассасаларининг инсон ҳуқуқларига оид халқаро қонун ҳужжатлари яхлит тизимини яратиш борасида кўламдор норма кашф этишга қаратилган кенг қамровли норма ижодкорлиги фаолиятини бошлаб берган.

Айти шу сабабли БМТ инсон ҳуқуқларини аниқ белгилаш билан боглиқ таърифни ифодалаш вазифасини ўз зиммасига олган. Имзолаш ва ратификация қилиш учун очиқ деб қўйилган халқаро шартномага бу таърифни киритиш ҳамда уни мажбурийлик касб этади деб ҳисоблаш мумкин эди. 1947 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт матнини ишлаб чиқиш топширилган. БМТнинг Иқтисодий ва

¹ «Биз тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, - деб ёзади Р.Махачек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси миллатлар одат ҳуқуқининг бир қисмига айланиб қолди ва шу сабабли барча давлатлар учун мажбурий тусга эга бўлди, бу жиҳатдан мазкур ҳужжатнинг тақдири ўз вақтида БМТнинг юридик маслаҳатчиси бўлган Ж.Хамфри кутганидан ҳам зиёда бўлди. Декларация қабул қилингандан кейин Рузвельт жаноби олиялари Декларация ҳеч қачон риоя этиш учун мажбурийлик касб этмайди, чунки социалистик давлатлар Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни қўллаб-қувватлаб чиққан бўлсалар-да, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ҳеч қачон эътироф этмадилар дея ташвиш билдирганлиги хусусида у куйиниб ёзган эди. (Қаранг. Махачек Р. ўша асар, С.107).

Ижтимоий Кенгашига Пактни тайёрлашда мазкур Комиссия билан яқин алоқада иш олиб бориш таклиф этилган. Ўртага қўйилган вазифаларнинг мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, масала ечимини излашга Бош Ассамблеянинг Учинчи қўмитаси ҳам жалб қилинган. Бош Ассамблея узоқ давом этган музокаралардан кейин инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини назарда тутувчи бир эмас, иккита пакт ишлаб чиқиш зарур деган қарорга келган.

Натижада БМТ барча органларининг катта саъй-ҳаракатлари билан 1966 йилнинг 16 декабрида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив протокол қабул қилинган.

Халқаро пактлар халқаро миқёсда умумэтироф этилган принциплар ва нормаларни белгилайди. Агар инсон ҳуқуқлари бузилган бўлса, ана шу принциплар ва нормалар ёрдамида, суд тартибида инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланиши мумкин. Юқорида айтилганидек, ҳар иккала пакт 1966 йилда қабул қилинган. БМТга аъзо давлатларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинган принципларга риоя этишини таъминлаш мақсадида қўшимча ишлар ўтказиш зарурлиги кўпдан буён аён бўлса ҳам, БМТ ана шу иккита пактни қабул қилиши ва уларнинг амалга оширилиши механизмларини тасдиқлаши учун роппа-роса 18 йил керак бўлган.

Халқаро пактлар қуйидаги учта принципни назарда тутуди: **биринчидан**, ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи. Бу принципнинг амалга оширилиши мустамлакачилик барҳам топиб, БМТга кўплаб янги давлатлар аъзо бўлишига олиб келди;

иккинчидан, эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги ҳамда жипси, ирқи ёки динига кўра камситмаслик принципи;

учинчидан, фуқаролик ва сиёсий эркинликларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар билан ўзаро боглиқлиги принципи, яъни уларнинг бўлинмаслиги принципи.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қуйидаги ҳуқуқлар мустаҳкамлаб берилган:

1) яшаш ҳуқуқи (6-модда);

2) қийноқларга солинмаслик ва шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ёки жазога дучор қилинмаслик ҳуқуқи (7-модда);

3) қулчиликнинг тақиқланиши (8-модда);

4) эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳамда ўзбошимчалик билан қамоққа олинмаслик ва ушлаб турилмаслик ҳуқуқи (9-модда);

5) эркин кўчиб юриш ва яшап жойини танлаш эркинлиги ҳуқуқи (12-модда);

6) суд томонидан ишнинг адолатли тарзда кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқи (14-модда);

7) дин эркинлиги ҳуқуқи (18-модда);

8) сўз эркинлиги ҳуқуқи (19-модда);

9) йигилишлар ўтказиш эркинлиги ҳуқуқи (21-модда);

10) ассоциациялар тузиш, шу жумладан, касаба уюшмаларига аъзо бўлиб кириш эркинлиги ҳуқуқи (22-модда);

11) умумий сайлов ҳуқуқи тизими асосида овоз бериш ҳуқуқи (25-модда);

12) озчиликни ташкил этувчи шахсларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи (27-модда).

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қуйидаги ҳуқуқлар эълон қилинган:

1) меҳнат қилиш ҳуқуқи (6 ва 7-моддалар);

2) касаба уюшмалари аъзолигига кириш ҳуқуқи (8-модда);

3) ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи (9-модда);

4) оиланинг муҳофаза қилиниши ҳуқуқи (10-модда);

5) етарли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи (11-модда);

6) соғлиқни сақлаш ҳуқуқи (12-модда);

7) таълим олиш ҳуқуқи (13-модда).

БМТ бутун жаҳонда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича БМТ раҳнамолигида ишлаб чиқилган, юридик жиҳатдан мажбурий бўлган кенг қамровли битимлар сирасига юқорида номлари зикр этилган ҳар иккала пактни киритиш мумкин. Уларнинг қабул қилиниши билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига олға томон яна бир салмоқли қадам қўйилган. Бинобарин, ҳар иккала пактда юридик жиҳатдан бажарилиши мажбурий бўлган қоидалар мавжуд. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ҳар иккала пакт иштирокчисидир. Бу эса инсон ҳуқуқлари соҳасида уларнинг амалиёти натижаларини халқаро миқёсда кузатиб боришга кенг йўл очиб беради.

4-§. БМТнинг инсон муайян ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминловчи халқаро шартномалари

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билли таянч қилиб олган халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқлари соҳасидаги айрим масалаларга тааллуқли шартномалар ишлаб чиқишда давом этмоқда. Бундай ҳужжатларни одатда махсус ёки ихтисослашган

ҳужжатлар деб юритадилар. Ҳуқуқлар тўғрисидаги иккита халқаро пакт сингари бундай ҳужжатлар ҳам уларда иштирок этувчи давлатлар зиммасига юридик мажбуриятлар юклайдиган шартномалардир.

БМТнинг инсон муайян ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган халқаро шартномалари жумласига қуйидагилар киради:

1) 1979 йилда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция;

2) 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция;

3) 1984 йили қабул қилинган Қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция;

4) 1965 йилда қабул қилинган Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция.

Иккала пактнинг ҳар бири учун, шунингдек, хотин-қизларнинг камситилишига, бола ҳуқуқларига, қийноқларга солишга, ирқий камситишга тааллуқли конвенцияларнинг ҳар бири учун БМТнинг махсус қўмитаси мавжуд. Бундай қўмиталарнинг зиммасига мазкур шартномаларнинг қоидалари қатнашчи давлатларнинг миллий қонун ҳужжатларига самарали тарзда сингдирилиши устидан назорат олиб бориш вазифаси киради. Ана шу қўмиталар, одатда, БМТнинг конвенциявий органлари ёки шартномаларга риоя этилиши устидан назорат қилувчи органлар деб юритилади.

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция. Бу ҳужжат БМТнинг турли органлари томонидан Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия раҳбарлиги остида 1974-1979 йилларда тайёрланган бўлиб, 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган ҳамда 1981 йилдан кучга кирган¹.

Конвенциянинг 1-моддасида хотин-қизларга нисбатан камситиш тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

«Хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фуқаровий ҳуқуқлилиги негизидаги асосий эркинликларини, оилавий аҳволдан қатъий назар, жинсига қараб заифлаштиришга ёки бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг эътироф этили-

¹ Қаранг: Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция //Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат, 2002. В.

ши, фойдаланилиши ёки амалга оширилишини йўққа чиқаришга қаратилган, ҳар қандай тарздаги фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклаш».

2-моддага биноан мазкур Конвенция иштирокчиси бўлган давлат қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

биринчидан, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги принципи уларнинг конституциясига ёки бошқа тегишли миллий қонун ҳужжатларига киритилмаган бўлса, бу принципни конституция ёки қонун ҳужжатларига киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида мазкур принцип амалий жиҳатдан рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

иккинчидан, зарурат бўлган жойларда хотин-қизларни ҳар қандай камситишни тақиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа йўсиндаги чора-тадбирлар, шу жумладан, санкциялар қабул қилиш;

учинчидан, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари эркаклар билан тенглик асосида юридик жиҳатдан ҳимояланишини жорий этиш ҳамда нуфузли миллий судлар ва бошқа давлат органлари ёрдамида хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ҳолларидан самарали тарзда ҳимоя этишни таъминлаш;

тўртинчидан, хотин-қизларга нисбатан бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан содир бўлаётган камситишларга барҳам бериш учун тегишли барча чора-тадбирларни кўриш;

бешинчидан, хотин-қизларни камситишга йўл қўйяётган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни тегишли тарзда ўзгартириш ёки бекор қилиш.

Конвенциянинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш мақсадида Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш қўмитаси таъсис этилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. Бу ҳужжат 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган¹. Мазкур конвенциянинг асосий мақсади бола манфаатларини имкон қадар кенгроқ ва кўпроқ ҳимоя этишдан иборатдир. Конвенция уни ратификация қилган давлатларни болаларга улар ўз мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида фаол ва ижобий тарзда иштирок эта оладиган шароит яратиб беришга ундайди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий мазмун ва моҳияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Конвенция, агар болага нисбатан қўлланиладиган миллий қонун ҳужжатларида балоғатга етиш ёши эртароқ

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. // Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат. 2002. С.117140.

қилиб белгиланган бўлмаса, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир шахс бола ҳисобланишини белгилаган;

иккинчидан, Конвенция фуқаровий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар бутун мажмуини қамраб олади ҳамда бир ҳуқуқнинг амалга оширилиши бошқа ҳуқуқларнинг амалга оширилишидан ажралмас эканлигини эътироф этган;

учинчидан, Конвенция боланинг интеллектуал, ахлоқий ва маънавий камол топиши учун зарур эркинликлар соғлом ва ҳафсиз атроф-муҳитга, соғлиқни сақлашдан эркин фойдалана олиш мумкинлигига ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан имкон даражасида юқори нормалар билан таъминланишига боғлиқ эканлигини таъқиқлаган;

тўртинчидан, камситмаслик Конвенциянинг энг муҳим принцидир. Болалар ўз ҳуқуқларидан ҳеч бир камситишсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, соғлиғининг ҳолати ва туғилиш ҳолати, ота-онаси ёки қонуний васийларининг аҳволи ёки бошқа бирон ҳолатлардан қатъий назар фойдаланиши лозим;

бешинчидан, Конвенция болаларни эксплуатациянинг барча шаклларида ҳамда эта бориб, кам сонли аҳоли намояндларининг ҳамда туб ерли халқлар гуруҳларининг болалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини суистеъмол қилиш муаммосини ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилинмаслиги билан боғлиқ масалаларни ҳал эта бориб, инсон ҳуқуқларининг юридик доирасини анчагина кенгайтирган;

олтинчидан, Конвенцияда жинсий фаолиятга тортилган болаларнинг ҳуқуқларини ҳамда қилиш мақсадини кўзловчи аниқ қоидалар бор;

еттинчидан, Конвенция болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳамда этиш ишида оила билан ота-оналарнинг муҳим ролини, шунингдек, бу борадаги вазифаларни бажаришда уларга ёрдам беришда давлатнинг мажбуриятини эътироф этган.

Мазкур конвенциянинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита зиммасига юклатилган.

Қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шартсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция. Бу ҳужжат 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган ва 1987 йил 26 июнда кучга кирган¹.

¹ Қийноқлар ва бошқа шартсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазо турларига қарши конвенция тўғрисидаги конвенция. //Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар Т.: Адолат. 2002. С.89.

Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар ўзларининг юрисдикциясидаги ҳар қандай ҳудудда қийноққа солиш ҳолларининг олдини олиш учун самарали тарзда қонунчилик, маъмурий, суд йўли билан ва бошқа хил чораларни кўриш мажбуриятини зиммага оладилар. Ҳеч қанақа истисно этувчи ҳолат, улар уруш ҳолати бўладими, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа кўринишдаги фавқулодда ҳолат бўладими, қандай бўлишидан қатъий назар, барибир, қийноққа солиш қўлланганлигини оқлай олмайди.

Конвенциянинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, бу ҳужжат қатнашчи давлатлар қийноққа солиш чораларини қўлланишни ўз миллий қонун ҳужжатлари доирасида батамом тақиқлашлари лозимлигини назарда тутди;

иккинчидан, Конвенцияда қатъий белгиланганидек, юқори турувчи бошлиқнинг ҳеч бир буйруғи ва ҳеч қанақа алоҳида, фавқулодда ҳолат қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи жазо турларини қўллашни оқлаш учун хизмат қилиши мумкин эмас;

учинчидан, Конвенцияга мувофиқ қийноққа солишни қўлланган ҳар қандай шахс исталган қатнашчи давлатнинг ҳудудида суд тартибида таъқиб қилиниши мумкин. Қийноққа солиш ҳолларини содир этишда гумон қилинаётган ҳар қандай шахс ҳар қандай қатнашчи давлатда суд жавобгарлигига тортилиши ёки қатнашчи давлатда жиноят содир этган бўлса, суд жавобгарлигига тортиш мақсадида шу давлатга топширилиши мумкин;

тўртинчидан, Конвенция муайян бир қатнашчи давлат ҳудудида мунтазам равишда қийноққа солиш қўлланиб келинаётганлигига доир аниқ, тўғри ва ишончли ахборот мавжуд бўлса, уни халқаро миқёсда муҳокамадан ўтказишни назарда тутди. Қатнашчи давлатнинг розилиги билан бундай текширув пайтида ана шу давлат ҳудудига ташриф билан бориш ҳам мумкин.

Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини Қийноқларга қарши қўмита кузатиб боради.

Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция. Бу ҳужжат 1965 йил 21 декабрда қабул қилинган ва 1969 йил 4 январдан эътиборан кучга кирган. Конвенция ҳар бир инсон учун тенглик ва камситилмаслик принципи тўла-тўқис амалга оширилишини кафолатлайди. Бу муҳим ҳужжат барча шакл ва кўринишдаги ирқий камситишларни тугатишга, ирқчилик назарияларининг ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ амалиётнинг олдини олиш ва барҳам топтиришга, шунингдек, ирқий (сегрегация) ва ирқий ажратиш қўйиш камситишнинг барча шаклларида холи бўлган халқаро ҳамжамият барпо этишга қаратилган.

Конвенциянинг қатнашчи давлатлари барча шаклдаги ирқий камситишни тақиқлаш ва барҳам топтириш ҳамда ҳар бир инсоннинг, ирқи, терисининг ранги, миллий ёки этник келиб чиқидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини кафолатлаш, ҳар ким ҳам инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишини таъминлаш мажбуриятини олади. Ана шундай ҳуқуқлар қаторида Конвенцияда бир қанча ҳуқуқлар, хусусан, меҳнат қилиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига аъзо бўлиб кириш ҳуқуқи ва уй-жойга бўлган ҳуқуқ аниқ кўрсатиб ўтилган¹.

Мазкур Конвенциянинг ижро этилишини Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси кузатиб боради.

Барча мигрант меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини муҳофаза этиш тўғрисидаги халқаро конвенция 1990 йилда қабул қилинган². Одатда ўзлари яшаб ва ишлаб турган мамлакатнинг фуқароси бўлмаган мигрант меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳолатига тааллуқли масалалар кўп йиллардан бери БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан ғоят диққат-эътибор билан ўрганиб келинмоқда.

Бу Конвенция барча мигрант меҳнаткашларга ва уларнинг оила аъзоларига, уларни жинси, ирқи, терисининг ранги, тили, дини ёки эътиқоди, сиёсий ва ўзга хил қарашлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, фуқаролиги, ёши, иқтисодий, мулкӣ, оилавий ёки табақавий мавқеи белгилари бўйича ёхуд бошқа ҳар қандай белги бўйича ҳеч бир фарқламаган ҳолда қўлланади. Конвенция 1966 йилги Халқаро пактларда эълон қилинган ҳуқуқларнинг кенг доирасини қамраб олади.

Мазкур Конвенция амалга оширилиши устидан назорат қилиш бу ҳужжат кучга кирганидан кейин Барча мигрант меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига топширилади.

5-§. БМТнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги халқаро қоидалари

БМТ одил судловни амалга ошириш соҳасида ҳам бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиққан. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз.

Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари. 1955 йили БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш

¹ Ўша жойда. С.103-117.

² Қаранг: Международные акты о правах человека. Сб.документов. М.1998. С. 359-390.

ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича биринчи конгресси Маҳбуслар билан муомалада бўлиш ҳамда пенитенциар муассасаларни бошқаришнинг минимал стандарт қоидаларини қабул қилган.

1971 йили Бош Ассамблея бу қоидаларни пенитенциар ва ахлоқ тузатиш муассасаларини бошқариш соҳасида самарали қўлланилишини ҳамда бу қоидаларни миллий қонун ҳужжатларига киритиш масаласини ижобий тарзда кўриб чиқилишини таъминлашни тавсия қилган.

Тиббиёт этикаси принциплари. 1976 йили Бош Ассамблея Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ҳар қандай шаклда ушлаб турилган ёки турмага қамалган шахсларни ҳимоя этиш мақсадида тиббиёт этикаси кодексининг лойиҳасини тайёрлашни таклиф этган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро илмий-тиббий ташкилотлар кенгаши ва Жаҳон тиббиёт ассамблеяси ёрдамида БМТ Бош Ассамблеяси Тиббиёт этикаси принципларини ишлаб чиққанди ва 1982 йилда қабул қилган. Бу ҳужжатда маҳбусларни ёки ушлаб турилган шахсларни қийноққа солишдан ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларидан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлаш ходимларининг, айниқса, шифокорларнинг ролига алоҳида урғу берилган.

БМТ Бош Ассамблеяси 1983 йилда барча мамлакатларнинг ҳукуматларини ушлаб туриш ва турма қамоғида сақлаш билан шуғулланувчи муассасаларнинг тиббиёт ходимлари ва хизматчилари бу принципларга риоя этишини таъминлашда кўмаклашишга чақирган.

БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли минимал стандарт қоидалари. БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўлиш бўйича еттинчи конгресси 1985 йилда БМТнинг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли минимал стандарт қоидаларини тайёрлаган ҳамда қабул қилиш учун Бош Ассамблеяга тавсия этган. Баъзан «Пекин қоидалари» деб ҳам юритиладиган бу ҳужжатдаги қоидалар жинойий жавобгарликнинг энг ёш чегараси, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш мақсади, вояга етмаганларга нисбатан самарали, адолатли ва мурувватли одил судловни амалга оширишнинг хусусиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида бу борада қўлланилиши лозим бўлган принциплар каби масалаларга дахлдордир. Бу қоидалар вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишга тааллуқли масалаларни, шу жумладан, уларни судга қадар

қамоқда сақлаш масаласини ҳам қамраб олади. Мазкур ҳужжатда вояга етмаган шахслар ишида жазони ижро этиш муассасаларига юборишни назарда тутувчи чоралардан имкон қадар камроқ фойдаланиш тавсия этилади. Стандарт қоидаларда жазони ижро этиш муассасаларига юборилган, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳимоя этилишини таъминлайдиган нормалар ҳам бор.

Бош Ассамблея 1985 йилда мазкур қоидаларни қабул қилган ҳамда давлатларга тегишли барча ҳолларда уларни қўллашни ҳамда бу қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тегишли органлар ва умуман олганда, аҳолининг эътиборига етказишни таклиф этган.

6-§. БМТнинг инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа халқаро ҳужжатлари

БМТ юқорида зикр этилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалардан ташқари яна бир қатоор ҳужжатлар ҳам қабул қилган. Улар қаторига қуйидагилар киради.

Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1986 йилда қабул қилинган¹. Мазкур ҳужжатда айтилишича, ривожланиш ҳуқуқи инсоннинг узвий ва ажралмас ҳуқуқидир. Шунга мувофиқ ҳар ким инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўла-тўқис амалга оширилиши мумкин бўлган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланишда иштирок этиш, шунингдек, бундан келадиган неъматларни кўпайтиришга кўмаклашиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Декларацияда инсон ривожланиш жараёнининг асосий субъекти дея таъкидланади ва у ривожланиш ҳуқуқининг фаол иштирокчиси ҳамда бенефициарийси бўлмоғи керак деб таъкидланади.

Дин ва эътиқодлар асосидаги кўра олмаслик, мурасасизлик ва камситишнинг барча шакллариини тугатиш тўғрисидаги декларация БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йилда қабул қилинган². Мазкур ҳужжатда баён этиладики, ҳар бир инсон фикрлаш эркинлиги, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, ҳеч ким дин ёки эътиқодига кўра камситилиши мумкин эмас.

Фавқулудда ҳолатларда ва қуролли можаролар даврида хотин-қизлар ва болаларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги декларация БМТ Бош Ассамблеяси 1974 йилда қабул қилган³. Декла-

¹ Қаранг: Ўша жойда. С.105-108.

² Қаранг: Ўша жойда. С.132-134.

³ Ўша жойда. С.239-240.

рацияда айтилишича, аҳолининг ҳарбий бўлмаган, яъни фуқаро деб аталмиш қисмига, айниқса, аҳолининг энг заиф қисми бўлган хотин-қизлар ва болаларга сон-саноқсиз азоб-уқубат келтирувчи ҳужум қилиш ва бомба ташлаш тақиқланади. Зотан, бундай ҳаракатлар қораланмоғи керак. Қуроли можазоларда қатнашаётган давлатлар «хотин-қизлар ва болаларни урушнинг вайронгарчилик келтирувчи оқибатларидан асраш» учун бор куч ва имкониетни ишга солмоғи лозим.

Ақли заиф шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияни БМТ Бош Ассамблеяси 1971 йилда қабул қилган¹. Мазкур Декларация унда эълон қилинган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун умумий асос ва амалий қўлланма бўлиши нуқтаи назардан бу ҳужжатда миллий ва халқаро кўламда чора-тадбирлар кўриш ўтинчи мужассам этилган. Шуниси ҳам борки, БМТ Бош Ассамблеяси бунда ақли заиф шахсларга уларнинг қобилиятларини фаолиятнинг турли соҳаларида ўстиришга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни имкон қадар жамиятнинг рисоладаги ҳаётига жалб этишга кўмаклашиш заруратига асосланди.

БМТ тизими доирасидан ташқарида тайёрланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. БМТ тизими доирасидан ташқарида тайёрланган ҳамда оила ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, бинобарин ижтимоий соҳа ходимларида катта қизиқиш уйғотадиган ҳужжатлар орасида Гаага халқаро хусусий ҳуқуқ конференцияси раҳнамолигида ишлаб чиқилган шартномаларни, айтайлик, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида 1980 йилда қабул қилинган Конвенцияни ҳамда Болаларни ҳимоя қилиш ва фарзандликка олишни халқаро миқёсда амалга ошириш масалаларида ҳамкорлик тўғрисида 1993 йилда қабул қилинган Конвенцияни айтиб ўтиш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича норма ижодкорлик фаолиятининг асосий йуналишлари нималардан иборат?
2. БМТ инсон ҳуқуқларига оид қандай ва қанча халқаро шартномалар ишлаб чиққан ва қабул қилган?
3. БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари масаласи қандай ёритилган?
4. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл қайси халқаро ҳужжатлардан ташкил топади?
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг халқаро-ҳуқуқий аҳамияти нималарда намоён бўлади?

¹ Ўша жойда. С.343-344.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича икки халқаро пактнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

7. БМТнинг инсон муайян ҳуқуқларига бағишланган қайси халқаро шартномаларини биласиз?

8. БМТнинг одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро ҳужжатларини санаб беринг.

9. БМТнинг инсон ҳуқуқларининг учинчи авлодига оид халқаро шартномаларини таърифлаб беринг.

10. БМТ тизими доирасидан ташқарида қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қандай халқаро шартномаларни биласиз?

Ўн иккинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ институтлари тизими.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси. Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг БМТ тизими доирасидан ташқаридаги фаолияти.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими.

«Дунё аҳли эркинлик, адолат ва бутун жаҳонда тинчлик фақат ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни халқаро миқёсда рағбатлантириш ва ҳимоя этиш йўли билангина таъминланишини аниқ-равшан аниглаб етди»¹

У.Тан,
БМТнинг 1961-1971 йиллардаги
Бош котиби

1-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ институтлари тизими

Миллий институтлар инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш учун яратилган мураккаб ва кўп босқичли тизим таркибидаги қисмлардан бири, холос. Шу боис бу тизимга қис-

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. М.1998. С. 9.

қача умумий шарҳ бериш билан бирга миллий институтларнинг унда тутган ўрни, шунингдек, бундай институтларнинг зиммасига юклатиладиган вазифаларни таърифлаб ўтамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. БМТ Уставининг муқаддимасида Бирлашган Миллатлар халқлари «келажак авлодларни... уруш кулфатларидан ҳалос этишга ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига... ишончли қайта қарор топтиришга, ижтимоий таъриқийёт ва кенг озодлик шароитида турмушни яхшилашга ёрдам беришга» қатъий аҳд қилганликлари айтилади. Уставнинг 1-моддасига мувофиқ БМТнинг мақсадларидан бири ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар ҳамма учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга бўлган ҳурмат-эҳтиромни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик амалга оширилишига эришишдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён ўтган ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида БМТ ўз Уставида инсон ҳуқуқлари соҳасида назарда тутилган мақсадларга эришишга қаратилган яхлит ва кўламдор стратегия ишлаб чиққан. Бу стратегиянинг асоси инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва стандартлар мажмуи бўлиб, ҳозирги вақтда инсон фаолиятида улар қамраб олмаган соҳанинг ўзи йўқ.

Ана шу пухта халқаро-ҳуқуқий негиз асосида ҳуқуқни муҳофаза этишнинг халқаро стандартларни янада ривожлантиришга ҳамда уларнинг амалга оширилиши, уларга риоя этилиши устидан назорат олиб боришга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини текширишга кўмаклашадиган механизмларнинг гоёт кенг тармоғи барпо этилган. Мазкур стратегия ижтимоий информация ва техник ҳамкорлик дастури соҳасидаги фаолиятнинг турфа хил турлари билан мустаҳкамланган бўлиб, бундай фаолиятдан кўзланган мақсад замирида уларнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишга қаратилган куч-ғайратлари давлатлар томонидан амалий тарзда қўллаб-қувватланишига эришишдек эзгу ишлар ётади.

Бу хил тузилмалар ва фаолият турлари БМТга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар учун кураш йўлида норма яратиш ва раҳбарлик қилиш борасида етакчилик ролини таъминлайди. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш вазифаси муайян бир ташкилот зиммага олиши билан бажариладиган ёки шундай ташкилот ўз зиммасига олди дея кифояланса бўладиган вазифалар тоифасига кирмайди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалий фаолиятида инсон ҳуқуқларини ялпи ҳурматлаш ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир фуқаронинг ёки алоҳида олинган ҳар бир гуруҳ ва жамиятдаги ҳар бир ташки-

лотнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этади деган асосий ғояга асосланилади.

Минтақавий институтлар. Халқаро тизим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида минтақавий институтлар, хусусан, Африка, Америка ва Европада фаолият кўрсатиб турган тузилмаларга ўхшаш минтақавий тузилмаларнинг қўллаб-қувватлашига таяниши табиий. Бундай тузилмалар тегишли минтақанинг ўзига хос ижтимоий, тарихий ва сиёсий шароитлари билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган воситаларни таъмин этиш орқали халқаро нормалар ва механизмларни мустаҳкамлаш ишида қўшимча, аммо муҳим вазифани адо этади.

Ноҳукумат ташкилотлар. Инсон ҳуқуқлари борасидаги умумжаҳон маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётган тегишли ноҳукумат ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни амалга оширишда қўшимча мадад бўлиб турибди. Ноҳукумат ташкилотлар ўз хусусиятига кўра фикрларни ифода этиш эркинлигига, ҳаракатларнинг мослашувчанлигига ҳамда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, муайян шароитда бу ҳол уларга ҳукуматлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар ҳал этишга қодир бўлмаган ёки эҳтимол ҳал этишга уриниб ҳам кўрмайдиган вазифаларнинг ечимини топиш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий ҳаракатга ҳамма ва ҳар ким қўшилиши мумкин.

Бу кампания кўпинча ана шу эзгу иш йўлида ўз ҳаётларини хавф остида қолдирадиган минг-минглаб фаолларнинг ва фуқаролар гуруҳларининг мадади ҳамда қўллаб-қувватлашига таянади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида қатнашаётган одамлар сони тўхтовсиз ортиб бораётганлиги шундай муҳит юзага келишига ёрдам бермоқдаки, бунда инсоннинг эркинлиги ҳамда қадр-қиммати кутилган ва исталган натижалар беради.

Ноҳукумат ташкилотлар 1945 йилдан эътиборан БМТ фаолиятига ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига баракали ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар ахборот манбаи вазифасини ўтамоқда ҳамда катта-катта ўзгаришларга эришишга қодир бўлган куч сифатида жавлон урмоқда.

Инсон ҳуқуқларини миллий даражада ҳимоя қилиш. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида кўпгина мамлакатлар инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларнинг иштирокчиси бўлиб қолдилар. Бу ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

нормаларни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий мажбуриятлар юклаганлиги боис мазкур соҳага оид нормалар халқаро кўламда амалга ошириладиган мажбуриятлар даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар айрим шахсларнинг ўзаро муносабатларини ҳамда муайян шахслар билан давлат ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Шу сабабли инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантириш, энг аввало, давлатнинг ички вазифаси бўлиб, унинг бажарилиши учун жавобгарлик ҳар бир давлат зиммасига тушади.

Инсон ҳуқуқларини миллий кўламда ҳимоя қилиш тегишли қонун ҳужжатлари ёрдамида, мустақил суд ҳоқимияти орқали, ҳимоя воситаларининг якка тартибдаги кафолатларини қонунчилик йўли билан расмийлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, демократик институтлар ташкил этиш йўли билан таъминланади. Бундан ташқари миллий ва маҳаллий кўламда ишлаб чиқилиб амалга ошириладиган, маҳаллий шароитлар ҳамда анъаналар инobatга олинадиган кампаниялар ҳам борки, улар маърифий ва ахборот хусусиятга эга бўлган самарали тадбирлар тариқасида тан олинган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги у ёки бу халқаро шартномани ратификация қилиш билан давлат бу шартнома қоидаларини ўзининг ички қонун ҳужжатларига киритади ёки ундаги мажбуриятларни бошқача йўллар билан бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган стандартлар ва нормалар кўпгина мамлакатларнинг ички қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Бироқ муайян ҳуқуқлар ҳимоя этилиши тўғрисидаги қонун мавжуд эканлигининг ўзи баъзан етарли эмас. Мазкур қонун ана шу ҳуқуқлар самарали тарзда амалга оширилишини кафолатлаш учун зарур барча ҳуқуқий ваколатлар ва институтлар бўлишини таъминлаб бериши ҳам керак.

Инсон ҳуқуқлари миллий кўламда ҳимоя этилишини самарали тарзда амалга ошириш муаммоси жаҳонда, айниқса, XXI аср бошида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпгина мамлакатларда бошқарувнинг демократик шакли пайдо бўлганлиги ёки тикланганлиги инсон ҳуқуқлари ўзагини ташкил этувчи ҳуқуқий ва сиёсий асосларни таъминлашда демократик институтлар ўйнайдиган ролнинг аҳамияти катта эканлигидан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини самарали тарзда амалга ошириш, энг аввало, бу ҳуқуқларни рағбатлантириш ва ҳимоя этиш учун миллий инфратузилмалар яратишни тақозо этиши аниқ-равшан кўриниб турган фактга айланиб бормоқда. Кейинги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида зиммасига инсон

ҳуқуқларини ҳимоя этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар юклатилган муассасалар ташкил этилди. Гарчи бундай муассасаларнинг вазифалари ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ҳаммаси битта муштарак мақсадга эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам улар инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтлар деб юритилади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро суд. 1998 йилнинг июнида Римда Жиноят ишлари бўйича халқаро судни таъсис этишга бағишлаб конференция ўтказилди. Бу суд инсон ҳуқуқларини халқаро кўламада ҳимоя этишнинг шаклланиб бораётган тизимида муҳим бўғин бўлиб қолади, деб катта умид билдирдилар.

Инсониятга қарши жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун Жиноят ишлари бўйича халқаро судни ташкил этиш таклифини амалга ошириш йўлида БМТ қарийб ярим аср ҳаракат қилди. Ана шу вақт мобайнида собиқ Югославияда, шунингдек, Руандада содир этилган ҳарбий жиноятларни ҳукм қилиш учун иккита махсус жиноят трибуналлари тузилди, холос.

2-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тўғрисидаги масала дастлаб Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашда 1946 йили муҳокама этилган эди. Бинобарин, бу муҳим масала муҳокамасига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бош Ассамблея томонидан ҳамма халқлар ва барча давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилинмасидан икки йил олдин киришилган эди.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш 1946 йилда ўтказилган ўзининг иккинчи сессиясида «Инсон ҳуқуқлари комиссияси фаолиятини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш учун ўз мамлакатлари доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот гуруҳлари ёки маҳаллий қўмиталар таъсис этиш қанчалик мақбул эканлиги»¹ масаласини кўриб чиқишни аъзо давлатларга таклиф этган. Орадан 14 йил ўтганидан кейин бу масала яна кўтарилди. Резолюциялардан бирида миллий институтлар инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишда ўйнаши мумкин бўлган муҳим роль эътироф этилиб, ана шундай органлар тузишга даъват қилин-

¹ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1946 йил 21 июндаги 2/9-сон резолюцияси.

ган, шуниингдек, мазкур масала юзасидан ўз режа ва ғояларини Бош котибга хабар қилишга, шу йўналишдаги барча ахборотларни ҳам унга йўллаб туришга чақирилган эди¹. Ҳозирги вақтда бу жараён ривожланиб бормоқда. БМТ Бош котиби эса олиган ахборотлар тўғрисида Инсон ҳуқуқлари комиссияси, Бош Ассамблея ва давлатларга мунтазам равишда маърузалар тақдим этиб келмоқда.

Халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар. Инсон ҳуқуқлари соҳасида норма яратиш билан боғлиқ фаолиятни БМТ кучайтириб боргани сайин XX асрнинг 60 ва 70-йилларида миллий институтлар масалалари бўйича эътибор кўпроқ мазкур халқаро нормаларни самарали тарзда амалга оширишда миллий органларга асқотадиган йўлларни белгилаб олишга қаратила бошланган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси 1978 йилда ташкил этган бир семинарда, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тузилиши ва фаолият олиб боришига доир раҳбарий принциплар ишлаб чиқиш мақсад қилиб белгиланган эди. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий ва маҳаллий институтлар тўғрисидаги масалага бағишланган бу семинар Женевада 1978 йил 18-29 сентябрь кунлари бўлиб ўтган. Семинарда Раҳбарий принциплар² қабул қилинган. Ана шу ҳужжатга мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар қўйидаги вазифаларни бажаришлари зарур:

биринчи ўз мамлакати ҳукумати ва халқи учун инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот манбаи сифатида иш олиб бориш;

иккинчи - жамоатчиликка инсон ҳуқуқлари соҳасида маърифатли бўлишга ёрдам бериш ҳамда унинг инсон ҳуқуқларини тушуниб етиши ва ҳурмат қилишига кўмаклашиш;

учинчи - у ёки бу мамлакатда қалқиб чиқиб қоладиган ҳамда кўриб чиқишни ҳукумат миллий институтларга топширадиган масалани кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва шу хусусида тавсия бериш;

тўртинчи - инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлган ва ҳукумат томонидан уларнинг (миллий институтларнинг) ихтиёрига бериладиган ҳар қандай масалалар юзасидан маслаҳатлашиш;

бешинчи - инсон ҳуқуқларини рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ўрганиб бориш ҳамда бундай ҳужжатлар-

¹ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1960 йил 25 июлдаги 772 В (XXX)-сон резолюцияси.

² Қаранг: Национальные учреждения по правам человека. Нью-Йорк: Женева, 1995. С. 22.

нинг ҳолатини, суд қарорлари, маъмурий буйруқ ва фармойишларни кузатиб бориш, шунингдек, мазкур масалалар юзасидан тегишли органларга маърузалар тайёрлаш;

олтинчи - муайян давлат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги, ўзи иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар бўйича зиммага олган мажбуриятлардан келиб чиқиб, шу давлат ҳукумати миллий институтларга қанақа вазифаларни беришни лозим топса, шу вазифаларни бажариш.

Миллий институтларнинг тузилишига келганда шуни айтиш керакки, Раҳбарий принципларда қатор тавсиялар назарда тутилган бўлиб, бу тавсияларга биноан мазкур институтлар:

биринчидан, жамоатчиликнинг кенг қатламлари хоҳиш-иродасини ифода этиши, бунда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш учун ўз таркибига аҳолининг турли қатламлари намояндаларини жалб этиши керак;

иккинчидан, мунтазам фаолият олиб бориши, бунда жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ёки давлат органининг ҳар қандай вакили унга (институтга) монеликсиз кириши ва мурожаат эта олишини таъминлаши керак;

учинчидан, зиммадаги вазифаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиши учун тегишли ҳолларда маҳаллий ёки минтақавий маслаҳатлашув органларига эга бўлиши керак.

Кейинчалик мазкур Раҳбарий принциплар Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқуллаган. Бош Ассамблея барча қатнашчи давлатларга инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шугулланувчи миллий институтлар тузилмаган жойларда уларни тузиш учун тегишли чоралар кўришни таклиф этди ҳамда БМТ Бош котибидан инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд миллий институтлар тўғрисида муфассал маъруза тақдим этишни сўраган.

1980 йилдан бошлаб қатор йиллар мобайнида БМТнинг бу масалага қизиқиши сира пасаймаган. Натижада, БМТ Бош котиби томонидан тайёрланган маърузаларнинг бутун бир туркуми Бош Ассамблеяга тақдим этилган. Айни шу даврда миллий институтлар сони ҳам анча кўпайди. Уларнинг аксарияти Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ қўллаб-қувватлаши ва яқин мадади билан ташкил топган.

1990 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шугулланувчи миллий ва минтақавий институтлар иштирокида халқаро йиғилиш ўтказишни таклиф этган. Йиғилишдан кўзланган мақсад миллий институтларнинг БМТ ва унинг муассасалари каби халқаро муассасалар билан ҳамкорлиги шакллари кўриб чи-

қиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини ўрганишдан иборат бўлган.

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтлар тўғрисидаги масала бўйича биринчи халқаро йиғилиш 1991 йил 7-9 октябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган. Йиғилиш хулосалари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан 1992/54-совли резолюцияда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтлар мақоми ҳамда уларнинг фаолият олиб боришига тааллуқли принциплар (Париж принциплари) сифатида қўллаб-қувватланган. Кейинчалик Бош Ассамблея ҳам ўзининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/134-совли резолюциясида шундай фикрда эканлигини маълум қилган. Ана шу принциплар миллий институтларга инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишда тегишли ваколатлар ҳамда давлатларнинг конституциялари ёки қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйган ҳолда имкон қадар кенг ҳуқуқлар бериш зарур эканлигини яна бир бор тасдиқлаган.

1978 йилда ишлаб чиқилган Раҳбарий принциплар кейинчалик янада аниқлаштирилган ва кенгайтирилган ҳамда Париж принциплари¹ деб юритила бошланган. Бу принципларга мувофиқ миллий институтлар зиммасига, жумладан, қуйидаги вазифалар юклатилиши зарур:

1) ҳукуматга, парламентга ва бошқа ҳар қандай нуфузли органга инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан боғлиқ, шу жумладан, қонун ҳужжатлари ва маъмурий қоидаларга дахлдор ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилаётган ҳар қандай ҳоллар билан боғлиқ исталган масалада тавсиялар, таклифлар ва маърузалар тақдим этиш;

2) миллий қонун ҳужжатлари ва амалиёт инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилишини ҳамда ҳамоҳанг бўлишини рағбатлантириш;

3) халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга кўмаклашиш ҳамда халқаро стандартлар амалга оширилишини кузатиб бориш;

4) халқаро ҳужжатларга мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларни тайёрлашга ёрдам бериш;

5) инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқитиш ва тадқиқотлар олиб боришга тааллуқли дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот тарқатиш, бунда, хусусан, мазкур масалалардан жамоатчилик эътиборини

¹ Ўша жойда. С.23-24.

хабардор этиб бориш ва маърифатчилик фаолияти воситаларини кенгроқ жалб қилиш;

б) БМТ билан, минтақавий муассасалар ҳамда бошқа мамлакатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорлик қилиш.

Париж принциплари бир қанча миллий институтларга инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида айрим шахслардан шикоятлар олиш ва тегишли чоралар кўриш ваколатлари берилганлигини эътироф этган. Париж принциплари, шунингдек, миллий институтларнинг бу борадаги вазифалари қуйидаги принципларга асосланиши мумкин эканлигини ҳам назарда тутати:

биринчидан, масалани муроса таомили орқали, ижро этиш мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш йўли билан ёки бошқа воситалар ёрдамида дўстона ҳал этишга ҳаракат қилиш;

иккинчидан, шикоят берувчини унинг ҳуқуқларидан ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишда унинг инон-ихтиёрида бўладиган воситалардан хабардор этиш ва бундай воситалардан монеликсиз фойдалана олишини осонлаштириш;

учинчидан, шикоятни кўриб чиқиш ёки уни ҳар қандай нуфузли органга юбориш;

тўртинчидан, нуфузли органларга, жумладан, ҳуқуқлар эркин амалга оширилишига монелик қилаётган қонунларни, қоидаларни ёки маъмурий амалиётни ўзгартириш тўғрисида таклифлар кўрсатиш йўли билан тавсиялар бериш.

Париж принципларида миллий институтларнинг таркиби ҳамда унинг ходимларини ишга тайинлаш тўғрисидаги, мустақиллик ва фикрларнинг хилма-хиллиги кафолатлари ҳамда иш усуллари ҳақидаги муфассал кўрсатмалар ҳам ўз аксини топган.

1991 йилдан кейин БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар соҳасидаги фаолиятига янги омил бахш этилган. Бир қанча муҳим йиғилишлар ўтказилди. Хусусан, Осиё-Тинч океани минтақасида миллий институтлар барпо этиш тўғрисидаги масала муҳокамасига бағишлаб 1993 йил январда Жакартада инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Осиё-Тинч океани минтақасининг иккинчи ишчи йиғилиши бўлиб ўтган. Муроса қилиш ва уйғунликни рағбатлантирувчи ҳамда ирқчилик ва ирқий камситишларга қарши кураш олиб борувчи миллий институтлар ва ташкилотлар намояндалари 1993 йил апрелда Сидней шаҳрида йиғилиш ўтказганлар. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институтларнинг иккинчи халқаро йиғилиши Тунисда 1993 йил декабрда ўтказилган.

Тунис анжумани ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан шуғулланувчи инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг иккин-

чи халқаро йиғилиши, юқорида айтилганидек, Тунисда 1993 йилнинг 13-17 декабрь кунлари бўлиб ўтган. Унинг ишида жаҳоннинг турли минтақаларидан ўттизга яқин миллий институт намоёндалари иштирок этган. Йиғилиш иштирокчилари ўзаро манфаатли бир қанча масалаларини, шу жумладан, давлат билан миллий институтлар ўртасидаги ҳамда миллий институтлар билан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича маркази ўртасидаги муносабатлар масаласини муҳокама этганар. Анжуман ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар доирасида расмий равишда Мувофиқлаштирувчи қўмита таъсис этган. Йиғилишда қатор тавсиялар, хусусан, айрим муассасалар ўзларининг мақом ва фаолиятлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар мақомига тааллуқли Париж принципларига мувофиқ бўлишига эришиши юзасидан чоралар кўришга даъват этилган тавсия қабул қилинган.

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси. Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури

Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи умумжаҳон конференциясини БМТ 1968 йили Эрон пойтахти - Теҳрон шаҳрида ўтказган. Конференцияда қабул қилинган Даъватномада бир тарафдан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ўртасидаги ва иккинчи тарафдан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ўртасидаги алоқа таъкидланган эди.

Орадан чорак аср ўтгач, яъни 1993 йилда Австриянинг пойтахти Вена шаҳрида БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон конференцияси чақирилган. Ана шу конференцияда қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида инсон ҳуқуқларининг универсал хусусияти ҳамда ирқчилик, камситиш, ксенофобия ва муросазизликнинг ҳар қандай шаклларига қарши кураш олиб бориш зарур эканлиги янгича тароват билан таъкидланган. Хотин-қизлар, болалар, кам сонли ва туб ерли халқлар ҳуқуқларига алоҳида аҳамият берилган.

«Биз бугун бу ерда, Венада муҳокама этаётган инсон ҳуқуқлари мавзуси, - деган эди БМТнинг собиқ Бош қотиби Бутрос Бутрос Ғолий инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида 1993 йил 14 июнда сўзлаган ўз нутқида, - шундай қадриятки, унинг ёрдамида ягона кишилиқ ҳамжамияти эканлигимиз тўғрисидаги ғояни биргаликда қарор тоштирамиз»¹.

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. М., 1998. С. 24.

Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида кўпгина муҳим принциплар, шу жумладан, инсоннинг барча ҳуқуқлари бўлинмас, узвий ва ўзаро боглиқ эканлиги принципи таъкидланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар хусусига келганда, умумжаҳон конференцияси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш масалалари бўйича миллий институтларнинг муҳим амалий ролини, шу жумладан, мўътабар органлар ҳузуридаги маслаҳат тузилмалари даражасидаги ролини, уларнинг инсон ҳуқуқлари бузиллиши ҳолларини бартараф этишдаги, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотларни тарқатишдаги ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқитишдаги ўрнини яна бир карра тасдиқлаган. Конференция, шунингдек, миллий институтлар мақомига тааллуқли Раҳбарий принципларни инобатга олиб, миллий институтларни барпо этиш ва мустаҳкамлаб боришни маъқуллаган ҳамда ҳар бир давлат бу борада ўзининг халқаро миқёсдаги аниқ талаб-эҳтиёжларига энг кўп даражада мувофиқ келадиган тузилмаларни танлаб олиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этган¹.

Умумжаҳон конференцияси ҳукуматларни инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни янада мустаҳкамлашга чақирган. Миллий институтларни барпо этиш ёки мустаҳкамлаш билан боглиқ ишларда ёрдам сўраган ҳукуматларнинг илтимосларини қондириш юзасидан БМТнинг турли дастурлари фаолиятини кучайтиришни тавсия этган. Миллий институтлар ўртасида, хусусан, ахборот ва тажриба алмашилиш воситасида, шунингдек, минтақавий ташкилотлар ва БМТ билан яқин ҳамжиҳатлик орқали ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни маъқуллаган. Шу муносабат билан миллий институтлар ўртасида тажриба алмашиб туриш ҳамда уларнинг ишлаш механизмларини тақомиллаштириш мақсадида Женевда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича маркази раҳнамолиги остида вақти-вақти билан миллий институтлар вакилларининг йиғилишини ўтказиб туриш тавсия қилинган².

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг БМТ тизими доирасидан ташқаридаги фаолияти

Миллатлар Ҳамдўстлиги Қотибияти ва Халқаро омбудсман институти инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни бар-

¹ Қаранг: Венская декларация и Программа действий: Сб. документов. М., 1998. С. 88.

² Ўша жойда. С.90–92.

по этиш ва ривожлантиришни, айниқса, қатъият билан ёқлаб чиққанлар.

Миллатлар Ҳамдўстлиги бир қанча халқаро ва миллий семинарлар ташкил этган ҳамда катта ҳажмда материаллар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳақидаги маълумотномалар тўплами тайёрланишини таъминлаган. Бу тўпланда, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича янги миллий институт ташкил этмоқчи бўлаётган давлатлар учун қиёсий қонун ҳужжатлари ва раҳбарий принциплар берилган.

Халқаро омбудсман институти омбудсман ишидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ жиҳатга эътиборни алоҳида қаратган. Канаданинг Альберт вилоятида жойлашган мазкур институт жаҳоннинг барча мамлакатларидаги омбудсман институтлари тўғрисида ахборотлар тўплайди ва бу мавзудаги материалларни эълон қилиш ҳамда конференциялар чақириш йўли билан миллий институтлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, шунингдек махсус журнал чоп этади.

5-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими

БМТнинг ўз ички тизимидаги ва бу тизим доирасидан ташқаридаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамда амалиётига тааллуқли халқаро ҳужжатлар мавжуд эканлигига қарамай, ҳанузга қадар бу тушунчанинг ягона таърифи йўқ. БМТнинг бу соҳадаги бошланғич фаолиятининг концептуал асоси анча мослашувчан бўлиб, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи миллий даражадаги деярли барча институтларни ўз ичига олади. Суд ҳокимиятига, маъмурий трибуналларга, қонунчилик органларига, ноҳуқумат ташкилотларга, юридик идораларга ва ижтимоий таъминот дастурларига ҳам миллий комиссияларга, омбудсман институтига ва бошқа тузилмаларга бўлганидек тегишлича эътибор берилган.

Бироқ ана шу кенг таъриф доираси мазкур соҳада БМТ олиб борган кейинги ишлар натижасида аста-секин торайиб борган. Бу жараён институтларнинг чоғроқ гуруҳи ажралиб, уларнинг умумий вазифалари, шу жумладан, таълим ва маърифат йўналишидаги фаолияти, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масалалар бўйича ҳуқуматга маслаҳат бериш ҳамда давлат субъектлари, баъзан эса хусусий субъектлар томонидан содир этилган қондабузарлик-

лар тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш вазифалари аниқ белгилаб олинганга қадар давом этган. Гарчи бундай ёндашув миллий институтлар таркибидан шунга қадар уларнинг жумласига киритиб келинган судлар, қонун чиқарувчи тузилмалар ва ижтимоий таъминот бўлинмалари сингари миллий институтларни чиқариб ташлашга олиб келган бўлса-да, таснифлашдаги бундай ёндашув инсон ҳуқуқларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя этиш билан шуғулланувчи миллий институт тўғрисидаги қатъий таърифни ҳозирча узил-кесил қабул қилиш имконини бермаёпти.

Миллий институтлар мақомига тааллуқли Париж принциплари ана шу тадрижий тараққиёт жараёнида муҳим қадам бўлиб қолган. Мазкур принципларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияларнинг стандарт мақомини ва маслаҳатчилик родини белгилаш орқали миллий институт концепциясини аниқлаштиришга ҳаракат қилинган. Агар бу стандартларни фақат «комиссия» деб юритиладиган институтларнинг ўзигагина эмас, балки умумий тоифадаги миллий институтларга нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлса, бундай ҳолларда миллий институт инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муайян вазифаларни бажариш учун конституция ёки қонун асосида таъсис этиладиган орган бўлиши керак. Бундай ёндашув вазифаси умумийроқ бўлган давлат органлари, айтайлик, маъмурий трибуналлардан ташқари, қонуларда кўрсатилмаган барча ташкилотларни истисно этишга олиб келган.

Ана шу аниқлаштиришларга қарамай, миллий институт концепцияси ҳанузга қадар етарлича ишлаб чиқилмаган. БМТнинг бу соҳадаги фаолияти мақсадлари нуқтаи назаридан миллий институт деганда конституцияга ёки қонунга ёхуд декретга мувофиқ ҳукумат томонидан ташкил этиладиган ҳамда вазифаси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш дея аниқ белгилаб қўйилган орган тушунилади.

Юқоридаги таъриф доираси билан қамраб олинadиган барча институтлар амалиётда беистисно маъмурий хусусиятга эга. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, улар суд ҳам, норма яратувчи институт ҳам эмас. Қоида тариқасида, уларга инсон ҳуқуқлари хусусида миллий ёки халқаро миқёсда ҳар куни маслаҳат бериб бориш ваколатлари берилади. Бу мақсадларга умумий воситалар, муҳокама этиш ва тавсия бериш орқали ёки алоҳида, ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш йўли билан эришилади. Айрим мамлакатларнинг конституцияси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт барпо этилишини назарда тутди. Кўпинча бундай институт-

лар қонун ҳужжатларига ёки алоҳида чиқарилган ҳужжатга мувофиқ ташкил этилади. Миллий институтларнинг аксарияти ижро этувчи ҳокимият билан у ёки бу тарзда боглиқ бўлса-да, уларнинг чинакам мустақиллик даражаси бир қанча омиллар, шу жумладан, бундай институтларнинг таркиби, молиявий негизи ва фаолият кўрсатиш усуллари билан белгиланади.

Бундай умумий тавсиф ва хусусиятлар мавжудлиги, таассуфки, таснифлашдаги катта қийинчиликларни бартараф этмайди. Ҳозирги вақтда кўпгина миллий институтлар анча кенг тарқалган иккита тоифа, яъни «инсон ҳуқуқлари комиссияси» ёки «омбудсман институти» тоифасидан бирига мансублик бўйича тасниф қилинаётир.

Инсон ҳуқуқлари комиссиялари одатда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш билан бевосита боглиқ битта ёки бир нечта аниқ вазифани, шу жумладан, жамоатчиликка мўлжалланган маслаҳат бериш (инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқлар ва ҳукумат сиёсати бобида) ва маърифий йўналишдаги вазифани ҳамда холис ва беғараз текширув олиб бориш деб юритса бўладиган вазифани бажаради. Комиссиялар ўртасидаги фарқ кўпинча конкрет вазифаларга қандай аҳамият берилиши билан боглиқ бўлади. Комиссиялар фаолиятининг асосий йўналиши кенг кўламдаги ранг-баранг ҳуқуқларни қамраб олиши ёки аҳолининг ижтимоий заиф муайян гуруҳни муҳофаза этиш билан чекланиши мумкин.

Таққослаш нуқтаи назаридан омбудсман институтининг асосий эътибори одатда холис ва беғараз текшириш олиб бориш вазифаси атрофида жамланади. Кўпдан буён фаолият кўрсатиб келаётган омбудсман институтлари, агар уларнинг вазифаси давлат маъмурияти соҳасида адолатга ҳамда қонунийликка риоя этилишини назорат қилишга тўғридан тўғри дахлдор бўлмаса, инсон ҳуқуқлари билан бевосита шуғулланмайдилар. Кейинги йилларда ташкил топган бошқа институтлар эса, жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида аниқ-равшан ваколат олганлар. Чунки миллий конституцияларда ёки давлат ички қонунларида шу хусусда тегишли қоидалар кўзда тутилган.

Бундай мезонлар мавжуд эканлигига қарамай, шу хил институтларнинг аниқ таснифини бериш қийин. Зотан, уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар улар амалга ошираётган ишларда ҳамisha ҳам ўз аксини топавермайди.

Омбудсман, масалан, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасида одатда комиссияларнинг зиммасига юклатиладиган фаолиятнинг кўпгина турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари комиссияси сифатида тасниф эти-

лаётган орган фақатгина давлат маъмурияти соҳасида, бинобарин, анъанавий тарзда омбудсман институти билан боғлиқ бўлиб келган соҳада фаолият юритиши мумкин.

Ана шундай номувофиқликлар оқибатида номланишига қараб таснифлаш йўлидаги ҳар қандай уринишда, барибир, хоҳиш ва ихтиёрийлик устувлик қилади, шу боис миллий институтларни таснифлашга улар бажарадиган вазифа нуқтаи назаридан ёндашиш тўғри ва мақсадга мувофиқ кўринади.

Инсон ҳуқуқлари комиссиялари. Кўпгина мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга дахлдор қонунлар ҳамда қоидаларнинг самарали тарзда қўлланилишини таъминлаш учун комиссиялар (қўмиталар, марказлар) ташкил этилган. Комиссиялар, гарчи уларнинг зиммасига қонун чиқарувчи органлар олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориш мажбурияти юклатилган бўлса-да, кўпинча давлатнинг бошқа органларидан мустақил равишда фаолият олиб борадилар.

Комиссиялар мустақиллик хусусиятига эга эканлиги сабабли ҳам одатда аҳолининг турли гуруҳлари вакилларида таркиб топади. Бундай вакиллар учун хос нарса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги манфаатлар-у билим ва тажриба, холос. Ҳар бир мамлакатда аъзоларни танлашда ўзига хос талаблар ёки чекловлар белгиланиши, айтайлик, турли касб тоифалари, сиёсий партиялардан ёки минтақалардан кўрсатиладиган номзодлар ёки сайланадиган вакиллар сони учун чеклов белгиланиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари комиссиялари асосан фуқароларни камситишнинг барча шаклларида ҳимоя этиш ҳамда инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини муҳофаза этиш билан шуғулланади. Уларнинг зиммасига бундан ташқари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни рағбатлантириш ва ҳимоя этиш мажбурияти ҳам юкланади. Муайян бир комиссиянинг ваколатлари ва вазифалари, у қайси қонун ёки ҳужжат асосида ташкил этилаётган бўлса, айти шу қонун ёки ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилган бўлади. Ана шу қонун ёки норматив ҳужжат мазкур комиссия ваколатларини, жумладан, камситиш ёки зўравонлик хусусиятидаги, комиссиянинг ўзи текширишга ваколатли бўлган ёки бошқа усулларни қўллаш мумкин бўлган хулқ-атвор турларини аниқлаш йўли билан белгилаб олишга хизмат қилади. Баъзи комиссиялар конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ борки, қайси бирини бузилди деб ҳисоблашга асос бўлса, айти шу ҳолларни кўриб чиқиш билан шуғулланади. Бошқа комиссиялар эса турли белгиларга, чунончи, irqи, терисининг ранги, дини, жинси, миллий ёки этник келиб чиқиши, ногиронлиги, ижтимоий аҳволи, ҳирсини қондиришдаги нотабий майли, сиёсий эътиқоди, ёши

ва оилавий аҳволи сингари белгиларга асосланган камситиш ҳолларини кўриб чиқиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича барча комиссиялар учун энг муҳим вазифалардан бири айрим шахсларнинг, баъзан эса бир гуруҳ шахсларнинг гўё уларнинг назарларида мавжуд миллий қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда содир этилаётган, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги суистеъмолликлар хусусидаги шикоятларини олиш ва кўриб чиқишдан иборат. Комиссия зиммадаги вазифаларни лозим даражада бажариши учун одатда ўзи кўриб чиқаётган ва текшираётган масалага тааллуқли далилларни олиш имкониятига эга бўлади. Бу ваколат, гарчи ундан жуда кам фойдаланилса ҳам, катта аҳамиятга эга. Зотан, шу йўл билан шикоят объекти бўлган шахс ёки орган томонидан ҳамкорлик қилишга рағбат йўқлиги натижасида текширишга монелик қилиш эҳтимоли чип-пакка чиқади. Шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш асносида инсон ҳуқуқлари бўйича турли комиссиялар қўллайдиган таомилларда фарқ катта эканлигига қарамай, уларнинг аксарияти муроса ва ҳакамлик (арбитраж) таомилларидан фойдаланади. Комиссия муросага келтириш жараёнида ўзаро мақбул натижага эришиш мақсадида тарафлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Муроса таомили ёрдамида низони бартараф этишнинг иложи бўлмаса, комиссия ҳакамлик таомилига мурожаат этишга мажбур бўлади. Бунда тарафларнинг фикри тингланганидан кейин комиссия ўз ажримини чиқаради.

Инсон ҳуқуқлари комиссияси, қоида тариқасида, низолашаётган тарафлар учун ҳуқуқий нуқтаи назардан мажбурий бўлган қарорлар чиқаришга ҳақли эмас. Лекин бу гап тавсия этилаётган бартараф этиш усулларини ёки тегишли ҳуқуқий ҳимоя чораларини эътиборсиз қолдириш мумкин, деган маънони англатмайди. Айрим ҳолларда шикоятдаги ҳал этилмаган низоли масалалар махсус суд томонидан кўриб чиқилиб, улар юзасидан ажрим чиқарилади. Комиссия, агар махсус суд бўлмаса, ҳал этилмай қолган шикоятни узил-кесил ва мажбурий тусдаги қарор чиқариши учун оддий судларга ўтказиши мумкин.

Кўпгина комиссияларнинг яна бир муҳим вазифаси бор. Улар ҳукуматнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб бораётган сиёсатини инсон ҳуқуқларига риоя этилишида йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ҳамда бундай камчиликларни бартараф этиш воситалари тўғрисида таклифлар киритиш мақсадида мунтазам шарҳлаб боради. Инсон ҳуқуқлари комиссиялари муайян давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасида ўша давлатнинг ўз нормаларига ва халқаро нормаларга риоя этилишини кузатиб бориши ҳамда

зарурат бўлганда бу нормаларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тавсия этиши зарур. Муайян комиссия ишининг таъсир доираси ва самарадорлигини кўрсатувчи муҳим омил унинг ўз номидан текшириш ишини қўзғата олиш қобилиятидир. Бу, аynиқса, шикоят молиявий ёки ижтимоий ресурсларга эга бўлмаган шахс ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан йўлланадиган алоҳида вазиятларга нисбатан кўпроқ татбиқ этилади.

Инсон ҳуқуқларининг тўла-тўқис амалга оширилишига зарур қовун ҳужжатлари ва тегишли маъмурий чораларнинг ўзи билангина эришиб бўлмайди. Комиссия зиммасига кўпинча жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқларидан хабардорлик даражасини оширишдек муҳим жавобгарлик юклатилиши ҳоллари ҳам масала тўғри тушунилганлигидан далолат беради. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги оммавий-тарғибий ва маърифий фаолият жамоатчиликни комиссиянинг мақсад ва вазифаларидан хабардор қилиб боришни, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги турли масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ўтказишни, семинарлар ташкил этишни, маслаҳат бериш тарзида хизматлар кўрсатиш ва маслаҳат йиғилишлари ўтказишни, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича материаллар тайёрлаш ва эълон қилиб боришни қамраб олади.

Ихтисослашган институтлар. Ҳар бир мамлакатда аҳоли орасида фақат шу мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий заиф қатламлари бўлса ҳам, энг кўп учрайдиган ва аҳолининг барча гуруҳларига дахлдор муштарак бир муаммо бор. Бу инсонни камситишдир. Этник, тил ва дин жиҳатидан кам сонли бўлган шахслар, туб ерли аҳоли, чет элликлар, мигрантлар, муҳожирлар, қочоқлар, болалар, хотин-қизлар, шунингдек, қашпоқлар ва ногиронлар жамиятнинг шундай аъзоларики, уларни кўпинча ҳукуматларнинг ўзи манфаатлари ҳимоя этилиши учун инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган институтларга муҳтож шахслар деб эътироф этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган институтлар одатда ана шундай гуруҳлардан бирини ёки бир нечасини ҳимоя этиш учун ишлаб чиқилган давлат сиёсати ва ижтимоий сиёсат ўтказилишига қўмаклашиш учун ташкил этилади. Умуман олганда, бундай институтлар юқорида айтиб ўтилган, инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослаштирилмаган комиссияларнинг вазифаларига ўхшаб кетадиган вазифаларни бажарадилар. Одатда улар муайян гуруҳга мансуб айрим шахсларга ёки умуман муайян бир гуруҳга нисбатан камситиш ҳолларини ҳамда шаклларини кўриб чиқиш ва текширишга ҳақлидир. Бирон бир гуруҳ аъзосининг бошқа шахс ёки давлат органи ҳаракатлари ҳусусида берган шикоятини текширишда умумий ваколатларга эга бўлган ана шу ихти-

сослашган институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий институтлар каби мажбурийлик хусусиятига эга бўлган алоҳида қарор чиқаришга ёки суд йўли билан таъқиб қилиш ишhini қўзғатишга кўпинча ваколатли бўлмайди.

Бундай институтлар зиммасига ахборот ва маслаҳат ёрдами-ни яқка тартибда ва жамоа асосида бериш, қолаверса, амалдаги қонун ҳужжатлари ва конституциявий қоидалар муайян бир гуруҳга қай даражада дахлдор бўлса, уларнинг самарадорлигини худди шу даражада кузатиб бориш мажбурияти юклатилади. Бошқача қилиб айтганда, улар кўпинча парламент ва ҳокимият органларининг маслаҳатчилари ёки мушовирлари сифатида фаолият олиб борадилар.

Омбудсман. Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда омбудсман институти ташкил этилган. Бу тоифага мансуб муассасаларни баъзи мамлакатларда бошқача ном билан ҳам атайдилар. Айтайлик, *Advocat du peuple, Defensor del Pueblo, Mediateur de la Repablique* ва шу каби атамаларни қўллайдилар¹. Омбудсман бир киши ёки бир гуруҳ шахслардан иборат бўлиши мумкин. Омбудсман, одатда, ўзининг конституциявий ваколоти асосида ёки махсус қонун асосида ишлаб турган парламент томонидан тайинланади. Бироқ Африкадаги ва Миллатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги айрим мамлакатларда омбудсман давлат бошлиғи томонидан тайинланади ва шу боис унга ҳисобдор бўлиши ҳам мумкин.

Омбудсман институтининг асосий вазифаси давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари адолатли ва қонуний эканлигини кузатиб боришдан иборат. Янада аниқроқ қилиб айтганда, омбудсман институти ўзларини давлат маъмуриятининг ноодил ва ноҳаққоний ҳаракатлари жабрдийдаси ёки қурбони деб ҳисоблайдиган айрим шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Шунга мувофиқ омбудсман кўпинча жабрланган фуқаро билан ҳукумат ўртасида холис воситачи вазифасини ўтайди.

Омбудсман институти мутлақо бир хил бўлган иккита мамлакатни топиш мушкул. Лекин барча омбудсманлар ўз вазифаларини бажараётганда бир хил таомиллардан фойдаланадилар. Омбудсман жамоатчилик вакилларидан шикоятлар қабул қилиб олади ва ўзининг ваколат доирасига кирадиган бўлса, бу шикоятларни кўриб чиқади. Шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида омбудсманга, қоида тариқасида, тегишли барча давлат органларининг ҳужжатлари билан монеликсиз танишиб чиқиш таъмин-

¹ Муфассалроқ билиш учун қаранг: Бойцова В.В. Служба защиты прав человека и гражданина: Мировой опыт. М., 1996.

ланади; у шунингдек гувоҳларни, шу жумладан, давлат амалдорларини мажбурий тусда тегишли ахборотни унга (омбудсманга) беришга ундаши мумкин. Омбудсман шундан кейингина олиб борган текширувлари асосида баёнот ёки хулоса беради. Бундай баёнот одатда шикоят берган шахсга, шунингдек, мазкур шикоят қайси муассаса ёки орган устидан берилган бўлса, айни ана шу муассаса ёки органга юборилади. Омбудсман, агар унинг тавсияси эътиборсиз қолдирилаётган бўлса, қонун чиқарувчи органга тегишли маъруза йўллаши мумкин. Бундай маъруза худди шу органга бериладиган ҳар йилги маърузага қўшимча тарзида бўлади ва унда аниқланган муаммолар тўғрисидаги ахборот ҳамда қонунчилик ёки маъмурий йўсиндаги ўзгартиришлар киритишга оид таклифлар акс эттирилиши мумкин.

Ҳар қандай фуқаро, агар у ўзининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаётган бўлса, омбудсманга шикоят юбориши мумкин. Шунга қарамай, кўпгина мамлакатларда амал қилиб турган қоидага биноан шикоят бераётган шахс ҳуқуқий ёки маъмурий ҳимоянинг барча муқобил воситаларини қўллаб бўлганидан кейингина омбудсманга мурожаат этиши керак. Шунингдек, омбудсманга шикоятлар юборишнинг муайян муддатлари белгилаб қўйилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, гарчи омбудсманнинг ваколатлари давлат маъмуриятининг барча соҳасига татбиқ этилса-да, кўпгина омбудсманлар қонун чиқарувчи ёки судлов органлари вакилларига тааллуқли шикоятларни кўриб чиқишга ваколатли эмас.

Омбудсман ҳузурига кириш эркинлиги мамлакатнинг ўзига боғлиқ. Мамлакатларнинг аксариятида айрим фуқаролар шикоятларини омбудсманнинг бевосита девонхонасига ёки идорасига топширишлари (беришлари) мумкин. Бошқа мамлакатларда эса шикоятлар воситачи орқали, масалан, парламентнинг маҳаллий аъзоси орқали берилади. Омбудсманга берилаётган шикоятлар одатда махфийлик хусусиятига эга бўлади ва шикоят берувчининг шахси унинг розилигисиз ошкор этилмаслиги керак.

Омбудсман фаолияти ҳамisha шикоятларни кўриб чиқиш ва текшириш билан чекланиб қолади, деб бўлмайди. Винобарин, омбудсман ўз ташаббуси билан ҳам текширишлар бошлаши, муайян масалани ўрганиб чиқиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари комиссияларида бўлгани каби омбудсман ташаббуси билан бошлаб юборилган текширишларда ҳам кўпинча шундай масалалар кўндаланг қўйилган бўладикки, буларга, омбудсманнинг фикрича, жамоатчиликни чуқур ташвишлантириши мумкин бўлган ёки муайян гуруҳларнинг ҳуқуқларига дохил бўлаётган масалалар туртки беради. Бу масалалар, кўриниб турибдикки, кўлами жиҳатидан муайян бир шахснинг шикоятлари мавзуи доираси билан

чекланиб қолмайди. Муассаса (омбудсман) ҳокимият ҳар қандай тармоғининг ёки ҳар қандай давлат субъекти, ёхуд хусусий субъектнинг аралашувисиз ёки қаршилигисиз ўз вазифасини бажариши учун унинг мустақил юридик мақоми ниҳоятда юқори даражада бўлмоғи керак. Бунга эса шу муассасани бевосита парламентга ёки давлат бошлиғига бўйсундириш йўли билан эришиш мумкин.

Омбудсман ваколатлари шикоятларни қабул қилиб олиш ва текшириш ваколатига эга бўлган инсон ҳуқуқлари комиссияларининг ана шундай ваколатларига амалда кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Зотан, ана шу ҳар иккала органнинг вазифаси айрим фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишдан иборат бўлиб, принцип жиҳатдан улардан ҳеч бири ижро этиш учун мажбурий бўлган қарорлар чиқариш ваколатига эга эмас.

Шу билан бирга, мазкур органларнинг вазифаларида муайян тафовутлар бор ва бу тафовутлар баъзи мамлакатлар нима сабабдан бир йўла ҳар иккала институтни таъсис этишига ва ҳар иккаласи бир пайтнинг ўзида фаолият кўрсатишига имкон яратиб қўйиши сабабини очиб беради. Маълумки, аксарият омбудсманларнинг зиммасидаги асосий вазифа давлат маъмурияти соҳасида адолат ва қонунийликни таъминлашдан иборат. Инсон ҳуқуқлари комиссиялари омбудсмандан фарқли равишда кўпроқ инсон ҳуқуқлари бузилганлигига тааллуқли масалалар, хусусан, камситишлар билан боғлиқ муаммолар билан шуғулланадилар ҳамда аксарият ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, ҳукуматнинг ҳаракатлари устидан текширув олиб борадилар.

Умуман олганда, омбудсман фаолиятининг асосий йўналиши айрим фуқароларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахслар устидан берган шикоятларини кўриб чиқишдан иборат дейиш мумкин. Шуниси ҳам борки, инсон ҳуқуқлари комиссиялари билан омбудсманлар ўртасидаги тафовут тобора йўқолиб бормоқда. Негаки, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш фаолиятининг кенг доираси омбудсманларни ҳам тобора кўпроқ жалб этмоқда. Омбудсман институти инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш мажбуриятини бот-бот ўз зиммасига оладиган бўлиб қолди. Бунда, хусусан, маърифий фаолият олиб бориш ва ахборот дастурларини ишлаб чиқиш йўлидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу ўринда Халқаро юристлар ассоциацияси томонидан омбудсман атамасига берилган таърифни келтириб ўтиш жоиз: «Конституция ёки қонунчилик ҳокимияти чиқарган ҳужжатда назарда тутилган ҳамда қонунчилик ҳокимияти олдида масъул бўлган,

омма наздидаги юксак мартабали мустақил мансабдор шахс томонидан бошқариб бориладиган хизмат давлат органларидан, шу органларнинг хизматчиларидан, ишга ёлловчилардан жабр кўрган шахслардан шикоятлар олади, ўз хоҳишига кўра иш олиб бориш ҳамда текшириш ўтказишга, аҳволни тузатиш юзасидан амалий ҳаракатлар тавсия этишга ва маърузалар тақдим этишга ваколатли бўлади»¹.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизимига қайси халқаро ташкилотлар киради?

2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга оид фаолиятини айтиб беринг.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга оид қандай халқаро андозаларни биласиз?

4. БМТнинг 1978 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга оид Раҳбарий принципларга тавсиф беринг.

5. БМТнинг 1993 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга оид Париж принципларига тавсиф беринг.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференциясида қандай ҳужжатлар қабул қилинган ва уларга тавсиф беринг.

7. 1993 йилги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг аҳамияти қандай?

8. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг БМТ тизимидан ташқарида олиб бораётган фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

9. БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимига қайси органларни киритади?

10. Инсон ҳуқуқлари комиссиялари қандай вазифаларни бажаради?

11. Омбудсман институтининг вазифалари ва аҳамияти нимада?

¹ Қаранг: Бойцова В.В. Служба защиты прав человека и гражданина: Мировой опыт. М., 1996.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАЛҚАРО КЎЛАМДА ҲИМОЯ ЭТИШ

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг универсал тизими
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг минтақавий тизимлари

Ўн учинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг универсал тизими

1. БМТнинг асосий органлари тизими ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш.
2. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши.
3. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий (назорат) органлари.
4. БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим.

1-§. БМТнинг асосий органлари тизими ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш

БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи органлари. БМТнинг асосий органлари ҳам, ёрдамчи органлари ҳам у ёки бу даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишга тааллуқли масалалар билан шуғулланадилар. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун асосий жавобгарлик БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда унинг раҳбарлиги остида ишлаб турган Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш зиммасидадир. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ масалалар одатда БМТ Бош Ассамблеясининг кун тартибига айнан Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш маърузаларининг тегишли бўлимлари ҳамда Бош Ассамблеянинг аввалги сессияларида қабул қилинган қарорлар асосида киритилади. Бундай масалалар БМТнинг бошқа органлари, шунингдек, мазкур Ташкилотга аъзо давлатлар ва БМТ Бош қотиби томонидан ҳам тавсия этилиши мумкин.

Бош Ассамблеянинг ижтимоий ва гуманитар масалалар ҳамда маданият масалалари мутасаддиси бўлган Учинчи қўмитаси ва бошқа баъзи қўмиталар ҳам инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланиб келмоқдалар. Улар томонидан қабул қилинган қарор-

лар Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисларида муҳокама этилиши ва тасдиқланиши лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, БМТ Уставининг 13-моддасига биноан Бош Ассамблеянинг вазифаси асосан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар беришдан иборат. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш ишларини, одатда, Бош Ассамблеянинг топшириғига биноан Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда унинг ёрдамчи органлари, ихтисослаштирилган муассасалар ва БМТ Бош котиби бажаради.

Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз вазифаларини бажариш учун, БМТ Уставининг 22-моддасига биноан, заруратга қараб турли ёрдамчи ташкилотларни таъсис этиш ваколатига эга.

Оқорида таъкидлаб ўтилганидек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазифалари бажарилиши учун Бош Ассамблея билан бир қаторда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳам жавобгардир.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ўз фаолиятини сессиялар даврида ишлайдиган қўмиталар - Иқтисодий, Ижтимоий ва Мувофиқлаштирувчи қўмиталар ёрдамида олиб боради. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳужжатларни Ижтимоий қўмита тайёрлайди. Ижтимоий қўмитанинг маърузалари Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ялпи мажлисларида тасдиқланади.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш бундан ташқари ўз фаолиятининг талайгина қисмини инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларга бағишлайдиган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва бошқалар билан БМТ номидан битимлар тузади. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш маслаҳатлашувлар ўтказиш ва тавсияномалар чиқариш йўли билан бу борадаги ишларни умумий тарзда мувофиқлаштириб боради.

Шуниси эътиборлики, БМТ Уставининг 68-моддасида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ўз ишига тааллуқли масалалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари бўйича комиссиялар тузиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунга мувофиқ 1946 йилда бир йўла иккита комиссия, яъни Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ва Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссия тузилган. Бу комиссиялар БМТ Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитаси билан биргаликда инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар юзасидан асосий ишни олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси бу соҳада ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини ўтказиб келмоқда, тавсиялар бериб бормоқда, ахборотлар бериб турмоқда ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кен-

гашнинг бошқа тоншириқларини бажариб келмоқда. Бу Комиссия кўпгина халқаро ҳужжатларни, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари Комиссияси томонидан ўз навбатида Камситишларнинг олдини олиш ва кам соғли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия тузилган.

Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссия Инсон ҳуқуқлари Комиссияси каби резолюциялар чиқаришга, шунингдек, қабул қилиши учун уларни Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга ва у орқали Бош Ассамблеяга тавсия этишга ваколатли ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари масалаларини Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда унинг ёрдамчи органлари билан бир қаторда Хавфсизлик Кенгаши, Васийлик Кенгаши ва БМТ Халқаро суди сингари БМТнинг асосий органлари ҳам кўриб чиқади-лар ва муҳокама этадилар.

БМТ қарорларини ҳамда унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги органлари вазифаларини амалга оширишда БМТ Котибиятининг муайян ўрни бор. БМТ Котибияти таркибида инсон ҳуқуқлари бўлими ташкил этилган ва у БМТнинг асосий ҳамда ёрдамчи органларига зарур ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур бўлинма зиммасидаги вазифалар жумласига инсон ҳуқуқлари бўйича нашрларни тайёрлаш ва бошқа қатор масалалар ҳам киради.

Шу нарса ҳам муҳимки, Бош Ассамблеянинг 1955 йил 14 декабрда қабул қилинган резолюциясига мувофиқ Бош котиб ҳукуматларнинг илтимосига жавобан инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида қуйидаги шаклда ёрдам кўрсатиш ваколатига эга:

а) экспертлар кўмагида маслаҳат йўналишидаги хизматлар кўрсатиш;

б) семинарлар ўтказиш;

в) инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар бўйича ихтисослаштириш рағбатлантирувчи стипендиялар бериш.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1993 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Ана шу резолюцияга мувофиқ Олий комиссар БМТ Бош котиби томонидан тайинланади ва унинг ўринбосари ҳисобланади. Олий комиссар бевосита Бош котибга бўйсунди, лекин ўз фаолияти ҳақида Инсон ҳуқуқлари Комиссияси олдида, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали эса Бош Ассамблея олдида ҳисоб бериб бориши керак¹.

¹ Қаранг: Верховный комиссар по поощрению и защите всех прав человека//Права человека: Учебник-хрестоматия. Ташкент, 2001. С. 265.

Бош Ассамблея. БМТ Уставининг 13-моддасига мувофиқ Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири «иқтисодиёт, ижтимоиёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш» мақсадида ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларнинг каттагина қисмини кўриб чиқиш ва муҳокама этишда ихтиёрни Бош Ассамблеянинг ижтимоий, гуманитар ва маданият масалалари билан шуғулланувчи Учинчи қўмитасига ўтказишни лозим топган.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш. БМТ Уставининг 62-моддасига биноан Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш инсон ҳуқуқлари ва барчанинг асосий эркинликлари ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш мақсадида тавсиялар бериши мумкин. Мазкур Кенгаш Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаши ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар чақириши мумкин. БМТ Уставининг 68-моддасига мувофиқ Кенгаш «иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади». Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш инсон ҳуқуқлари масалаларида ёрдам кўрсатишни кўзлаб Инсон ҳуқуқлари Комиссияси, Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссия, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита таъсис этган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссияси Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган бўлиб, 56 та аъзо давлат вакилларидан ташкил топган. Комиссия ўз сессиясини ҳар йили олти ҳафта мобайнида ўтказади. Комиссия ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб боради, инсон ҳуқуқлари бўйича тавсияларни ҳамда халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг махсус топшириқларини бажаради.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ўзларининг ҳар йилги сессияларида инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда ва мунтазам равишда бузиш ҳоллари билан боғлиқ воқеалар ва амалиётни муҳокама этиб борадилар. Агар муайян бир мамлакатдаги ёки муайян бир амалиётдаги аҳвол ташвиш уйғотаётган бўлса, бу органлар мустақил ва ҳолис экспертлар гуруҳи (ишчи гуруҳи) ёки алоҳида шахс (махсус маърузачи) томонидан бу борада текширув ўтка-

зиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ана шу махсус органларга Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва БМТ Бош Ассамблеясига маърузалар тақдим этиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан ташқари алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда чоралар кўриш ваколати ҳам берилган. Масалани дарҳол, сира кечиктирмай ўрганиб чиқиши ва текшириш талаб этиладиган алоҳида ҳолларда махсус маърузачи ёки ишчи гуруҳи хавф таҳдид солаётган айрим шахсни, гуруҳни ёки жамоани муҳофаза этиш мақсадида тегишли ҳукуматлар билан ҳатто бевосита учрашиши ва мулоқотга киришиши мумкин.

Жанубий Африкада инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ишчи гуруҳи (1967 йилда тузилган) ана шундай дастлабки орган бўлди. Мазкур гуруҳ, шунингдек, босиб олинган ҳудудларнинг аҳолисига нисбатан Исроил ҳаракатларининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли жиҳатини текшириш бўйича махсус қўмита (1968 йилда ташкил этилган) ҳозирга қадар фаолият кўрсатиб турибди.

Комиссия таъсис этган бошқа баъзи махсус органларнинг фаолияти, ўша мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларида аҳвол яхшилангач, тугатилди. 1993 йилда, масалан, Афғонистон, Гаити, Ироқ, Эрон, Куба, Сальвадор, Судан, Экваториал Гвинеяда ҳамда Собиқ Югославия ҳудудида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни ўрганиш ва назорат қилиб бориш учун махсус маърузачилар бўлган.

1980 йилдан кейин Инсон ҳуқуқлари Комиссияси инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузиш билан боғлиқ амалиётни бутун жаҳон миқёсида ўрганиш ҳамда шу муносабат билан тегишли чоралар кўриш мақсадида бир нечта махсус органлар таъсис этган. Бу органларга, таъбир жоиз бўлса, йўналиш мавзуга қараб ваколат берилган эди. Ҳозирги вақтда шундай гуруҳлардан икитаси ишлаб турибди. Буларнинг биринчиси ғайририхтиёрий равишда ёки зўрлик ишлатиш билан ғойиб бўлиб қолишлар тўғрисидаги масала билан ва иккинчиси ўзбошимчалик билан ушлаб туришлар тўғрисидаги масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳдир.

Йўналиш мавзуга қараб кўплаб махсус маърузачилар тайинланган бўлиб, қуйидаги масалалар доираси уларнинг ўрганиш соҳаси деб белгиланган эди:

1) суддан ташқари ва ўзбошимчалик билан ҳамда лозим даражада суд муҳокамаси ўтказмай туриб қатл этишлар тўғрисидаги масалалар бўйича;

2) қийноқларга солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турлари бўйича;

3) болаларни сотиш, болалар билан боғлиқ фоҳишабозлик ва болалар порнографияси бўйича;

4) мамлакат ичкарасида кўчиб юрган шахслар тўғрисидаги масала бўйича;

5) диний мурасасизлик бўйича;

6) ирқчилик, ирқий камситиш ва ксенофобия бўйича;

7) фикрлаш ва сўз эркинлиги бўйича;

8) халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга қаршилиқ кўрсатиш воситаси сифатида ёлланган кишилардан фойдаланиш бўйича.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ва БМТ Бош Ассамблеясига юқорида зикр этиб ўтилган махсус органлар томонидан тақдим этиладиган маърузалар очиқ сессияларда муҳокама қилинади ҳамда бу маърузалар шу масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари Комиссияси қарор қабул қилишида асосий омил бўлади.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз ишини янада самаралироқ амалга ошириш учун 1947 йилда *Камситишларнинг олдини олиш ва кам совли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия* таъсис этган. Бундан кўзланган мақсад ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини инobatга олган ҳолда олиб бориш ҳамда Инсон ҳуқуқлари Комиссияси учун инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳар қандай шаклдаги камситишларнинг олдини олиш, шунингдек, кам совли миллатларни ирқий, миллий, диний ва тил жиҳатидан ҳимоя этишга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Кичик комиссия таркибида 26 аъзо бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари Комиссияси томонидан сайланади ва давлатларнинг вакиллари сифатида эмас, балки шахсий фазилатларига асосланган ҳолда иш кўради. Кичик комиссиянинг ҳар йилги сессиялари тўрт ҳафта давом этади, бу анжуманларда БМТга аъзо давлатлардан кузатувчилар ҳамда ҳуқуқматларо ташкилотларнинг, ноҳуқумат ташкилотларнинг, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва анжуман кун тартибига киритилган масалалардан манфаатдор миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳозир бўладилар.

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссия Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган. Комиссиянинг вазифалари доирасига хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенгҳуқуқлилиги принципини

амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари киради. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссияга хотин-қизларнинг аҳволи бўйича умумжаҳон конференциясида 1985 йилда қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган Найроби стратегияси амалга оширилишини назорат қилиш, шу йўналишдаги ишларнинг аҳволига баҳо бериб таҳлил қилиб бориш вазифаси топширилди. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларга нисбатан камситишлар тўғрисида алоҳида шахслардан ҳам, бир гуруҳ шахслардан ҳам олинган хабарларни кўриб чиқиши мумкин. Якка тартибдаги шикоятлар бўйича чоралар кўрилмайди. Бунинг ўрнига мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хотин-қизларни камситиш соҳасидаги тамойилларни аниқлашга қаратилган таомилдан фойдаланиш билан чекланадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси. Турли органлар ва муассасаларга хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳар хил таомиллар билан боғлиқ хизматни кенг йўлга қўйиш вазифалари БМТ Котибияти ходимлари зиммасида бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича котибият БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасида, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ марказда иш олиб боради.

Бу бошқарма Женевада жойлашган бўлиб, алоқа учун Нью-Йоркда кичикроқ бюроси, жаҳоннинг турли жойларида эса бир нечта муваққат ваколатхоналари бор. Ҳозирги вақтда мазкур бошқарманинг қароргоҳида юздан ортиқ мутахассис, асосан халқаро масалалар бўйича ихтисослашган юристлар ва сиёсатшунослар ишламоқда.

Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва унинг кичик комиссиясига хизматлар кўрсатиш;

иккинчидан, текшириш, назорат қилиш ва ўрганиб тадқиқ этиш ишларини ўтказишнинг Бош Ассамблея томонидан белгиланган турли таомилларини қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, шартномалар ижро этилиши устидан назорат қилувчи органларга хизматлар кўрсатиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳаси доирасидаги турли масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари комиссияси ва кичик комиссия сўровига биноан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари олиб бориш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқларига оид нормаларни миллий да-

ражада сингдириш соҳасида давлатларга техник масалаларда ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш, шу жумладан, мутахассисларни ўқитиш, юридик ёрдам бериш ва ахборот тарқатиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Бошқарма раҳбари ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси Бош Ассамблеяга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни биринчи навбатдаги вазифа сифатида тавсия этди. Бош Ассамблея 1994 йилда қабул қилган резолюцияга мувофиқ бундай лавозим таъсис этилди ва дастлабки Олий комиссарлик лавозими эквадорлик Хосе Айяла Лассога насиб этди. Бош Ассамблея баёнот бериб айтдики, Олий комиссар БМТнинг мансабдор шахси бўлиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун асосий жавобгарлик юкини Бош котибнинг раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида тортади. Олий комиссар ўз вазифасини бажарар экан, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг умумий ваколатлари, вазифалари доирасида ва қарорлари асосида иш олиб боради. Олий комиссар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколатлар унга амалда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай муаммони кўриб чиқиш ва инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган дунё миқёсидаги фаолиятда фаол иштирок этиш имконини беради. Айни вақтда унга инсоннинг барча ҳуқуқларини тўла-тўқис амалга ошириш йўлидаги ҳозирги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва шу йўналишдаги янгидан-янги вазифаларни ҳал этиш ишида, қолаверса, бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари давом этишига йўл қўймаслик ишида етакчи рол ўйнаш имконияти берилган. 1997 йилнинг охирларида БМТ Бош Ассамблеяси Ирландиянинг собиқ Президенти Мэри Робинсонни иккинчи Олий комиссар сифатида тасдиқлади.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси. БМТ ташкил топган даврдан бошлабоқ қочоқларнинг, қадрдон гўшасидан кўчишга мажбур бўлган шахсларнинг, апатрид ва репатриантларнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларга катта эътибор бериб келади. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар билан боғлиқ муаммоларни лозим даражада ва узил-кесил ҳал этиш йўллариини излаш мақсадида бир қанча амалий чоралар кўрилди. Бош Ассамблея ўзининг 1949 йилда ўтказилган тўртинчи сессиясида БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармасини таъсис этган. Мазкур бошқарма иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган Қочоқлар ишлари бўйи-

ча халқаро ташкилот ўрнини эгаллаган. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари Уставининг 1-бандига мувофиқ Олий комиссар Бош Ассамблея раҳбарлиги остида фаолият кўрсатар экан, мазкур Уставнинг таъсир доирасидаги қочоқларга БМТ раҳнамолиги остида халқаро ҳимояни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бундай ҳимоя қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги Конвенцияга¹ ҳамда шу Конвенцияга доир 1967 йилги протоколга² мувофиқ таъмин этилади.

Конвенциянинг 1-моддасида қочоқ тушунчасига таъриф берилган.

Конвенциянинг 2-11-моддаларида умумий қоидалар акс эттирилган бўлиб, бу қоидаларга мувофиқ қочоқлар ирқи, дини ёки қайси мамлакатдан чиқиб келганлигига қараб камситилмаслиги керак. Улар қайси мамлакатга келиб қолган бўлсалар, диний эътиқодлар эркинлигидан камида шу мамлакат фуқаролари даражасида фойдаланадилар ҳамда ҳуқуқлар билан, мазкур Конвенция асосида бериладиган ҳуқуқлардан қатъий назар, таъминланадилар. Қочоқларга, шунингдек, бундай ҳуқуқлар, агар Конвенцияда уларга янада маъқулроқ вазият яратиб бериш назарда тутилмаган бўлса, ўша мамлакат фуқаролари қатори қафоatlanади.

Конвенциянинг 12-16-моддалари қочоқнинг ҳуқуқий мақомига тааллуқлидир.

Конвенциянинг 17-19-моддалари қочоқларнинг даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига багишланган.

Конвенциянинг 20-24-моддаларида қочоқларга фаровонликни таъминлаш масалалари, хусусан, мунтазам меъёрда моддий таъминот олиш тизими, уй-жой масаласи, таълим, ҳукумат ёрдами, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ижтимоий таъминот масалалари қамраб олинган.

Конвенциянинг 25-моддасида қочоқларга маъмурий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, уларга қонуан яшаб турган мамлакатдан чиқишда керак бўладиган ҳужжатлар беришни назарда тутувчи қоидалар берилган.

Конвенциянинг 31-33-моддаларида бошпана беришга тааллуқли муҳим қоидалар акс этган. Ана шу моддаларга мувофиқ аҳдлашувчи давлат ҳудудида ўзига бошпана берилишини сўраган қочоқ, башарти нуфузли ҳокимият органларига дарҳол учрашган бўлса, мазкур давлат ҳудудига қонунга хилоф равишда кирганлик ёки мазкур давлат ҳудудида қонунга хилоф равишда

¹ Қаранг: Международные акты о правах человека: Сб. документов. М., 1998. С. 432-444.

² Ўша жойда. С. 445-447.

бўлганлик учун жазога тортилмайди. Бундан ташқари, мазкур қочоқ, агар аҳдлашувчи давлат ҳудудида қонуний асосда яшаб турган бўлса, давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибидан бўлак сабаб билан шу мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам қочоқ ирқи, дини, фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳга ёки сиёсий эътиқодларга мансублиги оқибатида унинг ҳаёти ёки эркинлигига таҳдид этиладиган ҳудудга чиқариб ёки қайтариб юборилиши мумкин эмас.

Конвенциянинг 34-моддасига мувофиқ аҳдлашувчи давлатлар қочоқларнинг маҳаллий муҳитга мослашишини ҳамда бегонасираш асоратидан тезроқ қутулиб олишини имкон қадар енгиллаштиради, хусусан, ўша жойга кўникиш ишларини тезлаштириш ҳамда шу аснода бўладиган йиғимлар ва харажатларни имкон қадар камайтириш учун ўзларига боғлиқ барча ишларни адо этишга ҳаракат қилади.

Конвенциянинг 35-моддасига биноан аҳдлашувчи давлатлар БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси олдида турган вазифаларни, чунончи, мазкур Конвенция қоидалари қўлланилиши устидан кузатув олиб бориш вазифаларини бажаришда ушбу бошқарма билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини зиммага олади.

1967 йилда Бош Ассамблея Ҳудудий бошпана тўғрисида декларация¹ қабул қилган. Бу ҳужжатда ҳудудий бошпана беришнинг асосий принциплари баён этилган ҳамда қочоқларни мажбурий тарзда қайтариб юборишни таъқиқловчи таянч инсонпарварлик принципи эълон қилинган. Мазкур таянч принципга мувофиқ ҳеч бир шахсга нисбатан унинг чегарадан ўтишига рухсатнома беришни рад этиш, уни бошпана сўралаётган мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш ёки мазкур шахс таъқиб қилиниши мумкин бўлган муайян бир мамлакатга мажбурий тарзда қайтариб юбориш сингари чоралар қўлланиши мумкин эмас.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва инсон ҳуқуқлари. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган эди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси мазкур Фонд фаолиятининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишдан иборат, дея қарор қабул қилди. Уч йилдан кейин БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтиришга қарор қилган.

¹ Ўша жойда. С.404-405.

ЮНИСЕФ инсонпарварлик, муруват ёрдами кўрсатган ҳолда ривожланишга ҳамкорлик қилар экан, болаларни ҳимоя этиш ва уларнинг барча қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятган жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган таянч ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ЮНИСЕФ баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

ЮНИСЕФ бола ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи Бола ҳуқуқлари қўмитаси билан жипс ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айна вақтда Конвенциянинг амалга оширилишини кузатиш ҳамда Конвенцияни ратификация қилган ёки бу ҳужжатга қўшилган давлатларга улар зиммадаги вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш билан шуғулланмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида Болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қилади. Мазкур декларация болаларнинг манфаатларини кўзлаб, 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда олий мартабали бошқа шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашувида қабул қилинган.

БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва инсон ҳуқуқлари. БМТнинг инсон теварагидаги муҳит муаммоларига бағишлаб 1972 йили Стокгольмда бўлиб ўтган конференцияси ҳар бир инсон соглом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуққа эга эканлигини ҳамда келгуси авлодлар бахт-иқболини кўзлаб, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва яхшилаш учун жавобгар эканлигини эълон қилган.

БМТ Бош Ассамблеяси 1972 йилда БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастурини (ЮНЕП) таъсис этган. Бундан кўзланган мақсад атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ва бехатар фаолиятни рағбатлантиришдан иборат бўлган. ЮНЕПнинг асосий вазифаси атроф муҳит соҳасида ўтказиладиган тадбирларда БМТнинг барча муассасалари учун боғловчилик, етакчилик ва ижобий маънодаги тезлатувчилик ролини бажаришда ўз ифодасини топади. Мазкур дастур асосида атроф муҳитни муҳофаза этиш мақсадида ҳукуматлар билан,

илмий жамоатчилик ва савдо-сотиқ доиралари билан, шунингдек, ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик мулоқотлари олиб борилади. ЮНЕП айни пайтда чўлга айланиб боришга қарши кураш, сув ресурсларини муҳофаза этиш, генетик ресурслар сингари масалаларда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

1989 йилда ЮНЕПнинг мадади ва яқин кўмагида хатарли чиқиндиларни чегаралар оша ташиш ва чиқариб ташлаш устидан назорат қилиш тўғрисида Базель конвенцияси ишлаб чиқилган. 1992 йилнинг июнида атроф муҳит ва тараққиёт бўйича БМТ конференцияси ўтказилиб, унда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида бир қанча муҳим халқаро шартномалар қабул қилинган. БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси, Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенция, шунингдек, XXI аср учун белгиланган кун тартиби (йигирма биринчи асрга мўлжалланган иш дастури) ҳамда Рио-де-Жанейро декларацияси шулар жумласидандир. XXI аср учун белгиланган кун тартиби самарали амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш мақсадида тузилган Барқарор тараққиёт комиссияси 1993 йил июн ойидан бери ишлаб турибди.

2-§. БМТнинг ихтисослашган муассасалари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши

БМТнинг барча ихтисослашган муассасалари ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланадилар.

Халқаро меҳнат ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари. Аҳолини иш билан тўла таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи мустақил бир муассаса сифатида 1919 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти ташкил топган. Мазкур Ташкилотнинг фаолияти ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳуқуқлар, масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқи, мақбул ва қаноатланарли иш шароитига бўлган ҳуқуқ, касаба уюшмалари тузиш ҳамда унга ўз хоҳиш-истаги ва танлови бўйича кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, турмушнинг етарли даражаси билан таъминланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлди. Халқаро меҳнат ташкилоти сўз эркинлиги, уюшмаларга уюшиш эркинлиги, тинч йигилишлар ўтказиш ҳуқуқи каби фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар билан ҳам шуғулланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти ўз Уставида белгилаб қўйилган принципларни амалга ошириш мақсадида тегишли халқаро стандартларни ишлаб чиқади, уларнинг қўлланиши устидан назорат олиб боради ва ҳукуматларга мазкур Ташкилот олдида қўйилган

мақсадларга эришишга қаратилган ишларида ёрдам кўрсатади.

Халқаро меҳнат ташкилоти фаолият кўрсатиб келаётган давр мобайнида 200га яқин конвенция ва 200дан ортиқ тавсияномалар ишлаб чиқилган. Бу ҳужжатларнинг аксарияти инсон ҳуқуқларига бевосита тааллуқли бўлиб, булар, жумладан, қуйидаги конвенциялардир:

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция (1930 йил);

1) Адолатли ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенция (1951 йил);

2) Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенция (1957 йил);

3) Камситишлар тўғрисидаги конвенция (1958 йил);

4) Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенция (1964 йил);

5) Ишга қабул қилишнинг энг ёш чегараси тўғрисидаги конвенция (1973 йил);

6) Қишлоқ меҳнаткашларининг ташкилотлари тўғрисидаги конвенция (1975 йил);

7) Меҳнаткаш мигрантлар тўғрисидаги конвенция (1975 йил);

8) Зиммасида оилавий мажбуриятлари бор меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенция (1981 йил);

9) Туб ерли халқлар ҳамда яшаш тарзи қабилачиликка асосланган халқлар тўғрисидаги конвенция (1989 йил) ва бошқалар.

Бу конвенциялар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга ҳам, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳуқуқларга ҳам тааллуқлидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва инсон ҳуқуқлари. ЮНЕСКО неча йилдирки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида эълон қилинган маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини амалий тарзда турмушга татбиқ этишга қаратилган фаолият юритиб келмоқда. Чунончи, 1966 йилда ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари декларациясини қабул қилган ва эълон қилган. Ҳукуматлар, маъмурлар, маданий фаолият учун мутасадди ташкилотлар, уюшмалар ва муассасалар бундан буён ана шу Декларацияга амал қилишлари лозим деб топилган.

Мазкур ҳужжатда акс этган принципларнинг айримларини санаб ўтаемиз.

Биринчи: ҳар бир маданият ҳурмат қилиниши ва асраб-авайланиши лозим бўлган қадр ҳамда қимматга эга.

Иккинчи: ўз маданиятини ривожлантириш ва юксалтириш ҳар бир халқнинг ҳуқуқи ҳамда бурчидир.

Учинчи: халқлар башариятнинг техникавий ва маънавий-интеллектуал тараққиёти ўртасида уйғун мувозанатни таъмин-

лаш мақсадида маданиятнинг барча тармоқларини мувофиқ тарзда ва эҳтимолки, бир вақтнинг ўзида ривожлантириш билан боғлиқ ишларни давом эттиришга интилишлари зарур.

Тўртинчи: халқаро маданий ҳамкорлик таълим, фан ва маданият соҳасидаги ақлий ва ижодий фаолиятнинг барча турларини қамраб олиши керак.

Бешинчи: маданий ҳамкорлик барча халқлар ва мамлакатларнинг ҳуқуқи ҳамда бурчи эканлиги сабабли улар (халқлар ва мамлакатлар) бир-бирлари билан билим ҳамда тажрибани баҳам кўришлари зарур.

Олтинчи: барча маданиятларга яхши таъсир ўтказиб келаётган ва уларнинг ўзаро бойишига имкон яратаётган халқаро маданий ҳамкорлик амалга оширилаётганда маданиятларнинг ҳар бири ўзига хос эканлиги ҳурмат қилинмоғи лозим.

ЮНЕСКО ўз фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланмиш таълим соҳасида саводсизликка қарши кураш дастурларини изчил амалга ошириб келмоқда. Мажбурий ялпи бошланғич таълим принципини амалга ошириш бу дастурлардаги муҳим бўгин бўлиб, мазкур принципнинг рўёбга чиқарилиши саводсизликнинг асосий сабабларини бартараф этишга ёрдам бериши табиий. ЮНЕСКОнинг ваколат доирасига ўқитувчиларни ҳамда таълимни режалаштириш ва ривожлантириш учун мутасадди бўладиган шахсларни тайёрлаш масалалари ҳам киради. Бунинг замирида жойларда мактаблар қурилишини рағбатлантириш ҳамда уларни тегишли ашё ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсади ётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ана шу йўналишдаги фаолиятда 1974 йили Бош конференция томонидан қабул қилинган муҳим бир ҳужжатга асосланадиларки, бу ҳужжат халқаро хайрихоҳлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсияномадир.

Табиий фанлар соҳасида ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» дастури сингари ташаббусини алоҳида таъкидлаш керак. Ижтимоий фанлар соҳасига келганда, ЮНЕСКО урушни келтириб чиқариш ва авж олдириш сабаблари, ирқчилик муаммолари, тараққиёт ҳамда инсоният билан атроф муҳит ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари сингари масалалар бўйича ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб боради. Алоқаларни сақлаб туриш хусусига келганда, айтиш мумкинки, мазкур Ташкилот бу соҳадаги мавжуд талаб-эҳтиёжларни ўрганиб боради ҳамда ўзининг алоқаларини ривожлантиришга қаратилган халқаро дастурлари орқали мазкур жабҳада инфратузилмани вужудга келтириш ишида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатади.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ихтисослашган муассаса бўлиб, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 25-моддасининг 1-баддида эълон қилинган соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларда БМТ тизимига мансуб бошқа нуфузли органлар билан яқин ҳамкорлик қилади.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 1946 йилда қабул қилинган Уставида айтиладики, «соғлиқнинг эришиш мумкин бўлган энг юксак даражасига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг, ирқи, дини, сиёсий эътиқодлари, иқтисодий ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, асосий ҳуқуқларидан биридир». Бу ҳужжатда соғлиққа «касаллик ва жисмоний нуқсонлар йўқлигидан ташқари жисмоний, маънавий ва ижтимоий жиҳатдан тўла расолик ҳолати ҳамдир», - деб таъриф берилган.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти юқумли касалликларга қарши кураш бўйича муҳим кампаниялар ўтказиб келмоқда. Бу Ташкилот ривожланаётган мамлакатларда техник ёрдам кўрсатишнинг кенг дастурини амалга оширмоқда. Ана шу дастур соғлиқни сақлашнинг барча жиҳатларини, тиббиёт ходимларини тайёрлаш масалаларини қамраб олади, аynи пайтда санитария қоидалари қабул қилинишини ҳам таъминлайди.

1987 йилнинг феврал ойидан эътиборан Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти одамнинг орттирилган иммунитет танқислиги вируси (ОИТС) билан касалланишининг олдини олиш ҳамда бундай касалликларга қарши кураш юзасидан ўзининг глобал стратегияси доирасида ана шу мудҳиш касалликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида кенг кўламли дастурни амалга оширишга раҳбарлик қилиб келмоқда ҳамда бу борадаги жамики ишларни мувофиқлаштириб турибди. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти БМТнинг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида дастур ишлаб чиққан ва бу дастурни қатъият билан амалга ошириш йўлида кенг кўламда ҳаракат қилмоқда.

3-§. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий (назорат) органлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг олти асосий шартномаси бор. Бу шартномаларнинг ҳар бири учун махсус қўмита тузил-

ган бўлиб, мазкур қўмиталар шартномаларнинг қатнашчи давлатлар томонидан бажарилиши самарадорлигини назорат қилиб боради, яъни мониторинг олиб боради. Мазкур шартномалар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

3. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция.

4. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция.

5. Қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция.

6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.

БМТ таркибида шу йўналишда тузилган қўмиталарнинг ҳар бири ўзи назорат этадиган конвенция ёки пакт номи билан юртилади (биринчи пакт бундан мустасно):

1) Инсон ҳуқуқлари қўмитаси;

2) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита;

3) Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита;

4) Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита;

5) Қийноқларга солишга қарши қўмита;

6) Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита.

Ана шу қўмиталарнинг ҳар бирини ташкил этишда тегишли пакт ёки конвенция юридик асос бўлди. Бироқ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита хусусида бундай деб бўлмайди. Негаки, бу Қўмита Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ёрдамчи органи тариқасида тузилган.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси 1977 йилда таъсис этилган. Қўмита 1966 йилда қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмита таркиби 18 аъзодан иборат, қатнашчи давлатлар уларни ўз фуқаролари орасидан сайлайдилар. Қўмита аъзоларининг ўз вазифаларини амалга ошириши уларнинг шахсий фазилатига асосланади¹.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир биринчи Факультатив протоколга (1966 йил) мувофиқ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ўз юрисдикциясидаги, яъни унинг вако-

¹ Қаранг: Гражданские и политические права: Комитет по правам человека. Женева, 1992.

латларини эътироф этган қатнашчи давлатлардан тушган, Пактда эълон қилинган ҳуқуқлар бузилганлиги билан боғлиқ хабар ёки шикоятларни кўриб чиқиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси йилига учта сессия ўтказди. Бу анжуманларда Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳамда мазкур соҳада эришилган тараққиёт ҳақидаги Пактнинг қатнашчи давлатлар тақдим этган маърузалар кўриб чиқилади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 1966 йилда қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжат - Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмитанинг дастлабки сессияси 1987 йилда ўтказилган. Мазкур Қўмитада ҳам аъзолар 18 экспертдан иборат. Уларнинг ҳаммаси ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган обрў-эътиборга эга ва шахсий фазилатлари асосида иш олиб борувчи кишилардир¹.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 16-моддасига биноан мазкур Қўмита Пактнинг қатнашчи давлатлари бу муҳим ҳужжатда эътироф этилган ҳуқуқларга риоя этилиши юзасидан кўрган чоралар ҳақида ва бу соҳада эришилган тараққиёт тўғрисида тақдим этадиган маърузаларни ўрганади.

Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция амалга оширилишини кузатиб боради. Бу Қўмитанинг аъзолари ҳам 18 кишидан иборат бўлиб, улар Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан тўрт йиллик муддатга сайланадилар².

Қўмита Конвенция қоидаларини амалга ошириш мақсадида кўрилган чоралар ва бу соҳада эришилган тараққиёт ҳақида қатнашчи давлатлар томонидан тақдим этилган маърузаларни ўрганиб чиқади.

Қўмита айрим шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва мазкур Конвенциядаги мажбуриятларни бажариш масалалари бўйича давлатлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш учун доимий ишчи гуруҳлари ва ёки махсус мураса комиссиялари таъсис этиш ваколатига эга.

¹ Қаранг: Комитет по экономическим, социальным и культурным правам. Женева, 1996.

² Қаранг: Комитет по ликвидации расовой дискриминации. Женева, 1992.

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита
Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини назорат этиб бориш мақсадида таъсис этилган. Қўмита 23 экспертдан ташкил топади. Улар юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган ва номзоди Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹.

Қатнашчи давлатлар томонидан тақдим этилган маърузалар ва бошқа ҳар қандай ахборотларни Қўмита ўз сессияларида ўрганиб боради. Қўмита ана шу маърузаларни кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда таклифлар ва тавсиялар тайёрлайди. У умумий тавсиялар чиқариши ҳам мумкин. Бу тавсиялардаги тадбирларни қатнашчи давлатлар, Конвенция бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш мақсадида, кўпинча ўз дастурларига киритадилар.

Қийноқларга солишга қарши қўмита 10 нафар экспертдан ташкил топади. Экспертларнинг ҳар бири тўрт йил муддатга сайланади. Қўмита аъзолари Қийноқларга солишга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция қатнашчиси бўлган давлатларнинг маърузаларини кўриб чиқади, шунингдек, мазкур Конвенция бўйича зиммага олган мажбуриятларини бажариш мақсадида бу давлатлар кўраётган чоралар ҳақидаги ахборотларни тинглайди². Қўмита ана шу маърузаларни ўрганиб чиқиш ҳамда тегишли изоҳ ва хулосалари билан уларни қатнашчи давлатларга ва Бош Ассамблеяга юборишдан ташқари, махфий текширишлар ўтказиш ваколатига ҳам эга. Муайян қатнашчи давлат ҳудудида қийноқларга солиш мунтазам равишда қўлланилаётганлиги тўғрисида ишончли ахборот олган ёки хабар топган тақдирда Қўмита ана шу қатнашчи давлатнинг розилиги билан жойнинг ўзига бориб текшириш ўтказиши мумкин.

1981 йилда қийноқларга солиш жабрдийдалари ва қурбонлари учун БМТнинг кўнгилли бадаллар фонди таъсис этилган бўлиб, ундан кўзланган мақсад ихтиёрий бадаллар тўплаш ва бу бадал-

¹ Қаранг: Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. Женева, 1995.

² Қаранг: Комитет против пыток. Женева, 1994.

ларни қийноқларга дучор этилган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига мурувват ёрдами, юридик ва молиявий ёрдам кўрсатиш учун тақсимлашдан иборатдир. Фонд ўз фаолиятини ҳукуматлар, хусусий ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахслар томонидан берилаётган кўнгилли бадаллар асосида амалга ошираётир. Фондни бошқариш билан БМТ Бош котибининг ўзи шуғулланмоқда. Унга бу борада инсон ҳуқуқлари соҳасида катта тажрибага эга бўлган раис ва тўрт нафар аъзодан иборат таркибдаги Васийлар кенгаши ёрдам бермоқда. Маблағларнинг каттагина қисми тиббий ёрдам кўрсатиш ва саломатликни тиклаш - реабилитация қилишга оид лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш учун сарфланади. Ана шу хилдаги лойиҳалар асосан қийноқларга солишнинг жабрдийда ва қўрбонлари ҳамда уларнинг оилаларига тўлақонли ва расамадли ҳаёт кечиришларини таъмин этадиган шароит яратиб беришга қаратилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Бу Қўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Қўмита ўн нафар экспертдан иборат. Унинг зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, Конвенция қатнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган¹.

Қўмита жаҳон болаларининг тинчлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини изламоқда, уларни ҳал қилиш учун одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда ҳамда жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини оширишга, бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Қўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қўмита 1989 йил қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақидаги ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги тараққиёт тўғрисидаги маърузаларни мунтазам равишда шу Қўмитанинг ўзига тақдим этадилар. Бу маърузаларнинг миллий даражада ошкор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади.

¹ Қаранг: Права ребенка. Женева, 1992.

4-§. БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим

«Тобора кўпроқ давлатлар, шу жумладан, этник низолар ҳамда фуқаролик можаро ва тўқнашувларини бошидан кечирган кўпгина давлатлар эндиликда шундай таълим дастурларининг излаш ҳаракатига тушиб қолдиларки, бундай дастурларнинг мазмун-моҳияти ва усуллари бир-бири билан ўзаро боғлиқ қатор мақсадларга, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва демократик амалиётга ҳурмат-эҳтиромни мустаҳкамлаш, қашшоқликка қарши янада муваффақиятлироқ кураш олиб бориш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда халқаро миқёсдаги тинчлик ва ўзаро хайрихоҳлик истиқболи уфқини кенгайтириш мақсадларига эришиш имкониятини таъминлашга қаратилган бўлсин»¹

Кофи Аннан,
БМТ Бош котиби

1988 йилда БМТ одамларга ҳуқуқларини, ҳукуматларга эса мажбуриятларини тушунтириш мақсадида Умумжаҳон ижтимоий ахборот кампаниясини амалга оширишга киришган.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1995-2004 йилларни Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги деб эълон қилган.

Одамлар ўз ҳуқуқларини яхши билсаларгина бу ҳуқуқлар учун кураш олиб боришлари, ҳукуматлар эса бунини инobatга олишга мажбур бўлишлари эҳтимолдан кўра ҳақиқатга яқин кўринади.

Ҳозирги вақтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 200дан ортиқ тилга таржима қилинган бўлиб, бутун жаҳонга тарқалиб бормоқда.

Ахборот инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини тизгинлаб туришга қодир қудратли қуролдир. Ҳукуматларнинг халқаро даражадаги обрў-эътибори муайян маънода уларнинг инсон ҳуқуқларига қай даражада риоя этишлари билан белгиланади.

Инсоний қадр-қиммат том маънода қийноқлардан ва очликдан холи бўлишни, овоз беришда хоҳиш-иродани эркин билдириш ҳамда таълим олиш ҳуқуқини англатади. Айни пайтда бу ўз фикрини эркин изҳор этиш ҳамда тиббий хизмат кўрсатилишига бўлган ҳуқуқни, шунингдек, барча ҳуқуқлар бирон-

¹ Қаранг: Кофи Аннан. Годовой доклад о работе Организации 2001 г. Нью-Йорк, 2001. С. 90.

бир камситишларсиз амалга оширилишига бўлган ҳуқуқни ҳам англатади.

1986 йилда БМТ Бош Ассамблеяси *Тараққиётга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларацияни* қабул қилди. Бу ҳужжатда айтилганидек, «инсон тараққиёт жараёнининг асосий субъекти бўлиб, у тараққиётга бўлган ҳуқуқнинг фаол иштирокчиси ва бенефициарийси бўлмоғи лозим»¹.

Таассуфки, бутун жаҳон миқёсида зўр бериб қилинаётган сай-ҳаракатларга қарамай, бугунги кунда бир миллиардга яқин одам мутлақо қашшоқликда яшамоқда. Уларнинг кундалик харажати сарфиёти бир долларга ҳам бормайди: нақадар ночор ҳаёт кечириётганликлари шундан ҳам маълум.

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлларини излашда яхши бошқарув, демократия ва давлат ишларини идора этишда халқнинг иштироки қатори кўпинча савдо-сотиқнинг адолатли шартларда йўлга қўйилиши ва қарз юкининг енгиллаштирилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битим ҳамда шартномаларнинг амалга оширилиши ҳукуматлар ва халқлар ҳамкорлигига боғлиқдир. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш мақсадида БМТ ҳукуматларга қуйидаги йўналишлар бўйича техникавий ёрдам кўрсатишни тавсия этади:

биринчидан, миллий қонун ҳужжатларини ислоҳ қилиш;

иккинчидан, демократлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш ҳамда сайловга тааллуқли тартиб-таомил масалаларида маслаҳатлар бериб бориш;

учинчидан, миллий қонунларнинг лойиҳаларини яратишда ва миллий маърузаларни тайёрлашда ёрдам бериш;

тўртинчидан, судлар ҳамда таълим тизими сингари давлат ва минтақавий миқёсдаги институтларни мустаҳкамлаш;

бешинчидан, жиноят ишларини одил судлов соҳаси хизматчиларини, яъни судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва полиция амалдорларини ўқитиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. БМТнинг қайси органлари инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланади?

2. БМТнинг Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларига оид қандай ҳужжатлар қабул қилган?

3. БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши инсон ҳуқуқлари соҳасида қандай ваколатга эга?

¹ Қаранг: Права человека: Сб. международных договоров. Нью-Йорк; Женева, 1994. Т.1. ч. 2. С. 631.

4. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссияси қандай масалалар билан шуғулланади?
6. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари қандай ваколатларга эга?
7. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси инсон ҳуқуқлари соҳасида қандай ишларни олиб боради?
8. БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари қандай?
9. БМТнинг Атроф муҳит дастури (ЮНЕП) доирасида инсон ҳуқуқларига оид қандай ишлар олиб борилади?
10. Халқаро меҳнат ташкилоти қабул қилган меҳнат ҳуқуқларига оид қайси шартнома ва тавсияномаларни биласиз?
11. ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга оид ҳужжатлари ва фаолияти ҳақида маълумот беринг.
12. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон ҳуқуқларига оид қандай ҳужжатлар қабул қилган?
13. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қандай конвенция (назорат) органлари бор ва уларнинг ваколатлари қандай?
14. БМТ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича қандай ишларни амалга оширмақда?

Ўн тўртинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг минтақавий тизимлари

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Европа тизими.
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Америка мамлакатлараро тизими.
3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Африка тизими.
4. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Осиё тизими.
5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Арабча тизими.

1-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Европа тизими

Давлатлар ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида қарор топган универсал ҳамкорлик тизими билан бир қаторда айни шундай фаолият минтақавий даражада ҳам амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, 1969 йилда Сан-Хосе шаҳрида Америка мамлакатларино конференцияда Америка инсон ҳуқуқлари конвенцияси

қабул қилинган. Африка давлатлари 1981 йилда Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари хартиясини қабул қилганлар ҳамда Инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссиясини тузганлар.

Европада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш билан шуғулланувчи энг мўътабар ва нуфузли ташкилот **Европа Кенгаши**дир. 1949 йилнинг 5 май куни Лондон шаҳрида қабул қилинган Статутнинг (Уставнинг) 1-моддасига биноан мазкур Кенгашнинг мақсади ўз аъзоларининг «муштарак мероси бўлган ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақ топишини кучайтиришга ёрдам берадиган» гоёлар билан принципларни сақлаб қолиш ҳамда бундай гоё ва принципларни рўёбга чиқариш муддаосини кўзлаб аъзолар бирлигига эришишдан иборат.

Бугунги кунда Европа Кенгаши жаҳондаги бообру ва йирик ташкилотлардан бири, айна вақтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ишида ниҳоятда нуфузли тузилмадир. Бинобарин, бошқа ҳеч бир ташкилот инсон ҳуқуқлари муаммосига доир муносабатларда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини, шу жумладан, европача анъаналарни бунчалик кенг инobatга олиш имкониятига эга эмас. Шуниси эътиборга лойиқки, инсон ҳуқуқларига риоя этиш принципи Европа Кенгаши Уставида (Статутида) мустақамлаб берилган. Мазкур ҳужжатнинг 3-моддасида таъкидлаб кўрсатилишича, «Европа Кенгашининг ҳар бир аъзоси қонун ус-тулиги принципини ҳамда ҳар қандай шахс қайси принципнинг юрисдикцияси остида бўлганда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлардан фойдаланадиган бўлса, худди шу принципни эътироф этади»¹. Инсон ҳуқуқларини ва унинг асосий эркинликларини жиддий тарзда бузиш Европа Кенгашига аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва ҳатто аъзолардан чиқариш учун асос бўлиши мумкин. Мазкур Ташкилот томонидан бу йўналишда олиб борилган ишларнинг амалий самараси шуки, Европа Кенгашининг фаолияти мобайнида 200га яқин конвенция, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси қабул қилинган².

Европа Кенгашининг назоратни амалга ошириш механизми таркибига Европа инсон ҳуқуқлари комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Европа Вазирлар қўмитаси киради. Европа конвенциясига мувофиқ ташкил топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш механизми Европа Кенгашига аъзо давлатлар-

¹ Қаранг: Устав Совета Европы // Международное сотрудничество в области прав человека: Документы и материалы. М., 1993. Вып. 2. С. 121.

² Қаранг: Право Совета Европы и России (сборник документов материалов). Краснодар, 1996.

нинг давлат суверенитетини мутлақлаштиришда қарор тошган андозалардан воз кечишни тақозо этади. Чунки Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди чиқарган қарорлар прецедент аҳамиятига молик бўлиб, европача ҳуқуқлар доктринасини шакллантириш ва ривожлантиришга баракали таъсир ўтказиб келмоқда. Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг судлов органлари кундалик ишларда мазкур Суднинг қарорларига амал қиладилар. Бу давлатлар ана шу Суднинг қарорлари таъсири остида ўз қонун ҳужжатларига ва маъмурий амалиётларига мунтазам равишда ўзгартириш ва тузатишлар киритиб борадилар¹.

Яна бир нарсага эътиборни қаратиш лозим. Европа миқёсида қабул қилинган ўн та конвенция ва битим, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси ва Ижтимоий хартия ёпиқ ҳужжатлар ҳисобланади. Бошқа ҳужжатлар эса батамом ёки қисман очиқ хусусиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланишда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳам муҳим ўрин тутadi. Бу Кенгаш Ғарбий ва Шарқий Европадаги барча давлатларни, шунингдек, АҚШ ва Канадани бирлаштириб турувчи энг йирик минтақавий ташкилотдир. Мазкур Кенгаш 1973 йил 3 июлда Хельсинкида ташкил этилган бўлиб, 1994 йилнинг охирида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕҲҲТ) айлантирилди.

ЕҲҲТ фаолиятининг биринчи босқичи 1975 йилда Хельсинки шаҳрида Якуловчи ҳужжат имзоланиши билан ўз поёнига етди. Мазкур ҳужжатнинг тўртта бўлиmidан биттасида қатнашчи давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳамкорлик масалаларидаги аҳдлашуви ўз аксини топган.

1950 йилда қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси** ўзининг дастлабки вариантдаёқ кўпгина ҳуқуқларни, чунончи яшаш ҳуқуқи, қийноқларга дучор этилмаслик ҳуқуқи ва қулликдан озод бўлиш ҳуқуқини кафолатлаган эди.

Қўшимча протоколлар, хусусан, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги протокол (1-протокол) қабул қилиниши натижасида ҳуқуқлар доираси янада кенгайди. 4 ва 5-протоколлар қабул қилингач, бу доира кўлами янада ортди. Зотан, мазкур протоколлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун озодликдан маҳрум этишни таъқиқлайди ҳамда мамлакат ичкарисида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлигига бўлган ҳуқуқни кафолатлайди. 6-протокол

¹ Қаранг: Туманов В.А. Европейский Суд по правам человека. М., 2001.

да ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ўз аксини топган. 7-протокол қоидаларига мувофиқ чет элликларни яшаб турган мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида уларга нисбатан турли процессуал кафолатлар таъминланади. Бу шартномада жиноят ишини кўриб чиқиш пайтида шикоят қилиш ҳуқуқи, судда ноодиллик билан ҳукм чиқарилган тақдирда компенсация талаб қилиш ҳуқуқи, айни бир қилмиш учун жавобгарликка икки марта тортилмаслик ҳуқуқи, шунингдек, эр-хотинларнинг тенг ҳуқуқлари ва тенг мажбуриятлари ҳам эълон қилинган¹.

1961 йилда қабул қилинган *Европа ижтимоий хартияси*² ҳам Европа конвенцияси сингари Европа Кенгаши раҳнамолиги остида ишлаб чиқилган. Мазкур Хартия фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларни кафолатловчи Конвенцияни иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя этиш учун минтақавий европача тизим яратиш йўли билан тўлдиради.

Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг ярмидан кўпи мазкур Хартия иштирокчисидир.

Шу Хартияга мувофиқ давлатларнинг улар ўз мажбуриятларига қандай риоя этаётганлигини назорат этиб боришни таъминлайдиган маърузаларни тақдим этиш тизими ишлаб чиқилган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти. 1975 йилда имзоланган Хельсинки Якувловчи ҳужжати Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши олиб борган ишлар самарасининг чўққиси бўлган. Шарқий ва Ғарбий Европадаги барча суверен давлатлар (ўша кезлари Албания бундан мустасно эканлигини эслатиш жоиз), шунингдек, АҚШ ва Канада иштирокидаги Кенгаш томонидан қабул қилинган Якувловчи ҳужжат ҳукуматлар учун юридик жиҳатдан мажбурий шартнома эмас эди. Шунга қарамай, у сиёсий аҳамиятга молик ғоят муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Якувловчи ҳужжат 10та принципдан иборат. VII принципга мувофиқ иштирок этувчи давлатлар «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини» ҳурмат қиладилар ҳамда бу соҳадаги халқаро декларациялар ва битимлар бўйича ўз зиммаларига тушадиган мажбуриятларни бажарадилар.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан қабул қилинган кейинги муҳим ҳужжатлар орасида Вена (1989 йил) ва Копенгаген (1990 йил) учрашувларининг якуний ҳуж-

¹ Қаранг: Право Совета Европы и России. С. 208–241.

² Ўша жойда. С.245254.

жатларини, шунингдек, янги Европа учун мўлжалланган Париж хартиясини (1990 йил)¹ алоҳида таъкидлаш керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Европа конвенциясига биноан дастлаб фақат тарафлар ўртасидаги низолар бўйича юрисдикцияга эга эди, холос. 1970 йилда Конвенцияга доир Протокол кучга кирганлиги натижасида мазкур Суд маслаҳат юрисдикциясига ҳам эга бўлган. Конвенцияга мувофиқ бу Судга айрим шахслар эмас, балки фақат давлатларнинг ўзи ҳамда Европа инсон ҳуқуқлари комиссияси мурожаат этиши мумкин. Бироқ айрим шахсларга мазкур Судда аста-секинлик билан бўлса ҳам бирмунча кенгроқ мақом берилган.

Шуни айтиш керакки, Европа суди мазкур қитъада фуқаролик эркинликлари бўйича ўзига хос тарздаги конституциявий суд бўлиб қолган. Кўриб чиққан ишлари нуқтаи назаридан бу суднинг вужудга келтирилган прецедент ҳуқуқи анчагина кенг, боз устига, унинг аҳамияти ҳам муттасил ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг европача тизимининг ҳозирги вақтдаги мавжуд барча тизимлар ичида самарали тарзда фаолият кўрсатаётган энг кўламдор тизим сифатида тавсиф этилиши ҳамма тан оладиган ҳақиқатдир.

2-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Америка мамлакатлариаро тизими

Инсон ҳуқуқларининг Америка мамлакатлариаро тизими иккита ҳуқуқий манбага эга. Булар **Америка давлатлари ташкилоти ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясидир.**

Америка давлатлари ташкилотининг 1951 йилда кучга кирган Уставида инсон ҳуқуқларига бағишланган қоидалар кўп эмас. Шулардан бири 3 j-модда (эндиликда 5 j-модда) бўлиб, унга мувофиқ Уставни имзолаган давлатлар индивидларнинг асосий ҳуқуқларига, ирқи, миллати, дини ёки жинсига кўра бирон бир тарзда фарқламаган ҳолда риоя этиш мажбуриятини зиммага оладилар. Инсон ҳуқуқларига таянадиган яна бир муҳим норма 13-моддада (ҳозирги 16-модда) мужассам бўлган.

Америка давлатлари ташкилоти Устави тасдиқланган ўша конференциянинг ўзида Америка инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларацияси ҳам қабул этилиб, унда инсоннинг 27та ҳуқуқи ва 10та мажбурияти эълон қилинган.

1969 йилда қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси** фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг ўн

¹ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. Тошкент, 2002.

иккита умумий тоифасини, масалан, ҳуқуқ субъекти эканликни эътироф этиш ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, инсоний муомалада бўлишнинг таъминланиши ҳуқуқи, ишни судда адолатли тарзда муҳокама этиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, уюшмалар тузиш ва уларга кириш эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди¹.

Конвенцияга доир қўшимча протокол, яъни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тааллуқли, кўпинча Сан-Сальвадор протоколи номи билан юридилувчи протокол 1989 йилда қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатларинро комиссия. Мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 41-моддасида мужассамдир. Бу моддада Комиссиянинг Америка давлатлари ташкилотининг органи сифатидаги вазифалари белгиланган ҳамда унинг Конвенциянинг 44-51-моддаларида таърифланган «ваколат доирасига мувофиқ петициялар ва бошқа хабарлар юзасидан чоралар кўриш»га вакил қилинганлиги айтилган.

Комиссия мазкур Конвенцияга мувофиқ якка тартибда берилган петицияларни ва давлатлардан олинган хабарларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Петицияни қабул қилиш мақбуллиги тўғрисида қарорга келиш бир қанча шартларга боғлиқ. Хусусан, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига биноан ҳуқуқий ҳимоя этишнинг ички воситаларини ишга солиш имкониятидан тўлиқ фойдаланилганлиги ёки фойдаланилмаганлиги инobatга олинади. Бундан ташқари, петиция ўзини содир бўлган ҳуқуқбузарлик жабрдийдаси ёки қурбони деб ҳисобловчи шахс томонидан бу шахс тегишли иш юзасидан миллий суд чиқарган узил-кесил қарордан огоҳ этилганидан кейин фақат олти ой ичида Комиссияга берилиши мумкин. Шикоят ўринли ва мақбул деб топилган тақдирда Комиссия тақдим этилган ахборотни кўриб чиқади, тегишли ҳукуматдан маълумотлар талаб қилиб олади ҳамда фактларни ўрганиб чиқади. Комиссия ана шу жараён доирасида ҳукуматлар вакиллари ҳамда шикоят берган шахс (шахслар) иштирокида мажлис ўтказиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатларинро суд тарафлар ўртасидаги низолар бўйича юрисдикцияга эга. Бошқача қилиб айтганда, бу Суд қатнашчи давлатлардан бирини инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясини бузганликда айблаш билан боғлиқ ишларни ҳал этиш ваколатига эга. Мазкур Суд Конвенция ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича муайян шартномалар юзасидан маслаҳат тарзида хулосалар бериши мумкин. Суд, агар иш кўриб чиқиш учун унга берилган бўлса, фактларни

¹ Қаранг: Международное сотрудничество в области прав человека. М., 1993. Вып. 2. С. 157-180.

ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатлариаро комиссияда ҳуқуқларга оид кўрилган масалаларни муҳокама этишга ваколатлидир. Суд бузилган ҳуқуқларни ҳамда қонунбузарлик муносабати билан, давлатлар томонидан белгиланиши лозим бўлган чораларни кўрсатган ҳолда, зарарни пул билан компенсация қилиш тўғрисида қарорлар, шунингдек, аниқланган даъво бўйича қарорлар чиқариш ваколатига эга.

3-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Африка тизими

1963 йилда қабул қилинган **Африка бирлиги ташкилоти Хартияси** дастлабки минтақавий шартномалардан ҳисобланади. Мазкур ҳужжат, табиийки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига таянади. Хартиянинг муқаддимасида давлатлар ўртасида тинч ва ижобий ҳамкорлик учун пухта асос бўлган БМТ Устави ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси принципларига Африка давлатлари қатъий тарафдор эканлиги айтилади. Хартиянинг II моддасида халқаро ҳамкорликни БМТ Устави ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган принциплар асосида ривожлантириш назарда тутилган.

Африка бирлиги ташкилоти Хартиясининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа қоидаларида Африка давлатлари барча шакл ва кўринишдаги мустамлакачиликни тағ-томири билан тугатишга тарафдор ҳамда Африка халқларини ривожлантириш учун иқтисодий шароитлар яратиш ишига содиқ эканлиги таъкидланади.

1981 йилда қабул қилинган **Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси** муқаддимадан ва 68 моддани ўз ичига олган учта қисмдан иборат. Унинг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга бағишланган I қисми иккита бобга бўлинган бўлиб, уларда инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари (1-26-моддалар) ва мажбуриятлари (27-29-моддалар) баён этилган. Кафолатларга бағишланган II қисм тўртта бобдан иборат бўлиб, уларда Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссиясини тузиш (30-44-моддалар), мазкур Комиссиянинг ваколатлари, фаолият кўрсатиш таомил ва принциплари (45-63-моддалар) таърифлаб ўтилади¹.

Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссияси. Мазкур Комиссиянинг асосий вазифаси инсон ва халқлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ҳамда шу йўналишда тегишли нормалар ишлаб чиқишга қаратилган. Комиссия давлатлардан ахборотлар ва бошқа хабарлар олиши ҳамда кўриб чиқиши мумкин. Бошқа хабарлар жумласига айрим шахслар ёки бир гуруҳ шахслардан,

¹ Қаранг: Африканская хартия прав человека и народов // Международное сотрудничество в области прав человека. Вып. 2. С. 225240.

шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар ёки муассасалардан олинadиган хабарлар киради.

4-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Осиё тизими

Осиё-Тинч океани минтақасига БМТ томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг ўз тизимига эга бўлмаган ягона жўғрофий минтақа дея таъриф берилган. Ана шундай тизим йўқлигининг аниқ- равшан кўриниб турган сабабларидан бири шуки, Осиё-Тинч океани минтақаси Америка қитъасидаги Америка давлатлари ташкилоти, Европа қитъасидаги Европа Кенгаши ва Африка қитъасидаги Африка бирлиги ташкилоти сингари минтақавий миқёсда сиёсий гуруҳга эга эмас. Ҳолбуки, ҳар учала қитъада (Америка, Африка, Европа қитъасида) инсон ҳуқуқлари тизими яратилишига ҳамда бу ҳуқуқларга риоя этилиши устидан назоратни йўлга қўйишга айни сиёсий гуруҳлар тўртки берган.

Осиё-Тинч океани минтақасида инсон ҳуқуқлари тизими йўқлиги бошқа омиллар, хусусан, минтақанинг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ҳам изоҳланади. Бу минтақа мамлакатлари ягона дин, маданият ёки тарих билан боғланмаган, улардаги сиёсий ва ижтимоий шароитлар ҳам турлича. Осиё манфаатларини бир бутун, яхлит ҳолда ифодалаши мумкин бўлган асос, яъни муштаракликнинг реал негизлари йўқ. БМТ рўйи заминнинг бу қисмида минтақавий битим тузилишига мададкор бўлиш борасида катта саъй-ҳаракат қилмоқда. Бироқ бундай саъй-ҳаракат самара беради, хусусан, яқин келажакда муайян бир натижага эришилади, деб айтиш қийин. Баъзи мутахассислар торроқ минтақавий тузилмалар, айтайлик, Жануби-Шарқий Осиё тузилмасининг шу йўналишдаги ҳаракатлари самаралироқ бўлади, деб ҳисоблайдилар ва айни шу доирада тизим тузиш зарур деган фикр билдирадилар. Бошқа мутахассислар эса жаҳоннинг бу қисмида инсон ҳуқуқларига риоя этиш тизimini ташкил топтиришга қаратилган ҳаракатлардан фойда йўқ, деган хулосага келганлар. Уларнинг айтишича, ҳатто бу борада ютуққа эришилган тақдирда ҳам, вужудга келган тузилма жуда заиф ва кам самара бўлади.

5-§. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Арабча тизими

Араб лигасини таъсис этган пакт 1952 йилда кучга кирди ҳамда минтақавий шартномани БМТ Уставининг VIII бобида назарда тутилган маънода расман мустаҳкамлаб берди. Бошқача

қилиб айтганда, мазкур шартнома БМТ Устави принципларига мувофиқ давлатларнинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган минтақавий ҳамкорлиги мақомини олишини таъминлади. Лига ўз олдига анчагина кўламдор мақсадларни қўйган. Асосий мақсад эса қатнашчи давлатларнинг сиёсий йўлини «улар ўртасида чинакам ҳамкорликни таъминлаган, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини сақлаб қолган тарзда» мувофиқлаштириб боришдан иборатдир.

Шунинг оқибатида ҳамкорлик шакллари асосан иқтисодий хусусият касб этди ёки молия соҳаси, божхона ва валютани тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги, алоқа, саноат, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш каби соҳалар бундай ҳамкорлик шакллари билан қамраб олинди. Лигада Кенгаш бор, унга барча аъзо давлатларнинг вакиллари киритилган. Бош Котиб томонидан бошқариладиган Кенгаш, қоида тариқасида, қарорлар қабул қилишда муросасозлик таомилига амал қилиш пайида бўлади. Агар қарор шундай асосда қабул қилинган бўлса, қатнашчи давлатлар бу қарорни ўз конституциялари доирасида миллий қонун ҳужжатларига сингдирилишини таъминлашлари шарт. Тинчликка ва Лигага аъзо давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муросасозликка мажбурий шарт деб қарайдилар. Бошқа масалалар, айтилик бюджет, муайян мансабдорни лавозимга тайинлаш ва шу каби масалалар кўпчилик овоз билан ҳал этилиши мумкин.

Такорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Европа тизимига қайси минтақавий шартномалар ва ташкилотлар киради?
2. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенциясига тавсиф бериш?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қандай ваколатга эга?
4. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти инсон ҳуқуқлари соҳасида қандай фаолият юритади?
5. Инсон ҳуқуқларининг Америка мамлакатлараро тизими қандай ҳуқуқий манбаларга асосланади?
6. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Африка тизимига тавсиф беринг.
7. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Осиё тизимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
8. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг Арабча тизими қандай?

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УНИВЕРСАЛЛИГИ

- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва маданий релятивизм
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя этилиши
- Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги
- БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим

Ўн бешинчи мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва маданий релятивизм

1. Маданий релятивизм ва ҳуқуқий идеализм тушунчалари.
2. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги.

1-§. Маданий релятивизм ва ҳуқуқий идеализм тушунчалари

«Маданий релятивизм инсон ҳуқуқлариға тааллуқли эканлигини, менинг фикримча, умуман унутиш зарур. Инсон ҳуқуқларини бузишни маданиятға мансублик негизда оқлаш йўлидаги ҳар қандай уриниш, моҳият эътибори билан, инсонийликка қарши живоят сифатида қаралмоғи керак»¹

Уоле Шойинка,
адабиёт соҳасида Нобель
мукофоти лауреати

Маданий релятивизм - шундай методологик кўрсатмаки, у айрим маҳаллий (локал) маданиятларга хос, кўзга яққол ташланиб турадиган тафовутларга асосланган ҳолда универсал, умумбашарий қадриятларни ва принципларни рад этади. Маданий релятивизм инсон ҳуқуқлариға татбиқан бу ҳуқуқлар Ғарб маданияти маҳсули ва шу сабабли уларни универсал деб ҳисоблаб бўлмайди, деган тасдиқда намоён бўлади.

¹ Қаранг: Всеобщая декларация прав человека: 1948-1998. М., 1998. С. 6.

Инсон ҳуқуқлари талқинидаги маданий релятивизм тарафдорлари орасида Осие мамлакатлари, хусусан, Хитой ҳамда Эрон ҳуқуқшунослари ва сиёсатшунослари кўпчиликини ташкил этадилар. Улар мазкур методологик кўрсатмадан мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги борасида, қоида тариқасида, халқаро ташкилотлар томонидан қилинаётган танқидга қарши далил сифатида фойдаланадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена шаҳрида 1993 йилда ўтказилган умумжаҳон конференциясида бу ғояни, жумладан, Хитой делегацияси энг мукаммал тарзда таърифлаб берган: «Тараққиётнинг турли босқичларида турган ёки турли тарихий анъаналарга эга бўлган мамлакатлар инсон ҳуқуқларини турлича тушунадилар ва амалиётга ҳам худди шу зайдда татбиқ этадилар. Шундай қилиб, баъзи мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги стандартлари ва моделлари ҳаммага ҳам бирдек мақбул ва тўғри келаверади, шу сабабли бошқа мамлакатлардан айни шу стандартлар ва моделларга мувофиқ фаолият кўрсатишни талаб қилиш жоиз деб хомтама бўлмаслик керак»¹.

Инсон ҳуқуқларини миллий психология ва маҳаллий хусусиятларга қараб талқин қилишнинг ҳар хил усуллари рад этадиганларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бундай талқинлар инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини оқлашга хизмат қила бошлагунга қадар уларга йўл қўйса бўлади. Бинобарин, бундай талқинлар керак. Акс ҳолда, маданий релятивизмдан бошқа тарафга **ҳуқуқий идеализм** тарафига бутунлай оғиб кетиш мумкин. Ҳуқуқий идеализм тарафдорларини инсон ҳуқуқларининг универсал принциплари намоён бўладиган ўзига хос ижтимоий-маданий шароитларни ақл-заковат билан холис баҳолашга қодир, деб бўлмайди.

2-§. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги

Турли-туман маданият ва анъаналар инкишоф этилган бу азалий дунёда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида норма ижодкорлик изчил давом этаётган ва ҳали поёнига етмаган жараёндир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ эртанги кунда қандай бўлиши давлатларнинг ўзига боғлиқ. Шу сабабли инсон ҳуқуқларининг

¹ Қаранг: Symonides J. New Human Rights Dimensions, Obstacles and Challenges: Introductory Remarks// Human Rights: New Dimensions and Challenges. P., 1998. P. 26.

универсаллигига олдиндан белгилаб қўйилган қандайдир мезон деб қарамаслик керак. Бу гоё Осиё давлатларининг 1993 йилда қабул қилинган Бангладеш декларациясида ифодаланган бўлиб, унда, жумладан, шундай деб таъкидланади: «Гарчи инсон ҳуқуқлари табиатан универсал бўлса-да, улар халқаро норма -иждоқорликнинг жўшқин тадрижий жараёнига асосланган, шунингдек, миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамиятини ҳамда турли тарихий, маданий ва диний контекстларнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилмоғи керак»¹.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари сиёсий тараққиётнинг муайян бир даври ёки босқичига тааллуқли бўлмайди. Йирик ҳуқуқшунос М.Палумбо шундай деб ёзади: «Яҳудийлик ва насронийлик анъаналари ҳамда Юнон-Рим цивилизацияси олдида бурчдор эканлигимиз этник марказлар нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари соф маънода Ғарб маҳсули эканлигини тасдиқламайди. Зотан, бошқа маданиятлар, анъаналар ва динларда ҳам инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларни ўзида акс эттирган гоёлар ишлаб чиқилган»².

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси биргина маданият, яъни Ғарб маданияти билан чекланиб қолмоқда. «Агар сиз инсон ҳуқуқлари борасида фақат Ғарбнинг хизматларини тан олсангиз ёки осиеликларда инсон ҳуқуқлари гоёлари дастлаб бўлмаган деган фикрни зўр бериб ҳимоя қилаётган бўлсангиз, у ҳолда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таърифингиз шунчалар торки, бу ҳол сизнинг таърифингиздаги инсон ҳуқуқлари бошқалар томонидан эътироф этилишини бутунлай имконсиз қилиб қўяди. Борди-ю, сиз инсон ҳуқуқларига мукамал бўлмаса-да, ҳар қалай кўпгина халқларнинг, Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам орзу-умидларини ифода этувчи тадрижий тушунча сифатида қарасангиз, у ҳолда, эҳтимол, бошқа халқларнинг тажрибасини ўргана бориб, турли маданий муҳитлардаги инсон ҳуқуқлари муаммоларини янада теранроқ тушунишнинг тўғри йўлига тушиб олиш мумкин»³.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маданий релятивизм тушунчаси қандай?
2. Ҳуқуқий идеализм деганда нимани тушунчасиз?
3. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги нималарда намоён бўлади?

¹ Қаранг: Doc. A/CONF. 157/ASRM/7.

² Қаранг: Palumbo M. Human Rights: Meaning and History. Malabar, 1982. P.1819.

³ Қаранг: De Bary Th.W. Neo-Confucianism and Human Rights//Human Rights and the Worlds Religions. Notre Dame, 1988. P.184.

Ўн олтинчи мавзу.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ
ва миллий ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг
ҳимоя этилиши**

1. Инсон ҳуқуқларининг миллий қонунчиликда мустаҳкамланиши.
2. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланиши.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги.

«Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий битимлар давлатлар ўртасида тузилади, шунга қарамай, инсон ҳуқуқларини амалга оширишда муайян соҳа давлат ички ваколати (domestic jurisdiction) бўлиб қолаверади. Халқаро шартномалардан келиб чиқувчи асосий ҳуқуқлар ва эркинликларнинг давлат ичида амалга оширилишининг самарадорлиги учун жавобгарлик ўша давлатнинг зиммасида бўлади. Бу жавобгарликни БМТ ёки нозорат қилувчи бошқа бирон бир халқаро орган ўз зиммасига олиши мумкин эмас...

Назорат қилувчи халқаро механизмлар давлат ички чоралари ва таомиллари ўрнини боса олмайди. Лекин улар инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни рўёбга чиқариш жараёнига салмоқли улуш қўшишлари мумкин»¹.

М.Мор,
немис профессори

**1-§. Инсон ҳуқуқларининг миллий қонунчиликда
мустаҳкамланиши**

Ҳозирги кунда кўҳна заминимизда инсон ҳуқуқлари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг турли миллий ҳуқуқий ҳужжат-

¹ Қаранг: Мор М. Международные контрольные механизмы в области прав человека: Возможности и пределы// Права человека в истории человечества и в современном мире/ Отв.ред. Е.А.Лукашева. М., 1989. С.134, 136.

ларида белгилаб қўйилган. Тўғри, инсон ҳуқуқларини эълон қилишнинг ўзи билан иш битмайди. Энг асосий муаммо бу ҳуқуқларни амалга оширишда намоён бўлади. Бинобарин, инсон ҳуқуқларининг амалга оширилиши мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, демократиянинг даражаси ҳамда қонунийлик ҳолатига боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, қонун чиқарувчи амалга оширилиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омилларга эга бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларинигина қонун йўли билан мустаҳкамлаб бериши мумкин. Ана шунга асосланиб айтиш жоизки, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ихтиёрий тарзда кечмайди. Зеро, давлат инсоннинг табиий ҳуқуқларини, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси реал тарзда тақозо этадиган ва кафолатлай оладиган бир туркум ҳуқуқларни мустаҳкамлаб бериш масъулиятини ўз зиммасига олиши керак.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳажмини қонун чиқарувчи сунъий равишда «пасайтириши» ёки «ошириши» мумкин эмас, негаки, бу нарса табиий ҳуқуқ принциплари ва нормалари (тенглик, озодлик, яшаш ҳуқуқи ва шу кабилар) билан, одамларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги билан чамбарчас пайваста бўлиб кетади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий мақомнинг таркибий қисми сифатида қараб, конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлардан ташқари, миллий қонун ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқларнинг бутун мажмуини ҳам ҳуқуқий мақомга киритиш зарур.

2-§. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқда мустаҳкамланиши

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий принциплар ва нормалар шу соҳадаги турли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва битимларда ўз инъикосини топиши турган гап. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг бу ҳужжат ва битимларда мужассам бўлган умум эътироф этилган принциплари ва нормалари универсаллик хусусиятини касб этмоқда. Ана шу принцип ва нормалар бундай халқаро шартномаларни ратификация қилган давлатлар учун мажбурийлик хусусиятига эга бўлади ва айни вақтда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормасилигича қолаверади. Бунинг устига кўпгина давлатларда конституцияга кўра, мазкур принцип ва нормаларга миллий ҳуқуқнинг таркибий қисми деб

қарайдилар. Шу зайл ягона комплекс ташкил топади, янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ўзида инсон ҳуқуқлари билан эркинликларини акс этирувчи миллий ва халқаро нормаларнинг ўзаро боғлиқ тизими шакл ҳамда сайқал топади.

3-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги

Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этилган халқаро нормаларнинг шу соҳадаги миллий ҳуқуқ нормаларига нисбатан устуворлик принципига эга эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Яна шунга ҳам эътибор бериш лозимки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги вақтда императив хусусиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Декларацияда эълон қилинган инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари *jus cogens* нормаси кучига эга бўлиб қолмоқда.

Баъзи давлатларда (АҚШ, Франция) халқаро шартнома нормалари миллий ҳуқуқнинг таркибий қисмига айланиб қолишини кўзлаб, бу нормаларнинг бажарилиши учун шартнома ратификация қилинишини зарур шарт деб қарайдилар. Лекин халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг, хусусан, инсон ҳуқуқлари бўйича шундай ҳужжатларнинг ҳамма нормалари ҳам ўз-ўзича бажарилаверади, деб бўлмади. Уларнинг бажарилишини таъминлашнинг бирдан-бир йўли тегишли қонун қабул қилишдир. Шундай бўлса-да, халқаро ҳуқуқнинг инсоннинг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи умум эътироф этилган принциплари тобора кўпроқ универсал бўлиб бормоқда, яъни халқаро ҳамжамятнинг барча қатнашчи давлатлари учун мажбурий нормаларга айланмоқда¹.

Ҳозирги босқичда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий шартномаларнинг давлатларнинг миллий қонун ҳужжатларига таъсири доираси анчагина кенгайган. Давлат инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда фуқаролардан муайян хулқ-атвор ва юриш-туриш доирасидан четга чиқмасликни талаб этади. Шу сабабли давлат фуқаролик бурч ва мажбуриятлари тизимига бўлган ўз талабларини шаклга солиб таърифлайди ҳамда уларни бажармаганлик учун юридик жавобгарлик чораларини белгилайди.

¹ Қаранг: Карташкин В.А. Права человека в международном и внутреннем государственном праве. М.,1995. С. 5051.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари миллий қонунчиликда қандай мустақамланади?
2. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларида қандай аксеттирилади?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка таъсири қандай?

Ўн еттинчи мавзу.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда индивиднинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги

1. Миллий ҳуқуқда шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси.
2. Халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчаси.
3. Индивид - халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида.

«Давлатлар ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида умумий ва минтақавий даражада ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганлиги турли халқаро шартномалар томонидан индивидга берилаётган ҳуқуқлар ҳажмини йилдан йилга кенгайтирмоқда. Бу жараён индивид халқаро ҳуқуқнинг бевосита субъектига айланишига олиб келди»¹

В.А.Карташкин,
россиялик профессор

1-§. Миллий ҳуқуқда шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси

Шахснинг ҳуқуқий мақоми давлатлар томонидан қонунчилик асосида миллий ҳуқуқда - давлатнинг конституцияси ва бошқа қонунларида белгилаб қўйилади, шунингдек, давлатлар ўртасида халқаро шартномалар тузиш йўли билан халқаро ҳуқуқда аксеттирилади. Ҳуқуқлар, эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар жамулжам ҳолда шахснинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади. Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар давлат билан шахс ўртасидаги, демократик юридик принципларга асосланган ўзаро алоқадорликнинг мураккаб тизимини жо этади. Бундай ўзаро алоқадорлик ва муносабатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳажми

¹ Қаранг: Карташкин В.А. Права человека в международном и внутреннегосударственном праве. М.,1995. С.100.

ҳамда хусусиятини тақозо этувчи ижтимоий-ҳуқуқий ривожланишнинг объектив қонуниятлари амал қилиши натижасида шаклланади¹.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми умумий тарзда давлатлар томонидан қонунчилик асосида, яъни конституцияларда ва бошқа миллий ҳамда халқаро норматив-юридик ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйиладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тизими сифатида тавсиф этилиши мумкин.

2-§. Халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчаси

Индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги тўғрисидаги, ва айниқса, халқаро нуқтаи назардан унинг мақоми тўғрисидаги масала ҳуқуқшунослик илмида энг баҳс-мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ умумий назариясида ҳуқуқ субъектларига ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ифодаловчиси сифатида таъриф берилган². Халқаро кўламдаги муаммолар билан шуғулланувчи кўпгина юристлар бундай таърифни халқаро ҳуқуққа ҳам татбиқ этадилар. Чунончи, Е.А.Шибаеванинг айтишича, «умумий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ субъектига берилган таърифни халқаро ҳуқуққа нисбатан қўлласа ҳам бўлади»³. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ субъектининг мақоми унда муайян ҳуқуқлар, бурчлар ва мажбуриятлар мавжудлигига боғлиқ қилиб қўйилмоқда.

Бироқ бу масала хусусида бошқача нуқтаи назарлар ҳам бор. Халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини бузганлик учун жавобгар эканлигини адолатли равишда унинг (халқаро ҳуқуқ субъектининг) ўзига хос хусусиятлари сирасига киритадилар. Буни давлат миллий (ички) ҳуқуқида ҳам ҳуқуқий мақомнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайдилар. Таниқли рус ҳуқуқшуноси В.А.Карташкин ана шундай ёндашувга асосланиб, халқаро ҳуқуқ субъектига берган қўйидаги таърифга бемалол қўшилса бўлади: «Халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг халқаро ҳуқуқий муносабатларда, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини яратиш жараёнида иштирок этган ҳолда ифода этувчиси-дир ҳамда бу борадаги қоидабузарлик учун жавоб беради»⁴.

¹ Қаранг: Общая теория прав человека. М.,1996. С.29.

² Қаранг: Теория государства и права. М.,1970. С. 562.

³ Қаранг: Шибаева Е.А. Правовой статус межправительственных организаций. М., 1972. С. 41-42.

⁴ Қаранг: Карташкин В.А. Права человека в международном и внутригосударственном праве. М.,1995. С.101.

Давлатлар томонидан ишлаб чиқиляётган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигидан ташқари, халқаро ноҳуқумат ташкилотлар ва индивидларга ҳам йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

3-§. Индивид - халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий шартномаларнинг давлатлар томонидан ратификация қилиниши мазкур давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ҳамда уларни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида бир-бирлари олдида, ўз фуқаролари ҳамда шу давлатларнинг юрисдикцияси остидаги шахслар олдида зиммасига мажбуриятлар олишга рози эканликларини англатади. Шу муносабат билан инсон ҳуқуқлари бўйича баъзи халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларини бузганлик учун давлатлар ва айрим шахслар халқаро ҳуқуқий жавобгар бўладилар¹.

Баъзи ҳуқуқшунослар индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти деган фикрга қўшилмайдилар. С.В.Черниченко халқаро ҳуқуқ субъекти чегараларининг кўрсаткичларини қуйидагилардан иборат деб билади:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқ нормалари фақат давлатлараро муносабатларни тартибга солиши мумкин;

Иккинчидан, халқаро муносабатлар қатнашчиларигина халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин. Шундан кейин С.В.Черниченко ҳар қандай шароитда ҳам индивид давлат тариқасида бирон бир халқаро ташкилотга, ҳуқуматлараро ташкилот сифатида эса давлатлар ҳамкорлигининг бундай шаклига тенглашиши мумкин эмас, деган хулосага келади. Шу сабабли индивид давлатлараро муносабатлар қатнашчиси бўлишга ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг бевосита таъсир доирасига тушишга қодир эмас. Индивид халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш учун тақозо этиладиган биронта ҳам белгига эга эмас, бундай белгига эга бўла олмайди ҳам. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ субъектининг бирон белгисига эга бўла туриб айна вақтда халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмаслик ҳам мумкин эмас².

Шу масала бўйича нуқтаи назарлардаги тафовутлар айрим дарсликларда, хусусан, 1967 ва 1989 йилларда Москвада нашр этилган кўп жилдли халқаро ҳуқуқ дарсликларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Н.А.Ушаковнинг фикрича, «индивидлар

¹ Қаранг: Общая теория прав человека. С. 491.

² Қаранг: Черниченко С.В. Международное право: Современные теоретические проблемы. М., 1993. С.93.

халқаро ҳуқуқ субъекти эмас ва индивидларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши концепцияси батамом асоссиздир». У ўз нуқтаи назарини далилламоқчи бўлиб, индивидларни халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олади, деб ўйлашнинг ўзи мутлақо хато, чунки бу ҳол халқаро ҳуқуқ моҳиятига, яъни асосан суверен давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ сифатида тан олинган халқаро ҳуқуқ моҳиятига зид бўлур эди, деб ҳисоблайди. Етти жилддан иборат халқаро ҳуқуқ курсида Н.А.Ушаков «индивидлар... халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди»¹ деб яна бир карра қатъият билан таъкидлайди.

Ушбу масала бўйича М.А.Захарованинг нуқтаи назари бутунлай бошқа. У индивидларга нисбатан халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланиши уларнинг (индивидларнинг) халқаро ҳуқуқ субъекти эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблайди².

Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкинлиги Фарбадаги ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳам баҳс-мунозара мавзудир. Уларнинг аксарияти индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлигини эътироф этадилар. Чунончи, машҳур инглиз ҳуқуқшуноси Х.Лаутерпахт ўзининг «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» деган асарида шундай ёзади: «БМТ Уставида ва бошқа халқаро битимларда акс эттирилган халқаро ҳуқуқ индивидларнинг асосий ҳуқуқларини давлат ички ҳуқуқидан қатъий назар эътироф этади ва шу зайл индивидга халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қарайди»³.

Фарблик олимлар орасида жисмоний шахсларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги билан боғлиқ назарияга қаршилар ҳам бор. Жумладан, А.Фердросснинг фикрича, «айрим шахслар принцип жиҳатидан халқаро ҳуқуқ субъекти эмас, чунки халқаро ҳуқуқ алоҳида олинган шахсларнинг (индивидуумларнинг) манфаатларини ҳимоя қилади, лекин ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бевосита айрим шахсларга эмас, балки фуқаролар қайси давлатнинг фуқароси бўлса, худди шу давлатнинг ўзига берилади»⁴.

Страсбург университетининг профессори Е.Цоллер жисмоний шахсларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлигини рад этар экан, халқаро ҳуқуқ субъектларига қуйидаги икки белги хос эканини деб таъкидлайди:

биринчидан, улар бевосита халқаро ҳуқуқ билан белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлишлари лозим;

¹ Қаранг: Курс международного права: В 7 т. М.,1984. Т.1. С.163.

² Қаранг: Захарова Н.В. Индивид – субъект международного права // Сов.государство и право. 1989. №11. С.112118.

³ Қаранг: Lauterpacht H. International Law and Human Rights. L., 1950. P.4.

⁴ Қаранг: Фердросс А. Международное право. М.,1959. С. 146.

иккинчидан, улар бундай ҳуқуқлар ва мажбуриятлар суд тартибидан тўғридан тўғри мажбурий тарзда амалга оширилишини таъминловчи халқаро механизмга эга бўлишлари лозим¹.

Замонавий халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларга татбиқан бу белгилардан биронтаси ҳам ҳозирча мавжуд эмас. Жисмоний шахсларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қандай бўлишидан қатъий назар, давлат ўз фуқаролари билан халқаро ҳуқуқий тизим ўртасида муқаррар равишда воситачи бўлиб қолади.

Е.Цоллер далил келтиришда давом этиб айтадики, халқаро ҳуқуқ умум эътироф этилган нормаларининг ҳозирги ҳолатига реалистик назар ташланганда жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқнинг субъектига айланди, деган жўн тезисни зўр бериб ёқлаш замирида шунчаки тўқима гап ётганлиги аён бўлади².

Лекин бундан, жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмаслиги сабабли улар халқаро жиноятлар содир этганлик учун жавобгар деб топилши мумкин эмас экан-да, деган маъно келиб чиқмайди. Нюрнберг трибунали бу хилдаги жиноятлар содир этганлик учун бошқа кўпгина миллий судлар каби жисмоний шахсларни жавобгар деб топди ва бунда, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, жисмоний шахсларни халқаро ҳуқуқ субъекти деб қайд этмаган.

Халқаро ҳуқуқ муайян субъектларининг ҳуқуқий қобилияти ҳажми, яъни юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўлами бир хил эмас. Давлатлар билан индивидларнинг халқаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам бир-бирига мутлақо мос келмайди. Жисмоний шахсларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши, айтайлик, уларни ҳуқуқий ҳолат жиҳатидан давлатлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан тенглаштириб қўяди, дегани эмас. Шунга қарамай, ХХI асрда индивид халқаро ҳуқуқ билан бевосита ва тобора жишроқ тарзда бақамти бўлмоқда, унинг халқаро ҳуқуқ субъекти рутбасидаги мавқеи ортиб бормоқда. Бу муҳим ва амалиётда тобора кенгроқ татбиқ этилаётган тамойил комил ишонч билан шундай хулоса чиқариш имконини берадики, индивидлар чекланган халқаро ҳуқуқ субъектчилигига эришган халқаро ҳуқуқ субъектидир. Янада аниқроқ қилиб айтганда, индивидларнинг халқаро ҳуқуқнинг ҳуқуқий лаёқатлилиги чекланган, таъбир жоиз бўлса, сонда бор саноқда йўқ субъекти, дейиш мумкин.

¹ Қаранг: Цоллер Е. Статус физических лиц в международном праве / Нюрнбергский процесс: право против войны и фашизма/ Под ред. И.А.Ледях и И.И.Лукашукa. М.,1995. С. 96.

² Қаранг: Цоллер Е. Статус физических лиц в международном праве / Нюрнбергский процесс: право против войны и фашизма/ Под ред. И.А.Ледях и И.И.Лукашукa. М.,1995. С. 99.

Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий ҳуқуқда шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси қандай?
2. Халқаро ҳуқуқ субъекти деганда нимани тушунасиз?
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда индивиднинг халқаро-ҳуқуқий субъекти экани нималарда намоён бўлади?

Ўн саккизинчи мавзу. БМТ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг зарурлиги.
2. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тушунчаси.
3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг мақсадлари.
4. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг аҳамияти.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995 - 2004 йиллар)
6. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракатлар режасининг мақсади ва аҳамияти.

1-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг зарурлиги

Демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш кўп жиҳатдан фуқаролик-ҳуқуқий таълимнинг ташкил этилиши даражасига боғлиқдир. БМТ томонидан эълон қилинган таълим демократия асоси деган шиор бундай жамиятни барпо этиш билан боғлиқ масалани ҳал этишда мактаб, олий ўқув юрти ва ўқитувчига алоҳида рол ажратилганлигидан далолат беради. Ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, бинобарин, ўқув ва тарбия жараёнининг раҳбари ва асосий сиймоси бўлган ўқитувчи, устоз- мураббийларнинг тайёргарлик даражаси жамиятни ривожлантиришда улкан аҳамиятга эга. Қадимдан миллат ўқитувчининг ҳаракати ва меҳнати билан ўзлигини топади деган нақл бор эди. Бу кўҳна нақл бизнинг кунларимизга келиб янада аҳамият касб этди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, қуйидагиларни амалга оширишда:

биринчидан, инсон ҳуқуқларига риоя этишда;

иккинчидан, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини камайтиришда, бундай ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг самарали тизимини яратишда;

учинчидан, демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари умумий маданиятини вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари маданияти башарий қадр-қимматни ва инсон шахси қадриятини қарор топтириш йўлида узлуксиз давом этаётган саъй-ҳаракатлар силсиласидан иборатдир.

2-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тушунчаси

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бу инсон ҳуқуқлари бўйича билимларни сингдириш ва кўникмаларни орттириш ҳамда шу соҳада маданиятни шакллантириш йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича умумий маданиятни вужудга келтиришга, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимлардан хабардор этиб бориш, бундай ҳуқуқларга ўргатиш ҳамда бу ҳуқуқларни кенг оммалаштиришга қаратилган собитқадам саъй-ҳаракатлар тизимидир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим қуйидаги мақсадларга қаратилган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга бўлган ҳурматни мустаҳкамлаш;

иккинчидан, шахсни, фуқароларда башарий қадр-қиммат туйғусини ҳар томонлама ривожлантириш;

учинчидан, эркаклар билан хотин-қизлар ўртасида ўзаро хайрихоҳлик, муросасозлик, тенглик ҳамда барча миллатлар, туб ерли халқлар ва ирқий, миллий, этник, диний ҳамда тил бўйича фарқланадиган гуруҳлар ўртасида дўстлик қарор топишига кўмаклашиш;

тўртинчидан, барча кишиларга жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида самарали тарзда иштирок этиш имкониятини таъминлаш;

бешинчидан, халқаро ва миллий ташкилотларнинг тинчликни сақлаб туриш борасидаги фаолиятига кўмаклашиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот йўналишидаги ва маърифий кампанияларнинг учта жиҳати инсон ҳуқуқларига риоя этилишига ёрдам беради. Биринчи жиҳат **билим** бўлиб, инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳамда бундай ҳуқуқларни ҳимоя этиш механизмлари ҳақида ахборот беришга асосланади. Иккинчи жиҳат - **маънавий кўрсатмалар** бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи маънавий қадриятларни, эътиқод ва дунёқарашни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш воситасида инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни вужудга келтиришга кўмаклашишга асосланади. Учунчи жиҳат - бу **ҳаракатлар** бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва бундай ҳуқуқларни бузиш ҳолларининг олдини олиш чораларини кўришга кўмаклашишга асосланади.

Асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксариятида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тушунчасига таъриф берилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 28-моддасида, Вена декларациясининг ва Ҳаракатлар дастурининг Д бўлими ҳамда 78-82-бандларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тушунчасига у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган.

3-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг мақсадлари

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг мақсадлари ва мазмун-моҳиятини умумий кўламда тушунишга кўмаклашиш;

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга тааллуқли минимал стандартларнинг мавқеини кўтариш;

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим бўйича миллий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга баҳо бериш, уларни ўзгартириш учун зарур жараёнлар ҳамда қўйиладиган қадамларни белгилаб олиш;

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга доир миллий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун зарур одам, молия ва техник ресурсларга эътиборни жалб этиш;

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни рағбатлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро стандартлар миллий даражада амалга оширилишига кўмаклашиш;

Олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг оқилона мақсадларини белгилаб олиш ҳамда бу соҳада эришилган ютуқлар даражасига баҳо бериш механизмларини яратиш.

4-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг аҳамияти

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим:

1. Ирқий, миллий ёки этник келиб чиқиши, жинси, дини, ёши, ижтимоий ҳолати, жисмоний ёки руҳий соғломлиги, тили ва шу каби белгилар бўйича мавжуд тафовутларни тўғри тушуна

билиш ва уларга ҳурмат билан қараш ҳамда айни шу белгиларга кўра камситишларга қарши туришга кўмаклашмоғи;

2. Тилдаги камситмайдиган иборалардан, шунингдек камситмайдиган хулқ-атвордан фойдаланишда мадаккор бўлмоғи;

3. Қарашлардаги тафовутларни тушунишга ва ҳурмат қилишга ёрдам бермоғи;

4. Инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормаларни кундалик турмушга жорий этишга кўмаклашмоғи;

5. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги пухта ва мукамал бўлишини таъминламоғи;

6. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим самарали тарзда амалга оширилиши учун зарур миллий салоҳият ва билимларни ривожлантириш ҳамда мустақкамлаб боришга кўмаклашмоғи ва имкон яратиб бермоғи зарур.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим қуйидагиларни таъмин этиб бериши керак:

биринчидан, жамиятнинг барча аъзолари қамраб олинadиган ахборот йўналишидаги ва маърифий тадбирлар ёрдамида инсоннинг барча ҳуқуқлари ҳурмат этилиши ҳамда ҳимоя қилинишига кўмаклашиш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқларининг, шу жумладан, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг, шунингдек, ривожланиш ҳуқуқининг ўзаро боғлиқ, бўлинмас ва универсал бўлишига кўмаклашиш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари тариқасида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини миллий ривожланишнинг жамики жиҳатларида акс эттириш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг ана шу жабҳада ҳуқуқларни бузиш ҳолларининг олдини олиш стратегияси сифатидаги ролини эътироф этиш;

бешинчидан, демократияни таъмин этишда, жамиятни барқарор ривожлантиришни, ҳуқуқий тартиботни, атроф-муҳит муҳофаза этилиши ва тинчлик сақланишини таъминлашда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиш;

олтинчидан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли муаммоларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларга мос ва тўғри келадиган қарорлар қабул қилинишига олиб борадиган тарзда таҳлил этишни рағбатлантириш;

еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун билим, шунингдек, глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий ҳужжатлар ҳамда механизмлардан фойдаланиш билан боғлиқ кўникмалар олишга кўмаклашиш;

саккизинчидан, фуқароларга инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ўз талаб-эҳтиёжларини белгилаб олиш ҳамда бу талаб-эҳтиёжлар қондирилишини таъминлаш имкониятини бериш;

ўйқизинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашувчи чора-тадбирлар қабул қилиш мақсадида билим, танқидий таҳлил ва кўникмаларни ҳам ўз ичига оладиган педагогика фанини ривожлантириш;

ўнинчидан, инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун зарур бўладиган тадқиқотлар олиб боришни ҳамда керакли ўқув материаллари ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

ўн биринчидан, ўқишда фуқароларга уларнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишда онгли равишда иштирок этишини ва баркамол шахс сифатида комилликка эришишни рағбатлантирадиган шароитлар яратилишига кўмаклашиш.

5-§. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995-2004 йиллар)

БМТ Бош Ассамблеяси 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги деб эълон қилган (бу хусусда БМТ Бош Ассамблеясининг 49/184 резолюцияси қабул қилинган).

БМТ Бош котиби Бош Ассамблеяга Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигига доир Ҳаракатлар режасини тақдим этган. Мазкур режа тадбирлар билан ташаббусларни миллий ва маҳаллий даражада рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, ҳукуматлар ўртасида, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, профессионал уюшмалар ва жамиятнинг кенг қатламлари ўртасида шериклик гоёсига асосланади.

Ҳаракатлар режасини амалга ошириш БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ана шу мақсадда Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар дастурларига тааллуқли раҳбарий принципларни ишлаб чиққан. Мазкур ҳужжат давлатларга БМТ Бош Ассамблеясининг 49/184-сонли, 50M77 ва 51M04-сонли резолюцияларини, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг 1995/47 ва 1996/44-сонли резолюцияларини ҳамда 197M11-сонли қарорини бажаришда кўмаклашишга қаратилган. Шунини эслатиш жоизки, мазкур ҳужжатларда давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга даъват этилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигига тааллуқли ҳаракатлар режасида:

- талаб-эҳтиёжларга баҳо бериш ва стратегиялар ишлаб чиқиш;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича халқаро, минтақавий, миллий ва маҳаллий миқёсда дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда бундай дастурларни пухталаб бориш;
- ўқув материалларини ишлаб чиқиш;
- оммавий ахборот воситаларининг ролини мустаҳкамлаш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини глобал миқёсда оммалаштириш мақсадлари кўзланади.

БМТнинг Ҳаракатлар дастурида Ташкилотга аъзо давлатлар қуйидагиларга қатъият билан даъват этилади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масалалари бўйича миллий қўмиталар тузиш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш.

6-§. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракатлар режасининг мақсади ҳамда аҳамияти

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий ҳаракатлар режаларининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1) инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва маҳаллий муассасалар ҳамда ташкилотлар ташкил этиш ва мустаҳкамлаш;

2) инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этишнинг миллий дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш;

3) инсон ҳуқуқларини башарий, ижтимоий, маданий, экологик ва иқтисодий жиҳатдан катта чиқимларга олиб келадиган тарзда бузиш ҳолларининг олдини олиш;

4) ўз ҳуқуқларини тўла-тўқис амалга ошириш имкониятидан маҳрум фуқароларни аниқлаш ҳамда уларнинг аҳволини яхшилаш йўлида ўзгаришлар қилишнинг самарали чораларини таъминлаш;

5) бошқача йўналиш олгудек бўлса, тартибсизлик ва вайронагарчилик келтириб чиқариши мумкин бўлган шиддаткор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ҳар тарафлама акс жавоб бериш учун имкониятлар яратиш;

6) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим билан боғлиқ манбалар, ёндашувлар, методологиялар ва муассасаларнинг хилма-хиллигига кўмаклашиш;

7) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид тадбирларни ўтказишда ҳукуматларга қарашли муассасалар, ноҳукумат ташкилотлар, профессионал гуруҳлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ҳамкорлик қилишнинг имкониятларини кенгайтириш;

8) инсон ҳуқуқларининг миллий ривожланишдаги ролини таъкидлаб кўрсатиш;

9) ҳукуматларга, улар илгари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича, шу жумладан Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурига (1993 йил) биноан ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллиги (1995-2004 йиллар) доирасида зиммага олган мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш.

Демократик жамиятни ривожлантириш талабларига жавоб берадиган келажак ўқитувчисини шакллантириш уларнинг педагогик билим ва қобилиятларини ўстиришдан ташқари, уларга замонавий ўқитувчининг тизим ташкил этувчи сифатидаги инсонпарварлик йўналишини ҳам сингдиришни тақозо этади.

Мактаблар ва олий ўқув юртларининг ўқув-тарбия дастурларига махсус «**Инсон ҳуқуқлари**» деган курс киритилиши кўп жиҳатдан бу борада ёрдам бермоқда. «Инсон ҳуқуқлари» курси бўйича янги ўқув қўлланмалари ва услублари ёшларда билимга бўлган талаб-эҳтиёжларни ривожлантиришга қаратилган. Лекин бу нарса инсоннинг шахсиятига асло соя солмаслиги лозим. Зотан, шунинг унутмаслик керакки, қадр-қиммат ва шаън-шавкат фуқаронинг мулкигина бўлиб қолмай, аynи вақтда жамиятнинг бойлиги ҳамдир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида нима учун таълим зарур?
2. Инсон ҳуқуқлари маданияти тушунчаси қандай?
3. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим деганда нимани тушунасан?
4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тушунчаси қайси халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган?
5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим қандай мақсадларни кўзлайди?
6. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг қандай аҳамияти бор?
7. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигининг аҳамияти нимада?
8. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракатлар режасининг мақсад ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?
9. Мактаблар ва олий ўқув юртларида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсини ўқитиш нима учун зарур?

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ўн тўққизинчи мавзу.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ва фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги

1. Конституция ва инсон ҳуқуқлари.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро қонунчилик
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилиги.
4. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенгҳуқуқчилиги.
5. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.
6. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми.

1-§. Конституция ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

тўртинчидан, одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

бешинчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси - ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидандир. Инсон ҳуқуқлари жамиятнинг энг олий

қадриятидир. Инсон ҳуқуқлари - муҳим конституциявий институтдир. Инсон ҳуқуқлари - бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари - ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талабидир. Инсон ҳуқуқлари - демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон ҳуқуқлари ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади.

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир давлат Конституциясида алоҳида ўрин тутади. Конституцияда мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мажмуи шахснинг конституциявий мақомини ташкил этади.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик - инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар кирди.

2-§. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий ва халқаро қонунчилик

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўнта қўшимча - Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда қуйидаги инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган:

1. Шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
2. Шахс дахлсизлиги;
3. Хусусий мулк ҳуқуқи;
4. Сайлов ҳуқуқи (турли пензлар билан чекланган бўлса-да).

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг **иккинчи босқичи** XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган бу даврда:

1. Меҳнат қилиш ҳуқуқи;
2. Дам олиш ҳуқуқи;
3. Ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқларининг «янги авлоди» тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

1. Тинч яшаш ҳуқуқи;
2. Соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
3. Ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 дан ортиқ, Оврўпа Кенгаши томонидан - 200дан зиёд, ЮНЕСКОда - 70дан ортиқ, Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 50дан кўпроқ; турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши барча фуқароларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига дахлдор бўлган билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо этади. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича 1000 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

3-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилиги

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қондаларни мустаҳкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш - давлат мажбуриятидир;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро - ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид - виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

2. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид - жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сайлов тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

3. Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар.

4. Маданий ҳуқуқларга оид - фан, таълим, маданият, музей, кутубхона, маданий меросларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

5. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) - миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

иккинчидан, конституциявий адлия (судлов) ни ривожлантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

тўртинчидан, янги демократик институтларни, жумладан, омбудсман институтини тараққий эттириш киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас узвий боглиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60га яқин халқаро шартномаларга қўшилди ва улар бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча меъёрларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

4-§. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги

Ўзбекистонда қурилаётган демократик инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шаклларининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илғор фан ва маданият барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш, такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қўлай шароитлар вужудга келтираётган жамиятдир.

Адолатли фуқаролик жамияти мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, гоят уюшган, юксак онгли ва маърифатли кишини камол топтирмоқда, ҳар бир фуқаронинг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир фуқаронинг ғамхўрлик қилишини ўз ҳаётий қонуни қилиб оладиган байналмилал жамиятдир.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, фуқаро ва давлат бир-бирига нисба-

тан ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқалар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эга. Инсоннинг фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши, камситилиши қонун билан ман этилади.

Ҳар бир инсон, шу давлат фуқаросими, чет эл фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми, барибир, ўзи истиқомат қилаётган давлат ҳудудида шу давлат билан ҳуқуқий алоқада бўлади. Барча фуқаролар истиқомат қилаётган шу давлат қонунларига, ижтимоий ва ҳуқуқий-тартиботга тўла рия қилишлари керак.

Давлат ўз ҳудудида яшовчи фуқароларга ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари доирасини белгилаб қўяди.

5-§. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқаролиги тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат билан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатларини, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалаш ирқали келиб чиқиши аниқ ифодаланган.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади»¹

Ўзбекистон давлати ўз органлари, мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида, фуқаролар эса давлат олдида масъулдирлар. Давлат мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

¹ Ислон Каримов. Конституция тўғрисида.-Т.: Академия, 2001-54-бет.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароликни олиш ва уни тўхтатиш қоидалари, ота-оналарнинг фуқаролиги, фарзандликка олганда болаларнинг фуқаролиги, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи ташкилотлар тизими ва уларнинг ариза, тақдимномаларини қўриб чиқиш тартиби, фуқароликка оид масалалар бўйича ҳуқуқий актлар ижросини таъминловчи идоралар ваколати доираси, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий актлар юзасидан шикоят қилиш тартиби-қоидалари, фуқаролик масалалари бўйича халқаро шартномалар қоидалари сингари масалалар ўзининг ҳар томонлама демократик ечимини топган.

Фуқаролик, деганда инсоннинг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатлари давлат ичидида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши тушувилади.

Умумэътироф этилган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Ўзбекистонда бир фуқаролик ўрнатилган. Шунинг учун ҳам, «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг бирон бир чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Бу қоида 1930 йилги Гаага конвенциясида мустақамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилига ҳам тўла мос келади.¹

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик тўғрисидаги қонун, амалдаги бошқа қонунлар, хорижий давлатлар билан тузилган шартномалар, битимлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги янги турдаги жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб, қўйидаги ижтимоий белгиларга эга:

1) Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар, элатлар, миллати, тили, динидан қатъий назар, тенгҳуқуқлилиқ тамойилига асосланганлигида;

2) эркаklar ва хотин-қизлар тенгҳуқуқлилиги тўла таъминланганлигида;

3) шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглигида;

4) маҳаллий бўлмаган, фуқароликни қай тарзда қабул қилганлигидан қатъий назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолати бир хил белгиланганлигида;

5) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Фуқаролар бир вақтда Ўзбекистон ва бошқа давлат фуқароси бўлишлари қонун билан ман этилганлигида;

¹ Ислом Каримов Конституция тўғрисида-Т.: Академия, 2001-54-56-бетлар.

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва тўхта-тиш тартиби ҳуқуқий ҳал қилинганлигида;

7) ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганда болалар фуқаролигининг ўзгариш тартиби аниқ белгиланганлигида;

8) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлигида;

9) фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартиби аниқ-равшанлигида;

10) Ўзбекистон Республикаси фуқаролик бўйича халқаро шартномалар турлари, характери қонунда аниқ белгиланганлигида-дир.

6-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиши Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига янгилик киритишни долзарб масала қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар», дейилиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мамлакат ҳудудида чет эл фуқароларининг доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши жараёнидаги ҳуқуқ ва бурчларини аниқ-равшан белгилаб берган. Уларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар берилиб, мамлакат фуқаролари билан тенг фойдаланадилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий, мулкий, оилавий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, меҳнат қилиш, дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, малакали тиббий ёрдам олиш, ижтимоий таъминот олиш, уй-жойли бўлиш, билим олиш, тарихий, маданий ёдгорликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқ ва эркинликларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Уларга мулкдорлик, фан, адабиёт, санъат, ихтиро, рационализаторлик ҳуқуқлари берилган. Шунингдек, улар виждон эркинлиги, тижорат ташкилотлари, жамоат бирлашма-

ларига бирлашиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу ҳуқуқ ва эркинликларга тўсқинлик қилинган тақдирда улар маъмурий ва суд органларига ҳимоя учун мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон қонунчилиги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кенг демократик ҳуқуқ, эркинликлар берилиши билан улардан ўзбек жамияти ва давлати ўрнатган ҳуқуқ ва тартиб-қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмасликларини талаб этади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлатимиз фуқаролари билан демократик ҳуқуқ ва эркинликларда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида тенглик берилган, деган фикрга келинмаслик лозим. Қатор ҳуқуқ ва эркинликлар борки, улар характери жиҳатидан фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаганлар Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа сайланадиган давлат органларига сайловларга қатнашишдан, умумхалқ овоз бериши - референдумда қатнашиши, айрим давлат органларида мансабни, дипломатик корпус ходими, прокурор, судья, нотариус каби лавозимларни эгаллаши мумкин эмас. Улар Ўзбекистон Қурулли Кучлари сафига сафарбар қилинмайди.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, ижтимоий ва ҳуқуқий тартиботни, давлат ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларни, ўзбек халқи анъаналари, ахлоқ ва одоб нормаларини ҳурмат қилишлари даркор.

Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан республика қонунчилиги бузилган тақдирда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби аниқ-равшан белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриш, ҳудуддан ўтиб кетиш, яшаш ва унинг муддатини қайд этиш қонунчилигини бузиш, чиқиб кетиш вақти келганда чиқиб кетмаслик ва шу каби ҳолларда улар ички ишлар органлари томонидан огоҳлантирилади, айрим ҳолларда жарима солинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилиши ҳам мумкин.

Чет эл фуқаролари давлатимиз ички ишларига у ёки бу шаклда, баҳона билан аралашмаслиги лозим.

Мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқий мақомининг аниқ-равшан белгиланиши Ўзбе-

кистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқ, шартномалар асосида демократик, инсонпарварлик, байналмилаллик руҳида ҳал қилинганлиги, демократик, инсонпарвар, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сари оғишмай бориши, халқаро обрў-эътиборининг юксалиб бориши, ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъий назар барча давлатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишининг ёрқин далилидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқлари масаласини ҳуқуқий тартибга солишда Конституциянинг аҳамияти қандай?
2. Инсон ҳуқуқлари ўз тараққиётида қандай босқичларни босиб ўтган?
3. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қандай?
4. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги нималарда намоён бўлади?
5. Фуқаролик деганда нимани тушунасиз?
6. Ўзбекистонда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми қандай?

Йигирманчи мавзу.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими

1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаси ва турлари.
2. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари.
3. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари.
4. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.

1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаси ва турлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатларида мустақил Ўзбекистон фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари турли хил, кўпқиррали бўлиб, конституциявий, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, аграр ва бошқа ҳуқуқ тармоқларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон фуқаролари томонидан ўзларининг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг тўлиқ бажарилиши Ўзбекистон давлатини янада мустақкамлайди, унинг демократик асосини кенгайтиради, фуқаролар моддий-маънавий эҳтиёжини қондиради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича мазмун ва маъно касб этди, янгидан янги, нуфузли қоидалар, шахс, жамият ва давлат ўртасида янги муносабатлар вужудга келди, улар асосида янги ҳуқуқий эркинлик ва бурчлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилиш билан бирга, қатор янги ижтимоий-иқтисодий, маданият соҳасида ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида қонуний мустақкамлаган. Бу эса Ўзбекистонда шахс эркинлигини ривожлантиришда, уни ҳар томонлама тараққий эттиришда улкан қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари уларнинг жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларини ифодалайди, давлат манфаати билан шахс манфаати уйғунлигида ўз аксини топади, шунинг учун бу ҳуқуқ, эркинликлардан фуқаролар кенг фойдаланиб, ўзларига юклатилган бурчларни виждонан бажаришга интиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига: меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш, илм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, намоёнлик ва митингларда қатнашиш эркинлиги, жамоат бирлашмаларига уюштириш эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, хат ёзишмаларини сир сақлаш сингари ҳуқуқлар ва эркинликлар киради.

Ўзбекистон жамияти ва давлатининг демократик моҳияти энг аввало унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишида, унинг иродасини тўла акс эттиришида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон жамияти ва давлатининг асосий мақсади, вазифаси, йўналиши ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни тўла амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳуқуқлар, эркинлик ва бурчлар тўғрисидаги қоидалар шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият ҳаётида кенг таъаббус кўрсатишга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик, ахлоқий-маънавий тамойилларга қатъий риоя этишга қаратилган.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан белгиланади.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳар бир фуқаронинг ҳақиқий шахс эркинлигини таъминламоқда. Бизнинг жамиятда инсон энг бебаҳо қадриятдир, унинг тинмай ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжини қондириш давлат органларининг энг олий мақсадидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари шахс ҳуқуқий мақомининг асосини ифодалаб, ҳамма фуқароларга ҳўжалик, давлат, маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш имкониятини туғдиради.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари уч гуруҳга бўлинади.

Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг биринчи гуруҳига уларнинг уй-жой дахлсизлиги, шахсий хатларининг сир сақланиши, виждон эркинлиги, мулк, ворислик каби ҳуқуқлари киради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар ўзбек жамияти ва давлатида шахсни озод ривожлантиришнинг асосий омилидир.

Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликларига асосан жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларга уюшиш, сайлаш ва сайланиш, сўз, матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар ўтказиш ҳуқуқларидан иборат.

Мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштироки, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органлари ва сиёсий тизимнинг ҳақиқий халқчил, инсонпарварлик харақтеридан келиб чиқади.

Ўзбекистон фуқароларига берилган кенг сиёсий ҳуқуқлар ва ҳақиқий демократик эркинликларсиз мамлакатимизда ижтимоий ва давлат тизимини тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчиси, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўлиб, улар меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари уларга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вазифаларини бажаришда фаол қатнашиш имкониятини беради. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ривожини билан боглиқ бўлиб, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчлари орасида муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари фуқароларнинг асосий демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларидан ташқари, давлат ва жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида ирқи, миллати, ўтмиши, диний эътиқоди, маълумоти, жинси, миллати, мансабидан қатъий назар, тенгҳуқуқлилигини қонунан ифодалайди. Қаерда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги бўлмаса, ўша ерда ҳақиқий демокра-

тия, ҳуқуқ ва эркинликлар бўлмади, шахс озод тараққий этмади.

2-§. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари

Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати давлат ва жамиятнинг олий қадриятидир. Ўзбекистонда қурилаётган демократик фуқаролик жамиятида ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, жамият ва давлатни идора этишда фуқароларнинг фаол қатнашиши таъминланмоқда. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг манфаатлари инсон манфаатларидан юқори қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб уқдиради.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадри, обрў-эътиборини ҳимоя қилувчи қатор қонунларнинг жорий этилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади ва ҳақиқий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузумининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 12-моддасига асосан: «ҳеч ким инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашипи, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашип ёки ана шундай тажовуздан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида энг асосийси ўз мулки ва мулкка ворис бўлиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқароларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари ва жамғарма, мол-мулклари, турадиган уйлари ва ёрдамчи хўжалигига, уй-рўзгор ашёлари ва бисот буюмларига, шахсий истеъмол буюмлари ва қулайликлар туғдирадиган нарсаларига шахсий эгаллик ҳуқуқини, шунингдек, шахсий мулкка ворислик ҳуқуқини қонун кафолатлайди.

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Т., «Адолат», 1992, 13-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», деб ифодалайди. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва унга бўлган ворислик фуқароларнинг тўла ҳуқуқлилиги, уларнинг шахсий манфаатлари бирлигини характерлайди.

Ўзбекистон Республикасида шахс дахлсиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани, улар шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани Ўзбекистон фуқароларининг энг муҳим ҳуқуқларидан бўлиб, Конституция томонидан кафолатланган. Шахсий дахлсизлик ҳар бир фуқаронинг ким томонидан бўлмасин - ўз ҳаётига, соғлиғига, эркига, ор-номуси ва қадр-қимматига қилинадиган жинояткорона тажовузлардан давлат муҳофазаси ва ҳимоясини олиш ҳуқуқини билдиради. Фуқароларнинг бу ҳуқуқи асосан қонунларда белгилаб берилган тадбирлар билан амалга оширилади. Конституциянинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» эканлиги таъкидланади. Суднинг ҳукмидан ёки прокурорнинг руҳсатидан (санкциясидан) ташқари ҳеч кимнинг қамоққа олиниши мумкин эмас. Ўзбекистон жамиятида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан республика қонунчилиги тўла амалга оширилади. Фуқароларнинг озодлигига ғайриқонуний тажовуз этиш жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимоя қилиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунда назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», деб фуқароларнинг бу демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари фуқароларга шахсий дахлсизликларини кафолатлаш билан, шахсий эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Уй-жой дахлсизлиги - инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Фуқароларга уй-жойнинг дахлсизлиги амалда тўла таъминланган. Истиқомат қилувчиларнинг розилигисиз уларнинг уйига қонуний асос бўлмағи туриб киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Уй-жойнинг дахлсизлиги фуқароларни ўз турар жойини бошқа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бос-

тириб киришларидан давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқини билдиради.

Қонунда фуқароларнинг уйи ёки хонасида тинтув ўтказишнинг алоҳида тартиби белгилаб берилган. Тинтувни фақат тинтув ўтказишга ҳақли бўлган терговчи, милиция ходими ёки бошқа шахслар терговчи ёки тергов органларининг қарори асосида, прокурор ижозати билан, шоҳидлар, шунингдек, гумон қилинувчи шахс ёки унинг оиласидаги вояга етган кишилар иштирокида ўтказиш мумкин.

Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уй-жой дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутади. Ғайриқонуний тинтув, қонунга хилоф равишда чиқариб юбориш ёки фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатлар қилган шахслар озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ёхуд жарима солиш билан жазоланади.

Фуқаролар мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида тенгҳуқуқлидир. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари таркиби кўп миллат вакилларидан иборатлиги, Ўзбекистон фуқароларининг қайси миллат ва элатдан бўлишига қарамай, тенгҳуқуқли эканлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари миллатларнинг тенгҳуқуқлилиги, уларга тенг имтиёзлар берилиши, миллатларни камситишга йўл қўймаслик руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ирқий ва миллий дushmanлик ёхуд адоват қўзғаш мақсади билан тарғибот ва ташвиқот олиб бориш, шунингдек, фуқароларнинг ирқига ёхуд миллатига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан бирор йўсинда чеклаб қўйиш ёхуд уларни ирқи ва миллатига қараб, уларга тўғридан-тўғри ё бошқа йўллар билан имтиёзлар беришга уринганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз хотин-қизларига иқтисодий ва давлат, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ беради. Меҳнат қилишда, меҳнат учун ҳақ олишда, дам олишда, ижтимоий суғурта қилиш ва илм олишда уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилганлиги она ва бола манфаатларининг давлат томонидан қўриқланиши, кўп болали ва болали ёлғиз оналарга ёрдам берилиши, ҳомиладор аёлларга маош тўланган ҳолда таътил берилиши ва кўплаб туғруқхоналар, болалар ясли ва богчалари очиб қўйилганлиги бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкони-

ятини таъминлайди. Хотин-қизларнинг ҳақиқий озодликларига қаршилиқ кўрсатувчилар қонунга мувофиқ жазоланадилар. Ўзбекистон давлатида хотин-қизлар иштирок этмайдиган халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳеч бир соҳаси йўқ.

Мамлакатимизда истиқлол шароитида оила ва никоҳ муносабатлари янгича тус олди. Оилани мустақамлаш, ҳимоя қилиш каби тамойиллар Ўзбекистон давлати қонунчилигида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила - шу жамиятнинг асосини ташкил этади»¹, деб ўзбек оиласига юқори баҳо беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланиб, 4 моддани ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, унинг жамият ва давлат ҳимоясида бўлиши, никоҳ аёл билан эркакнинг ихтиёрий келишувига асосланиши, оилавий муносабатларда эр-хотин тўла тенгҳуқуққа асосланиши, давлат етим ва ота-оналари вазифасидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши ва ўқитиши лозимлиги, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, Ўзбекистонда болалар муассасаларининг кенг шохобчаларини барпо қилиши ва ривожлантириши, маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириши, бола тугилганда нафақа тўлаши, кўп болали оналарга нафақалар ва имтиёзлар, ёрдамлар бериш йўли билан ғамхўрлик қилиши кераклигини белгилайди.

Оила муносабатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс эттирилиши оилани юксак ахлоқий-маънавий нормалари асосида мустақамлашнинг ёрқин намунаси дир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон фуқаролари болаларни вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, фарзандлар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шартлигини кўрсатиб ўтади.

Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: «Ўзбекистон», 1992, 15-бет.

эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни давлат фуқароларнинг диний эътиқоди соҳасига аралашмаслигини таъкидлайди.

Истиқлол шароитида виждон эркинлиги давлат ва жамиятни демократик, инсонпарварлик тарзида қайта қуришдаги умумий масаланинг таркибий қисмидир. Чинакам демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида виждон эркинлиги тўла ўрнатилади. Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида виждон эркинлиги катта эътиборга эга. Собиқ совет давлати, коммунистик партия томонидан вайрон этилган, харобага айлантирилган масжид, мадрасалар, тарихий обидалар, диний муассасалар таъмирланмоқда, кенг кўламда қайта қурилмоқда. Диний байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинди, муқаддас ҳаж сафарига бормоқчи бўлган фуқароларга қулайлик яратилмоқда, давлат томонидан моддий ёрдам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг - «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 1996 йил қарори бунинг ёрқин мисолидир. Мамлакатимизда диний ташкилотлари, диндорлар давлат ва жамият асосини мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат ҳаётида фаол қатнашмоқдалар.

Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистон Республикасида диний маросимлар ўтказиш ниқоби остида ҳақиқатда эса фуқароларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказадиган, уларнинг фуқаролик бурчларини бажо келтиришдан бош тортишга ундайдиган гуруҳларни ташкил этиши, фаолият кўрсатиши таъқиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасига асосан Ўзбекистонда ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Ўзбекистон фуқаролари мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ножўя қаракатла-

ри устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар шикояти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузиб, ваколат доирасидан чиқиб қилган ғайриқонуний ҳаракатлари, фуқароларни камситадиган ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар давлат ва жамоат органларини, мансабдор шахсларни танқид қилгани учун уларни таъқиб қилиш ман этилган. Акс ҳолда таъқиб қилувчи мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига эътибор кучаймоқда. Фуқароларнинг давлат органлари, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларига мурожаат қилиши шахснинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш, давлат маҳкамаларининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлаш, ахборот олиш манбаи, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш манбаи бўлиб, тўрачилик, сансалорлик ва бошқа камчиликларга қарши кураш усулидир.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг белгиланган муддатини бузган, уларга тўраларча муносабатда бўлган, сансалорликка йўл қўйган, мурожаат қилганлиги, танқид қилганлиги учун таъқиб қилишда айбдор мансабдор шахслар ҳам қонунга биноан жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати давлат ва жамият манфаатига ёки фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар келтирса, улар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқарога туҳмат, уни обрўсизлантириш, ифво қилиш мақсадида ариза ёки шикоят қилишини ман этишни ва жазолашни ҳам назарда тутди. Агар шахсни бадном этувчи, шарманда қилувчи ёлғон ахборотлар тарқатилса ва уни тарқатган шахс тўғрилигини исботлай олмаса, жабрланган фуқаро ўз шаъни ва қадриятини тиклаш, бундай ахборотни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Қасддан, ғаразли мақсадда атайлаб фуқаронинг шаъни, қадрини обрўсизлантириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 40-моддаси билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан яна бири республика фуқароларига барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, уларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятининг яра-тиб берилишидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимаси «республика фуқароларининг муно-сиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш»ни қонуний ифода этади.

3-§. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари шахс эркинлиги, тўла ҳуқуқлилиги, уларнинг жамият ва давлат вазибаларини фаол бажаришга қатнашиши билан характерланади.

Мамлакатимиз фуқароларига кенг сиёсий ҳуқуқлар ва эркин-ликлар берилиши Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Фу-қароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари меҳнаткашлар ва уларнинг ташкилотларига босмаҳоналар, қоғоз заҳиралари, жа-моат бинолари, майдонлар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва бу ҳуқуқларини амалга ошириш учун бошқа зарурий моддий шарт-шароит яратиш йўли билан таъминлана-ди. Фуқароларнинг бу ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат сиёсий фаолиятида фаол қатнашиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида халқ манфаатларини назарда ту-тиб, мустақиллик ва истиқдолни мустаҳкамлаш ва ривожланти-риш мақсадида фуқароларнинг сўз эркинлиги, матбуот эркинли-ги, митинглар, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш эркинликлари таъминланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини жамият ишларини бажариш, давлатни идора этишга қатнашиш орқали амалга оширадилар.

Ўзбек халқининг сиёсий фаоллиги ва ташаббусини оширмас-дан туриб демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини му-ваффақиятли қуриш мумкин эмас. Мустақиллик йилларида Ўзбе-кистонда халқ оммасининг сиёсий фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунла-ри томонидан фуқароларга ўз давлатини идора этиш ҳуқуқи бе-рилиши республикада мустақиллик туфайли қарор топган ҳақиқий демократия моҳияти ва талабларидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда инсонпарвар фуқаролик жамияти ва демокра-тик ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтириш, ҳақиқий

демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий мақсади бўлган жамият ва давлат ишларини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Жамият ва давлат олиб борадиган кўплаб фаолиятларнинг жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари ихтиёрига ўтиши ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон жамияти ва давлатининг халқчиллиги ва халқ манфаатини ифода этишидан дарак бермоқда. Давлат ўз фаолиятида фуқароларни ишонтириш, тарбиялаш, онглилигини ошириш услубларига таянган ҳолда, барча фуқароларнинг хулқ-атвор қондаларига ихтиёрий равишда риоя қилишларига интиломоқда ва бу ишда фаолларга, уларнинг садоқати ва онглилигига таянмоқда.

Ўзбекистон «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishларини таъминлашга интилувчи» инсонпарвар давлат бўлиб, унинг асосий вазифаси бутун жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг қатламини жалб қилишдан иборат бўлгани учун ўз олдига турган асосий масала - бозор иқтисодиётини қарор топтириш вазифасини давлат органлари билан жамоат уюшмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларисиз бажара олмайди. Мамлакатимизда инсонпарвар фуқаролик жамиятининг ривожланиши Ўзбекистон давлатининг маъмурий-мажбурий фаолиятининг чегараланиши ҳисобига унинг тарбиявий фаолиятини кенгайтиришга, мустақил давлат тизимининг, ҳақиқий демократизмнинг тобора ривожланиши ва такомиллаштишига шароит туғдирмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролар томонидан жамият ва давлат фаолиятини бажариш ҳуқуқи:

1) давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш ва сайланишда;

2) умумий овозга қўйиш (референдумлар)да фаол қатнашишда;

3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида мансаб эгаллаши мумкинлигида;

4) давлат органлари, жамоат уюшмалари, ташкилотларига ўз мулоҳаза ва таклифларини изҳор қилиш ҳуқуқи берилганлиги ва бошқа ҳолларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», эканини ифодалайди. Фуқаролар берган аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт эканлиги қонуний ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини қонуний ифода этади.

Фуқароларнинг жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш мумкинлиги, уларнинг сиёсий конституциявий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари ичида муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнида жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар ташкилотлари, спорт ва мудофаа ташкилотлари, маданий ва илмий жамиятларнинг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида фуқароларга кенг, ҳақиқий ҳуқуқлар ва демократик эркинликларнинг берилиши, бу давлат қурилишининг халқчиллигини исботловчи характерли хусусиятдир.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар орасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи муҳим ўринни эгаллайди. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида қонуний ифодасини топган. Фуқаролар ташаббускорлигини ривожлантиришга, ўзларининг хилма-хил манфаатларини қондиришга кўмаклашувчи жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмаларига ўз низомларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шарт-шароит берилган.

Фуқароларнинг уюшмаларга уюшиш ҳуқуқи давлатимиз моҳиятидан келиб чиқади. Мустақиллик шарофати билан иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришлар жараёнида аҳоли жамоат бирлашмалари ва уюшмаларининг роли янада ошмоқда. Бу эса давлат фуқаролари сиёсий ҳуқуқларининг асоси бўлган жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқининг янада кенгайиши, такомиллаштирилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча бўғинларига, олий ва маҳаллий органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик

органлари тўла ҳокимиятга эгалик тамойилларини изчиллик билан амалга оширмақда. Улар ўз ҳудудларида хўжалик, сиёсий, ижтимоий-маданий қурилишига кенг кўламда раҳбарлик қилмақда, уларнинг обрўси, роли тобора ошиб бормақда, фаолияти кун сайин фаоллашмақда, ҳал қилинадиган масалалар доираси кенгаймоқда.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда жорий этилган янги сайлов тизимида барча фуқаролар давлат ва жамият ишларини идора қилишда фаол қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Эңдиликда сайлов тизимида ҳеч қандай синфий, миллий, ирқий, мулкӣй чегараланишлар йўқ. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ирқӣ, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумоти, ўтроқ ва кўчманчилигидан, ижтимоий келиб чиқиши, бойлигидан ва ўтмишидаги фаолиятидан қатъий назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Янги сайлов тизимининг бу чинакам демократик тамойиллари кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг ҳақиқий демократик асослари фақат Конституцияда кўрсатилибгина қолмай, балки олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда Ўзбекистон фуқароларининг чинакам демократик сайлов тизимидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла ифодаланди.

Ўзбекистон давлати томонидан моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқӣ фуқаролар ҳуқуқӣй мақомининг асосий хусусиятидир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби «Сайлов тизими» деб номланиб, республика фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллигини қонуний ифода этди. Бунда ҳар бир сайловчи бир овозга эканлиги, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқӣ асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги, фуқаролар бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги ҳуқуқӣй ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларига сайлов тўғрисидаги қонунлар

ҳақиқий демократик сайлов тизимини жорий этди. Бу Конституциянинг 34-моддасига асосан республика фуқаролари сиёсий партияларга уюшиши ва унинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг такомиллашишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда вужудга келган сиёсий партиялар халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олган. Улар собиқ компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиялардир. Улар ўз фаолиятида ўзбек халқининг энг яхши демократик анъаналарига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғояларга, ахлоқий ва одамийлик қоидаларига суянади.

Ўзбекистон Республикасида ташкил топган сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 декабр қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставларига асосан амалга оширадилар. Бу қонун ҳужжатлари улар фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, уларнинг тузилиши ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида хоҳиш-иродасини эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенгҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд сиёсий партиялар фуқароларнинг дунёқарашлари, манфаатлари, мақсадларининг муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ-равшан белгилаб берилган. «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки

у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари:

1) конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

2) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

3) урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

4) халқнинг соғлиғи ва манфаатларига тажовуз қилувчи;

5) миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар тузилиши ва фаолият кўрсатишини таъқиқлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик, муқобил рақобатли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, вилоят шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашига депутатлар сайловлари бўлиб ўтмоқда.

Сайловларнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилишининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши депутатликка номзодларнинг фаоллиги, сайловчилар олдидаги масъулиятини оширди. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, сайлов маданиятини оширишга, мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Ўзбек давлати томонидан моддий ва сиёсий томондан кафолатланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқий ҳолатининг асосий негизидир.

Мамлакатимиз давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг ҳақиқий демократик тизими фуқароларни давлатни бошқаришга жалб қилишнинг қудратли қуролидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловлар тўғрисидаги қонунлари барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, мустақилликни мустаҳкамлаш мақсадида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ўрнатган ва уларни кафолатлаган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат жамият, давлат ва халқ оммаси манфаатларига мос келиши ва шу йўлда фойдаланилиши керак.

4-§. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар бе-

рилган. Улар орасида иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб, у фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига замин яратади. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мустақамланган меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ичида асосийсидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган бу ҳуқуқ:

биринчидан, фуқароларга ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарни эркин танлаш;

иккинчидан, ўз қобилиятига яраша иш билан таъминланиш;

учинчидан, меҳнатининг сови ва сифатига қараб ҳақ олиш;

тўртинчидан, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш;

бешинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланишни аниқлатади. У давлатга фуқароларга қобилиятлари, билимлари ва малакаларига қараб иш билан таъминлаш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик ва истиқлол шарофати билан янги-янги имтиёз ва қоидалар билан бойитилди. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан, унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларининг тасарруф этилиши имконияти ҳуқуқига, ишни эркин танлаш, қулай меҳнат шароитлари, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнати учун ҳеч бир камситишсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37- моддаси: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади», деб Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг зарур шартини жамият бойлигини кўпайтириш манбаи бўлиши кишиларга Конституцияда ва амалдаги қонунларда кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқининг берилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи қонун то-

монидан иш кувини маълум муддатга чегаралашда, иш муддати даврида дам олиш, овқатланиш учун танаффус ўрнатилишида, ҳар ҳафта ва байрам кунлари дам олиш кунларини белгилашда, ҳар йили иш жойи сақланган ҳолда асосий ва қўшимча таътилар берилишида ўз қонуний ифодасини топади.

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи Конституцияда кафолатланган ва янгича талқин этилган. Унинг 38-моддасида: «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади», деб қонунан мустаҳкамланган.

Дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши билан бирга касблар ва ишлаб чиқаришлар учун қисқартирилган иш куни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътилар бериш, ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиши билан, шунингдек маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасалари шохбчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультура ва туризмни ривожлантириш билан, истиқомат жойида дам олиш учун қулай имкониятлар ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг кўпчилиги учун икки дам олиш куни бўлган иш ҳафтаси жорий этилган, бу эса ишдан бўш вақтлардан оқилона фойдаланиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда фуқароларга дам олишни мазмунли ўтказиш учун санаторийлар, дам олиш уйлари, клублар, ўйингоҳлар, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхоналар шохбчалари барпо этилган ва улар борган сари кенгайиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб фуқаролар санаторий, дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб дам оладилар. Қонунга кўра, санаторий, дам олиш уйларига йўлланма нархи имтиёзли бўлиб, ижтимоий суғурта маблағидан қопланади. Кўпчилик ходим ва деҳқонларга йўлланмалар бепул берилади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қариган чоғида, бетоб бўлганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган. Бу Конституциянинг 39-моддасида мустаҳкамланган: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгиланиб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас».

Ўзбекистонда демократик инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо қилиш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлати фаолиятининг асосий йўналиши ҳар бир фуқаронинг лаёқатини ҳар томонлама ривожлантириш, уни жамият манфаатлари учун сарфлашга қаратилгандир. Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Шунинг учун мустақилликка эришган мамлакатимизни ривожланган, маърифатли давлатга айлантириш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқининг моҳияти уларнинг миллати, ирқи, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъий назар, тенг асосда, она тилида амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги қайд этилади.

Умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий қилиниши, ўқишни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш асосида ўрта умумий, касб-ҳунар, ўрта махсус ва олий таълимнинг кенг йўлга қўйилганлиги, кечки ва сиртқи таълимнинг ҳар томонлама ривожлантирилганлиги, давлат стипендиялари бериш тизимининг жорий қилинганлиги, мактабларда ўқитишнинг она тилида олиб борилиши, шаҳар ва қишлоқларда фуқароларга ишлаб чиқариш, техника ва агрономия билимларини ўргатиш уюштирилганлиги илм олиш ҳуқуқини кафолатламоқда.

Мустақил мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар юртбошимиз ташаббуси ва бошчилигида яратилиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ рўёбга чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 9672 та умумтаълим мактабларида 6 млн.га яқин ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларга ярим миллионга яқин педагоглар дарс бермоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 61та олий ўқув юрти, шунингдек 3та медицина институтлари филиали фаолият кўрсатмоқда. Миллий дастурга мувофиқ тўрт йиллик бакалаврият ва икки йиллик магистратура орқали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди¹.

Ўзбекистон Республикасининг демократик, инсонпарварлик моҳияти фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конс-

¹ Маърифат, 2001, 21 июл.

титуциясининг бу соҳада белгиланган ижтимоий тадбирлари давлатнинг инсонпарварлик табиатининг ёрқин намоёишидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш, малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи эндиликда алоҳида мустақил ҳуқуқ бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмай, балки бу муҳим ҳуқуқни таъминлашнинг аниқ-равшан тадбирларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ва пулли малакали тиббий ёрдам берилиши, фуқароларни даволаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш гигиенаси ва санитариясининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш, атроф муҳитни соғломлаштириш тадбирларини кўриш, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, шу жумладан, ўқитишга ва меҳнат тарбиясига тааллуқли бўлмаган болалар меҳнатини таъқиқлаш, касалликнинг олдини олиш ва камайтиришга, фуқароларнинг узоқ йил фаол ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг кенг авж олиши билан таъминланади. Ўзбек халқи соғлиқни сақлашда эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Халқнинг сиҳат-саломатлиги - Ўзбекистоннинг асосий бойлигидир.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва умуман тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги поғонага кўтаришда давлат раҳбари томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида» чиқарилган Фармон муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини қонуний ифода этди ва унга кенг йўл очиб берди. Зеро, уй-жой киши учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг бошқа конституциявий ҳуқуқлари билан бирга, бу ҳуқуқ жамоат уй-жой фондиди ривожлантириш ва қўриқлаш билан, кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қуриш режаси кенг кўламда амалга оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, илм-фан билан техникавий ижодиётдан, осори-атиқа, тарихий ёдгорликлар ва маданият ютуқларидан кенг фойдаланмоқда. Шунинг учун

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида мустақамланганидек: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига илмий, техникавий ва бадий ижод ҳуқуқи ва эркинлиги берилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар илмий тадқиқотлар, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини кенг авж олдириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, рағбатлантириш, мукофотлаш билан таъминланади.

Ўзбекистонда бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар қўллаб-қувватланиб турилибди, ихтирочилар ва рационализаторлик таклифларни халқ хўжалиги ва жамият ҳаётининг қатор соҳаларида жорий этиш имконияти туғдирилмоқда.

Фуқароларнинг муаллифлик, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳуқуқлари давлат томонидан рағбатлантирилмоқда ва қўриқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тарихий ёдгорликлар, маданий ютуқлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ мамлакатимиз ва жаҳон маданиятининг давлат ва жамоат фондларида сақланаётган маданий-маънавий бойликларидан барча фуқароларни баҳраманд қилиш, мамлакатимиз ҳудудида маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш, телевидение, радио, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотни, текин кутубхоналар шохобчаларини ривожлантириш, чет эл давлатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш билан таъминланмоқда.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон фуқароларининг интеллектуал эҳтиёжлари, хилма-хил талаблари ошиб бормоқда, у эса ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тобора тўла қондирилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчаси қандай?
2. Фуқаролар қандай шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга?
3. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига тавсиф беринг.
4. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тизимига қайси ҳуқуқлар киради?

Йигирма биринчи мавзу.
Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари,
эркинликлари ва бурчларининг кафолатлари

1. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги.
2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари.
3. Фуқароларнинг бурчлари.

**1-§. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг
ўзаро боғлиқлиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг узвий боғланиши демократик асосда ҳал қилинган. Мамлакатимиз истиқдолга эришгандан сўнг фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини ихтиёрий, онгли, виждонан бажариш руҳида тарбияланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ривожланиш жараёнида шахс манфаатлари бирлиги фуқаролар демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг ўзаро боғлиқлигида ёрқин ифодасини топмоқда. Фуқаролар жамият ва давлат олдида масъулияти, бирлиги, уюшқоқлиги бўлмаса, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги муносабатлар, мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамият ахлоқ ва одоб нормалари, турмуш қоидаларида ўз аксини топган. Қонун томонидан берилган юриш-туриш қоидаларини бажариш барча фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг аксарияти ўз бурчларини тўғри тушуниб, ихтиёрий равишда бажармоқда. Уларнинг демократик ҳуқуқлари асосий бурчларига мос тушади. Мазкур бурчлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонуний ифодасини топиб, ўзбек давлати фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар Конституцияга тўла риоя қилиш, қонунларни оғишмай бажариш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, меҳнат интизомига бўйсунуш, жамоат бурчига виждонан муносабатда бўлиш, жамият қоидаларига тўла риоя қилиш, давлат, жамоат, шахсий мулкни кўз қорачиғидек сақлаш, кўпайтириш, қўриқлаш, ҳарбий мажбуриятни бажариш, Ватанни ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида «Фуқаролар халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деб уқдирилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари сингари асосий бурчлари ҳам ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бутун жамият манфаатларини ифодалаб, фуқароларнинг шахсий манфаатига ҳам тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий бурчларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бурчлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш, қонунларни бажариш, меҳнат интизомини сақлаш, жамоат бурчига виждонан қараш, давлат мулки шакллариини сақлаш ва мустаҳкамлаш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилишдан иборат.

Иккинчиси Ватан қудратини ошириш ва ҳимоя қилиш бурчи ҳисобланиб, Ватанни ҳимоя қилиш, умумий ҳарбий хизмат қонунига риоя этишдир.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий бурчлари орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, ахлоқ нормалари ва турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, уларни тўла бажариш биринчи ўринда туради. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз қонуний ифодасини тошган. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, ўзбек халқининг истиқлол йўлидаги тарихий ғалабаларини қонуний акс эттиради, кенг халқ манфаати ва эркинлигини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тўла риоя қилиш мустақил давлатнинг куч-қудратини оширишга, гуллаб-яшнашига, ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбек жамияти ижтимоий тартиб-қоидалари фуқароларнинг меҳнатга муносибатлари, оилавий ҳаёти, турмушидаги хатти-ҳаракатлари каби масалаларни тартибга солувчи қоидалардан иборат.

Ўзбекистон фуқаролари ўз бурчлари бўлмиш истиқлол турмуш қоидаларини онгли равишда бажарадилар, унга ҳурмат билан қарайдилар.

Ўзбекистон фуқароларини қонуни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шахс ҳуқуқларини муҳофаза этиш давлат ва жамият бутун сиёсий тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш фуқароларнинг қонунларга оғишмай риоя этишларинигина эмас, балки ҳар бир кишининг жамиятимиз қонунлари бошқа шахслар томонидан бузилмаслиги учун чора-тадбирлар кўриш бурчини ҳам назарда тутди. Ўзбекистон фуқаролари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари ва жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашишлари

керак. Ҳозирги янги ижтимоий муносабатлар шаклланган бизнинг жамиятимизда бошқа шахсларнинг жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларига ва қилаётган жиноятларига нисбатан суст кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас. Ўзбекистон қонусларини бузувчиларга қарши кураш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун ор-номус ва виждон иши бўлган тақдирдагина катта натижаларга олиб келишини фуқаролар яхши биладилар.

Содир бўлаётган жиноятга лоқайд қараган, ўз бурчини унутган, ўз тинчини бузишдан қочиб, жиноятчининг ёнидан индамай ўтиб кетган киши қаттиқ қораланади. Жиноятчиликка қарши кураш ва республика қонунларини мустаҳкамлашда милиция органлари, прокуратура ва суд томонидан кўп ишлар амалга оширилади. Бироқ ҳуқуқ-тартиботни қўриқловчи органларга жамоатчилик актив ёрдам бергандагина қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш кўпроқ самара беради.

Давлат манфаатларига зид ҳаракатларга мурасасиз бўлиш, жиноят содир бўлмаслиги учун жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Янги кишини тарбиялаш вазифасини амалга оширишда оилада болаларни тарбиялаш марказий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш бурчини фуқароларнинг конституциявий бурчи эканлигини эълон қилди. Асосий қонунимиз фуқароларнинг болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашлари, жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари лозимлигини назарда тутди.

Миллатлар тенгҳуқуқлилиги мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш сиёсати билан фуқароларни ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш билан таъминланади. Бошқа фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурмат қилиш, миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш - ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчларидандир.

Ўзбекистонда миллий адоват туйғусини уйғотишга уринган шахслар қаттиқ жазоланади. Ирқий ёки миллий мумтозлик, ирқий ёки миллий адоватни менсимасликни ҳар қандай тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади.

Ўзбекистоннинг жиноят тўғрисидаги қонунларига мувофиқ миллий ёки ирқий адоват ёхуд низо қўзғатиш мақсадида тарғибот, ёки ташвиқот юргизиш, шунингдек, фуқароларнинг миллати ёки ирқига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўللар билан чегаралаб қўйиш, ёки имтиёзлар бериш - озошлиқдан маҳрум этиш ёки сургун қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи муносабатларда мустақкам тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, халқларо хавфсизлик ва кенг халқаро ҳамкорлик учун собитқадамлик билан курашиб келмоқда. Унинг ташқи сиёсати халқнинг миллий озодлик ва ижтимоий тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини изчил амалга ошириш учун қулай халқаро шарт-шароитлар яратилишига қаратилган. Шу туфайли Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи мустақкамланмоқда, жаҳон сиёсатига кўрсатаётган таъсири беқиёс даражада ошмоқда. Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг узвий боғлиқлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига фуқароларнинг байналмилаллик бурчи тўғрисида қоидалар киритиш заруриятини тақозо қилди. Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустақкамлашга кўмаклашиш Ўзбекистон фуқароларининг байналмилал бурчидир.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар тинчлигини мустақкамлаш, урушга йўл қўймасликни амалга ошириш биринчи галдаги вазифалардандир. Мамлакатимизда урушни тарғиб қилиш қатъий таъқиқланган. У қандай шаклда олиб борилмасин, жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар амалга ошмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

2-§. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири ўз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни қўриқлашдир. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унинг X боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари»га бағишланган бўлиб, 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конститу-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг Ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 15-16 - бетлар.

ция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинликларига бағишланган моддалар аниқрашван туге олган, бирмунча кенгайтирилган.

Мамлакатимиз фуқаролари демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг янгидан-янги тамойиллари Конституцияда ўз ўрнини эгаллаши билан бир қаторда, уларнинг амалга оширилиши кафолатланган. Улар орасида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи» экани (24-модда), «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга»лиги, «... Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»лиги (25-модда) «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиши ҳуқуқига эга»лиги (28-модда), Ҳар ким фикрлаш, сўз ва этиқод эркинлиги, ҳуқуқига эгалиги (29-модда) «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши» (30-модда), «... жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги... Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши» (32-модда), Ўзбекистон Республикаси «фуқаролари ўз ижтимоий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга»лиги (33-модда), «... касаба уюшмаларига сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги» (34-модда) алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқароларнинг шахсий ҳаёти қонун билан қўриқланади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир фуқаро эркинлик ва шахс дахлсизлиги ҳуқуқига эга бўлиб, унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароси қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Булар республика қонунлари билан мустақамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 234-моддаси «қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш» деб номланиб, унда: «Била туриб, қонунга хилоф равишда уш-

лаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш-энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қатор конституциявий тамойилларни ўзида акс эттирган: масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейилади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бошқа қонунларда ҳам мустаҳкамланган.

Истиқлолга эришилгандан сўнг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумининг мустаҳкамланиб борилиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт режалари бажарила борган сари фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайтирилиши уларнинг турмуш шароитини узлуксиз яхшилаб боришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари орасида энг муҳими давлат вакиллик органларига ва бошқа ҳокимият органларини тузишда фаол қатнашишини таъминловчи сайлов тизимидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлов ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади», деб уқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунчилигининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жа-

вобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

1994 йил 5 майда Ўзбекистонда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. У 21 модадан иборат бўлиб, мазкур қонунга асосан фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқини бузувчи, эътибор бермовчи ташкилотлар, мансабдор шахслар устидан сайлов комиссияси, тегишли давлат органи, жамоат уюшмаси, мансабдор шахслар, судларга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳуқуқни бузувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг тенгҳуқуқлилиги тамойиллари доирасини аниқ-равшан кафолатлаган. Унда хотин-қизлар ва эркаклар тенгҳуқуқлилиги, турли ирқ ва миллатга мансуб фуқароларнинг тенгҳуқуқлиги, республика фуқаролари ўз насли-насабидан, ижтимоий ва мулкый мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар, тенглиги кафолатланган. Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги тўла таъминланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг шахсий манфаатларини қондириш учун хизмат қилиш билан бирга жамоа, давлат, жамият манфаатдорлигини ҳам ўзида яққол акс этдиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий ва давлат қурилишида реал демократияни ҳар томонлама кенгайтириб, ривожланган, маърифатли давлатлар сафига киришни асосий мақсад қилиб қўйган даврда инсон эркинлиги, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий қонунларда ифода этибгина қолмай, унинг ривожини, такомиллашувини шу мақсадда тузилган, тузилаётган давлат органлари, жамоат уюшмалари, кўнгилли ташаббускор ташкилотлар, улар олиб бораётган кўпқиррали фаолиятлар билан ҳам амалга оширмақда, кафолатламоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий вакиллик қонун чиқарувчи органи - Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тузилиб, бу нуфузли ташкилот ҳуқуқий мақоми белгилаб берувчи (апрель 1997 йил) қонун қабул қилинди.

Республикамиз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи - Олий Мажлис таркибида ташкил топган инсон ҳуқуқлари бўйича вакил жаҳондаги 100дан ортиқ мамлакатда мавжуд бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ-равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун собиқ СССР Республикалари, Марказий Осиёдаги биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида» 1996 йил 31 октябр Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий Маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идораларо ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланиб, унга Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, республикада инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза илиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш каби нуфузли ва масъулиятли вазифалар юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ҳуқуқий шахс ҳисобланади, молиявий жиҳатдан республика бюджети қарамоғида бўлиб, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази халқаро алоқаларни амалга оширишларида, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатишлар юклатилган, у ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналини нашр этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республи-

каси Миллий Маркази ва бошқа ташкилотларнинг ташкил топиши фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистонда таркиб топган демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг асосий функцияларидан бири экани, маърифатли давлатлар сари қўйган йирик қадамларидан биридир.

Ўзбекистон ижтимоий ва давлат тузуми томонидан республика фуқароларига инъом этилган кенг, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётда тўла амалга оширилиши, уларнинг мустақиллик ва истиқлолга эришган жамиятимизнинг, ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади»¹, деган сўзларини мамлакатимизда мустақкам ўрин эгаллаётган демократик, инсонпарвар, одил фуқаролар жамияти ва унда амалга оширилаётган ҳақиқий, кенг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гувоҳ бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигига эришган кунидан бошлаб инсон омилига эътиборини кучайтирди.

Ўзбекистон фуқароларининг қонунчиликда белгиланган демократик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги маърифатли ривожланган мамлакатларда ҳукм сураётган андозаларга мос тарзда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон демократик ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонуний актлар қабул қилинди, инсон ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик мажмуаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил, инсонпарвар давлат сифатида инсон ҳуқуқларига оид 60дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзодир. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт» ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Ўзбекистон, 1992, 6-7 - бетлар.

3-§. Фуқароларнинг бурчлари

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардангина иборат эмас. Балки унга мажбуриятлар мажмуи ҳам киради. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари мўътабар ва муқаддасдир. Бироқ, турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди. Ҳуқуқлар ҳақида гапирилса-ю, мажбуриятлар эса олинмаса, мантиқан ҳам тўғри бўлмайди.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини ниҳоятда аниқ ифодалаб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак . . . ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки «Мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак».¹

Ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши муайян юридик мажбуриятнинг адо этилиши билан боғлиқдир. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати ва ўзга ҳуқуқлари амалга ошириш бошқа шахсларнинг бунга монелик қилмаслик мажбурияти билан таъминланади. Масалан, фуқаронинг қонунда белгиланган доирада ўз шахсий мулкига эга бўлиш имконияти, ўзига ёққан касбни танлаш ва турар-жой танлаш ҳуқуқи, давлат ҳокимият идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларга барча шахслар ва ташкилотларнинг бу ҳуқуқлар амалга оширига қаршилиқ кўрсатмаслик мажбурияти билан таъминланади.

Юридик ва сиёсатшуносликка оид адабиётларда «инсон мажбуриятлари» ва «фуқаронинг мажбуриятлари» деган иборалар учрайди.

Масаланинг ибтидосига эътибор берадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, табиий ҳуқуқ мактаби, у яратган концепцияда инсоннинг мажбуриятлари ҳақида умуман гап кўтарилмаган. Шунингдек, 1789 йилги Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Француз декларациясида ҳам мажбуриятлар ҳақида ҳеч

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: «Шарқ», 1993, 27-бет.

нарса дейилмаган. Умуман олганда, аввал ҳам ҳозирги вақтда ҳам «инсон мажбуриятлари» деган ибора расм бўлмади. Тўғри, «жамиятда яшовчи инсонга маълум мажбуриятлар юкланади» деб гапирилади, бироқ шу чоққача расмий ҳужжатларда бундай мажбуриятлар таърифи ва кўлами аниқ белгиланган эмас. Инсоннинг, шахснинг жамият олдидаги мажбуриятлари кўпроқ маънавий-ахлоқий, умумижтимоий маънога эга. Бу ерда «мажбурият» сўзи ўрнига «бурч» иборасини ишлатиш тўғрироқдир.

Шу боис «ижтимоий шартнома» (Ж.Локк, Ж-Ж.Руссо) таълимоти шаклланиб, у асосда инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ғояси туғилган даврда ҳам инсоннинг бошланғич ва ажралмас ҳуқуқларига мувофиқ инсоннинг «абадий ва ажралмас» мажбуриятларини кўрсатиб бериш мумкин бўлмади. Ижтимоий шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар инсон мажбуриятлари эмас, балки фуқаронинг давлат билан боғлиқ мажбуриятлари эди. Сиёсий жамиятда фуқаронинг ҳуқуқлари билан мажбуриятлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Фуқаронинг ҳуқуқлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги замон давлатларида фуқаролик нисбатан қатъий қонунлаштирилган, уларда фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги принципи эълон қилинган. Мазкур принцип асосида шахснинг муайян давлат билан фуқаролик муносабатларида бўлиши унинг қонулар билан аниқ белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари орқали ифодаланади. Демак, фақат фуқаронинг мажбуриятлари тўғрисида гапириш мантиқий маънога эга бўлади. Бироқ, шу ўринда «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари» умумжаҳон декларациясининг 29-моддасидаги бир муҳим қоидага изоҳ бериш лозим. Ушбу моддада: «ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро унинг шахси шу жамиятда тўла ва эркин камол топиши мумкин», дейилган. Бу қоида асосан маънавий мазмунга эга бўлиб, жамиятдаги бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳурматлашга эришиш мақсадида ёзилган.¹

Фуқаронинг мажбуриятлари юридик мазмунга эга. Юридик мажбуриятлар уч кўринишда намоён бўлади: биринчидан, шахснинг фаол (актив) хатти-ҳаракатлар содир этиш мажбурияти; иккинчидан, шахснинг пассив ҳаракатланиш мажбурияти; учинчидан, давлат мажбурлов чорасига итоат этиш мажбурияти, яъни юридик жавобгарликни ўташ мажбурияти. Масалан, олди-сотти шартномасини олайлик. Бунда харидор шартномада иштирок этувчи бир тараф сифатида олинган товар учун келишилган пулни тўлашга мажбур; сотувчи пулни (чекни) олгач, белгиланган

¹ Общая теория права и государства: Учебник (Под.ред. В.В.Лазарева. – М.: Юрист, 1994, 317-бет.

ҳақи тўланган товарни харидорга беришга мажбур, айти вақтда у харидорга нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шарт (харидорга қўпол муомала қилмаслик, уни ҳақоратламаслик, товарни таглаб олишига эътироз билдирмаслик ва ҳ.к.); мабодо сотувчи хизмат интизомини бузишга йўл қўйса, у интизомий юридик жавобгарликни ўташга мажбур бўлади.

Ҳуқуқий норма диспозициясида қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор тури кўрсатилишига қараб юридик мажбуриятлар «фаол» ёки «пассив» кўринишга эга бўлади. Фаол мажбуриятлар содир этилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатни мустаҳкамлайди. Пассив мажбуриятлар эса ҳуқуқий нормада таъқиқланган хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тийиш заруриятини назарда тутди.

«Пассив» мажбуриятлар «бир томонлама амал қилувчи», яъни ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиси учун юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқларга нисбатан ҳам этиш ҳуқуқига нафақат даъвогар ва жавобгарнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқи, балки томонларнинг ишни кўришда белгиланган тартибга риоя этиш мажбурияти ва суднинг қонуний кучга кирган барча қарор ва ажримларига риоя этиш мажбурияти мувофиқ келади. Тарафларнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқига суднинг томонлар тавсияномаларини кўриб чиқиш, касасия шикоятларини қабул қилиш ва тегишли юридик чораларни кўриш мажбурияти мувофиқ келади. Бундан хулоса шуки, ҳар қандай субъектив ҳуқуққа муайян бир шахснинг юридик мажбурияти мувофиқ келади.

Фуқароларнинг мажбуриятлари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асосланади. Уларнинг энг асосий мажбуриятлари Конституцияда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишланган. Бу ерда жами олти моддада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустаҳкамланган (фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари эса Конституциянинг 23 та моддасида мустаҳкамланган).

Барча фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири Конституция ва қонунларга риоя этиш, Асосий Қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир (47 ва 48-моддалар). Мазкур конституциявий талаб замирида мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминлаш мақсади ётибди.

Қонунийлик муҳити - давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал

талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода ҳаёт-фаолиятнинг барча жабҳаларида ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий «дастур», эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Конституция ва қонунларга риоя этиш нафақат уларнинг қоидаларини бузмаслик, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий принцип ва асосларни, қонунчилик нормаларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир.

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими энг мужассам тарзда ифода этилади. Шу сабабли уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этишга мажбур. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказди. «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

Конституция фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар, деб кўрсатади (49-модда). Ўзбек халқи чиндан ҳам бой тарихий, маънавий ва маданий мерос соҳибидир. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу билан фахрланибгина қолмасдан, балки мазкур маданий ва маънавий «хазина»ни кўз қорачиғидек асраши, уни келгуси авлодларга етказиб беришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини мустақамлайди (50-модда).

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги асримизда инсониятнинг ҳаёт кечирish маскани бўлмиш табиий атроф муҳит алоҳида муҳофазага муҳтож. Бундай муҳофаза мутасадди давлат идоралари ва жамоатчилик структуралари бўғини (масалан, «Экосан» жамгармаси, «Орол»ни қутқариш жамгармаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятда табиат инъомларидан баҳраманд бўлувчи ҳар бир фуқаро (инсон) иштирок этиши шарт.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида»

да», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги бир қатор муҳим қонунлари қабул қилинди. Уларнинг кўпчилики нормалари фуқароларнинг табиат билан бўладиган мулоқотдаги мажбуриятларини белгилайди. Табиатга тегишли қонунлардаги ҳар бир қоидага риоя этиш, уларнинг бузилишига фаол қарши туриш ҳар бир фуқаронинг юридик мажбуриятидир.

Фуқароларнинг қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамланган (Конституциянинг 51-моддаси).

Солиқ совет тузуми давридаги Конституцияларда фуқароларнинг бундай мажбурияти назарда тутилмаган эди. Сабаб, социалистик давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган шароитда бюджет асосан корхона ва ташкилотлар ҳисобидан тўлдириларди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти қонунлаштирилди. Бу қонуниятли ҳолатдир. Хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши, эркин тадбиркорликка йўл очилиши, иқтисодиётда давлат мулкчилиги соҳасининг қисқариши солиқ тизимида янгича ёндошувни тақозо этди. Солиқ тўловчи субъектлар таркиби сифат жиҳатдан ўзгариб, солиққа тортиладиган даромадлар тури кенгайди. Шу боис давлат бюджетиде фуқаролардан олиннадиган солиқлар аҳамияти ошди.

Эркин иқтисодий фаолият кенгайган шароитда, табиийки, фуқароларнинг, хусусий тадбиркорларнинг давлат назоратига олинмаган даромад манбалари кўпайиши мумкин. Бундай вазиятда даромадларни декларация қилиш тартиби йўлга қўйилиб, фуқаролар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан солиқ тўлашлари лозим бўлади. Фуқароларнинг солиқларни тўлаш мажбуриятини конституциявий даражада мустаҳкамланганлигининг боиси ана шунда.

Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳарбий (муқобил) хизмат ўтайди. Юқоридаги қонунлар Ватани ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятни адо этиш тартиби, муддатлари, шарт-шароитлари ҳамда имтиёзлари масалаларини тартибга солади.

Конституция фуқароларнинг соғлиғи, диний эътиқоди имкон бермаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда муқобил хизмат ўташлари мумкинлигини ҳам назарда тутган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганини англаб етиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлари конституциявий кафолатлари нималардан иборат?

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган фуқароларнинг бурчларига тавсиф беринг.

ИЛОВАЛАР

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

1948 йил 10 декабрь

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтожликдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахнинг қадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенгҳуқуқчилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушувиш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея

мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Дек-

ларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

1-модда

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-модда

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъий назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъий назар, бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак.

3-модда

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-модда

Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади.

5-модда

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-модда

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинишига ҳақли.

7-модда

Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

8-модда

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-модда

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-модда

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жинойий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

11-модда

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-модда

Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралashi, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан таъжовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки таъжовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

13-модда

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва япаш жойи танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

14-модда

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Бу ҳуқуқдан носийсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин.

15-модда

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор.

2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-модда

1. Балогат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-модда

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-модда

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини

ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гоёларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-модда

1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-модда

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

22-модда

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-қаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр - қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

23-модда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-модда

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъий назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-модда

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

27-модда

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28-модда

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.

29-модда

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

30-модда

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гуруҳи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин, деб талқин этилмаслиги керак.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

1966 йил 19 декабрь

МУҚАДДИМА

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга асосан, барча инсоният оиласининг аъзоларига хос қадр-қимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси эканлигини эътиборга олиб,

бу ҳуқуқлар инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматдан келиб чиқишини эътироф этиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ, қўрқув ва муҳтожликдан озод бўлган, фуқаролик ва сиёсий эркинликдан фойдаланувчи озод инсон шахси идеали ҳар бир одам ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин бўлган шароит яратилгандагина рўёбга чиқиши мумкинлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига асосан давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириши шартлигини эътиборга олиб,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоага нисбатан мажбурият олган ҳолда, мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлар рағбатлантирилиши ва риоя этилишига эришиши лозимлигини эътиборга олиб,

қуйидаги моддалар тўғрисида бир тўхтамга келдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу асосда улар ўз сиёсий мақомини эркин белгилайди ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини эркин таъминлайдилар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирон-бир мажбуриятга

зиён етказмасдан ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин ҳолда эгалик қилишлари мумкин. Ҳеч бир халқ ҳеч бир ҳолатда ўзига тегишли тирикчилик воситаларидан маҳрум этилмаслиги керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан, ўз-ўзини бошқара олмайдиган ва васийликка олинган ҳудудларни бошқариш учун жавобгар бўлган давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишни рағбатлантириши ҳамда шу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъий назар, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

2. Агар бу нарса ҳали мавжуд қонунчиликда ёки бошқа тадбирларда кўриб чиқилмаган бўлса, ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз конституцияси тартибида мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонунчилик ёки бошқа тадбирлар қабул қилиш учун керакли чораларни кўриш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлансин;

б) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминлансин ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилсин;

с) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, нуфузли ҳокимиятлар буни қўллашни таъминласинлар.

3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

4-модда

1. Давлат фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга хилоф бўлмаслиги ва ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатидан камситишга олиб келмаслиги керак.

2. Ушбу қоида 6-, 7- 8-(1- ва 2-бандлар), 11-, 15-, 16- ва 18-моддалардан бирор-бир чекиниш учун асос бўла олмайди.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи чекиниш ҳуқуқидан фойдаланувчи давлатлар ўзи чекинган аҳвол ҳақида шундай қарорга келишга олиб келган сабаблар ҳақида дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби воситачилиги орқали мазкур Пактда иштирок этувчи бошқа давлатларни хабардор қилиши керак. Шунингдек, ўша воситачи орқали бундай чекиниш вақти қачон тўхтатилиши тўғрисида ҳам хабар берилиши керак.

5-модда

1. Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса бирор-бир давлат, бирор-бир гуруҳ ёки бирор-бир шахс ушбу Пактда тан олинган, ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларни йўқотишга қаратилган ёки уларни мазкур Пактда назарда тутилганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган бирорта фаолият билан шуғулланиши ёки шундай мазмунда ҳаракат содир этиш ҳуқуқи бор деб талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат сифатида тан олинган ёки мавжуд бўлган асосий инсон ҳуқуқлари, мазкур Пактда шу ҳуқуқлар тан олинмайди ёки қисман эътироф этилади, деган баҳона билан бирор-бир тарзда чекланиши ёки менсилмаслигига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1 Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва мазкур Пакт қарорларига зид бўлмаган ҳамда тўғрисидаги конвенцияга хилоф бўлмаган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина ўлим ҳукми чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат нуфузли суд томонидан чиқарилган сўнгги ҳукми ижро этиб амалга оширилиши мумкин.

3. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаётган бўлса, шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар учун бирор-бир йўл билан геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлардан чекиниш ҳуқуқини бермайди.

4. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши авф этиш ҳақида ёки ҳукми юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Амнистия, авф этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда инъом этилиши мумкин.

5. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

6. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кечиктириш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

7-модда

Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас.

8-модда

1. Ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг ҳар қандай кўриниши таъқиқланади.

2. Ҳеч ким эркисиз ҳолатда сақланмаслиги керак.

3. а) Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим;

б) жиноят учун жазо тариқасида жуда оғир ишларга жалб этилиб озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо нуфузли суд ҳукми билан тайинланса, 3 а) банди жуда оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўлади деб ҳисобланмайди.

с) «мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат» атамаси ушбу бандда қуйидагиларни қамраб олмайди:

I) в-кичик бандида тилга олинмаган бирор-бир иш ёки хизмат, бу хизматни қоида тариқасида суднинг қонуний фармойишига асосан ҳибсда бўлган шахс ёки бундай ҳибсдан шартли равишда озод этилган шахс бажариши керак;

II) сиёсий ва диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиш тан олинаётган мамлакатларда ҳарбий тусдаги бирор-бир хизмат, худди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор-бир хизмат;

III) аҳоли ҳаётига ёки осойишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор хизмат;

IV) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор-бир иш ёки хизмат.

9-модда

1. Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олинishi ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгаланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади.

3. Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш

кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

4. Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқирилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.

5. Ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товон талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

10-модда

1. Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

2. а) истисно ҳоллари бўлмаганида айбланувчилар судланганлардан алоҳида жойлаштирилади ва уларга судланмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим белгиланади;

б) балоғат ёшига етмаган айбланувчилар балоғатга етган айбланувчилардан ажратиб қўйилади ва қарор чиқариш учун қисқа муддатда судга келтирилади;

3) маҳбусларга мўлжалланган пенитенциар тизимдан мақсад маҳбусларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Балоғатга етмаган қонунбузарлар балоғатга етган қонунбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомига жавоб берувчи режим белгиланади.

11-модда

Ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмай-диган ҳолда бўлгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

12-модда

1. Бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эга.

3. Юқорида қайд этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгиланган давлат хавфсизлиги-

ни, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш учун ва ушбу Пактда эътироф этилган бошқа ҳуқуқлар билан мос келадиган ҳуқуқлар бундан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

13-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган қарор ижро этилиши билангина чиқариб юборилиши мумкин, ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қатъий мулоҳазалар бошқача талаб этмаса, ўша чет эллик шахс ўзининг чиқариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни нуфузли ҳокимият томонидан махсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу мақсадда айна ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш ҳуқуқига эга.

14-модда

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб тонилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак. Балогат ёшига етганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жиноий иши кўриб чиқиляётганда тўлиқ тенглик асосида қуйидаги кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд:

а) унга қўйилган айблов характери ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиш;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятларга эга бўлиш;

с) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан, ишининг судда кўриб чиқилиши;

д) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзининг ўзи ёки танлаб олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши; агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари талаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиш, ушбу оқловчига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини текинга бериш;

е) унга қарши кўрсатмалар бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

ф) агар судда қўлланилаётган тилни у тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, бепул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланиш;

г) ўзига ўзи қарши маълумотлар беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

4. Балоғатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги иноватга олиниши лозим.

5. Бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм чиқарилиши юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

6. Агар бирор-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирор-бир янги ёки янгидан топилган ҳолатга асосан суд ишида хато борлиги шубҳасиз исботланиши туфайли ҳукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазоланган шахс қонунга мувофиқ компенсация олади. Аммо юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаган бўлиши исботланиши зарур.

7. Ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўша жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

15-модда

1. Содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун ҳеч ким жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланади.

2. Мазкур моддадаги ҳеч нарса содир этилган вақтда халқаро ҳамжамиятнинг умумий принципларига кўра жиноят деб ҳисобланган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки камчилиги учун ҳар қандай шахсни судга беришга ва жазолашга тўсқинлик қилмайди.

16-модда

Ҳар бир киши қаерда туришидан қатъий назар, унинг субъектлик ҳуқуқи тан олинishi ҳуқуқига эга.

17-модда

1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашип, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

18-модда

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда сиғинишга бориш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ихтиёрий равишда ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиниши мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

19-модда

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва гоёларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим.

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун.

20-модда

1. Урушни ҳар қандай йўл билан тарғиб этиш қонун орқали таъқиқланиши керак.

2. Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан таъқиқланган бўлиши лозим.

21-модда

Тинч йиғинларга ҳуқуқлар тан олинади. Бу ҳуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмайди. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чекланишлар бундан мустасно.

22-модда

1. Ҳар бир инсон бошқалар билан ассоциациялар тузиш, жумладан, касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга.

2. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳеч бир чекланмайди, қонун билан белгиланганлари ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби манфаатлари учун, аҳоли саломатлиги ва ахлоқини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимояси учун зарур бўлганлари бундан мустасно. Ушбу модда қуролли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахслар учун шу ҳуқуқдан фойдаланишда қонуний чеклашлар киритишга ҳалал бермайди.

3. Мазкур моддадаги ҳеч бир нарса 1948 йилги Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар озодлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида, ушбу конвенцияда кўзда тутилган кафолатларга зарар етказиб қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказилган ҳолда қонун қабул қилиш ҳуқуқини бермайди.

23-модда

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳдан ўтувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинган ҳолатда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак.

24-модда

1. Ҳар бир бола ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилиши (насли)дан қатъий назар, ҳеч бир камситишсиз, гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза чоралари кўрилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир бола туғилгандан сўнг дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва исмига эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир бола фуқаролик олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

Ҳар бир фуқаро 2-моддада эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

с) ўз мамлакатада умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиш.

26-модда

Барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун орқали таъқиқлаб қўйилиши ва қонун барча шахсларга ҳеч бир камситишсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши (насаби)дан ва бошқа ҳолатидан қатъий назар, камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак.

27-модда

Этник, дин ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи шахслар гуруҳи мавжуд бўлган мамлакатларда, ўша шахсларга ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига сигиниш ва расм-русумларини бажариш ҳуқуқи, шунингдек, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилиши мумкин эмас.

IV ҚИСМ

28-модда

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (у бундан буён ушбу Пактда «Қўмита» деб номланади) тузилади. У ўн саккиз аъзодан иборат бўлади ва қўйида кўрсатилган вазифаларни бажаради.

2. Қўмита таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг фуқароси бўлган ва юксак маънавий фазилатга эга ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида обрўли деб эътироф этилган шахслар киради, айни пайтда адлия тажрибасига эга бўлган бир неча шахснинг қатнашуви фойдали бўлиши эътиборга олинади.

3. Қўмита аъзолари сайланади ва шахс сифатида ишлайди.

29-модда

1. Қўмита аъзолари 28-моддада назарда тутилган талабларга жавоб берувчи ва мазкур Пактда иштирок этувчи Давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатидан яширин овоз билан сайланади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат кўпи билан икки шахсни кўрсатиши мумкин. Бу шахслар уларни кўрсатган давлатлар фуқаролари бўлиши лозим.

3. Ҳар бир шахс қайтадан кўрсатилиш ҳуқуқига эга.

30-модда

1. Илк сайлов мазкур Пакт кучга киргандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

2. Қўмитага ҳар бир сайловга кўпи билан тўрт ой қолганида (34-моддага мувофиқ бўш ўринларни тўлдириш учун эълон қилинадиган сайлов бундан мустасно) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактда қатнашувчи давлатларга уч ойлик муддатда қўмита аъзолигига номзодларни тақдим этишни сўраб ёзма равишда мурожаат қилади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг номини кўрсатиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби давлатлар кўрсатилган тахлитда барча номзодлар рўйхатини тузиб чиқади ва сайлов ўтадиган кундан камида бир ой олдин мазкур рўйхатни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзоларини сайлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан чақириладиган мазкур Пактда қатнашувчи давлатларнинг йиғилишида ўтказилади. Бу йиғилишда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар вакиллари берган овозга қараб уларнинг энг кўп овозини олган ва мутлақ кўп овоз олган шахслар Қўмитага сайланган бўлади.

31-модда

1. Қўмитага бирор-бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас.

2. Қўмитага сайлов пайтида аъзоларнинг жўғрофий жиҳатдан адолатли тақсимланишига ва цивилизациянинг турли шакллари ҳамда асосий адлия тизимлари вакилликка эътибор бериллади.

32-модда

1. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Уларнинг номзоди қайта кўрсатилса, улар қайтадан сайланиш ҳуқуқига

эгадир. Бироқ биринчи сайловда сайланган аъзолардан 9 нафарининг ваколатлари муддати икки йиллик даврнинг охирида тугайди; биринчи сайловдан сўнг дарҳол ўша 9 аъзонинг исми мажлис Раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади (30-модданинг 4-бандида бу тўғрида эслатилган).

2. Ваколатлари тугагандан сўнг сайлов ушбу Пакт мазкур қисмининг бундан илгариги муддатига мувофиқ ўтказилади.

33-модда

1. Агар бошқа аъзоларнинг яқдил фикрига кўра, Қўмита аъзоларидан бири маълум бир сабабга (вақтинча бўлмаслиги бундан мустасно) кўра ўз вазифасини бажаришни тўхтатса, Қўмита раиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бу ҳақда хабар қилади, сўнг Бош котиб бу аъзо ўрнини бўш деб эълон қилади.

2. Қўмитанинг бирор-бир аъзоси вафот этса ёки истеъфога чиқса, раис дарҳол бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилади. Бош котиб ўша аъзо вафот этган кундан ёки ҳақиқатан истеъфога чиққан кундан бошлаб бу ўринни бўш (вакант) деб эълон қилади.

34-модда

1. 33-моддага биноан бўш турган ўрин эълон қилинганда, алмаштирилиши керак бўлган аъзо ваколатлари ўша бўш ўрин эълон қилингандан сўнг орадаги олти ой мобайнида тугамаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлатга бу тўғрида хабар қилади ва ўша давлат 29-моддага мувофиқ икки ой мобайнида бўш турган ўринни тўлдириш учун номзод кўрсатиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу тарзда кўрсатилган шахслар рўйхатини алифбо тартибида тузиб, уни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади. Сўнг бўш ўринни тўлдириш учун бўладиган сайлов мазкур Пакт ушбу қисмининг тегишли қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. 33-моддага биноан аъзоси қилинган бўш ўринни эгаллаш учун сайланган Қўмита аъзоси ушбу модда қоидаларига мувофиқ Қўмитада ўрни бўшаётган аъзонинг ваколатлари муддатининг қолган қисми мобайнида лавозимни эгаллайди.

35-модда

Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси белгиладиган тартибда, Қўмитадаги вазифасининг

муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағидан Бош Ассамблея тасдиқлайдиган маош оладилар.

36-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактга мувофиқ Қўмита вазифасини самарали амалга ошириш учун керакли ходимлар ва моддий маблағ тақдим этади.

37-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида Қўмитанинг биринчи йигинини чақиради.

2. Ҳазининг биринчи йигинидан кейин Қўмита ўз қоида-тартибда кўзда тутилган вақтда йиғилади.

3. Қўмита одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида йиғилади.

38-модда

Қўмитанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажаришга киришганда Қўмитанинг очиқ йиғилишида ўз вазифасини холис ва виждонан амалга ошириши ҳақида тантанали равишда ваъда беради.

39-модда

1. Қўмита ўз мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланиши мумкин.

2. Қўмита ўз шахсий қоида-тартибининг белгилайди, лекин бу қоидалар, хусусан, қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

а) Қўмитанинг ўн икки аъзоси кворумни ташкил этади;

б) Қўмита Қарорлари иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилик овозига асосан қабул қилинади.

40-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги тadbирлари ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишда эришилган силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этади;

а) мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил оралиғида тегишли иштирокчи-давлатлар хусусида;

б) бундан сўнг Қўмита талаб қилган барча ҳолларда.

2. Барча маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этилади ва у ушбу маърузаларни кўриб чиқиш учун Қўмитага юборади. Маърузаларда, агар мавжуд бўлса, мазкур Пактни ҳаётга татбиқ этувчи омиллар кўрсатилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита билан маслаҳатлашгандан кейин манфаатдор ихтисослаштирилган муассасаларга улар ваколатига тегишли бўлган маъруза қисмини юбориши мумкин.

4. Қўмита ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар тақдим этадиган маърузаларни ўрганади. У иштирокчи-давлатларга ўз маърузаларини ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган фикр-мулоҳазаларини юбориб туради. Қўмита шунингдек, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлардан олинган маърузалар нусхалари билан бирга, ушбу фикр-мулоҳазаларини ҳам юбориб туриши мумкин.

5. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Қўмитага мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ қайд қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай мулоҳазалар борасида ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

41-модда

1. Мазкур моддага мувофиқ ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар қандай вақтда Қўмитанинг бирор-бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти, деган маълумотини қабул қилиши ва кўриб чиқиши юзасидан ваколатини тан олишини баён этиши мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган маълумот агар Қўмита ваколатини ўзи тан олгани ҳақида баёнот берган иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳоллардагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Қўмита шундай баёнот бермаган давлатга тегишли ҳеч бир маълумотни қабул қилмайди. Ушбу моддага мувофиқ қабул қилинган хабар қуйидаги тартибга биноан кўриб чиқилади:

а) агар ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Пакт қарорларини ҳаётга татбиқ этмаяпти деб топса, ўша давлат бу масалани қайд этилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма тарзда етказиши мумкин. Ўша хабарни олган давлат шундай хабарни юборган давлатга уч ой мобайнида ёзма изоҳ ёки бошқа ҳар қандай баёнот бериб мазкур масалани тушунтириб ўтади. Айни пайтда ушбу изоҳ ёки баёнотда имкон қадар ва мақсадга мувофиқлигига кўра шу масала борасида қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилини-

ши мумкин бўлган ички тартиб-қоидалар ва тадбирлар кўрсатилади;

b) агар дастлабки хабарни маълум бир давлат олганидан кейин олти ой мобайнида масала манфаатдор иштирокчи-давлатлари қониқтирадиган даражада ҳал этилмаган бўлса, ўша давлатлардан ҳар бири масалани Қўмитага тақдим этиш ҳуқуқига эга. У бу тўғрида Қўмитани ва бошқа аъзоларни хабардор қилади;

с) Қўмита айни ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига кўра имкониятдаги барча ички воситалар синоп кўрилди ва тугади, деб тасдиқлаганидан кейингина ўзига тақдим этилган масалани кўриб чиқади. Агар шу воситаларнинг қўлланиши асоссиз ҳолда чўзилиб кетадиган бўлса, бу қоидага амал қилинмайди;

d) Ушбу моддада назарда тутилаётган хабарлар кўриб чиқилаётганида Қўмита ёпиқ мажлис ўтказади;

e) «с» кичик банднинг қарорларига риоя қилган ҳолда ушбу Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш асосида масалаларни дўстона ҳал этиш мақсадида Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларга ҳолис хизмат кўрсатади;

f) Қўмита кўриб чиқиши учун ўзига тақдим этилган ҳар қандай масала юзасидан «b», «с» кичик бандларида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиб, ишга алоқадор ҳар қандай ахборотни тақдим этишни сўраб илтимос қилиши мумкин;

g) «b» кичик бандида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатлар Қўмитада масала кўриб чиқилаётганда вакил бўлиш ва тақдимномани оғзаки ёки ёзма ҳолда бериш ҳуқуқига эга;

ҳ) хабар олинган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида Қўмита «b» кичик бандига мувофиқ қуйидаги шартлар асосида маъруза тақдим этади:

i) агар «e» кичик банди қарорлари доирасида масала ҳал этилса, Қўмита ўз маърузасида далиллар ва қандай тўхтамга келганлиги ҳақида қисқача баён этиш билан чекланади;

j) агар «e» кичик банди қарорлари доирасида бир тўхтамга келинмаса, Қўмита далилларни қисқача баён этиш билан чекланади; манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёзма таклифномалари ва оғзаки тақдимномалар баёни маърузага илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича маъруза манфаатдор иштирокчи-давлатлар кўригидан ўтади.

2. Мазкур модда қарорлари ушбу Пактда иштирок этувчи ўнта давлат шу модданинг 1-бандига биноан баёнот берганидан

сўнгина кучга киради. Бундай Баёнот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳузурида иштирокчи-давлатлар томонидан сақлаш учун топширилади, Бош котиб эса уларнинг нусхаларини бошқа иштирокчи-давлатларга юборади.

Баёнот, Бош котибни хабардор қилган ҳолда, ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин. Бундай хатти-ҳаракат хабар предмети саналган ва мазкур моддага биноан жўнатилган ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, агар манфаатдор иштирокчи-давлат янги баёнот бермаса, Бош котиб баёнот қайтариб олингани тўғрисида хабардор бўлганидан сўнг ҳеч бир иштирокчи-давлатнинг кейинги бирор-бир хабари қабул қилинмайди.

42-модда

1. а) 41-моддага мувофиқ Қўмитага юборилган бирор-бир масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ечилмаган бўлса, Қўмита манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг олдиндан берган розилигига биноан махсус Келиштирувчи комиссия (бундан буён «Комиссия») тайинлаши мумкин. Мазкур Пакт қоидаларига риоя қилган ҳолда масалани яхшилик билан ҳал этиш мақсадида манфаатдор иштирокчи-давлатларга Комиссия ҳолис хизмат кўрсатади.

б) Комиссия манфаатдор иштирокчи-давлатларга мақбул беш нафар шахсдан иборат бўлади. Агар манфаатдор иштирокчи-давлатлар уч ой мобайнида Комиссиянинг тўлиқ ёки қисман таркиби борасида бир тўхтамга келолмаса, тайинланмоқчи бўлган, аммо бир тўхтамга келинмаган Комиссия аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қўмита аъзоларининг аксарияти, яъни учдан икки қисми овози билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз вазифаларини ўз номидан бажаради. Улар ушбу Пактда қатнашмаётган манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёки 41-моддага биноан баёнот бермаган қатнашчи-давлатнинг фуқаролари бўла олмайди.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўз шахсий тартиб-қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия йиғини одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида ўтказилади. Аммо йиғинлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ва тегишли иштирокчи-давлатлар билан маслаҳатлашилган ҳолда, Комиссия томонидан белгиладиган қулай жойларда ҳам ўтказилиши мумкин.

5. 36-моддага мувофиқ тақдим этиладиган котибият шунингдек, мазкур модда асосида тайинланадиган Комиссияга хизмат кўрсатади.

6. Қўмита томонидан олинган ва ўрганилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ва Комиссия ахборот ишига алоқадор ҳар қандай маълумотни тақдим этишларини сўраб манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиши мумкин.

7. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққанида (лекин ҳамма ҳолларда мазкур масала унга кўриб чиқиш учун берилганидан кейин энг кўпи билан 12 ойдан кечикмай), у манфаатдор иштирокчи-давлатларга юбориш учун Қўмита раисига маъруза тақдим этади:

а) агар Комиссия ўн икки ой мобайнида мазкур масалани кўриб чиқишни тугаллай олмаса, у ўз маърузасида ўша масалани кўриб чиқиш қай аҳволда эканлигини қисқача баён этиш билан чекланади;

б) агар масала мазкур Пактда тан олинган инсон ҳуқуқларига риоя этиш асосида яхшилик билан ҳал этилган бўлса, Комиссия ўз маърузасида далиллар ва келишилган қарорларни қисқача баён этиш билан чекланади;

с) агар “b” кичик бандида таъкидланган бир тўхтамга келинмаган бўлса, Комиссия маърузаси манфаатдор иштирокчи-давлатлар ўртасидаги баҳсга алоқадор барча ашъвий далиллар борасидаги хулосалардан ва Комиссиянинг ушбу масалани яхшилик билан ҳал этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат бўлади. Мазкур маъруза таркибига манфаатдор давлатларнинг ёзма ва оғзаки тақдимномалари киради;

д) агар Комиссия маърузаси “с” кичик бандига мувофиқ тақдим этилаётган бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатлар ўша маърузани олганидан сўнг уч ой муддат мобайнида маъруза мазмуни мақбул ёки номақбуллиги ҳақида Қўмита раисига маълум қилади.

8. Ушбу модданинг қарорлари 41-моддада кўрсатилган Қўмита мажбуриятларини камситмайди.

9. Манфаатдор иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби тақдим этган сметага мувофиқ Комиссия аъзоларининг барча ҳаражатларини баравар кўтардилар.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, агар зарур бўлса, ушбу модданинг 9-бандига биноан манфаатдор иштирокчи-давлатлар Қўмита аъзоларининг харажатини қоплагунча ўша харажатларни тўлаш ҳуқуқига эга.

43-модда

42-моддага мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган Қўмита аъзолари ва махсус Келиштирувчи Комиссия аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳақидаги Конвенциянинг тегишли бўлимларида таъкидланганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хизмат сафарига жўна-тадиган экспертлар имтиёзлари, енгилликлари ва иммунитетла-ридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

44-модда

Ушбу Пактни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасаларининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ёки уларга мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги таомилларга зарар етказилмасдан қўлланади ҳамда мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга улар ўртасидаги умумий ва махсус битимларга биноан амал қила-ётган низоларни ҳал этишда бошқа тартиб-қоидаларни қўллаш-га тўсиқ бўла олмайди.

45-модда

Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблея-сига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўз иши ҳақида йилик маърузани тақдим этади.

V ҚИСМ

46-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса мазкур Пактга тегишли бўлган предметлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тур-ли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларининг тегиш-ли бурчларини аниқлаб берадиган Бирлашган Миллатлар Таш-килоти Низомининг ва ихтисослаштирилган муассасалар Низоми қарорларининг аҳамиятини пасайтиради, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

47-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлалигича ва эркин эгаллик қилиш ҳамда фойдаланиш борасидаги ажралмас ҳуқуқини камситади, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

VI ҚИСМ

48-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг аъзоси бўлган ҳар бир давлат томонидан, Халқаро Суд Статусининг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат томонидан, ушбу Пактда қатнашиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси таклиф қилган ҳар қандай давлат томонидан имзолаш учун очиқдир.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир,

4. Қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилгач, қўшилиш яқунланади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилганлиги борасида хабардор қилади.

49-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ўттиз биринчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун қўпилиш ҳақидаги ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг мазкур Пакт ўша давлатнинг ўзи ратификация қилган ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

50-модда

Мазкур Пакт қарорлари бирор-бир чеклашларсиз ёки олиб ташлашсиз федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига татбиқ этилади.

51-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар қандай давлат тузатишлар таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош котибига тақдим қилиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳар қандай таклиф этилган тузатишларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади ва унга ушбу давлатлар мазкур таклифларни кўриб чиқиш ва бу борада овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақиришни маъқуллашяптими ёки маъқуллашмаяптими эканлигини хабар қилишини сўраб илтимос қилади.

Агар иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференция чақиришни маъқулласа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида Бош котиб бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда иштирок этиб, овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлатиш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми қабул қилиши билан мазкур давлатлар Конституцияси тартиб-қоидаларига асосан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирган пайтдан бошлаб, уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар илгари қабул қилган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

52-модда

46-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билдиришлардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўша модданинг 1-бандида таъкидланган барча давлатларни қўйидагилар хусусида хабардор қилади:

а) 48-моддага мувофиқ имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш ҳақида;

б) 48-моддага мувофиқ ушбу Пактнинг кучга кириш санаси ва 51-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси ҳақида.

53-модда

1. Ушбу Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган ва барчаси тенг кучга эга ҳамда улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактнинг тасдиқланган нусхаларини 48-моддада кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ

1966 йил 19 декабр

Мазкур Протоколда иштирок этувчи барча давлатлар,

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт (бундан буён «Пакт» деб юритилади) мақсадларига бундан кейин ҳам эришиш учун ва унинг қарорларини амалга ошириш учун Пактнинг IV қисми асосида таъсис этилувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага (бундан буён «Қўмита» деб юритилади) мазкур протоколда таъкидланганидек, ушбу Пактда ифодаланган ҳуқуқларимиз бузилиб жабрланаяпмиз, дея таъкидлаётган айрим шахсларнинг хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб, қуйидагилар борасида келишдилар:

1-модда

Мазкур Протокол иштирокчиси бўладиган, Пактнинг иштирокчиси бўлмиш давлат Қўмитанинг юрисдикциясига кирадиган шахслардан хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади, қайд этилган шахслар эса Пактда баён қилинган ҳуқуқлардан бири иштирок этувчи давлат томонидан бузилиб, биз шунинг жабрланувчисимиз дея тасдиқлайди. Қўмита Пакт иштирокчиси саналган, лекин ушбу Протокол қатнашчиси бўлмаган давлатга алоқадор бўлган ҳеч бир хабарни қабул қилмайди.

2-модда

1-модда қоидаларига риоя қилинган ҳолларда, Пактда қайд этилган ҳуқуқлардан бирортаси бузилган ва ҳуқуқий муҳофазанинг мавжуд бўлган барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинди, деб уқтираётган шахслар Қўмита кўриб чиқиши учун ёзма равишда хабар тақдим этиши мумкин.

3-модда

Қўмита мазкур Протоколга мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарни, агар у имзосиз бўлса, ёки Қўмита фикрига кўра, шу каби хабарларни тақдим этиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деб саналса ёки Пакт қоидаларига қарама-қарши деб топилса, номақбул деб ҳисоблаши мумкин.

4-модда

1. 3-модда қоидаларига риоя этилган ҳолларда ушбу Протоколга мувофиқ Қўмита ўзига тақдим этилган ҳар қандай хабарни мазкур Протоколда иштирок этувчи ва тасдиқлаётганидек Пактнинг бирорта қоидасини бузувчи давлат эътиборига ўша хабарни етказди.

2. Бундай хабарни олган давлат олти ой мобайнида бу масалани аниқлаштирувчи бирор-бир чоралар кўрилган бўлса, Қўмитага шу тўғрида ёзма тушунтириш ёки баёнот тақдим қилади.

5-модда

1. Қўмита алоҳида шахс томонидан ва манфаатдор иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда, ушбу Протоколга биноан олинган хабарларни кўриб чиқади.

2. Қўмита қуйидагилар хусусида тасдиқ олингунча қуйидаги хабарларни кўриб чиқмайди:

а) айти шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш тартиб-қоидаларига биноан кўриб чиқилмаётгани ҳақида;

б) ушбу шахс ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятли воситаларидан фойдаланиб бўлгани хусусида.

3. Мазкур Протоколда қайд этилган хабарларни кўриб чиқишда Қўмита ёпиқ мажлис ўтказди.

4. Қўмита ўз фикр-мулоҳазаларини тегишли иштирокчи-давлатга ва шахсга маълум қилади.

6-модда

Қўмита 45-моддада назарда тутилган йиллик маърузасига ушбу Протоколга мувофиқ ўз фаолияти ҳақида қисқача ҳисоботни киритади.

7-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган Мустамлака мамлакатлар ва халқларга Мустақиллик бериш ҳақидаги Декларация хусусидаги 1514 (XV) резолюцияси мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Протокол қоидалари мазкур халқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасаларнинг бошқа халқаро конвенциялари ҳужжатлари тақдим этган петициялар бериш ҳуқуқини ҳеч бир шаклда чекламайди.

8-модда

1. Ушбу Протокол Пактга имзо чеккан ҳар бир давлат томонидан имзо чекилиши учун очиқ.

2. Ушбу Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

3. Ушбу Протокол Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун очиқ.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни қўшилиш тўғрисидаги ҳар бир ратификация ёрлиги ёки ҳужжат сақлаш учун топширилгани ҳақида хабардор қилади.

9-модда

1. Пакт кучга кирган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ўнинчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач, ушбу Протокол кучга киради.

2. Қўшилиш тўғрисидаги ўнинчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжат топширилгандан сўнг мазкур Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Протокол қўшилиш тўғрисидаги ўша давлатнинг шахсий ратификация ёрлиги ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

10-модда

Ушбу Протокол қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига ҳеч бир чеклаш ёки истисносиз татбиқ этилади.

11-модда

1. Мазкур Протоколда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатиш таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнг Бош котиб ҳамма тузатишларни ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларга юбориб, улар шу таклифни кўриб чиқиш ва шунинг юзасидан овоз бериш мақсадида иштирок этувчи давлатлар конференциясини чақиришни ёқлаш ёки ёқламаслигини билдиришини сўраб илтимос қилади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида ўша кон-

ференцияни чақиради. Ушбу конференцияда иштирок этиб ва овоз беришда қатнашган давлатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ва ушбу Протоколда иштирок этувчи давлатларнинг конституция тартиб қоидасига мувофиқ уларнинг учдан икки қисми томонидан қабул қилиниши билан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, шу тузатишларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Протокол қарорлари ва улар илгари қабул қилган барча тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

12-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ҳар қандай вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома бериш йўли орқали ушбу Протоколни бекор қилиши мумкин. Бош котиб бундай хабарномани олган кундан бошлаб уч ой ўтгач, бекор қилиш кучга киради.

2. Бекор қилиш 21-моддага асосан бекор қилиш кучга кирадиган санагача тақдим этилган ҳар қандай хабарга ушбу Протокол қоидаларини татбиқ этаверишга тўсқинлик қилмайди.

13-модда

1 Ушбу Протоколнинг 8-модда 5-бандига мувофиқ берилган хабарномалардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактнинг 48-модда 1-бандида қайд этилган барча давлатларга қуйидагиларни маълум қилади:

а) 8-моддага асосан имзолашлар, ратификациялар ва қўшишлар;

б) 9-моддага асосан ушбу Протоколнинг кучга кириш санаси ва 11-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш вақти;

с) 12-моддага кўра бекор қилишлар.

14-модда

1. Ушбу Протокол инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар тенг кучга эга. Протокол сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилиши лозим.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Протоколнинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга жўнатади.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

1966 йил 19 декабр

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос бўлган қадр-қиммат ҳамда тенг ва бузилмас ҳуқуқларини тан олиш принциплари озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизи эканлигини эътиборга олиб,

ушбу ҳуқуқлар инсон шахсига хос қадр-қимматдан келиб чиқишини эътироф этиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ қўрқув ва муҳтожликдан ҳоли бўлган озод инсон шахсининг идеали ҳар бир киши ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан, шунингдек, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратилгандагина рўёбга чиқишини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига умум риюя этиши ҳамда ҳурмат қилишини рағбатлантириши шарт эканлигини эътиборга олиб,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб жамоага нисбатан мажбурияти бўлгани ҳолда мазкур Пактда тан олинаётган ҳуқуқларни рағбатлантириш ва уларга риюя этишга эришиши лозимлигини эътиборга олиб,

қуйидаги моддалар борасида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуқ орқали улар ўз сиёсий мақомини ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини эркин ҳолда таъминлайди.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришмоқ учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эгалик қилади, бунда ўзаро фойда принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирор-бир мажбуриятга зарар етмаслиги лозим.

Ҳеч бир халқ ўзига тегишли бўлган тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги шарт.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан, ўз-ўзини бошқара олмаётган ва васий бўлган ҳудудларни бошқариш учун жавоб берувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми қоидаларига мувофиқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишни рағбатлантиришлари ва бу ҳуқуқни ҳурмат қилишлари лозим.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда қатнашувчи ҳар бир давлат якка тартибда ва халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибда, жумладан, иқтисод ва техника соҳаларида мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларнинг аста-секин тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлаш учун барча зарур усуллар билан, жумладан, қонуний чоралар кўриш орқали мавжуд ресурсларнинг иложи борича кенг доирасида тадбирлар кўриш мажбуриятини олади.

2. Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни бирор-бир камситишсиз, яъни ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, насл-насаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъий назар, кафолатлаш мажбуриятини оладилар.

3. Ривожланаётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ва ўз халқи хўжалигини зарур тарзда ҳисобга олган ҳолда ўз мамлакатлари фуқаролари бўлмаган шахсларга мазкур Пактда эътироф этилаётган иқтисодий ҳуқуқлар учун қай даражада кафолат беришларини ўзлари белгилашлари мумкин.

3-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда кўриб чиқилган ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишда эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқ бериш мажбуриятини оладилар.

4-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактга кўра бирор-бир давлат ҳуқуқлардан фойдаланиш борасида шундай чеклашларни белгилаши мумкинлигини, бу қонунда акс этиб, ўша

чеклашлар қайд этилган ҳуқуқлар табиатига уйғун бўлишини ҳамда у демократик жамиятда умумий фаровонликка кўмаклашиш мақсадидагина бўлиши лозимлигини эътироф этадилар.

5-модда

1. Мазкур Пактдаги бирор-бир нарса бирорта давлат, бирорта гуруҳ ёки бирорта шахс ушбу Пактда эътироф этилган ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликни йўқ қилишга қаратилган ёки шу Пактда таъкидланганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган фаолият билан шуғулланиш ёки қандайдир хатти-ҳаракат содир этиш ҳуқуқига эга, деган мазмунда талқин этилиши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этаётган бирор бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат тариқасида тан олинган ёки мавжуд бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ушбу Пактда тан олинмайди ёки кам миқдорда тан олинадиган, деган баҳонада бу ҳуқуқлар чекланиши ёки писанд этилмаслигига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки эркин ҳолда рози бўлади. Шу Пакт иштирокчиси бўлган давлатлар эса фуқароларни мазкур ҳуқуқ билан таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур ҳуқуқни тўлиқ амалга ошириш мақсадида кўриш керак бўлган тадбирларга ҳунар-техника таълими ва тайёргарлик дастури, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларига кафолат берувчи шароитларда узлуксиз ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга одамларнинг ишлаб чиқаришда тўлиқ банд бўлишига эришиш усули ва йўллари киради.

7-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан қуйидагиларни тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган ҳақ;

i) тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айни пайтда жумладан, аёлларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлавиши керак;

ii) мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ улар ва уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш;

b) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

c) меҳнат стажи ва малака асосидагина ишда тегишли янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

d) дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек, байрам кунлари учун ҳақ.

8-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

a) ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоялаш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ва ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш ҳуқуқи. Бунинг учун тегишли ташкилот қоидаларига риоя қилиш шарт. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқдан фойдаланишга ҳеч бир чеклавиш қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари йўлидаги, ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза этишдаги ҳуқуқлар бундан мустасно;

b) касаба уюшмаларининг миллий федерация ёки конфедерация тузиш ҳуқуқи ва миллий федерация, конфедерацияларнинг халқаро касаба уюшмалари тузиш ёки шу каби уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи;

c) касаба уюшмаларининг ҳеч бир тўсиқсиз, чеклашларсиз фаолият юритиш ҳуқуқи, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаати ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза этиш учун зарур бўлган ҳуқуқлари бундан мустасно;

d) ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш ҳуқуқи.

2. Ушбу модда қуроли кучлар, полиция ёки давлат маъмурияти таркибидаги шахслар учун мазкур ҳуқуқлардан фойдаланишда қонуний чеклаш киритилишига тўсқинлик қилмайди.

3. Ушбу моддадаги ҳеч нарса 1948 йилги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясида иштирок этувчи давлатларга

уюшмалар эркинлиги ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўрсатилган конвенцияда назарда тутилган кафолатларга зиён етказган ҳолда қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказадиган қонунни қўллаш ҳуқуқини бермайди.

9-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий суғурта ҳуқуқини эътироф этади.

10-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тан олади:

1. Жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси ҳисобланмиш оилага имкони борица кенг кўламда ёрдам берилиши ва муҳофазат этилиши зарур. Айниқса, у шаклланаётган даврда бундай кўмак зарур, чунки мустақил бўлмаган болалар ва улар тарбияси борасидаги гамҳўрлик ҳозирча оила зиммасига тушмоқда, никоҳ никоҳдан ўтаётганларнинг эркин розилигига кўра тузилмоғи лозим.

2. Бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги даврда оналарга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу давр мобайнида ишловчи оналарга ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақа билан таътил берилиши керак.

3. Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъий назар, алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавfli соҳаларда, ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуйи ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланиши ва қонун билан жазоланиши лозим.

11-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади. Мазкур иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради, айни пайт-

да эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг очликдан ҳоли бўлишдек асосий ҳуқуқини тан олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун аниқ дастурларни ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

a) техник ва илмий билимлардан кенг кўламда фойдаланиш, овқатланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш учун аграр тизимни такомиллаштириш ёки ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш услубларини яхшилаш; ва

b) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, жаҳондаги озиқ-овқат заҳираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш.

12-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши ҳуқуқини эътироф этади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қуйидаги ишлар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

a) ўлик гўдаклар туғилишини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

b) ташқи муҳитнинг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

c) юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликлар олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

d) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш.

13-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг қадр-қимматини англашига қаратилган бўлиши лозим, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш зарур, деган фикрга келади. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги дўстликка, хайрихоҳликка ва сабртоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши лозим, деган фикрга келади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қўйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришиш лозим;

с) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

д) оддий таълим, бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борича рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

е) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, таълим олиш учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам тавлаб олиш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эркига ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга оғишмай риоя этиб ва ушбу муассасаларда берилган таълим давлат томонидан белгилаб қўйилиши мумкин бўлган энг кам талабларга жавоб беришига риоя қилиб ўқув юртлари очиш борасидаги эркинлигини камситади, деган мазмунда талқин қилинмаслиги керак.

14-модда

Ушбу Пакт иштирокчилари қаторига киришгача бўлган вақтга қадар ўз метрополиясида ёки юрисдикциясида текин мажбу-

рий бошланғич таълимни жорий эта олмаган мазкур Пакт аъзо-си бўлган ҳар бир давлат икки йил ичида текин мажбурий таълим тамойилини амалга ошириш учун муфассал тadbирлар режасини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади. Ушбу режани ҳаётга татбиқ этишнинг оқилона муддати ўша режада кўрсатилади.

15-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсоннинг қуйидаги ҳуқуқларини эътироф этади:

а) маданий ҳаётда иштирок этиш;

б) илмий тараққиёт ва уни амалда қўллаш натижаларидан фойдаланиш;

с) ўзи муаллиф бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадий меҳнат билан боглиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манфаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар қабул қилиши керак бўлган тadbирлар фан ва маданият ютуқларини ҳимоялаш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлганларини қамраб олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда халқаро алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантириш орқасидан келадиган нафни тан олади.

IV ҚИСМ

16-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу Пактнинг шу қисмига мувофиқ, мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқларга риоя этишга эришиш борасида кўриляётган тadbирлар ҳамда силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини олади.

2. а) Барча маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этилади, у эса кўриб чиқиш учун мазкур Пакт қондаларига мувофиқ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга маърузаларнинг нухасини юборади;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини ёки маърузаларнинг тегишли қисмини ушбу давлатлар аъзо бўлган муассасаларга юборади, чунки ана шу маърузалар ёки маърузаларнинг қисмлари конституцион актларга мувофиқ ўша

муассасаларнинг вазифаси доирасига кирадиган барча масалаларга алоқадордир.

17-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил мобайнида иштирокчи давлатлар ва ихтисослашган манфаатдор муассасалар билан маслаҳатлашиб берилган дастурга мувофиқ босқичма-босқич ўз маърузаларини тақдим этади.

2. Мавзуларда ушбу Пакт бўйича мажбуриятлар бажарилиши даражасига таъсир этувчи омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

3. Агар тегишли маълумот ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки бирор-бир ихтисослаштирилган муассасага илгарироқ хабар қилинган бўлса, бу маълумотларни қайта баён этишга ҳожат йўқ ва шу тахлитда хабардор этилган маълумотларга аниқ таяниш етарли бўлади.

18-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари борасидаги бурчларини бажариш учун ихтисослаштирилган муассасалар билан ушбу муассасалар фаолиятига алоқадор бўлган ушбу Пакт қарорларига риоя этилишига эришиш йўлида қанчалик силжишлар бўлгани ҳақида маърузалар тақдим этиш бора-сида келишиб олиши мумкин. Бу маърузалар шу тахлитда амалга ошириш тўғрисида ихтисослаштирилган муассасалар обрўли органлари қабул қилаётган қарор ва тавсияномаларнинг тафсилотларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

19-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва умумий тавсиялар бериш учун ёки тегишли ҳолларда инсон ҳуқуқларига алоқадор масалалар бора-сида маълумот учун 16-17- моддаларга биноан давлатлар тақдим этаётган маърузаларни ахборот учун бериши, шунингдек, 18-моддага мувофиқ ихтисослашган муассасалар тақдим этган инсон ҳуқуқларига алоқадор маърузалар бериши мумкин.

20-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи манфаатдор давлатлар ва ихтисослаштирилган муассасалар Иқтисодий ва Ижтимоий Кен-

гашга 19-моддага мувофиқ ҳар қандай умумий тавсиянома борасида ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг ҳар қандай маърузасидаги ана шундай умумий тавсияномага таяниш хусусида ёки ўша жойда таянилаётган ҳар қандай ҳужжат борасида мулоҳаза тақдим этиши мумкин.

21-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш вақти-вақти билан Бош Ассамблеяга ушбу Пактда тан олинаётган ҳуқуқларга ялпи риоя этилишини таъминлаш борасида қабул қилинган чоралар ва эришилган натижалар тўғрисида мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳамда ихтисослаштирилган муассасалардан олинadиган маълумотларнинг қисқача баёни ва умумий тусдаги тавсияномалар билан маърузалар тақдим этиши мумкин.

22-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқа органлари уларнинг ёрдамчи органлари ва техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг диққат-эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисмида эслатилаётган маърузалар туфайли юзага келаётган ҳар қандай масалаларга қаратиши мумкин, зеро, бу ҳол ана шу органлар томонидан ваколатлари доирасида ушбу Пактни аста-секин амалга оширишга кўмаклашиш мумкин бўлган халқаро тадбирларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги борасида қарорлар чиқаришида фойдали бўлиши мумкин.

23-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар конвенциялар тузиш, тавсияномалар қабул қилиш, маслаҳат мақсадида минтақавий ва техник кенгаш ўтказиш, шунингдек, манфаатдор ҳужжатлар билан ҳамкорликда ташкилий тадқиқотлар олиб бориш ушбу Пактда эътироф этилаётган ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам берувчи халқаро тадбирлар қаторига киради, деб келишадилар.

24-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч бир нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг мазкур Пактга дахлдор масалалари борасидаги тегишли мажбуриятларини белгилайдиган БМТ Низоми қарорлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг низоми аҳамиятини камситиш, деб талқин қилинмаслиги керак.

25-модда

Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эгалик қилиш ҳамда фойдаланишдек ажралмас ҳуқуқини камситади, деб талқин қилиниши мумкин эмас.

V ҚИСМ

26-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган ёки БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларига аъзо бўлган, Халқаро Суд Статути иштирокчиси бўлган ёки мазкур Пактда иштирок этиш учун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан таклиф этилган ҳар қандай бошқа давлат имзолаши учун очиқ.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация қилинган ёрлиқлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлат қўшилиши учун очиқдир.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгач амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Пактни имзолаган ёки унга қўшилган давлатларни ратификация қилинган ёрлиқлар ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар сақлаш учун топширилиши тўғрисида хабардор қилади, мазкур Пакт унинг ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжати сақлаш учун қабул қилингандан уч ой ўтгач кучга киради.

27-модда

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ўттиз бешинчи ратификация қилинган ёрлиқ ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун берилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ўттиз бешинчи ратификация қилинган ёрлиқ ёки қўшилиш ҳақида ҳужжат сақлаш учун берилгандан сўнгра, ўша давлатнинг ўз ратификация қилинган ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжати сақлаш учун берилган кундан бошлаб уч ой ўтгач, мазкур Пакт кучга киради.

28-модда

Ушбу Пакт қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмига ҳеч бир чеклашларсиз ёки олиб ташлашларсиз жорий этилади.

29-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатишлар таклиф этиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф этилган ҳар қандай ўзгартиришларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга жўнатади ва улардан ушбу таклифларни кўриб чиқиш ҳамда овозга қўйиш мақсадида конференция чақириб ҳақидаги фикрини билдиришни илтимос қилади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бири шундай конференцияни маъқуллаб фикр билдирса, БМТ Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида ушбу конференцияни чақиради. Мазкур конференцияда иштирок этувчи ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисми томонидан уларнинг конституция тартибига мувофиқ қабул қилинган кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, уни қабул этган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пактнинг улар томонидан қабул қилинган қарорлари ва барча илгариги тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

30-модда

26-модданинг 5-бандига мувофиқ юбориладиган билдиришлардан қатъий назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби модданинг 1-бандида қайд этилган давлатларни қуйидагилардан хабардор этади:

а) 26-моддага биноан имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;

б) 27-моддага мувофиқ мазкур Пактнинг кучга кириш санаси ва 29-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси.

31-модда

1. Мазкур Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар тенг кучга эга, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби 26-моддада кўрсатилган барча давлатларга ушбу Пактнинг тасдиқланган нусхаларини юборади.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН КАМСИТИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

***Бош Ассамблеянинг 1967 йил 7 ноябрдаги
2263 (XXII) - резолюцияси билан эълон қилинган***

Бош Ассамблея,

Бирлашган Миллатлар халқларининг асосий ҳуқуқлари, шахснинг қадр-қиммати ва эркак ҳамда аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўз эътиқодларининг дахлсизлиги Низомда яна бир бор тасдиқланлигини эътиборга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик тамойилини тасдиқлаганлиги, барча одамлар эркин, ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилишлари ва ҳар бир инсон ҳеч бир тафовутсиз, жумладан, жинсидан қатъи назар, унда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозимлиги эълон қилганлигидан келиб чиқиб,

эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига кўмаклашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасалари томонидан қабул қилинган резолюция, декларация, конвенция ва тавсияномаларни эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасаларининг бошқа ҳужжатларига ҳамда тенгҳуқуқлилиқ масаласида амалга оширилган тараққиётга қарамай аёлларга нисбатан муайян камситиш ҳамон мавжуд эканлигидан хавотирланиб,

аёлларга нисбатан камситиш аёлнинг инсон сифатидаги қадр-қиммати, оила ва жамиятнинг фаровонлиги билан мос келмаслигини, мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида унинг эркак билан тенг шароитлардаги иштирокига халал беришини ва аёлнинг ўз мамлакати ва инсониятга хизмат қилишида имкониятларини тўла ривожлантиришига тўсиқ эканлигини ҳисобга олиб,

ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга аёлларнинг қўшган катта ҳиссаларини ва уларнинг оиладаги ролини, ва айниқса, болаларни тарбиялашдаги ролини эслаган ҳолда,

мамлакатнинг тўла тараққиёти, бутун жаҳоннинг фаровонлиги ва тинчлик иши аёлларнинг эркаклар билан тенгликда барча соҳаларда имкон қадар кўпроқ иштирокини талаб қилишига ишонган ҳолда,

эркаклар ва аёлларнинг тенглиги тамойилини қонунчиликда ва амалиётда умум эътироф этилишини таъминлаш зарур деб ҳисоблаб,

мазкур Декларацияни тантанали равишда эълон қилади:

1-модда

Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини инкор қилишга ёки чеклашга олиб келувчи уларга нисбатан камситиш ўз асосига кўра адолатсизлик ҳисобланади ва инсон қадр-қимматига қарши жиноятдир.

2-модда

Аёлларга нисбатан камситувчи ҳисобланган мавжуд қонунлар, одатлар, қарорлар ва амалиётни бекор қилиш, эркаклар ва аёллар тенгҳуқуқлилигининг тегишли ҳуқуқий ҳимоясини ўрнатish учун барча зарур чоралар кўрилиши лозим, жумладан:

а) эркаклар ва аёлларнинг тенглиги тамойили конституцияга киритилиши ёки қонун билан бошқача тарзда кафолатланиши лозим;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган муассасаларининг аёлларга нисбатан камситишни бартараф этишга оид халқаро ҳужжатлари ратификация қилиниши ёки уларга қўшилиш лозим ёки имкон қадар қисқа муддатларда тўлалигича ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

3-модда

Аёлларнинг тўлақонли эмаслиги ғоясига асосланган тушунчаларга барҳам бериш ҳамда одатлар ва бошқа амалиётни тугатишга жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни қаратиш мақсадида барча тегишли чоралар кўрилиши лозим.

4-модда

Аёлларга эркаклар билан бир хил шароитларда ҳеч бир камситишсиз:

а) сайловларда овоз бериш ҳуқуқи ва очиқдан-очиқ сайланадиган органларга сайланиш ҳуқуқи;

б) барча очиқ референдумларда овоз бериш ҳуқуқи;

с) давлат хизматида бўлиш ҳуқуқи ва барча жамоатчилик вазифаларини бажариш ҳуқуқини

таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Ушбу ҳуқуқлар қонунчилик билан кафолатланган бўлиши лозим.

5-модда

Аёллар ўз фуқаролигини олиш, ўзгартириш ва сақлаб қолишда эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим. Хорижлик билан никоҳда бўлиш хотиннинг фуқаролигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаслиги керак, хусусан, уни фуқаролигидан маҳрум қилиши ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур қилиши мумкин эмас.

6-модда

1. Ҳар қандай жамиятнинг асосий ҳужайраси бўлиб қолаётган оиланинг яхлитлиги ва тинчлигини сақлашга зиён етказмаган ҳолда, турмушга чиққан ва чиқмаган аёллар фуқаролик ҳуқуқи соҳасида эркаклар билан бир хилда ҳуқуқларга, хусусан:

а) мулкни сотиб олиш ва мерос қилиб қолдириш, шунингдек, уни бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи, жумладан, никоҳда бўлган даврда эга бўлинган мулкни ҳам;

б) тенгҳуқуқ ва муомалага лаёқатлилик;

с) шахсларнинг кўчиб юриши тўғрисидаги қонунчиликда ҳам эркаклар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишларини таъминлаш учун барча тегишли чоралар, асосан, қонунчилик чоралари кўрилиши лозим.

2. Эр ва хотин ҳолатининг тенглиги тамойилини таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши лозим, жумладан:

а) аёллар эркаклар эга бўлгани каби турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳга фақат ўзининг эркин ва тўла розилиги билан кириш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим;

б) аёллар никоҳда бўлган пайтларида ва уни бекор қилишда эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим. Барча ҳолатларда болаларнинг манфаатлари устувор бўлмоғи керак;

с) ота-оналар болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари лозим. Барча ҳолатларда болаларнинг манфаатлари устувор бўлмоғи керак.

3. Болаларнинг никоҳлари ва қизларнинг жинсий балоғатга етмай туриб унаштирилиши тақиқланиши лозим ва энг кам никоҳ ёшینی аниқлаш ҳамда никоҳни фуқаролик ҳолатларини қайд этишда мажбурий рўйхатдан ўтказиш вақтида самарали чоралар, жумладан, қонунчилик чоралари кўрилмоғи лозим.

7-модда

Аёлларга нисбатан камситиш характериға эга бўлган жиноятлар тўғрисидаги қонунчиликнинг барча ҳолатлари бекор қилиниши керак.

8-модда

Аёллар билан савдо қилиш ва фоҳишаликдан фойдаланишнинг барча кўринишларига барҳам бериш учун ҳамма тегишли, жумладан, қонун орқали чоралар кўрилиши лозим.

9-модда

Барча поғонадаги таълим соҳасида қизлар ва турмушга чиққан ва чиқмаган аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилмоғи лозим, хусусан:

а) таълим олишга тенг шароитлар ва барча турдаги ўқув масканларида, жумладан, университетлар ва касб-ҳунар, техника ва махсус мактабларда таълим олиш;

б) ўқув масканининг ҳар икки жинсдаги шахсларни биргаликда ўқитишга мўлжалланган ёки мўлжалланмаганлигидан қатъи назар худди шу таълим дастурлари, бир хилдаги имтиҳонлар, худди шу малакадаги ўқитувчилар таркиби, худди шундай сифатдаги ўқув хоналари ва жиҳозлар;

с) таълим олиш учун стипендия ва бошқа имтиёзларни олишнинг тенг имкониятлари;

д) кейинги босқич таълим дастурлари, жумладан катталарнинг ўқимишлилигини таъминлаш дастурлари учун тенг имкониятлар;

е) оилаларнинг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида маърифий характердаги маълумотларни олиш.

10-модда

1. Турмушга чиққан ва чиқмаган аёлларга ижтимоий-иқтисодий фаолиятда эркаклар билан бир хилдаги ҳуқуқларни, жумладан:

а) фуқаролик ҳолати сабабли ёки бошқа белгиларга кўра камситишларсиз касбий тайёргарликни олиш, ишлаш, касб ва машғулотларни эркин танлаш ва ўз касби ҳамда мутахассислигини такомиллаштириб бориш ҳуқуқини;

б) эркаклар билан бир хилдаги меҳнат учун тенг ҳақ ва тенг моддий таъминот олиш ҳуқуқини;

с) ишсизлик, касаллик, қарилик ва иш қобилиятини бошқа тарзда йўқотганлик ҳолатларида ҳақ тўланадиган таътил, нафақа таъминоти ва моддий таъминот ҳуқуқини;

д) эркаклар билан бир хилдаги шартларда оила учун нафақа олиш ҳуқуқини таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши лозим.

2. Аёлларга нисбатан никоҳда бўлганлик ёки ҳомиладорлик сабабларига кўра камситишнинг олдини олиш ва уларнинг сама-

рали ишлаш ҳуқуқини таъминлаш учун уларнинг никоҳга кирашлари ёки ҳомиладорликлари ҳолатларида ишдан озод қилишнинг олдини олиш ва аввалги ишга қайтиш кафолати билан ҳомиладорлик учун ҳақ тўланадиган таътил бериш ва керакли ижтимоий хизмат турларини, жумладан, болаларга қараш имкониятини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилиши лозим.

3. Аёллар организмнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум иш турларида уларни ҳимоялашга қаратилган чоралар камситувчи дея ҳисобланмаслиги керак.

11-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига мувофиқ эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили барча давлатларда ҳаётга татбиқ этилиши талаб қилинади.

3. Шунинг учун ҳукуматларга, ноҳукумат ташкилотларга ва хусусий шахсларга мазкур Декларациядаги мавжуд тамойилларни амалга оширишга кўмаклашиш учун уларга боғлиқ бўлган барча ишларни қилишлари тавсия этилади.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

1989 йил 20 декабрь

МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенцияга иштирокчи-давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган кадр-қиммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари ер юзасида эркинлик, адолат ва тинчликни таъминлашнинг асоси эканлиги эътироф этилганини ҳисобга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқлари Низомда инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва кадр-қимматига бўлган ўз ишончларини тасдиқлаганликлари ҳамда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда ҳар бир инсон мазкур ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларга ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ белгиларига кўра ҳар қандай тафовутдан қатъий назар, эга бўлишини эълон қилганлиги ва розилик билдирганлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилганлигини эслатиб,

жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва тиббий муҳитга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда,

боланинг соғлом ва ҳар томонлама уйғун ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этиб,

бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган гоялар руҳида, айниқса, тинчлик, кадр-қиммат, сабр-тоқат, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозимлигини ҳисобга олиб,

болани мана шундай алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги 1924

йилги Бола ҳуқуқлари Женев декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларациясида кўзда тутилганлигини ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 23- ва 24-моддаларда), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 10-модда), шунингдек, ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилганлигини эътиборга олиб,

Бола ҳуқуқлари декларациясида кўрсатиб ўтилганидек, «бола, агар у жисмовий ва ақлий жиҳатдан камолотга етишмаган бўлса, махсус муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож» эканлигини эътиборга олиб,

Ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги декларациянинг болалар ҳимояси ва фаровонлиги, айниқса, болаларни миллий ва халқаро даражаларда тарбиялашга бериш ҳамда асраб олиш пайтидаги ҳимояси ва фаровонлигига доир қоидаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балогатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари») ва Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида декларация қоидаларига таяниб,

жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликларини эътироф этиб,

боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда ҳисобга олиб,

ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини эътироф этиб,

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланадиган қовун бўйича у эртарақ балогатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

2-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъий назар, ҳурмат қиладилар ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб берадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар бола, унинг ота-онаси, қонуний васийси ёки бошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқодида ўз ифодасини топадиган мақом, фаолият асосида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларида бола ҳимоясини таъминлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

3-модда

1. Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъий назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз зиммасига болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлашини зиммаларига оладилар, бунда унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унинг учун жавобгар саналмиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборда тутишни ҳисобга оладилар ҳамда ана шу мақсадда барча қонуний ва маъмурий чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган меъёрларга, хусусан, хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида ва улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек, ваколатли назорат олиб бориши нуқтаи назаридан белгиланган меъёрларга жавоб беришларини таъминлайдилар.

4-модда

Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий ва бошқа чораларни кўрадилар. Иқтисодий, ижтимоий ва

маданий ҳуқуқларга нисбатан иштирокчи-давлатлар бундай чораларни ўзларида мавжуд бўлган имкониятлар доирасида, мумкин қадар юқори даражада зарурат туғилган тақдирда эса халқаро ҳамкорлик доирасида қабул қиладилар.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ва тегишли ҳолатларда кенгайтирилган оила аъзолари ёки маҳаллий урф-одатларда кўзда тутилганидек, жамоанинг васийлар ёки қонун бўйича бола тарбияси учун жавобгар ҳисобланган бошқа шахсларнинг ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда муносиб даражада болани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда бу ишни боланинг ривожланиб бораётган қобилиятларига мувофиқ ҳолда бажаришдаги масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

6-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг омон яшashi ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб берадилар.

7-модда

1. Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинад ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқларнинг ўз миллий қонунчиликларига мувофиқ амалга оширилишини, уларнинг мажбуриятлари шу соҳага тегишли халқаро ҳужжатларга асосан, хусусан, агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлайдилар.

8-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қонунда кўзда тутилганидек, боланинг ўзига хос хусусиятлари жумладан, фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, қонунга зид равишда аралашувга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

2. Агар бола ўзига хослик элементларининг бир ёки барча

қисмларидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган бўлса, иштирокчи-давлатлар унинг бу хусусиятлари тезроқ тикланиши учун зарур ёрдам ва ҳимоялашни таъминлайдилар.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг ҳоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки у ҳақда гамхўрлик қилмай қўйган, ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурати пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳолда ишни ҳар қандай шароитда кўриб чиқиш жараёнида барча манфаатдор томонларга муҳокамада қатнашиш ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти берилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, бундай муносабатлар боланинг энг яхши манфаатларига зид келадиган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Иштирокчи-давлат томонидан қабул қилинган бирор-бир қарор, масалан, ҳибсга олиш, қамаш, сургун қилиш, депортация ёки ота-онадан биттаси ёхуд икковининг ҳам, ёки боланинг ўлими (ана шу шахс давлат ихтиёрида бўлган пайтда ҳар қандай сабабга кўра рўй берган ўлим ҳам шунга киради) туфайли содир бўлган бўлса, иштирокчи-давлат ота-онага, болага ёки, агар зарурат туғилса, оиланинг бошқа аъзосига уларнинг илтимосига биноан оиланинг йўқолган аъзоси (аъзолари яшаб турган жой) ҳақида, зарур ахборотни агар бу боланинг фаровонлигига зиён келтирмайдиган бўлса етказиб беради. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимосни қондириш ўз-ўзидан тегишли шахс (шахслар) учун нохуш оқибатларга олиб келмаслигини таъмин этадилар.

10-модда

1. Иштирокчи-давлатларнинг 9-моддадаги 1-банд бўйича мажбуриятига мувофиқ бола ёки унинг ота-онаси оилани бирлаштириш мақсадида иштирокчи-давлатга кириш ёхуд ундан чиқиш учун берган аризалари иштирокчи-давлатлар томонидан ижобий,

инсонпарварлик руҳида ва тезкорлик билан кўриб чиқилиши лозим. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимослар аризачилар ва уларнинг оила аъзолари учун нохуш оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъминлайдилар.

2. Ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола алоҳида ҳолатлардан ташқари, отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқига эгадир. Ана шу мақсадда 9-модданинг 2-банди бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар боланинг ва ота-онасининг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини (ordre public), аҳолининг соғлиғи ва маънавияти ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш учун зарур ҳисобланган, ушбу Конвенцияда эътироф этилган бошқа ҳуқуқларга мос тушадиган чеклашларгина амалда бўлади.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг гайриқонуний равишда кўчирилишига ва чет элдан қайтмаслигига қарши кураш олиб бориш учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар тузилишига, ёхуд амалдаги битимларга қўшилишга кўмаклашадилар.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ўзининг қарашларини шакллантиришга қодир болага ана шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлайдилар, бинобарин, боланинг қарашларига унинг ёши ва етуқлигига мувофиқ даражада эътибор берилади.

2. Ана шу мақсадда болага, жумладан, болага тааллуқли ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида, бевосита, вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал меъёрларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилади.

13-модда

1. Бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборотни, чегарасидан қатъий назар,

оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи бир чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда кўзда тутилган чеклашлардан иборат бўлади, бу қуйидагилар учун зарур:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (ordre public), аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ келадиган усул орқали бола ҳуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

3. Ўз дини ёки эътиқодини тарғиб қилиш эркинлиги фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг маънавияти ва соғлигини сақлаш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисоблангандагина чеклавиши мумкин.

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг ассоциация ва тинч йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилишига нисбатан бирор-бир чеклашлар қўлланмайди, қонунга мувофиқ қўлланадиган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби (ordre public) манфаатлари йўлида, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини сақлаш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустаснодир.

16-модда

1. Бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг мафийлигига бўлган ҳуқуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашип, ёхуд унинг шаъни ва

обрўсига гайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. Бола ана шундай аралашилар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

17-модда

Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим мавқеини эътироф этадилар ҳамда бола турли миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек, боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

а) оммавий ахборот воситаларини ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишга рағбатлантирадилар;

б) турли маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материаллар тийёрлаш, айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

с) болалар адабиётини нашр этиш ва тарқатишни рағбатлантирадилар;

д) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилувчи гуруҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;

е) 13- ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишни рағбатлантирадилар.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилишини таъминлаш учун бор куч-гайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

2. Ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармогининг ривожланишини таъминлайдилар.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онаси ишлайдиган болаларга мўлжалланган хизматлар ҳамда болалар парвариш қилинадиган муассасалардан болаларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

19-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва суистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бенарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар, ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шахвоний суистеъмолликлар содир этишнинг ҳар қандай шаклларида ҳимоялаш мақсадида жаминики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бундай ҳимоя чоралари, зарурат туғилган тақдирда, бола ва унинг ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-қувватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун самарали тартиб-русумларни, шунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиш, тергов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш зарурати туғилган тақдирда, суд ишени қўзғатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

20-модда

1. Оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз миллий қонунларига мувофиқ болани парвариш қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар.

3. Болани бундай парваришлаш, жумладан, ислом шариати бўйича «кафола»га тарбияга беришни, асраб олишни ёки зарурат тугилган тақдирда, болалар боқиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни ўз ичига олади. Парваришни алмаштириш турлари қараб чиқиладиганда бола тарбиясидаги ворисликнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги, она тили етарли даражада ҳисобга олинishi лозим.

21-модда

Бола асраб олиш тизими мавжудлигини эътироф ёки ҳал қиладиган иштирокчи-давлатлар боланинг энг зарур манфаатлари биринчи навбатда ҳисобга олинишини таъминлайдилар, улар:

а) болани асраб олиш фақат ваколатли маъмурлар томонидан ҳал этилишини таъминлайдилар, бундай маъмурлар қўлланадиган қонун ва тартиб-русумларга мувофиқ ҳамда ишга тааллуқли ва ишончли бутун ахборот асосида асраб олишга ота-она, қариндошлар ва қонуний васийларга нисбатан боланинг мақомига қараб, агар талаб этилса, манфаатдор шахслар зарур бўлиб қоладиган маслаҳат асосида асраб олиш учун ўзларининг онгли розиликларини беришлари боис йўл қўйилишини аниқлайдилар;

б) бошқа мамлакатда асраб олиш, агар болани тарбияга бериш ёки унинг тарбиясини таъминлай оладиган ёхуд асраб оладиган оиллага жойлаштириш мумкин бўлмаса, агар бола пайдо бўлган мамлакатда уни муносиб равишда тарбиялашни таъминлашнинг иложи бўлмаса, бола боқишнинг муқобил усули сифатида қаралишини эътироф этадилар;

с) болани бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда худди мамлакат ичкарисида асраб олинганида қўлланадиган кафолат ва меъёрлар қўлланишини таъминлайдилар;

д) бола бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда унинг жойлаштирилиши шу иш билан боғлиқ шахсга ўзини оқламаган молиявий фойда келтирмаслигини таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар;

е) зарур ҳолатларда ушбу модданинг мақсадларига икки томонлама ва кўп томонлама шартлашувлар ёки битимлар тузилиши йўли билан эришишга кўмаклашадилар ҳамда шу асосда боланинг бошқа мамлакатда жойлашуви ваколатли маъмурлар ва органлар томонидан амалга оширилишини таъминлашга интиладилар.

22-модда

1) Иштирокчи-давлатлар қочоқ мақомини олишни истаган ёки қочоқ ҳисобланган боланинг қўлланадиган халқаро ёки ички ҳуқуқ ва тартиб-русумларга мувофиқ равишда, ҳам унга ҳамроҳ бўлаётган ва бўлмаётган ота-онаси ёки тегишли равишда ҳамроҳ қиладиган ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатадиган ҳар қандай бошқа шахсни ушбу Конвенцияда ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларда ёки ҳужжатларда баён қилинган қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишини иштирокчилари ҳисобланадиган кўрсатиб ўтилган давлатлар таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Ана шу мақсадда иштирокчи-давлатлар, ўзлари зарур деб топган ҳолатларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ваколатли ҳукуматлараро ташкилотлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётган нодавлат ташкилотларнинг бундай болани ҳимоя қилиш, унга ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар қандай қочоқ боланинг ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини излашда, унинг ўз оиласи билан қўшилиши учун зарур бўлган ахборотни олиш мақсадидаги ҳар қандай куч-ғайратларига кўмаклашадилар. Агар ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини топишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ушбу Конвенцияда кўзда тутилганидек, бирор-бир сабабга кўра ўзининг оилавий ғамхўрлигидан доимий ёки вақтинча маҳрум бўлган бу болага ҳар қандай кўрсатиладиган ҳимоя тақдим этилади.

23-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ақлий ва жисмоний жиҳатдан яхши ривожланмаган бола ўзининг қадр-қимматини таъминлайдиган, ўзига ишонч туғдирадиган ва унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини енгиллаштирадиган шароитларда тўлақонли ҳамда муносиб тарзда яшаши лозимлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ақлий ва жисмоний нотўқис бола ўзига нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этадилар ҳамда буни рағбатлантирадилар, имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда, ёрдам сўраб илтимос қилинган бўлса ва бундай ёрдам боланинг аҳволига, унинг ота-онаси ва бола ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётган бошқа шахсларнинг мавқеига мос келса, шунга ҳақли болага унга ғамхўрлик қилиш учун жавобгар кишиларга ана шундай ёрдам берилишини таъминлайдилар.

3. Ақлий ва жисмоний нотўқис боланинг алоҳида эҳтиёжлари эътироф этилган ҳолда, ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ ёрдам имкон даражасида боланинг ота-онаси ва у ҳақда ғамхўрлик қилаётган бошқа шахсларнинг молиявий имкониятлари ҳисобга олиниб бепул берилади, бундай ёрдам нотўқис бола таълим, касб-кор тайёргарлиги, тиббиёт, соғлиқни тиклаш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш соҳасидаги хизматларидан самарали равишда баҳраманд бўлишини таъминлашни кўзда тутаяди, шунингдек, дам олиш воситаларига йўл очадикки, бундай воситалар имкон даражасида болани ижтимоий ҳаётга жалб этишга, шахснинг ривожланиши, жумладан, маданий ва маънавий камол топишга олиб келади.

4. Иштирокчи-давлатлар халқаро ҳамкорлик руҳида нотўқис болаларнинг соғлиғини сақлаш профилактикаси, тиббиёт, руҳий ва функционал даволаниши соҳасидаги тегишли ахборотнинг айирбошланишига кўмаклашадилар, соғломлаштириш усуллари, умумий таълим ва касб-кор тайёргарлиги ҳақидаги ахборотни тарқатиш, шунингдек, ана шу ахборот билан танишиш имкониятига эга бўлиш ҳам шунга киради, токи иштирокчи-давлатлар бу соҳадаги ўз имкониятлари ва билимларини яхшилашга, тажрибаларини кенгайтиришга эришсинлар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

24-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланишини ҳуқуқий эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар бирорта ҳам бола соғлиқни сақлаш тизимининг бундай хизматларидан баҳраманд бўлишдан иборат ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолмаслигини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқнинг тўла амалга ошишига эришадилар, жумладан, қуйидаги чораларни кўрадилар:

а) чақалоқлар ва болалар ўлими даражасини насайтириш;

б) ҳамма болаларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши ва уларнинг соғлиғини сақлашга, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берилишига эришиш;

с) бошқа усуллар қаторида қулай технологияни қўллаш ва етарли миқдорда тўйимли озиқ-овқат ва тоза ичимлик сув етказиб бериш йўли билан ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиш хавфхатарини эътиборга олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш доирасида касалликлар ва тўйиб овқатланмасликка қарши кураш олиб бориш;

д) оналарга туғиш олдидан ва туққандан кейинги даврда уларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида тегишли хизматларни тақдим этиш;

е) жамият барча табақаларининг, жумладан, ота-оналар ва болаларнинг гўдаклар соғлиғи ва овқатланиши, кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари, гигиена, бола яшаётган муҳит санитарияси ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳақидаги хабардорлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг илм олишига йўл очиш ва эгаллаган билимларидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлаш;

f) профилактик тиббий ёрдам ва оила ҳажмини режалаштириш соҳасидаги маърифий ишлар ва хизматларни ривожлантириш.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган анъанавий амалиётга барҳам бериш мақсадида ҳар қандай самарали ва зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ушбу моддада эътироф этилган ҳуқуқлар тўла амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш мажбуриятини оладилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

25-модда

Иштирокчи-давлат парвариш қилиш, ҳимоя остига олиш ёки жисмоний ёхуд руҳий даволаш, болага тақдим этиладиган даволашни вақтинча баҳолаш ҳамда бундай васийлик билан боғлиқ, болага тегишли барча бошқа шарт-шароитни яратиб бериш мақсадида ваколатли органлар томонидан васийликка топширилган боланинг ҳуқуқларини эътироф этадилар.

26-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот неъматларидан, жумладан, ижтимоий сугуртадан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқ давлатларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ тўла амалга ошишига эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бу неъматлар, заруратга қараб бола ҳамда болани боқиш масъулиятини зиммасига олган шахслар ҳақидаги, бола томонидан ёки унинг номидан неъматларни олиш билан боғлиқ ҳар қандай фикр-мулоҳаза назарда тутилган ҳолда тақдим этилади.

27-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиш учун зарур ҳисобланган турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардир.

3. Иштирокчи-давлатлар миллий шарт-шароитларга мувофиқ ва ўз имкониятлари доирасида ана шу ҳуқуқнинг амалга оши-

шида ота-она ва болани тарбиялаётган бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар, зарурат туғилган ҳолларда моддий ёрдам берадилар, айниқса, озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш борасидаги дастурни қўллаб-қувватлайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ота-она ёки бола учун молиявий жавобгар ҳисобланган бошқа шахслар томонидан болани боқиш иштирокчи-давлат ичида ҳам, хорижда ҳам тикланишини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Хусусан, бола учун молиявий жавобгар шахс ва бола билан улар турли давлатларда яшаётган бўлсалар, иштирокчи-давлатлар халқаро битимларга қўшилишга ёки шундай битимлар тузилишига, шунингдек, бошқа тегишли келишувларга эришишга кўмаклашадилар.

28-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини этироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқ тенг имкониятлар асосида амалга оширишга аста-секин эришиш мақсадида улар, жумладан:

а) бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар;
б) ҳам умумий, ҳам касб-ҳунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантирадилар, бундай таълимдан ҳамма болалар баҳраманд бўлишларини таъминлайдилар ҳамда бепул таълим жорий этиш ва зарурат туғилган ҳолларда, молиявий ёрдам кўрсатиш сингари зарур чора-тадбирларни кўрадилар;

с) барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг қобилияти асосида олий таълимдан баҳраманд бўлишини таъминлайдилар;

д) барча болалар учун таълим ва касб-ҳунар тайёргарлиги соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятларини яратиш берадилар;

е) болаларнинг мактабга мунтазам боришларига кўмаклашиш ҳамда мактабни ташлаб кетадиган ўқувчилар сонининг камайиши учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар мактаб интизоми боланинг инсонийлик қадр-қимматини ҳурматлаш ўз ифодасини топган усуллар ёрдамида ҳамда ушбу Конвенцияга мувофиқ боғлаб олиб борилиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар таълимга тааллуқли масалалар бўйича, жумладан, бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизликни тугатишга ёрдам берадиган ҳамда илмий-техникавий билимлар ва ўқитишнинг замонавий усулларига йўл очишни енгиллаштира-

диган мақсадларга қаратилган халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар ва ривожлантирадилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши зарур.

29-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомиди эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

в) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;

г) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

е) атроф — табиатга ҳурматни тарбиялаш.

2. Ушбу модданинг ёки 28-модданинг ҳеч қайси банди алоҳида шахслар ва органларнинг ўқув юртларини очиш ҳамда уларга ушбу модданинг 1-бандида баён этилган тамойилларга риоя қилган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш ҳамда бундай ўқув юртларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилган минимал меъёрларга жавоб берипи керак, деган талабнинг бажарилишидаги эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинмайди.

30-модда

Этник, диний ёки тил жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи ёхуд туб аҳолига мансуб шахслар яшайдиган давлатларда ана шундай озчилик ёки туб аҳолига мансуб боланинг мазкур гуруҳ бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш ва унинг расм-русумларини бажариш, шунингдек, она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилмаслиги лозим.

31-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг маданий ва ижодий ҳаётда ҳар томонлама қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, рағбатлантирадилар ҳамда маданий ва ижодий фаолият, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун тегишли тенг имкониятлар яратиб берилишига кўмаклашадилар.

32-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган, ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чора-тадбирларни кўрадилар. Ана шу мақсадларда, бошқа халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларига амал қилган ҳолда, иштирокчи-давлатлар, жумладан:

a) ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг кичик ёшларни белгилаб қўядилар;

b) кундалик ишнинг муддати ва меҳнат шароитига доир зарур талабларни аниқлайдилар;

c) ушбу модданинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жазонинг тегишли турлари ёки бошқа санкцияларни кўзда тутадилар.

33-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли халқаро шартномаларда белгилаб қўйилганидек, болаларни гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида зарур барча чора-тадбирларни, жумладан, қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чораларни ҳамда ана шундай моддаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишда болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.

34-модда

Иштирокчи-давлатлар болани ундан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ана шу мақсадларда иштирокчи-давлатлар, жумладан, қуйидаги ҳолатларнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар:

а) болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш;

б) болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш;

в) болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш.

35-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

36-модда

Иштирокчи-давлатлар болани унинг фаровонлигига оид ҳар қандай жиҳатдан зарар етказадиган фойдаланишнинг барча бошқа шаклларида ҳимоя қиладилар.

37-модда

Иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта ҳам бола қийноқларга ёки бошқа шафқатсизларча, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқости қиладиган муомала ёки жазога дучор этилмаслигини, на ўлим жазоси, на озодликка чиқариш имкониятини кўзда тутмаган умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун белгиланмайди;

б) бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини. Болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа солиш қонунга мувофиқ амалга оширилади ҳамда фақат ноилож чора сифатида ва мумкин қадар қисқа вақт мобайнида ишлатилади;

с) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола унинг ёшидаги шахс эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда инсоний муомала ва шахсининг ажралмас қисми бўлган қадр-қимматини ҳурматлашдан фойдаланишини. Хусусан, озодликдан маҳрум этилган ҳар

бир бола, агар боланинг энг яхши манфаатлари йўлида шундай қилиш керак, деб ҳисобланмаса, катталардан ажратиб сақланади ҳамда алоҳида ҳолатларни истисно қилганда, ўз оиласи билан хат ёзиш ва дийдор кўришиш орқали алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эгадир;

д) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан зудлик билан баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида ўзининг озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлигига эътироз билдириш ҳуқуқидан ҳамда ана шундай ҳар қандай процессуал хатти-ҳаракатга нисбатан улар томонидан кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши ҳуқуқидан фойдаланади.

38-модда

1. Иштирокчи-давлатлар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг қуролли можаролар рўй берган ҳолатда уларга нисбатан қўлланадиган ва болаларга тааллуқли меъёрларини ҳурмат қилишни, уларга риоя этилишини таъминлашни ўз зиммаларига оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган шахслар ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликларини таъминлаш учун имкони бўлган барча чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахсни ўз қуролли кучлари сафига хизматга чақиришга йўл қўймадилар. 15 ёшга етган, бироқ 18 ёшга тўлмаган шахслар орасидан армияга жалб этилаётганда иштирокчи-давлатлар ёши каттароқ шахсларни маъқул кўришга ҳаракат қиладилар.

4. Қуролли можаролар пайтида ҳарбий бўлмаган аҳолини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар қуролли можароларнинг таъсиридан болаларни ҳимоялаш ҳамда парваришлашни таъминлаш учун имкони бўлган барча зарур чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

39-модда

Иштирокчи-давлатлар бепарволик, ишлатиш ёки суистеъ-молликлар, қийнашнинг ҳар қандай кўринишлари ёки шафқатсизлик, ноинсоний ёхуд қадр-қимматни оёқости қиладиган бошқа ҳар қандай муомала, жазолаш ёки қуролли можаролар қурбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан ўзини ўнглаб олишига кўмаклашиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Бундай тикланиш ва

Ўзини ўнглаб олиш боланинг соғлиғи, ўзини ўзи ҳурматлаши ва қадр-қимматини таъминлайдиган шароитларда амалга оширилиши лозим.

40-модда

1. Иштирокчи-давлатлар жинойий қонунчиликни бузган деб топилган, қонунни бузишда айбланаётган ёки айбдор деб топилмаётган ҳар бир боланинг унда қадр-қиммат ва аҳамиятга моликлик ҳис-туйғусини тарбиялайдиган, болада инсон ҳуқуқларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва ўзини ўнглаб олиши, жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш истаги ҳисобга олинадиган ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ана шу мақсадларда ва халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларини эътиборга олиб, иштирокчи-давлатлар, жумладан, қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта бола хатти-ҳаракат содир этилган вақтда миллий ёки халқаро ҳуқуқда ман этилмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабабли жинойий қонунчиликни бузган деб топилмаслиги, айбланмаслиги ва айбдор деб топилмаслигини;

б) жинойий қонунчиликни бузган деб ҳисобланаётган ёки уни бузишда айбланаётган ҳар бир бола камида қуйидаги кафолатларга эга бўлиши зарур:

I/ унинг айби қонунга мувофиқ исботлангунча айбсизлик презумпцияси;

II/ унга қарши қўйилаётган айблар ҳақида ўзига, зарурат тузилган тақдирда, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси орқали кечиктирмасдан ва бевосита маълум қилиш ҳамда ўзининг ҳимояси таъйёрлаш ва амалга оширишда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиши;

III/ кўриб чиқиляётган масала юзасидан ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд органи томонидан ишни адолатли тарзда кўриш давомида қонунга мувофиқ равишда адвокат ёхуд бошқа тегишли шахс иштирокида, агар бу боланинг энг яхши манфаатларига зид келади деб ҳисобланмаса, хусусан, унинг ёши ёки ота-онаси ёхуд қонуний васийларининг мавқеи ҳисобга олинган ҳолда ҳеч кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши;

IV/ гувоҳлик кўрсатмаси бериш ёки айбга иқрор бўлишга мажбурлашдан эркинлик; айблаш бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларини ёхуд мустақил равишда, ёхуд бошқа шахслар ёрдамида ўрганиб чиқиш ҳамда ҳимоя гувоҳларининг тенг равишдаги иштироки ва уларнинг кўрсатмаларини ўрганишни таъминлаш;

V/ агар бола жиний қонунчиликни бузган деб ҳисобланса, юқори турувчи ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд томонидан тегишли қарорни ва у билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган ҳар қандай чораларни қонунга мувофиқ равишда такроран кўриб чиқиш;

VI/ агар бола фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, таржимоннинг бепул ёрдам бериши;

VII/ ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида унинг шахсий ҳаётини тўла ҳурмат қилиш.

3. Иштирокчи-давлатлар жиний қонунчиликни бузган деб ҳисобланаётган, қонунбузарликда айбланаётган ёки айбдор деб топилган болаларга бевосита тааллуқли қонунлар, тартиб-қоидалар, органлар ва муассасаларни аниқлашда кўмаклашишга интиладилар, жумладан:

а) жиний қонунчиликни бузишга қодир бўлмаган энг кичик ёшни белгилашга;

б) зарурат туғилган тақдирда ва истак бўлганда, бундай болалар билан муомала қилиш бўйича инсон ҳуқуқи ва ҳуқуқий кафолатларга тўла риоя этилган ҳолда суд муҳокамасидан фойдаланмаслик чора-тадбирларини кўришга.

4. Боланинг фаровонлиги, ҳолати ва жиноятнинг характери га мувофиқ келадиган, муассасалардаги нарваришнинг ўрнини босадиган муомала қилишни таъминлаш мақсадида парвариш, васийлик ва назорат ҳақида қоида, маслаҳат хизматлари, синов муддатини белгилаш, ўқув ва касб-ҳунарга тайёрлаш дастурлари ва нарваришнинг бошқа шакллари мавжуд бўлиши зарурдир.

41-модда

Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса бола ҳуқуқларини амалга оширишга кўп даражада ёрдам берадиган ҳар қандай вазиятга дахл қилмайди ҳамда бундай қоидалар қуйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

а) иштирокчи-давлат қонунчилигида;

б) мазкур давлатга нисбатан амал қилаётган халқаро ҳуқуқ нормаларида.

II ҚИСМ

42-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирли воситалардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг тамойиллари ва қоидалари

ҳақида катта ёшдагиларни ҳам, болаларни ҳам кенг хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

43-модда

1. Иштирокчи-давлатлар томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятлар бўйича эришилган тараққиётни кўриб чиқиш мақсадида қуйида кўзда тутилган вазифаларни адо этадиган Бола ҳуқуқи бўйича қўмита таъсис қилинади.

2. Қўмита ўзининг юксак маънавий фазилатлари ҳамда ушбу Конвенцияда қамраб олинган соҳаларда ваколатли деб эътироф этилган ўн нафар экспертдан иборатдир. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ҳамда улар шахсан иштирок этадилар, бинобарин, адолатли равишда жўғрофий тақсимланишга, шунингдек, бош ҳуқуқий тизимларга эътибор берилади.

3. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатига киритилганлар орасидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланадилар. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасидан битта шахсни кўрсатиши мумкин.

4. Қўмитага дастлабки сайлов ушбу Конвенция кучга кирган кундан эътиборан олти ойдан кечикмасидан, кейин эса ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ҳар бир сайлов кунидан камида тўрт ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой мобайнида ўз номзодларини тақдим этиш таклифи билан хат орқали мурожаат қилади. Сўнгра Бош котиб кўрсатилган барча номзодлар рўйхатини алифбо тартибида иштирокчи-давлатлар номини қайд этган ҳолда тузиб чиқади ҳамда бу рўйхатни ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларига тақдим этади.

5. Сайловлар Бош котиб томонидан чақириладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида иштирокчи-давлатлар кенгашларида ўтказилади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадиган ана шу кенгашларда Қўмита таркибига сайланган деб энг кўп овоз олган ҳамда иштирокчи-давлатларнинг кенгашида иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган вакилларининг мутлақ кўпчилик овозини тўплаган номзодлар ҳисобланадилар.

6. Қўмита аъзолари тўрт йиллик муддатга сайланадилар. Улар номзодлари такроран кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Биринчи сайловларда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди, биринчи сайловдан кейиноқ зудлик билан айнан шу беш аъзо кен-

гаш Раиси томонидан қуръа ташлаш орқали аниқланади.

7. Қўмита аъзоларидан бирортаси вафот этган ёки истеъфога чиққан, ёхуд у қандайдир сабабга кўра Қўмита аъзоси вазифаларини бундан кейин бажара олмай қолган тақдирда ўша Қўмита аъзосини кўрсатган иштирокчи-давлат Қўмита қўллаб-қувватлаши шарти билан қолган муддатга ўз фуқаролари орасидан бошқа эксперт тайинлайди.

8. Қўмита ўзининг тартиб-қоидаларини ўрнатади.

9. Қўмита икки йиллик муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

10. Қўмита сессиялари, одатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида ёки Қўмита ташлаган бошқа ҳар қандай қулай жойда ўтказилади. Қўмита ўз сессияларини, одатда ҳар йили ўтказиши мумкин. Қўмита сессиясининг давом этиши Бош Ассамблея қўллаб-қувватлаши шарти билан ушбу Конвенция иштирокчи-давлатларининг кенгашида аниқлаб қўйилади ва заруратга қараб қайта кўриб чиқилади.

11. Қўмита ўзининг вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ самарали бажариши учун уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби зарур ходимлар ва моддий маблағ билан таъминлайди.

12. Ушбу Конвенцияга биноан таъсис этилган Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан белгилаб қўйилган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маблағлари ҳисобидан Бош Ассамблея тасдиқлаган рағбатлантиришларни оладилар.

44-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали Қўмитага Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида ҳамда ана шу ҳуқуқларини амалга оширишда эришилган тараққиёт ҳақида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) Конвенция кучга кирганидан кейин икки йил мобайнида тегишли иштирокчи-давлат учун;

б) кейинчалик ҳар беш йилда.

2. Ушбу моддага мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи омил ва қийинчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, маърузаларда етарли ахборот ҳам ўз ифодасини топади, токи мазкур мамлакатда Кон-

венциянинг амал қилиши борасида Қўмита тўла тасаввурга эга бўлсин.

3. Қўмитага ҳар томонлама дастлабки муфассал маъруза тақдим этган иштирокчи-давлат ушбу модданинг Iв-бандига биноан тақдим этиладиган кейинги маърузаларда илгари баён қилинган асосий ахборотни такрорлашига зарурат бўлмайди.

4. Қўмита иштирокчи-давлатлардан ушбу Конвенциянинг ба-жарилишига тааллуқли бўлган қўшимча ахборот сўраб олиши мумкин.

5. Қўмита фаолияти тўғрисидаги маърузалар икки йилда бир марта Бош Ассамблеяга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш воситачилигида тақдим этилади.

6. Иштирокчи-давлатлар маърузаларини ўз мамлакатларида кенг ошқора бўлишини таъминлайдилар.

45-модда

Конвенциянинг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш ва ушбу Конвенцияда қамраб олинган соҳалардаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бошқа органлари ушбу Конвенциянинг улар ваколати доирасига кирадиган қоидаларини амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинаётган пайтда вакил юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига агар мақсадга мувофиқ деб топса, уларнинг тегишли ваколат доирасига кирадиган масалаларда Конвенциянинг амалга оширилишига доир экспертлар хулосасини тақдим қилишни таклиф этиши мумкин. Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бошқа органларига ўз фаолият доирасига кирадиган соҳаларда Конвенциянинг амалга оширилиши ҳақида маърузалар тақдим қилишни таклиф этиши мумкин;

б) Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари, Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига, агар мақсадга мувофиқ деб топса, иштирокчи-давлатларнинг техник маслаҳат ёки ёрдам сўралган, ёхуд шунга эҳтиёж кўрсатиб ўтилган ҳар қандай маърузаларини, шунингдек, Қўмитанинг ана шундай илтимос ва ёки кўрсатмаларга доир

фикр-мулоҳаза ва таклифларини, агар улар мавжуд бўлса, қайта йўллайди;

с) Қўмита Бош Ассамблеяга ўз номидан Бош котибга бола ҳуқуқларига тааллуқли алоҳида масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказишни таклиф этишни тавсия қилиши мумкин;

д) Қўмита ушбу Конвенциянинг 44- ва 45-моддаларига мувофиқ олинадиган ахборотга асосланган умумий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин. Умумий аҳамиятга молик бундай таклиф ва тавсиялар манфаатдор ҳар қандай иштирокчи-давлатга олдиндан йўлланади ҳамда иштирокчи-давлатларнинг фикр-мулоҳазалари билан биргаликда, агар мавжуд бўлса, Бош Ассамблеяга маълум қилинади.

III ҚИСМ

46-модда

Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.

47-модда

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши зарур. Ратификация ёрлиқлари сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

48-модда

Ушбу Конвенция унга ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

49-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилган санадан эътиборан ўттизинчи кун ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун йигирманчи ратификация ёрлиғи ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаб қўйишга топширилган санадан эътиборан мазкур Конвенция бундай давлат уни ратификация қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаб қўйишга топширилгандан кейинги ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

50-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат Конвенцияга тузатиш таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Шундан сўнг Бош котиб таклиф этилган тузатишни иштирокчи-давлатларга мана шу таклифларни кўриб чиқиш ва уларни овозга қўйиш мақсадида иштирокчи-давлатларнинг конференциясини чақириш тарафдорими, деган сўров билан қайта йўллайди. Агар мана шундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса, Бош котиб бундай конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти белгиси остида чақиради. Бу конференцияда иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш тасдиқлаш учун Бош Ассамблеяга тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки аксарият қисми қабул қилган тақдирда кучга киради.

3. Тузатиш кучга киргандан кейин у мана шу тузатишни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ҳамда улар қабул қиладиган кейинги ҳар қандай тузатишлар мажбурий ҳисобланади.

51-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби давлатлар томонидан ратификация ёки қўшилиш пайтида билдирилган эътироз матнини қабул қилиб олади ҳамда барча давлатларга юборади.

2. Ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига мос тушмайдиган эътирозга йўл берилмайди.

3. Эътироз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юборилган тегишли билдиришнома йўли билан исталган пайтда олиб ташланиши мумкин, сўнгра Бош котиб бу ҳақда барча давлатларга хабар етказади. Бундай билдиришнома уни Бош котиб қўлга олган кундан бошлаб кучга киради.

52-модда

Ҳар қандай иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишдаги

билдиришнома юбориш асосида бир томонлама бекор қилиши, Бош котиб билдиришномани олганидан кейин бир йил ўтгач, кучга киради.

53-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг сақловчиси этиб тайинланади.

54-модда

Ушбу Конвенциянинг инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча асл нусхаси матнлари тенг бир хилликка эга бўлиб, сақлаб қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

Шуни тасдиқлаш учун қуйида имзо чеккан ваколатли вакиллар ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан шунга етарли даражада вакил қилинган бўлиб, мазкур Конвенцияни имзолайдилар.

ҚИЙНОҚ ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ ЎТА ШАФҚАТСИЗ, ИНСОНИЙЛИККА ЗИД ЎКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ

1984 йил 10 декабр

Ушбу конвенциянинг иштирокчи давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсонлар оиласи ҳамма аъзоларининг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва умумий тинчликнинг асоси деб тан олинганини назарда тутиб,

бу ҳуқуқлар инсонлар шахсиятига мос қадр-қимматдан келиб чиқишини тан олиб,

давлатларнинг Низомга, жумладан, 55-моддага мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ялпи ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига кўмаклашиш мажбуриятларини эътиборга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасини ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 7-моддасини, уларнинг иккаласи ҳеч кимга қийноқ ёки унинг қадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала қилинмаслигини ва жазо берилмаслигини кўзда тутганини ҳисобга олиб,

шунингдек, ҳамма шахсларни қийноқлардан, бошқа ўта шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларацияни ҳисобга олиб,

бутун дунёда қийноқларга ва ўта шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши кураш самарадорлигини оширишни истаб,

қуйидагиларга келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи

шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида, ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс, ёки уларнинг гиж-гижлаши билан, ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситиш асосланган исталган сабаб бўйича атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади. Бу таърифга қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан чиққан оғриқ ёки азоблар кирмайди.

2. Бу модда янада кенгроқ қўллаш тўғрисида қоидалари бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган қандайдир халқаро шартномага ёки қандайдир миллий қонунчиликка зарар етказмайди.

2-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий беқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан қатъий назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3. Юқори турган бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3-модда

Ҳеч қайси иштирокчи давлат қайсидир шахсни бошқа давлатга агар унга у ерда қийноқ қўлланилиши мумкин, деб ўйлашга жиддий асослар мавжуд бўлса, уни жўнатмаслиги, қайтармаслиги (refouler) ёки бермаслиги керак.

2. Шундай асослар мавжудлигини аниқлаш учун ваколатли ҳукуматлар ишга тааллуқли барча ҳолатларни, тегишли ҳолларда мазкур давлатда инсон ҳуқуқларини амалда доим қўпол, жиддий ва оммавий равишда бузишлар мавжудлигини қўшиб, эътиборга оладилар.

4-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айни шу нарса қийноққа ва исталган шахснинг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишлидир.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жиноятлар учун улар-

нинг оғирлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегिशлича жазолар тайинлайди.

5-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қўйидаги ҳолларда унинг 4-моддада кўрсатилган жиноятларга нисбатан суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун зарурлиги мумкин бўлган тадбирлар белгилайди:

а) жиноятлар унинг ҳуқуқий тобелигидаги исталган ҳудудда ёки шу давлатда рўйхатга олинган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида содир қилинган бўлса;

б) тахмин қилинган жиноятчи шу давлатнинг фуқароси бўлса;

с) қурбон шу давлатнинг фуқароси бўлса ва агар мазкур давлат буни мақсадга мувофиқ деб билса;

2. Ҳар бир иштирокчи давлат шунга ўхшаб шундай тадбирлар қабул қиладики, улар тахмин қилинган жиноятчи унинг ҳуқуқий тобелигидаги исталган ҳудудда бўладиган ҳолларда шундай жиноятларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини ўрнатиш учун зарур бўлиб чиқиши мумкин ва у 8-моддага биноан уни ушбу модданинг 1-бандида эслатилган давлатлардан ҳеч қайсига бермайди.

3. Ушбу Конвенция ички қонунларга мувофиқ исталган жиноятни суд қилиш ҳуқуқини амалга оширишни истисно этмайди.

6-модда

1. Унинг ихтиёридаги ахборотни кўриб чиққандан кейин вазиятлар шуни тақозо этишига ишонч ҳосил қилгач, 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда айбланадиган шахс ҳудудида бўлган исталган иштирокчи давлат уни ҳибсга олади ёки унинг шу ерда бўлишини таъминлайдиган бошқа ҳуқуқий чоралар кўради. Ҳибсга олиш ва бошқа ҳуқуқий тадбирлар мазкур давлатнинг қонунлари бўйича амалга оширилади, ammo бу фақат жиноий-процессуал ҳаракатлар ёки бериш бўйича ҳаракат қилиш учун зарур бўлган вақт мобайнида давом этиши мумкин.

2. Бундай давлат дарҳол фактлар бўйича олдиндан текширув ўтказади.

3. Ушбу модданинг 1-бандига асосан ҳибсда бўлган исталган шахсга у фуқароси бўлган давлатнинг энг яқин тегшли вакили билан ёки у фуқаролиги йўқ шахс бўлса, одатда яшаб турган давлатнинг вакили билан кечиктирмай алоқа ўрнатишида ёрдам кўрсатилади.

4. Давлат ушбу моддага биноан қайсидир шахсни ҳибсга олса, 5-модданинг 1-бандида эслатилган давлатларга бундай шахснинг ҳибсдалиги факти тўғрисида ва уни ушлашга сабаб бўлиб хизмат қилган вазиятлар ҳақида кечиктирмай хабар беради. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган олдиндан текширув ўтказадиган давлат олган маълумотлари тўғрисида кечиктирмай юқорида эслатилган давлатларга хабар қилади ва ўзининг суд қилиш ҳуқуқини амалга оширадими ёки йўқми эканлигини кўрсатади.

7-модда

Иштирокчи давлат, агар унинг ҳуқуқий тобелигидаги ҳудудда 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан исталганини содир этишда гумон қилинган шахс топилса ва у 5-моддада кўзда тутилган ҳолларда жиноятчини бермаса, мазкур ишни ўзининг ваколатли ҳукуматларига судда текшириш учун беради.

2. Бу ҳукуматлар жиддий тусдаги оддий жиноят ҳолатида бўлганидек, шу давлат қонунига мувофиқ тарзда қарор қабул қиладилар. 5-модданинг 2-бандида санаб ўтилган ҳолларда судда текшириш ва қоралаш учун зарур исботларга қўйиладиган талаблар ҳеч бир ҳолда 5-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда қўлланиладиганига нисбатан камроқ жиддий бўлмайди.

3. 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан ҳар қайсиси муносабати билан текшириладиган ҳар қайси шахсга ишни кўришнинг ҳамма босқичларида адолатли муомала қилиш кафолатланади.

8-модда

1. 4-моддада кўрсатилган жиноятлар иштирокчи давлатлар ўртасида мавжуд бўлган бериш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритилиши керак деб ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар бундай жиноятларни улар ўртасида тузиладиган бериш тўғрисидаги исталган шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритиш мажбуриятини оладилар.

2. Агар беришни шартнома мавжудлиги билан шарт қилиб қўядиган иштирокчи давлат у бериш тўғрисида ҳеч қандай шартномага эга бўлмаган бошқа иштирокчи давлатдан бериш илтимосини олса, у бундай жиноятларга нисбатан ушбу Конвенцияни бериш учун ҳуқуқий асос сифатида кўриб чиқиши мумкин. Бериш шу ҳақда илтимос билан мурожаат қилинган давлатнинг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа шартларда амалга оширилади.

3. Беришни шартнома мавжудлиги билан шарт қилиб қўймайдиган иштирокчи давлатлар ўзаро муносабат бундай жиноятларни бериш тўғрисида мурожаат қилинган Давлатнинг қонунчилигида кўзда тутилган шартларга мувофиқ беришга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқадилар.

4. Иштирокчи давлатлар ўртасида бундай жиноятлар нафақат содир қилинадиган жойда, балки шу 5-модданинг 1-бандига биноан ўзининг суд қилишни белгилаши лозим бўлган давлатлар ҳудудида ҳам содир қилинган жиноятлардек кўрилади.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар 4-моддада санаб ўтилган жиноятлардан ҳар бирига нисбатан амалга оширилган жиной-процессуал ҳаракатлар муносабати билан бир-бирларига суд текшируви учун улар ихтиёридаги барча мавжуд далиллар берилишини қамраб олувчи энг тўлиқ ёрдам кўрсатадилар.

2. Иштирокчи давлатлар ўз мажбуриятларини шу модданинг 1-бандига биноан улар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ҳар қандай шартномалар бўйича бажарадилар.

10-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат қийноқни таъқиқлашга тегишли ўқув материаллари ва ахборотлар ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг ходимларини, фуқароларга оид ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахсларини ҳамда ҳар қандай шаклда ҳибсга олинган, ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ушлаб туриб, сўроқ қилишга ёки улар билан муомала қилишга муносабат билдириши мумкин бўлган шахсларни тайёрлаш дастурларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди.

2. Ҳар бир иштирокчи давлат бу таъқиқни ҳар қайси шундай шахсларнинг вазифа ва функцияларига оид қоида ёки йўриқномага киритади.

11-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат қандайдир қийноқ ҳолларига йўл қўймаслик учун унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган ҳар бир ҳудудда ҳар қандай шаклда ушланган, ҳибс қилинган ёки қамоққа олинган шахсларни сўроқ қилиш, шунингдек, қамоқда ушлаб туриш ва муомала қилишга тааллуқли қоида, йўриқнома, усул ва амалиётларни мунтазам кўриб чиқади.

12-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган ҳар қайси ҳудудда қийноқ қўлланган деб ўйлашга етарлича асос бўлганда, унинг органлари тез ва холис текширув ўтказишларини таъминлайди.

13-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган исталган ҳудудда қийноқ қўлланилди, деб тасдиқлайдиган ҳар бир шахсга шу давлатнинг ваколатли ҳукуматларига шикоят қилиш ҳуқуқини ҳамда улар томонидан бундай жиноят тез ва холис кўриб чиқилишини таъминлайди. Даъвогар ва гувоҳларни ҳар қандай шакллардаги ёки унинг шикояти ёки ҳар қандай гувоҳлик кўрсатмалари муносабати билан қўрқитишдан ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари кўрилади.

14-модда

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқий тизимида қийноқларнинг қурбони товон олишини ва иложи борича тўлароқ тикланиш учун маблағларни қамраб олувчи, ҳуқуқий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлайди. Қийноқ натижасида қурбон вафот этса, товон олиш ҳуқуқи унинг қарамоғидагиларга берилади.

2. Ушбу моддада ҳеч нарса қурбон ёки бошқа шахсларнинг миллий қонунчиликка кўра мавжудлиги мумкин бўлган ҳар қандай товон олиш ҳуқуқига дахл қилмайди.

15-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат ҳар қандай ариза, агар белгиланганидек, қийноқ остида берилган бўлса, исталган суд текшируви давомида далил сифатида фойдаланмаслигини таъминлайди, у қийноқ содир этишда айбланадиган шахсга қарши ариза берилганининг исботи сифатида фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

16-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган исталган ҳудудда бундай ҳаракатлар давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатида, ёхуд уларнинг гиж-гижлаши ёки кузатуви ё индамай розилик бериши билан чиқадиган бошқа шахс томонидан содир этиладиган 1-моддада бўлган қийноқ таърифиди.

га кирмайдиган муомала беришнинг бошқа ўта шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш мажбуриятини олади. Хусусан, 10-, 11-, 12-ва 13-моддаларда бўлган мажбуриятлар қийноқ тўғрисидаги эслатмалар муомала ва жазонинг бошқа ўта шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи шакллари тўғрисидаги эслатмалар билан алмаштирилган ҳолда татбиқ этилади.

2. Ушбу Конвенциянинг қоидалари ўта шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазони таъқиқловчи ёки бериш ёки чиқариб юборишга тегишли исталган халқаро шартномалар ёки миллий қонунчиликнинг қоидаларига зарар келтирмайди.

II ҚИСМ

17-модда

1. Қийноқларга қарши қўмита (бундан кейин Қўмита дейилади) тузилади, у қуйида назарда тутилган вазифаларни бажаради. Қўмита юксак маънавий фазилатларга эга ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли деб тан олинган ҳамда шахс сифатида эътиборли бўлган ўнта экспертдан иборат. Экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан сайланади, бунда жўгрофий тақсимланишга ҳамда ҳуқуқий тажрибаси бўлган бир нечта шахснинг иштироки мақсадга мувофиқлигига эътибор берилади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслар рўйхати ҳисобидан яширин овоз бериш билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз фуқаролари ҳисобидан битта номзод кўрсата олади. Иштирокчи давлатлар, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга биноан таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг аъзолари бўлган ҳамда Қийноқларга қарши қўмитада ишлаш истагини билдирган шахсларни кўрсатиш мақсадга мувофиқлигини ҳам ҳисобга оладилар.

3. Қўмита аъзолари сайлови Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан икки йилда бир марта чақириладиган иштирокчи давлатлар кенгашида ўтказилади. Кворумини иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми ташкил этадиган ана шу кенгашларда энг кўп овоз ҳамда Конвенция иштирокчи давлатлари вакилларида иштирок этган ва овоз беришда қатнашганларининг мутлоқ кўпчилик овозини олганлар Қўмитага сайланган номзодлар бўлади.

4. Дастлабки сайловлар ушбу Конвенция кучга киритилган санадан бошлаб олти ойдан кечикмай ўтказилади. Навбатдаги сайловлар санасидан ҳеч бўлмаганда тўрт ой аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи давлатларга уч ойлик муддатда уларнинг номзодларини тақдим этиш таклиф қилинган хат жўнатади. Бош котиб тайёрлайдиган рўйхатга алиф-бо тартибида, шу тарзда кўрсатилган шахслар уларни кўрсатган иштирокчи давлатларни кўрсатган ҳолда киритилади, Бош котиб бу рўйхатни иштирокчи давлатларга тақдим этади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар такрор кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш ҳуқуқига эгадир. Аммо дастлабки сайловда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди, дастлабки сайловдан кейин дарҳол шу беш аъзонинг номлари, кенгаш раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади, бу ҳақда ушбу модданинг 3-бандида баён этилади.

6. Қўмита аъзоси вафот этган ёки истеъфога чиққан тақдирда ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра Қўмитадаги вазифаларини бажариш имкони бўлмаганда унинг номзодини таклиф қилган иштирокчи давлат иштирокчи давлатлар аксариятининг маъқуллаши билан қолган муддатга бошқа экспертни тайинлайди. Агар иштирокчи давлатларнинг ярми ёки кўпроги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан тавсия қилинадиган тайинлов тўғрисида ахборот олгандан кейин олти ҳафта ичида салбий жавоб бермаса, номзод маъқулланган ҳисобланади.

7. Иштирокчи давлатлар Қўмита аъзоларининг улар томонидан Қўмитада вазифалари бажарилган даврдаги харажатларини қоплашни ўз зиммаларига оладилар.

18-модда

Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланишлари мумкин.

2. Қўмита ўзининг хусусий тартиб-қоидаларини белгилайди, лекин бу қоидаларда, жумладан, қуйидагилар кўзда тутилмоғи лозим:

а) олти аъзо кворумни ҳосил қилади;

б) Қўмита қарорлари қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита ўз вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ равишда самарали олиб бориши учун зарур ходимлар, шарт-шароит билан таъминлайди.

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита-

нинг биринчи кенгашини чақиради. Ўзининг биринчи кенгашидан кейин Қўмита тартиб-қоидаларда кўзда тутилган вақт оралиғида тўпланиши лозим.

5. Иштирокчи давлатлар уларнинг ва Қўмитанинг кенгашларини ўтказиш муносабати билан юзага келадиган харажатларни қоплашни ушбу модданинг 3-бандига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таъминланадиган ходимларга ҳақ тўлаш ва шарт-шароитларни таъминлаш каби ҳар қандай харажатлар қопланишини қўшиб ўз зимасига олади.

19-модда

1. Иштирокчи давлатлар Қўмитага ушбу Конвенцияга биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали улар томонидан уларнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан ушбу Конвенция тегишли иштирокчи давлат учун амалга киритилгандан кейин бир йил мобайнида қабул қилинган тадбирлар тўғрисида маърузалар тақдим қилади. Шундан кейин иштирокчи давлатлар тўрт йилда бир марта ҳар қандай қабул қилинган янги тадбирлар тўғрисида қўшимча маърузаларни, шунингдек, сўраши мумкин бўлган бошқа маърузаларни тақдим қилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу маърузаларни барча иштирокчи давлатларга жўнатади.

3. Ҳар бир маъруза Қўмита томонидан кўриб чиқилади, у ўзи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган маъруза юзасидан умумий тартибда мулоҳазалар қилиши мумкин, кейин уларни тегишли иштирокчи давлатга жўнатади.

Мазкур иштирокчи давлат Қўмитага жавоб тариқасида ўринли деб ҳисоблайдиган исталган мулоҳазаларни бериши мумкин.

4. Қўмита ўз хоҳишича, 24-моддага биноан тайёрланадиган ўзининг йиллик маърузасига у томондан ушбу модданинг 3-бандига биноан қилинган исталган мулоҳазаларни улар бўйича тегишли иштирокчи давлатдан олинган мулоҳазалар билан киритиши мумкин. Тегишли иштирокчи давлат илтимосига кўра Қўмита, шунингдек, ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ тақдим қилинган маъруза нусхасини ҳам киритиши мумкин.

20-модда

1. Агар Қўмита олган тўғри ахборотда, унинг фикрича, қайсидир иштирокчи давлат ҳудудида қийноқлар мунтазам қўлланилгани тўғрисида тўлиқ асосли маълумотлар бўлса, унда у ушбу иштирокчи давлатга шу ахборотни кўриб чиқишда ҳамкорлик қилишни ҳамда шу мақсадда ўзининг мазкур ахборотга нисбатан

мулоҳазаларини билдиришни таклиф қилади.

2. Тегишли иштирокчи давлат тақдим этадиган ҳар хил мулоҳазаларни, шунингдек, унинг ихтиёридаги ишга алоқадор бошқа исталган ахборотларни ҳисобга олган ҳолда Қўмита, агар у шуни мақсадга мувофиқ деб топса, махфий равишда текшириш ўтказиш ва Қўмитага шошилиш равишда тегишли маълумотни бериш учун ўзининг бир ёки бир неча аъзоларини тайинлаши мумкин.

3. Агар ушбу модданинг 2-бандига биноан текширув ўтказилса, Қўмита тегишли иштирокчи давлат билан ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Шу иштирокчи давлат розилиги билан бундай текширув унинг ҳудудига бориб кўришни назарда тутиши мумкин.

4. Шу модданинг 2-бандига мувофиқ ана шу текширув аъзоси ёки аъзолари томонидан тақдим қилинган текширув натижалари кўриб чиқилгандан кейин Қўмита тегишли иштирокчи давлатга бу натижаларни шу вазиятда мақсадга мувофиқ деб топиладиган исталган мулоҳазалар ёки таклифлар билан қўшиб жўнатади.

5. Қўмитанинг ушбу модданинг 1-4-бандларида эслатилган бутун иши махфий тусдадир ва бу ишнинг ҳамма босқичларида иштирокчи давлат билан ҳамкорлик қилишга интилиш лозим. 2-бандга биноан ўтказилган текширув бу иш тутагач, Қўмита тегишли иштирокчи давлат билан маслаҳатлашгандан кейин шу иш натижалари тўғрисида қисқача ҳисоботни 24-моддага асосан тайёрланадиган ўзининг ҳар йилги маълумотида киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

21-модда

1. Ушбу моддага мувофиқ мазкур Конвенциянинг ҳар қандай иштирокчи давлати исталган вақтда у Қўмитанинг бир иштирокчи давлатнинг бошқа иштирокчи давлат ўзининг ушбу Конвенция бўйича вазифаларини бажармаётганлиги тўғрисидаги хабарларини олиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини билдириши мумкин. Бундай хабарлар ушбу моддада баён қилинган тартиб-қоидаларга мувофиқ фақатгина улар ўзига нисбатан Қўмита ваколатини тан олгани тўғрисида ариза берган иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган ҳолдагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Қўмита ушбу модда бўйича ахборотларни, агар улар бундай ариза бермаган иштирокчи давлатга тегишли бўлса, кўриб чиқмайди. Бу моддага кўра олинган хабарлар қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

а) агар қайсидир иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлат ушбу Конвенция қоидаларини бажармаётир, деб ҳисобласа, унда бу ҳақда шу масала ҳақида кўрсатилган иштирокчи давлатга ёзма хабар қилиши мумкин. Шу хабарни олгандан кейин уч ой мобайнида уни олган давлат ёзма равишда шундай хабар жўнатган давлатга тушунтириш ёки бошқа ариза тақдим қиладики, унда қанчалик мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлса, шу масала юзасидан қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб ва тадбирлар кўрсатилмоғи лозим;

б) агар дастлабки хабар оладиган давлат томонидан олингандан кейин олти ой мобайнида масала иккала тегишли иштирокчи давлатни қондириш тарзида ҳал этилмаса, шу давлатлардан ҳар қайсиси бу масалани Қўмитага бериб, бу ҳақда Қўмита ва бошқа давлатга билдириб қўйиши мумкин;

с) Қўмита унга ушбу моддага биноан берилган масалани фақатгина у ҳамма иложи бор ички чоралар кўрилгани ҳамда мажбурият қолда умум томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тутагани ҳақида ишонч ҳосил қилганидан сўнг қараб чиқади. Бу қоида шу тадбирларни кўллаш асоссиз чўзилиб кетган ёки ушбу Конвенция бузилишининг қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам кўрсатиши даргумон бўлган ҳолларда ҳаракат қилмайди;

д) ушбу модда бўйича ахборотларни кўриб чиққанда Қўмита ёпиқ мажлислар ўтказади;

е) Қўмита «с» банддаги қоидаларга риоя этган ҳолда тегишли иштирокчи давлатларга масалани ушбу Конвенцияда кўзда тутилган мажбуриятларини ҳурмат қилиш асосида дўстона ҳал этиш мақсадида яхши хизматлар кўрсатади. Шу мақсадда Қўмита зарурат бўлганда махсус келишув комиссиясини таъсис қилиши мумкин;

ф) ушбу моддага мувофиқ ўзига берилган ҳар қандай масала бўйича Қўмита «б» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлардан ишга тааллуқли исталган ахборотни беришларини сўраши мумкин;

д) «б» бандда эслатилган тегишли иштирокчи давлатлар Қўмитада масалани кўриб чиқишда вакил орқали қатнашишлари ва оғзаки ва (ёки) ёзма равишда фикр билдиришлари мумкин.

һ) Қўмита билдиришнома олган кундан ўн икки ой мобайнида «б» бандга мувофиқ қуйидаги ҳолларда ахборотнома тақдим этади:

1) агар «е» банд қоидалари доирасида ечимга эришилса, унда

Қўмита ўз ахборотида фактларни ва эришилган ечимни қисқача баён этиш билан чегараланади;

II) агар «е» банд қоидалари доирасида ечимга эришилмаса, Қўмита ўз ахборотида фактларни қисқача баён этиш билан чегараланади; тегишли иштирокчи давлатлар томонидан тақдим этилган ёзма тақдимотлар ва оғзаки аризаларнинг қайди ахборотга илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича ахборот тегишли иштирокчи давлатларга жўнатилади.

2. Ушбу модданинг қоидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи давлати шу модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганида амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади, Бош котиб уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза, Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш орқали, исталган вақтда чақириб олиниши мумкин. Аризани бундай чақириб олиш ушбу моддага мувофиқ аввал ўтказиб бўлинган ахборот мавзуи бўлган ҳар қандай масалани кўриб чиқишга зарар етказмаслиги керак; ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай иштирокчи давлатнинг ҳеч қандай кейинги ахборотлари, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаган бўлса Бош котибга аризанинг чақириб олиниши тўғрисида билдирилгандан кейин қабул қилинмайди.

22-модда

1. Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлати исталган вақтда ушбу моддага мувофиқ унинг ҳуқуқий тобелигида бўлган шахсларнинг иштирокчи давлат томонидан Конвенция қоидаларини бузиш қурбонлари бўлганликларини ёки улар номидан тушадиган шундай тусдаги ахборотларни тасдиқлайдиган хабарларини олиш ва кўриб чиқишга Қўмита ваколатини тан олиши тўғрисида баёнот бериши мумкин. Шундай баёнот бермаган иштирокчи давлатга тааллуқли бўлган ҳар қандай ахборотларни Қўмита қабул қилмайди.

2. Қўмита ушбу моддага биноан аноним бўлган ёки унинг фикрича, шундай хабарларни берип ҳуқуқини суистеъмол қилган ёки ушбу Конвенция қоидаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай ахборотни номақбул деб ҳисоблайди.

3. Қўмита 2-бандни ҳисобга олган ҳолда ушбу моддага мувофиқ равишда унга берилган ахборотни 1-бандга кўра баёнот берган ва гўёки Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини бузаётган ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатига маълум қилади. Ах-

боротни олган давлат олти ой мобайнида Қўмитага масалани ва шу давлат томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай тадбирларни аниқлаштирадиган ёзма тушунтириш ёки ариза тақдим этади.

4. Қўмита ушбу моддага мувофиқ олинган хабарларни унга мазкур шахс томонидан ёки унинг номидан ва тегишли иштирокчи давлат томонидан тақдим этилган бутун ахборотлар асосида кўриб чиқади.

5. Қўмита агар у қуйидагиларга амин бўлмаса, ушбу моддага кўра қандайдир шахсдан олинган ҳеч бир ахборотни кўриб чиқмайди:

а) худди шу масала халқаро тергов ёки бартараф этиш бўйича қайсидир бошқа маросимда кўриб чиқилмаган ва кўриб чиқилмапти;

б) мазкур шахс мавжуд ички ҳуқуқ ҳимоясининг барча чораларини тугатган; бу ҳолида шу тадбирларни қўллаш асоссиз чўзиладиган ёки шу Конвенцияни бузиш қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам бериши гумон саналган ҳолларда ҳаракат қилмайди.

6. Ушбу модда бўйича ахборотларни кўриб чиққанда Қўмита ёпиқ мажлислар ўтказади.

7. Қўмита тегишли иштирокчи давлат ва мазкур шахсга ўз фикрларини билдиради.

8. Ушбу модданинг ҳолидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи давлати бу модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганда амалга киритилади. Бундай аризалар иштирокчи давлатлар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади, у уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатади. Ариза исталган вақтда Бош котиб номига билдиришнома жўнатиш воситасида чақириб олиниши мумкин. Аризани бундай чақириб олиш ушбу моддага биноан берилиб бўлинган ахборот мавзуи саналган исталган масалани кўриб чиқишга зарар келтирмаслиги лозим; ҳар қандай шахс томонидан ёки унинг номидан жўнатиладиган ҳеч қандай кейинги хабарлар ушбу моддага мувофиқ, Бош котиб томонидан аризани чақириб олиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин, агар тегишли иштирокчи давлат янги ариза бермаса, қабул қилинмайди.

23-модда

Қўмита ва 21-модда 1-бандининг «е» кичик бандига биноан тайинланиши мумкин бўлган келишув комиссияларининг аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва им-

мунитетлар тўғрисида Конвенциясининг тегишли бўлимларида кўзда тутилганидек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти топшириги бўйича ишлайдиган экспертларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳуқуқига эгадирлар.

24-модда

Қўмита иштирокчи давлатларга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ушбу Конвенцияга биноан ўз иши тўғрисида йиллик маъруза тақдим қилади.

III ҚИСМ

25-модда

1. Ушбу Конвенция ҳамма давлатлар томонидан имзоланишга очиқдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилади.

26-модда

Ушбу Конвенция ҳамма давлатларнинг қўшилиши учун очиқдир. Бундай қўшилиш қўшилганлик тўғрисида ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилганининг ўттизинчи куни амалга киритилади.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёки ўнта йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжат топширилгандан кейин қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжати сақлаш учун топширилган санадан кейин ўттизинчи куни амалга киритилади.

28-модда

1 Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида у йигирманчи моддада белгиланган Қўмита ваколатини тан олмаслиги мумкин.

2 Ушбу модданинг биринчи бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилиб, исталган вақтда ўз изоҳини олиб ташлаши мумкин.

29-модда

1. Ушбу Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар қайси давлат тузатиш таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби кейин таклиф қилинган тузатишни иштирокчи давлатларга шу таклифни кўриб чиқиш ҳамда у бўйича овоз беришни ўтказиш мақсадида иштирокчи давлатлар конференциясини чақиришга улар тарафдор ёки тарафдор эмаслигини унга билдиришни илтимос қилиб жўнатади. Агар бундай хат жўнатилган санадан сўнг тўрт ой давомида иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияга тарафдорлигини билдирса, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида конференция чақиради. Шу конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этган иштирокчи давлатларнинг аксарияти томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан ҳамма иштирокчи давлатларга тасдиқлаш учун берилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди бўйича қабул қилинган тузатиш ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатларидан учдан икки қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ўзининг конституцион тартибларига мувофиқ улар томонидан мазкур тузатиш қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилгандан кейин амалга киритилади.

3. Тузатишлар амалга киритилгач, улар ўпаларни қабул қилган иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлиб, бошқа иштирокчи давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ва улар томонидан қабул қилинган тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

30-модда

1. Ушбу Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш хусусидаги икки ёки кўпроқ иштирокчи давлатлар ўртасидаги музокаралар йўли билан бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай баҳс улардан бирининг илтимоси бўйича арбитражга берилади. Агар арбитраж тўғрисида илтимос қилингандан сўнг ўтган олти ой мобайнида томонлар арбитраж ташкил этиш тўғрисида битимга келиш ҳолатида бўлмасалар, томонлардан бирининг илтимоси

бўйича баҳс Халқаро суд мақомига биноан Халқаро судга ўтказилиши мумкин.

2. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаганда, ратификация қилганда ёки унга қўшилганда у ўзини ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмаган, деб ҳисоблагани тўғрисида маълум қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар шундай изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмайдилар.

3. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдириб қўйиб, исталган пайтда ўз шарҳини олиб ташлаши мумкин.

31-модда

1. Ҳар қайси иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар бериш йўли билан бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш Бош котиб томонидан билдиришнома олингандан кейин бир йил ўтгач амалга киради.

2. Бундай бекор қилиш иштирокчи давлатни ушбу Конвенция бўйича уни бекор қилиш амалга киритилган санага дахлдор бўлган ҳар қандай ҳаракат ёки нуқсон учун жавобгарликлардан озод қилмайди ва бекор қилиш Қўмита томонидан бекор қилиш амалга киритилган санагача кўриб чиқилган исталган саволнинг давом этаётган кўриб чиқишига ҳеч қанақа зарар етказмайди.

3. Қайсидир иштирокчи давлат учун бекор қилиш кучга киритилган санадан кейин Қўмита мазкур давлатга тегишли янги масалаларни кўриб чиқишга киришмайди.

32-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлган барча давлатларга, ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларга қуйидаги маълумотларни хабар қилади:

а) 25- ва 26-моддаларга биноан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;

б) 27-моддага биноан ушбу Конвенцияни амалга киритиш ва 9-моддага биноан исталган тузатишларни амалга киритиш санаси тўғрисида;

с) 31-моддага биноан бекор қилиш тўғрисида.

33-модда

1. Инглизча, арабча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари бир хил аутентик бўлган ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини барча давлатларга жўнади.

ИРҚИЙ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ

1966 йил 7 март

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ҳар бир инсонга хос қадр-қиммат ва тенглик принципларига асосланган ва Ташкилот аъзолари бўлган барча давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма учун ирқи, жинси, тили ёки динини фарқ қилмай, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этишдан иборат мақсадларидан бирига эришиш учун бутун халқ ҳурмат-эътиборини рағбатлантириш ва ривожлантириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда, биргаликда ва мустақил ҳаракатлар қилишга аҳд қилган ҳисоблаб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамма одамлар озод ва ўз қадр-қимматида тенг туғиладилар ва ҳар бир инсон ирқи, тана ранги ёки миллий келиб чиқиши бўйича ҳеч қандай тафовутларни ажратмай, унда эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши керак, деб эълон қилганини ҳисобга олиб,

қонун олдида ҳамма одамлар тенг ҳамда ҳар қандай камситиш ва ҳар қанақа камситишга гиж-гижлашдан қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар, деб ҳисоблаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, мустамлакачилик ва у билан боғланган ҳар қандай сегрегация ва дискриминация амалиётини, у қаерда ва қандай шаклда намоён бўлмасин, қоралагани ва Бош Ассамблеянинг 1960 йил 14 декабрдаги (1514/XV/резолүцияси) Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияси буларнинг ҳаммасига ҳеч кечиктирмай ва сўзсиз чек қўйиш лозимлигини тасдиқлагани ва тантанали эълон қилганини ҳисобга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1963 йил 20 ноябрдаги (Бош Ассамблеянинг 1904/XVIII/резолүцияси) Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида Декларацияси бутун дунёда ирқий камситишни унинг ҳамма шакллари ва кўри-нишларини тезлик билан тугатиш ва инсон шахсининг қадр-қиммати тушунилиши ва ҳурмат қилинишини таъминлаш зарурлигини тантанали равишда тасдиқлашини ҳисобга олиб,

ирқий тафовутга асосланган ҳар қандай устунлик назарияси илмий жиҳатдан сохталигига, маънавий жиҳатдан номуносиблигига ва ижтимоий жиҳатдан адолатсиз ва хавфлиликка ҳамда

ирқий камситишни қаерда бўлмасин - хоҳ назарияда, хоҳ амалиётда - оқлаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб,

одамларни ирқи, тана ранги ёки этник келиб чиқиш белгиси бўйича камситиш миллатлар ўртасида дўстона ва аҳил муносабатларга тўсиқ бўлишини ҳамда халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, айни бир давлат ичида шахсларнинг уйғун тинч-тотув яшаши бузилишига олиб келиши мумкинлигини тасдиқлаб,

ирқий тўсиқлар мавжудлиги ҳар қандай инсоний жамият идеалларига зид эканлигига ишонч ҳосил қилиб,

дунёнинг баъзи ҳудудларида ҳамон кузатилаётган ирқий камситиш кўринишларидан, ирқий жиҳатдан устунлик ёки ирқий душманлик принципига асосланган давлат сиёсатидан, масалан, апартеид, сегрегация ёки ажратиб сиёсатидан ташвишланиб,

ирқий камситишни унинг барча шакллари ва кўринишларида тез орада тугатиш ҳамда ирқлар ўртасида ўзаро тушунишга кўмаклашиш ва ирқий сегрегация ва ирқий камситишнинг барча шаклларида холи халқаро ҳамжамият тузиш мақсадида ирқий назария билан уни амалга ошириш амалиётининг олдини олиш ва тугатиш юзасидан бутун зарур чоралар кўриш аҳдига тўлиб-тошиб,

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1958 йилда тасдиқланган Ишга ёллаш ва меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1960 йилда таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тасдиқланган Таълим соҳасида камситишга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни инобатга олиб,

Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Декларациясида баён этилган принципларни амалга оширишни ва шу мақсадга эришиш учун тезда амалий тадбирлар ўтказишни таъминлашни ис-таб,

қуйидагиларга келишиб олди:

I ҚИСМ

1-модда

1. Ушбу Конвенцияда «ирқий камситиш» ибораси ирқ, тана ранги, уругчилик, миллий ёки этник келиб чиқиш белгиларига асосланган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки ижтимоий ҳаётнинг исталган бошқа соҳаларида тенг асосларда инсон

ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқотиш ёки камситишни мақсад ёки натижа биладиган ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликни англатади.

2. Ушбу Конвенция унинг иштирокчи давлатлари фуқаролар ва нофуқаролар ўртасида ўтказадиган ёки қиладиган тафовутларга, истисноларга, чеклашларга ёки устунликларга нисбатан қўлланилмайди.

3. Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса иштирокчи давлатлар қонунчилигининг миллий мансублик, фуқаролик ёки натурализацияга тааллуқли қоидаларига қандайдир даражада таъсир этувчи сифатида шарҳланмаслиги керак, агар бундай қарорларда қайсидир муайян миллатга нисбатан камситиш ўтказилмаган бўлса.

4. Ҳимояга муҳтож айрим ирқий ёки этник гуруҳларни ёки алоҳида шахсларни лозим тараққиёт билан таъминлаш мақсадида алоҳида фавқулодда тадбирлар қабул қилиш, шундай гуруҳлар ёки шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланишларини таъминлаш учун зарур ҳимоя тадбирлари сифатида ирқий камситиш деб кўрилмайди, лекин бунда шундай тадбирлар турли ирқий гуруҳлар учун алоҳида ҳуқуқлар сақлашни натижа қилиб қўймаслиги ва улар нима мақсадда жорий қилинган бўлса, шуларга эришгандан кейин кучида қолдирилмайдиган бўлиши шарт.

2-модда

1. Иштирокчи давлатлар ирқий камситишни қоралайдилар ва иложи бор барча усуллар билан шошилиш равишда ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш сиёсатини ўтказиш ҳамда ҳамма ирқлар ўзаро тушунишига кўмаклашиш мажбуриятини оладилар ва шу мақсадда:

а) ҳар бир иштирокчи давлат шахслар, гуруҳлар ёки муассасаларга нисбатан ирқий камситиш билан боғланган қандайдир хатти-ҳаракат қилмасликка ҳамда умумдавлат ва маҳаллий поғоналарда барча давлат органлари ва давлат муассасалари шу мажбуриятга биноан ҳаракат қилишини кафолатлашни зиммасига олади;

б) ҳар бир иштирокчи давлат қайсидир шахслар ёки ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ирқий камситишни рағбатлантирмаслик, ҳимоя қилмаслик ва қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини олади;

с) ҳар бир иштирокчи давлат ҳукумат сиёсатини миллий ва маҳаллий кўламда қайта кўриб чиқиш, шунингдек, ирқий кам-

ситиш мавжуд бўлган ҳамма жойда унинг пайдо бўлишига ёки абадийлаштирилишига олиб келадиган исталган қонун ва қарорларни тузатиш, тўхтатиш ёки бекор қилиш учун самарали тадбирлар қабул қилиши керак;

д) ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма тегишли воситалардан, шу жумладан, қонунчилик тадбирларидан фойдаланиб, вазиятга қараб, ҳар қандай шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан олиб бориладиган ирқий камситишни таъқиқлаши ва унга чек қўйиши керак;

е) ҳар бир иштирокчи давлат ирқий тўсиқларни йўқотишга йўналтирилган бошқа тадбирлар қаторида, зарур ҳолларда кўп ирқий ташкилотлар ва ҳаракатларни рағбатлантириш, улардан ирқий жиҳатдан ажратишни чуқурлаштиришга кўмаклашадиганини қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини олади.

2. Иштирокчи давлатлар вазият талаб қилганда айрим ирқий гуруҳлар ёки шу гуруҳларга мансуб шахсларни лозим даражада ривожлантириш ва ҳимоялаш мақсадида ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда алоҳида аниқ тадбирлар қабул қилишлари керак, токи уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўла ва тенг фойдаланишлари кафолатлансин. Бундай тадбирлар ҳеч қайси ҳолатда оқибатда улар жорий қилинадиган мақсадга эришилгандан кейин турли ирқий гуруҳлар учун тенгсиз ёки алоҳида ҳуқуқларнинг сақланиб қолишига олиб келмаслиги керак.

3-модда

Иштирокчи давлатлар ирқий сегрегация ва апартеидни, айниқса, қоралайдилар ҳамда уларнинг ҳуқуқий тобелигида бўлган ҳудудларда шундай тусдаги ҳар қандай амалиётни огоҳлантириш, таъқиқлаш ва йўқотиш мажбуриятини оладилар.

4-модда

Иштирокчи давлатлар бир ирқ ёки муайян тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гуруҳининг устунлиги гоёлари ёки назарияларига асосланган ёки қандай шаклда бўлмасин, ирқий нафрат ва камситишни оқлаш ёки рағбатлантиришга уринадиган ҳар қандай тарғиботни ва барча ташкилотларни қоралайдилар ҳамда шундай камситишни ёки камситиш ҳаракатларини ҳар қанақасига гижгижлашни тугатишга қаратилган шошилинич ва ижобий тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини оладилар ва шу мақсадда улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси принципларига ҳамда ушбу Конвенциянинг 5-моддасида аниқ баён

этилган қондаларга биноан, бошқалар қаторида:

а) ирқий устуғлик ёки нафратга асосланган ғояларни ҳар қанақасига ёйишни, ирқий камситишни ҳар қанақасига гижгижлашни, шунингдек, исталган ирқ ёки бошқа тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гуруҳига қарши қаратилган ҳамма зўравонлик ҳаракатлари ёки уларни гижгижлашни, шунингдек, маблағ билан таъминлашни қўшиб ирқчилик фаолиятини ўтказиш учун ҳар қандай ёрдам кўрсатишни қонунга биноан жазоланадиган жиноят деб эълон қиладилар;

б) ирқий камситишни рағбатлантирадиган ва уни гижгижлайдиган ташкилотларни, шунингдек, уюшган ва ҳар қандай бошқа тарғибот фаолиятини қонунга қарши деб эълон қиладилар ва тақиқлайдилар ҳамда шундай фаолиятда қатнашишни қонун билан жазоланадиган жиноят деб тан оладилар;

с) давлат ҳокимиятининг миллий ёки маҳаллий органларига ёки давлат муассасаларига ирқий камситишни ёки уни гиж-гижлашни рағбатлантиришга рухсат этмайдилар.

5-модда

Ушбу Конвенциянинг 2-моддасида баён этилган асосий мажбуриятларга мувофиқ, иштирокчи давлатлар ирқий камситишни унинг барча шаклларида тақиқлаш ва йўқотишга ҳамда ҳар бир одамнинг ирқи, тана ранги, миллий ёки этник насабидан қатъий назар, айниқса, қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга нисбатан қонун олдида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) суд олдида ва одил судловни амалга оширадиган бошқа органлар олдида тенглик ҳуқуқлари;

б) ҳукумат мансабдор шахслари, худди шунингдек, қандайдир алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки муассасалар томонидан етказиладиган зўравонлик ёки жисмоний шикастланишлардан давлат томонидан шахсий хавфсизлик ва ҳимояни таъминлаш ҳуқуқи;

с) сиёсий ҳуқуқлар, шу жумладан, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқида сайловда қатнашиш, овоз бериш ва ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқи, мамлакат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, ҳар қандай даражадаги давлат ишларига раҳбарликда бўлганидек, худди шунингдек, давлат хизматига теппа-тенг кириш ҳуқуқи;

д) бошқа фуқаролик ҳуқуқлари, жумладан:

i) давлат чегараларида кўчиш ва яшаш эркинлиги ҳуқуқи;

ii) ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқи;

- iii) фуқаролик ҳуқуқи;
- iv) никоҳга кириш ва жуфтани танлаш ҳуқуқи;
- v) ҳам танҳо, ҳам бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик ҳуқуқи;
- vi) мерос олиш ҳуқуқи;
- vii) фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи;
- ix) тинч йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги ҳуқуқи;
- e) иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлар, жумладан:

i) меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитлари, тенг меҳнат учун баравар ҳақ олиш, адолатли ва қониқарли рағбатлантириш ҳуқуқи;

ii) касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи;

iii) уй-жой ҳуқуқи;

iv) соғлиқни сақлаш, тиббий ёрдам, ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳуқуқи;

v) таълим ва касбий тайёргарлик ҳуқуқи.

vi) маданий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқи;

f) транспорт, меҳмонхона, ресторанлар, кафе, театрлар ва оромгоҳлар сингари фойдаланишга мўлжалланган исталган жойга ёки исталган хизмат кўрсатиш турига кириш ҳуқуқи.

6-модда

Иштирокчи давлатлар ўзининг юридик ҳуқуқи тарқаладиган ҳар бир одамга ушбу Конвенцияни бузиб инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, шунингдек, ҳуқуқларига қасд қилинганда ирқий камситишнинг ҳар қандай ҳаракатлари содир этилган ҳолда вақолатли миллий судлар ва бошқа давлат институтлари орқали самарали ҳимояни ҳамда ҳимоя воситаларини, шунингдек, шу судларга бундай камситиш оқибаотида етказилган ҳар қандай зарар учун адолатли ва тенг ундириш ёки қондириш тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқларини таъминлайди.

7-модда

Иштирокчи давлатлар, жумладан, ўқитиш, тарбиялаш, маданият ва ахборот соҳасида ирқий камситишга қарши кураш, миллатлар ва ирқий ёки этник гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, сабр-чидамлик ва дўстликни рағбатлантириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Декларацияси ва ушбу Конвенция мақсадлари

ва принципларини оммалаштириш мақсадида кечиктириб бўлмай-
диган ва самарали тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини ола-
дилар.

II ҚИСМ

8-модда

1. Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) тузилиб, у юксак маънавий фазилатларга эга ва одил деб тан олинган, иштирокчи давлатлар томонидан ўз фуқаролари ҳисобидан сайланадиган ўн саккиз экспертдан иборат бўлиши, улар ўз вазифаларини шахс сифатида бажаришлари лозим, бунда адолатли жўғрофий тақсимотга ва цивилизацияларнинг турли шаклларида, шунингдек, асосий ҳуқуқий тизимлардан вакиллар бўлишига эътибор берилади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан кўрсатилиб, рўйхатга киритилган шахслар ҳисобидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз фуқаролари ҳисобидан бир шахсни кўрсатиши мумкин.

3. Даствлабки сайлов ушбу Конвенция кучга киритилгандан кейин олти ой ўтгач ўтказилади. Ҳар гал камида сайлов бўладиган санадан уч ой аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи давлатларга хат билан мурожаат қилиб, ўзлари кўрсатадиган шахсларни икки ой мобайнида тақдим этишларини илтимос қилади. Бош котиб тайёрлайдиган рўйхатда алифбо тартибида шундай тарзда кўрсатилган шахслар киритилган бўлади ва унда уларни кўрсатган иштирокчи давлатлар қайд этилади. Бош котиб бу рўйхатни Конвенциянинг иштирокчи давлатларига беради.

4. Қўмита аъзоларини сайлаш Бош котиб томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида чақириладиган Конвенциянинг иштирокчи давлатлари мажлисида ўтказилади. Иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадиган шу мажлисда энг кўп овоз олган ҳамда овоз беришда иштирок этадиган ва қатнашадиган Конвенция иштирокчи давлатлари вакилларининг мутлақ кўпчилик овозини олган номзодлар Қўмита аъзолари этиб сайланган бўладилар.

5. а) Қўмита аъзолари тўрт йилга сайланади. Бироқ давслабки сайловда сайланадиган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди; давслабки сайловдан кейин дарҳ-

ол шу тўққиз аъзонинг номлари Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади.

б) Кутилмаган вакансияларни тўлдириш учун эксперти бундан буён Қўмита аъзоси бўлмаган Конвенциянинг иштирокчи давлати Қўмита маъқуллаган тақдирда ўз фуқаролари ҳисобидан бошқа эксперт тайинлайди.

6. Иштирокчи давлатлар Қўмита аъзолари томонидан ўз вазифаларини бажариш давридаги харажатларининг ўрнини қоплаш учун жавобгардир.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун ушбу Конвенция қоидалари амалга оширилишига кўмаклашиш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа тадбирлар тўғрисида маълумот бериш мажбуриятини оладилар:

а) шу давлат учун ушбу Конвенция кучга киритилишидан кейин бир йил мобайнида; ва

б) шундан кейин ҳар икки йилда ва ҳар гал, Қўмита шуни талаб қилганда, Қўмита Конвенциянинг иштирокчи давлатларидан қўшимча ахборот сўраб олиши мумкин.

2. Қўмита ҳар йил Бош котиб орқали бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ўз фаолияти ҳақида маълумот беради ҳамда Конвенциянинг иштирокчи давлатларидан олинган маълумот ва ахборотларни ўрганишга асосланган таклифлар ва умумий тавсиялар бериши мумкин. Шундай таклифлар ва умумий тавсиялар Ассамблеяга Конвенция иштирокчи давлатларининг мулоҳазалари билан, агар улар бўлса, хабар қилинади.

10-модда

1 Қўмита ўзининг тартиб қоидаларини белгилайди.

2 Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди.

3 Қўмита котибияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан таъминланади.

4 Қўмита мажлислари одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида ўтказилади.

11-модда

1. Агар қайсидир иштирокчи давлат бошқа иштирокчи давлат Конвенциянинг қоидаларини бажармаяпти, деб ҳисобласа у бу ҳақда Қўмитага маълум қилиши мумкин, Қўмита кейин бу

хабарни манфаатдор иштирокчи давлатга етказади. Уч ой мобайнида билдиришнома олган давлат шу масала ҳамда шу давлат томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган тадбирларни ёритувчи ёзма тупшунтириш ёки аризаларни Қўмитага беради.

2. Агар масала шундай давлат томонидан билдиришнома олингандан кейин олти ой мобайнида икки томонлама музокаралар ёки қандайдир уларга қулай бошқа йўл билан иккала томонни қониқтириб бартараф этилмаса, унда ана шу икки давлатдан исталгани шу масалани Қўмитани, шунингдек, бошқа давлатни тегишлича хабардор қилиш йўли билан кўриб чиқиш учун Қўмитага бериш ҳуқуқига эга.

3. Қўмита унга берилган масалани ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ умумий тан олинган халқаро ҳуқуқ принципларига биноан ҳуқуқий ҳимоянинг ҳамма қулай ички воситалари синаб кўрилди ва мана шу ҳолда тугади, деб белгилангандан кейин кўриб чиқади. Бу ҳолида шу воситаларни қўллаш ниҳоятда чўзилиб кетганида ҳаракат қилмайди.

4 Қўмита унга кўриб чиқиш учун берилган ҳар қандай масала бўйича манфаатдор иштирокчи давлатларга ишга тааллуқли исталган ахборот тақдим этишларини таклиф қилиши мумкин.

5. Агар ушбу модда қоидаларидан келиб чиқадиган қандайдир масалани Қўмита кўриб чиқаётган бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатлар ўз вакилларини мажлисларда иштирок этиш учун юборишга ҳуқуқлари бор, лекин ушбу масалани муҳокама этишда улар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

12-модда

1. а) Қўмита у лозим деб ҳисоблайдиган бутун ахборотни олиб пухта текширгандан кейин раис Қўмита аъзолари бўла оладиган ёки бўла олмайдиган беш кишидан иборат таркибда махсус Келишув комиссиясини /бундан кейин Комиссия деб аталади/ тайинлайди. Комиссия аъзолари баҳсдаги томонларнинг яқдил розилиги билан тайинланади ва Комиссия манфаатдор давлатларга мазкур масалани, Конвенция қоидаларига риоя этиш асосида тинч бартараф этиш мақсадида ўзининг хайрли хизматларини тавсия қилади.

б) Агар баҳсдаги томонлар бўлган давлатлар ўртасида уч ой мобайнида Комиссиянинг бутун таркибига ёки таркибининг бир қисмига нисбатан келишувга эришилмаса, унда тайинланишга баҳсдаги томонлар бўлган давлатлар ўртасида розилик билдирилмаган Комиссия аъзолари Қўмита аъзолари таркибидан учдан икки кўпчилик овоз билан яширин овоз бериб сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз мажбуриятларини шахс сифатида бажарадилар. Улар баҳсдаги томонлар бўлган давлатларнинг ёки Конвенцияда қатнашмайдиган давлатнинг фуқаролари бўлмаслиги керак.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўзининг хусусий тартиб қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия мажлислари одатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида ёки Комиссия қарори билан бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

5. Котибият Конвенция 10-моддасининг 3-бандига мувофиқ таъминланиб, агар Конвенциянинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги баҳс Комиссия тузишга олиб келса, шу Комиссияга ҳам хизмат қилади.

6. Баҳсдаги томонлар бўлган давлатлар Комиссия аъзоларининг ҳамма харажатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан тақдим қилинган сметага асосан тенг даражада қоплайдилар.

7. Бош котиб Комиссия аъзоларининг харажатларини, агар бу лозим бўлса, улар баҳсдаги томонлар бўлган давлатлар томонидан ушбу модданинг 6-бандига мувофиқ қайтарилмагунча тўлаш ҳуқуқига эга.

8. Қўмита томонидан олинган ва ўрганилган ахборот Комиссия ихтиёрига берилади ва Комиссия манфаатдор давлатларга ишга алоқадор исталган ахборотни беришни таклиф қилиши мумкин.

13-модда

1. Комиссия масалани тўла кўриб чиққанда у Қўмита раисига маъруза тайёрлаши ва бериши лозим, ушбу маърузада томонлар ўртасидаги баҳсга тааллуқли ҳақиқий фактларга тегишли барча масалалар бўйича Комиссиянинг хулосалари ва баҳсни тинч ҳал қилиш учун зарур деб топадиган тавсиялари бўлиши керак.

2. Қўмита раиси баҳсда қатнашаётган давлатлардан ҳар бирига маълумот жўнатиши керак. Уч ой мобайнида бу давлатлар Қўмита раисига Комиссия маълумотида бўлган тавсияларга розимилиги тўғрисида хабар қилишлари керак.

3. Ушбу модданинг 2-бандида кўзда тутилган давр ўтиши билан Қўмита раиси Комиссия маълумотини ҳамда манфаатдор иштирокчи давлатларнинг аризаларини Конвенциянинг бошқа иштирокчи давлатларига жўнатиши керак.

14-модда

1. Иштирокчи давлат исталган вақтда Қўмита ваколатини Қўмитанинг ҳуқуқий тобелиги чегарасида ўзларини иштирокчи давлат ушбу Конвенцияда баён этилган қандайдир ҳуқуқларни бузиш қурбонлари деб тасдиқлайдиган айрим шахслар ёки шахслар гуруҳларининг ахборотларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини арз қилмоғи мумкин. Қўмита ҳеч қайси ахборотларни, агар улар шундай ариза бермаган Конвенциянинг иштирокчи давлатига тааллуқли бўлса, қабул қилмаслиги керак.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган аризани берган ҳар қандай иштирокчи давлат ўзининг миллий ҳуқуқий тизими доирасида ўзларини ушбу Конвенцияда баён этилган ҳуқуқлардан бири бузилишининг қурбони деб ва ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа мавжуд маҳаллий воситаларидан фойдаланиб бўлган айрим шахслар ва шахслар гуруҳларининг аризаларини ўз ҳуқуқий даражасида қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколати бўлган органи таъсис этиши ёки кўрсатиши мумкин.

3. Ушбу модданинг 1-бандига биноан берилган ариза, шунингдек, ушбу модданинг 2-бандига биноан таъсис этилган ёки кўрсатилган ҳар қандай органининг номи тегишли иштирокчи давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақланиш учун топширилмоғи керак, Бош котиб уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи давлатларга жўнатмоғи лозим. Ариза исталган вақтда бу ҳақда Бош котибга билдириш йўли билан қайтариб олиниши мумкин, лекин бу Қўмита кўриб чиқаётган ахборотларга асло таъсир этмаслиги керак.

4. Петицияларнинг рўйхати ушбу модданинг 2-бандига биноан таъсис этилган ёки кўрсатилган орган томонидан тузилиб, бу рўйхатнинг тасдиқланган нусхалари ҳар йили тегишли йўллар орқали Бош котибга топширилади, бунда уларнинг мазмуни ошкор қилинмаслиги керак.

5. Агар петициячи ушбу модданинг 2-бандига биноан таъсис этилган ёки кўрсатилган орган ҳаракатларидан қониқмаса, у олти ой мобайнида мазкур масалани Қўмитага ўтказиш ҳуқуқига эга.

6. а) Қўмита ўзи олган ҳар қандай ахборотни махфий тарзда Конвенция қоидаларини бузишда айбланаётган иштирокчи давлатга етказди, лекин тегишли шахс ёки шахслар гуруҳи номи унинг ёки уларнинг аниқ ифодаланган розилигисиз айтилмайди. Қўмита аноним хабарларни қабул қилмаслиги керак.

б) уч ой мобайнида билдиришнома олган давлат Қўмитага шу масалани ҳамда мазкур давлат томонидан қабул қилиниши мум-

кин бўлган тадбирларни ёритувчи ёзма тушунтириш ёки аризалар тақдим қилади.

7. а) Қўмита ахборотларни унинг ихтиёрига манфаатдор иштирокчи давлат ёки петициячи томонидан берилган ҳамма маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади, Қўмита агар петициячи ҳуқуқий ҳимоянинг ҳамма мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлганлигини аниқламаса, қайсидир петициячидан олинган ҳеч қайси ахборотларни кўриб чиқмаслиги керак. Аммо ушбу воситаларнинг қўлланилиши ҳаддан ташқари чўзилиб кетган ҳолларда бу қоида ишламайди.

б) Қўмита ўзининг таклиф ва тавсияларини, агар улар бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатга ва петициячига жўнатади.

8. Қўмита ўзининг ҳар йиллик маърузасига шундай ахборотлар хулосасини ва заруратга қараб манфаатдор иштирокчи давлатларнинг тушунтириш ва аризалари қисқача баёнини, шунингдек, ўзининг таклиф ва тавсияларини қўшади.

9. Қўмита шу моддада кўзда тутилган вазифаларини Конвенциянинг иштирокчи давлатларидан камида ўнтаси шу модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берганидагина бажаришга ваколатлидир.

15-модда

1. Бош Ассамблеянинг 1960 йил 14 декабрдаги 1514(XV) резолюциясида баён қилинган Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Конвенциянинг қоидалари шу халқларга бошқа халқаро ҳужжатлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан таъминланган петициялар бериш ҳуқуқини чекламайди.

2. а) Ушбу Конвенция 8-моддасининг 1-бандига бипоап татбис этилган Қўмита петицияларнинг нусхаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу Конвенциянинг принциплари ҳамда мақсадларига бевосита тааллуқли бўлган масалалар билан шуғулланадиган органларидан олади ва уларда қаралаётган петициялар (агар улар васийликдаги ва ўзини ўзи бошқармайдиган ҳудудларда яшайдиган шахслардан келса, уларга нисбатан 1514 (XV)-резолюция қўлланиладиган бўлса ва бу петициялар ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалаларга тегишли бўлса) бўйича уларга фикр ва тавсиялар беради.

б) Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатли органларидан ушбу Конвенциянинг принциплари ва мақсадларига бевосита алоқадор ҳамда ушбу банднинг “а” кичик бандида

эслатиб ўтилган ҳудудларда идора этувчи Давлатлар томонидан ўтказилаётган қонунчилик, суд, маъмурий ва бошқа тадбирларга тегишли маърузаларнинг нусхаларини олади, шунингдек, бу хусусда ўз фикрини билдиради ва шу органларга тавсиялар беради.

3. Қўмита Бош Ассамблеяга берадиган ўзининг маърузасига унинг томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларидан олинган петиция ва маърузаларнинг қисқа хулосалари, шунингдек, ана шу петиция ва маърузаларга нисбатан Қўмитанинг фикр ва тавсияларини ҳам қўшади.

4. Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан ушбу Конвенция мақсадларига тааллуқли ҳамда ушбу модданинг 2-банди «а» кичик бандида эслатилган ҳудудларга оид унинг ихтиёридаги бутун ахборотни сўраб олади.

16-модда

Баҳсларни бартараф этишга ёки шикоятларни кўриб чиқишга оид ушбу Конвенция қоидалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг асосий ҳужжатларида ёки улар томонидан маъқулланган конвенцияларда баён этилган камситиш соҳасидаги баҳслар ёки шикоятларни ҳал этишнинг бошқа усуллари учун зарарсиз қўлланилади ҳамда иштирокчи давлатларга уларга нисбатан ҳаракатда бўлган умумий ёки махсус халқаро битимларга мувофиқ баҳсларни ҳал этиш учун бошқа усуллардан фойдаланишда халақит бермайди.

III ҚИСМ

17-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларидан исталганининг аъзоси бўлган ҳар қандай давлат, халқаро суд статусининг исталган аъзоси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ушбу Конвенцияда қатнашиш учун таклиф этилган ҳар қандай бошқа давлат томонидан имзоланиш учун очиқдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибида сақланади.

18-модда

1. Ушбу Конвенция ундаги 17-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир.

2. Қўшилиш бу тўғридаги ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлашга топшириш йўли билан содир этилади.

19-модда

1. Ушбу Конвенция йигирма еттинчи ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун берилганидан кейин ўттизинчи кун амалга киритилади.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёки унга сақлаш учун йигирма еттинчи ёрлиқ ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжат топширилгандан кейин қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция сақлаш учун унинг ўзининг ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати топширилгандан кейин ўттизинчи кун амалга киритилади.

20-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартлар матнини олади ва ушбу Конвенциянинг иштирокчилари ёки иштирокчи бўлишлари мумкин бўлган барча давлатларга жўнатади. Шартга эътироз қиладиган ҳар қандай давлат юқорида кўрсатилган хабар олинган кундан бошлаб тўқсон кун мобайнида Бош котибга у мазкур шартни қабул қилмаслиги тўғрисида билдириши лозим.

2. Худди ушбу Конвенция асосида тузилган қайсидир органлар ишига ҳалақит бериши мумкин бўлган шартлар сингари, ушбу Конвенциянинг мақсад ҳамда вазифаларига мос келмаган шартларга йўл қўйилмайди. Агар Конвенция иштирокчи давлатларининг камида учдан икки қисми шартга эътироз билдирса, унда бу шарт номувофиқ ёки ишга ҳалақит берадиган шарт деб ҳисобланади.

3. Шартлар исталган вақтда Бош котиб номига тегишли билдиришнома жўнатиш йўли билан олиб ташлавиши мумкин. Бундай билдириш у олинган кундан кучга киради.

21-модда

Ҳар бир иштирокчи давлат ушбу Конвенцияни бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар қилиш йўли билан денонсация қилиши мумкин. Бекор қилиш бу ҳақда Бош котиб томонидан хабар олинган кундан бир йил ўтгач кучга киради.

22-модда

Икки ёки бир неча иштирокчи давлат ўртасида ушбу Конвенцияни изоҳлаш ёки қўлланишга доир ҳар қандай баҳс ушбу Конвенцияда алоҳида кўзда тутилган музокаралар ёки тартиблар йўли билан ҳал этилса, шу баҳсда томонлардан исталганининг талаби бўйича, агар томонлар баҳсда бартараф этишнинг бошқача усулини келишиб олмаган бўлса, Халқаро судда кўриш учун берилади.

23-модда

1. Ушбу Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида талаб исталган вақтда ҳар қайси иштирокчи давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма билдириш жўнатиш йўли билан илгари сурилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси шундай талаб муносабати билан агар лозим бўлса, қандай тадбирлар кўриш тўғрисида қарор чиқаради.

24-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, ушбу Конвенциянинг 17-модда 1-бандида эслатиб ўтилган барча давлатларга қуйидаги маълумотларни етказди:

- a) 17- ва 18-моддаларга мувофиқ имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;
- b) 19-моддага мувофиқ ушбу Конвенцияни амалга киритиш санаси тўғрисида;
- c) 14-, 20- ва 23-моддаларга мувофиқ олинган ахборотлар ва Декларациялар тўғрисида;
- d) 21-моддага мувофиқ бекор қилишлар тўғрисида.

25-модда

1. Инглизча, испанча, хитойча, русча ва французча матнлари айни бир хил аутентик бўлган ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини Конвенция 17-моддасининг 1-бандида эслатиб ўтилган тоифалардан исталганига тегишли барча давлатларга жўнатади.

ВЕНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси томонидан 1993 йил 25 июнда қабул қилинган

I

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тегишли бўлган бошқа шартномаларга мувофиқ инсоннинг барча ҳуқуқлари ва барча учун асосий эркинликлар ҳурмат қилиниши, уларга риоя қилиниши ва улар ҳимоя қилинишини рағбатлантириш бўйича ўз мажбуриятлари барча давлатларнинг муқаддас бурчи эканлигини тасдиқлайди. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаммабоблиги шак-шубҳасиз хусусиятга эга.

Мана шуни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни мустақамлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига эришиш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳар бир инсонга туғилган пайдан бошлаб берилган ҳуқуқлар ҳисобланади; уларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳукуматларнинг энг биринчи вазифаси ҳисобланади.

2. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Мана шу ҳуқуқ туфайли улар ўзларининг сиёсий мақомини эркин белгилайдилар ҳамда ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини тўсиқиз амалга оширади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси мустамлакачилик ёки ерлилар ҳукмронлигининг бошқа шакллари ёхуд чет эл оккупацияси остидаги халқлар тушиб қолган алоҳида вазиятни эътиборга олиб, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш бўйича ажралмас ҳуқуқларини амалга оширишлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ уларнинг ҳар қандай қонуний хатти-ҳаракатларни кўришга бўлган ҳуқуқларини эътироф этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рад этилишини инсон ҳуқуқлари бузилиши деб ҳисоблайди ва ушбу ҳуқуқ самарали амалга оширилишининг муҳимлигини таъкидлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тегишли бўлган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ юқорида қайд этилганлар халқларнинг тенг

ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига риоя қилаётган ва мана шу туфайли ўз ҳудудида бирор-бир тафовутсиз бутун халқнинг манфаатларини ифодаловчи ҳукуматга эга бўлган суверен ва мустақил давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий бирлигини тўлиқ ёки қисман бузаётган ва барбод этаётган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга рухсат бериш ёки рағбатлантириш сифатида талқин этилмаслиги керак.

3. Чет эл оккупацияси остидаги халқларга нисбатан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларга риоя қилинишини кафолатлаш ва назорат қилиш ҳамда уларда инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига, айниқса 1949 йил 14 августдаги Уруш даврида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясига ва гуманитар ҳуқуқнинг бошқа қўлланиладиган нормаларига мувофиқ самарали ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш учун самарали халқаро чора-тадбирлар кўрилиши керак.

4. Инсоннинг барча ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига, шу жумладан, халқаро ҳамкорлик принципларига мувофиқ унинг биринчи навбатдаги вазифаси деб қараш зарур. Ушбу мақсадлар ва принципларни амалга ошириш доирасида инсоннинг барча ҳуқуқлари ва принципларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш халқаро ҳамжамият қонуний хавотир олишининг мавзуси ҳисобланади. Мана шуни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари масалаларига алоқадор бўлган органлар ва ихтисослаштирилган муассасалар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни изчил ва холисона қўллаш асосида ўз фаолияти мувофиқлаштирилишини бундан кейин мустаҳкамлашлари зарур.

5. Инсоннинг барча ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадордир. Халқаро ҳамжамият инсон ҳуқуқларига глобал, адолатли ва тенг асосда муносабатда бўлиши, бир хилда ва диққат-эътибор билан ёндашиши зарур. Гарчи миллий ва минтақавий ўзига хосликларнинг ҳамда ҳар хил тарихий маданий ва диний хусусиятларнинг аҳамиятини эътиборга олиш керак бўлса ҳам, давлатлар ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимларидан қатъий назар инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг инсон ҳуқуқларини ва барча учун асосий эркинликларни ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган

саъй-ҳаракатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ миллатлар ўртасида тенг ва дўстона муносабатлар ўрнатиш ҳамда тинчлик ва хавфсизлик шароитларини яхшилаш, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш учун муҳимдир.

7. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш жараёнлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави мақсадлари ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилиши керак.

8. Демократия, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ва ҳурмат қилиш ўзаро боғлиқ ва ўзаро бири-бирини мустаҳкамлайди. Демократия халқнинг эркин иродаси орқали ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тизимини белгилашига ва ўз ҳаётининг барча жиҳатларида тўлиқ иштирок этишига асосланади. Юқорида айтиб ўтилганлар ҳисобга олинган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини миллий ва халқаро даражаларда рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш жараёни ҳаммабоп хусусиятга эга бўлиши ва бирор-бир шартларсиз амалга оширилиши керак. Халқаро ҳамжамият бутун дунёда демократия мустаҳкамланиши ва рағбатлантирилишига, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ривожлантирилиши ва ҳурмат қилинишига кўмаклашиши керак.

9. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси кўпчилиги Африкада жойлашган энг кам ривожланган мамлакатлар демократиялаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш тарафдори эканлигини тасдиқлайди, демократияга ўтиш ва иқтисодий ривожланишларида ютуқларга эришиши учун халқаро ҳамжамият уларни қўллаб-қувватлаши керак.

10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Ҳуқуқ тўғрисидаги Декларацияда белгиланган ривожланиш ҳуқуқини инсон асосий ҳуқуқларининг ажралмас қисмини ташкил этувчи ҳаммабоп ва ажралмас ҳуқуқ сифатида ривожланишга бўлган ҳуқуқ деб тасдиқлайди.

Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги Декларацияда қайд этилганидек, инсон ривожланиш жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади.

Гарчи ривожланиш инсоннинг барча ҳуқуқлари ривожланишига кўмаклашса ҳам халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқлари камситилишини асослаш учун ривожланишнинг мавжуд эмаслигини баҳона қилиш мумкин эмас.

Давлатлар ривожланишни таъминлаш ва ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ишида бир-бирлари билан ҳам-

корлик қилишлари керак. Халқаро ҳамжамият ривожланишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида самарали халқаро ҳамкорликка кўмаклашиши зарур.

Ривожланишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ишида барқарор тараққиётни таъминлаш учун миллий даражада ривожланишнинг самарали дастурлари ҳамда халқаро даражада адолатли иқтисодий муносабатлар ва қулай иқтисодий муҳит зарурдир.

11. Ривожланиш ва атроф-муҳит соҳасида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг эҳтиёжларини адолатли қондириш учун ривожланишга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш талаб этилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси заҳарли ва хавfli моддаларни ноқонуний чиқариб ташлаш ҳар бир инсоннинг яшашга ва соғлом бўлишга бўлган ҳуқуқи учун жиддий хавф туғдиради деб эътироф этади.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси барча давлатларни заҳарли ва хавfli маҳсулотлар ва чиқиндиларни чиқариб ташлашга тегишли мавжуд конвенцияларни қабул қилишга ва уларни қатъий бажаришга ҳамда ноқонуний чиқариб ташлашнинг олдини олиш ишида ҳамкорлик қилишга даъват этади.

Ҳар бир киши илмий тараққиёт натижаларидан фойдаланиш ва улар амалда қўлланилиши ҳуқуқига эгадир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси айрим соҳаларда, айниқса, биотиббиёт ва биология фанлари соҳаларидаги, шунингдек, ажборт технологиялари соҳасидаги тараққиёт инсон шахсининг дахлсизлиги, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари учун потенциал салбий оқибатларга олиб келиши мукинлигини қайд этади ҳамда бутун инсониятнинг диққат-эътиборида бўлган ушбу соҳада инсоннинг ҳуқуқлари ва қадр-қиммати тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни амалга оширишга чақиради.

12. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси халқаро ҳамжамиятни ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларининг ўз халқларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу мамлакатларнинг ташқи қарздорлиги юкини енгиллаштиришда ёрдам бериш учун барча саъй-ҳаракатларни кўришга даъват этади.

13. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда инсон ҳуқуқла-

ри тўлиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда қулай шарт-шароитлар яратишлари зарур. Давлатлар инсон ҳуқуқларининг барча бузилишларига ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларга барҳам беришлари, шунингдек, ушбу ҳуқуқлар амалга оширилиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишлари керак.

14. Қашшоқликнинг кенг ёйилганлиги инсон ҳуқуқларининг тўлиқ ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда; унинг кечиктирилмасдан қисқартирилиши ва узил-кесил тугатилиши халқаро ҳамжамият учун биринчи даражали муҳим вазифага айланиши керак.

15. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳеч бир тафовутсиз ҳурмат қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг асос бўлувчи нормаси ҳисобланади. Ирқчилик ва ирқий камситишнинг, ксенофобия ва у билан боғлиқ бўлган тоқатсизликнинг барча шакллари тезликда ва тўлиқ тугатиш халқаро ҳамжамиятнинг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматлар уларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш олиб боришнинг самарали чораларини кўришлари зарур. Гуруҳлар, муассасалар, ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга ҳамда хусусий шахсларга ушбу офатга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ва фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қаратилган қатъий чақириқ билан муурожаат қилинади.

16. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси апартеидни парчалаб ташлашда эришилган тараққиётни қутлайди ва халқаро ҳамжамиятни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимини ушбу жараёнга кўмаклашишга даъват этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, апартеид тизимини тинч воситалар билан парчалаб ташлаш ҳаракатини барбод қилишга қаратилган зўравонлик ҳаракатларининг тўхтамаётганлиги муносабати билан таассуф изҳор этади.

17. Терроризмнинг барча шакллари ва намоён бўлиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, усуллар ва амалиёт, тенг даражада айрим мамлакатларда терроризмнинг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан алоқадорлиги инсон ҳуқуқларининг, асосий эркинликларнинг ва демократиянинг йўқ қилинишига қаратилган фаолият ҳисобланади ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига таҳдид солади ҳамда қонуний ҳукуматларни нобарқарорлаштиради.

18. Хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари инсон ялпи ҳуқуқларининг ажралмас, таркибий ва бўлинмас қисми ҳисобланади.

Аёлларнинг миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда сиёсий, фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда тўлиқ ва тенг иштирок этиши, шунингдек, жинсига қараб камситишнинг барча шакллари тугатилиши халқаро ҳамжамиятнинг биринчи навбатдаги мақсадлари ҳисобланади.

Жинсига қараб зўравонлик қилиш ҳамда ҳирсий таъмагирлик ва зулм ўтказишнинг барча шакллари, шу жумладан, маданий хурофотлардан ва аёллар билан ноқонуний халқаро савдо қилишдан келиб чиқадиган шакллари инсон шахсининг қадрқиммати ва шаъни билан чиқишмайди ва тугатилиши керак. Бунга ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш йўли билан ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, таълим, хавфсиз оналик ва соғлиқни сақлаш соҳаларида миллий саъй-ҳаракатлар ва халқаро ҳамкорлик воситасида, шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкин.

Аёлларнинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари соҳасида, шу жумладан, аёлларга тегишли бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги барча шартномаларга риоя қилишга кўмаклашиш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил этиши керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳукуматлар, муассасалар, ҳукуматлараро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларни аёллар ва қиз болаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга қатъий даъват этади.

19. Озчиликка тегишли бўлган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишининг муҳимлигини ҳамда бу рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг бундай шахслар яшайдиган давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси давлатларнинг озчиликка мансуб бўлган шахслар инсоннинг барча ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини бирор-бир камситишсиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Миллий ва этник озчиликка, дини ва тилига кўра озчиликка мансуб бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларациясига мувофиқ қонун олдида тўлиқ тенглиги асосида тўлиқ даражада ва самарали амалга ошириш мажбурияти таъминланишини тасдиқлайди.

Озчиликка мансуб бўлган шахслар ўз маданияти меваларидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш ва диний урф-одатларни адо этиш, шунингдек, ўз она тилидан эркин ва аралашув-

сиз ёки бирор-бир камситишсиз хусусий ҳаётида ва оммавий равишда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

20. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси туб жой халқларига хос бўлган қадр-қимматни ва уларнинг жамиятни ривожлантиришга ва плюрализмни таъминлашга қўшган ажойиб ҳиссасини эътироф этади ҳамда уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаровонлиги, улар учун барқарор ривожланиш меваларидан фойдаланиш имкониятлари таъминланиши борасида халқаро ҳамжамиятнинг тарафдор эканлигини тасдиқлайди. Давлатлар туб жой халқларининг жамият ҳаётининг барча жиҳатларида, жумладан, уларнинг манфаатларига дахл қилувчи масалаларда тўлиқ ва тўсиқсиз иштирок этишларини таъминлаши керак. Туб жой халқлар ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишининг ҳамда бу рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг бундай халқлар яшайдиган давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб, давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ тенглик ва камситмаслик асосида туб жой халқларининг барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш бўйича келишилган ижобий қадамлар қўйишлари ҳамда уларнинг ўзига хослиги, маданияти ва жамоат ташкилотининг аҳамияти ва кўп қирралигини эътироф этишлари керак.

21. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг кўпчилик давлатлар томонидан тезликда ратификация қилинишини қутлаб ҳамда Болаларнинг омон қолиши, уларни ҳимоя қилиш ва уларни камол топтириш тўғрисидаги Жаҳон декларациясида ва Олий даражадаги бутунжаҳон учрашувида қабул қилинган саъй-ҳаракатлар режасида болаларнинг инсон ҳуқуқлари эътироф этилганлигини қайд этиб, болаларнинг манфаатларини кўзлаб, ушбу Конвенциянинг 1995 йилгача универсал ратификация қилинишини ва барча зарур қонунчилик ҳамда маъмурий чоралар ва бошқа чора-тадбирларни кўриш йўли билан қатнашчи давлатлар томонидан самарали амалга оширилишига ҳамда бунинг учун мавжуд ресурслар энг кўп даражада ажратилишига қатъий чақиради. Болаларга нисбатан барча саъй-ҳаракатларда камситмасликка ва бола ҳуқуқларини энг яхши таъминлашга биринчи даражали диққат-эътибор берилиши, бунда боланинг қарашларига зарур даражада эътибор берилиши керак. Болаларни, жумладан, назоратсиз қолдирилган қиз болалар, ўғил болаларни, бошпанасиз болаларни, иқтисодий ва ҳирсий зулмга дучор қилинган болаларни, шу жумладан, болалар порнографияси, болалар фоҳишабозлигига ёки

тана аъзолари сотилишига дучор қилинган болаларни, касалликлардан азоб чекувчи болаларни, шу жумладан, орттирилган иммунитет танқислигига дучор бўлган болаларни, қочоқлар ва аралашиб кетган шахслар жумласига кирувчи болаларни, қамоқда бўлган болаларни, қуролли низолар жойларидаги болаларни, шунингдек, очарчилик ва қурғоқчилик ҳамда бошқа танг вазиятлар қурбони бўлган болаларни ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилишнинг миллий ва халқаро механизмлари ва дастурларини мустаҳкамлаш зарур. Конвенция амалга оширилишини қўллаб-қувватлашда халқаро ҳамкорликни ва бирдамликни ривожлантириш зарур ва бола ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун тизими доирасида саъй-ҳаракатларнинг устувор мақсадларидан бири бўлиши керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, шахснинг тўлақонли ва уйғун камол топиши учун бола оила шароитларида ўсиши кераклигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан оила кўпроқ ҳимоя қилинишга сазовордир.

22. Ногиронларнинг камситилмаслиги таъминланишига ва уларнинг барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенг амалга оширилишига алоҳида эътибор бериш зарур, уларнинг жамият турмушининг барча соҳаларида фаол иштирок этиши ҳам шу жумлага киради.

23. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳар бир киши ҳеч бир тафовутларсиз бошқа мамлакатларда таъқиб этишлардан бошпана излаш ва ушбу бошпаналардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳамда ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг, Қочоқларнинг мақоми тўғрисидаги 1951 йилги Конвенциянинг, унга 1967 йилдаги Протоколнинг ва минтақавий шартномаларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси кўп сонли қочоқларни ўз ҳудудларига қабул қилиш ва жойлаштиришни давом эттираётган давлатларга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармасига ўз вазифаларини бажариш бўйича тинмай иш олиб бораётганлиги учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, фаластинлик қочоқларга ёрдам берганлиги ва бу борада ишларни ташкил этганлиги учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига ўз аҳтиромини баён қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши, шу жумладан, қуроли низо-лар давом этиши мобайнида қўпол равишда бузилиши одамлар-нинг аралашиб кетишига олиб келувчи кўп сонли ва мураккаб омиллар жумласига киришини эътироф этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси қочоқлар муносабати билан глобал танглик мураккаблиги туфайли ва Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига, ушбу масалалар бўйича халқаро шартномаларга ва халқаро бирдамлик талабларига мувофиқ, шунингдек, оғирликни тақсимлаш руҳида Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари мандатини ҳисобга олувчи тегишли мамлакатлар ва ташкилотлар билан мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилишга халқаро ҳамжамиятнинг барча нарсани қамраб олувчи ёндаши-ши зарурлигини эътироф этади. Бу қочоқлар ва бошқа аралашиб кетган шахсларнинг ҳаракат қилишининг туб сабаблари ва оқибат-ларини бартараф этиш стратегияси ишлаб чиқилишини, фавқу-лодда тайёрлик механизмларини ва фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатлар мустаҳкамланишини, аёллар ва болаларнинг алоҳи-да эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда улар самарали ҳимоя қили-ниши ва уларга ёрдам кўрсатилишини, шунингдек, асосан муно-сиб ва хавфсиз репатриация устувор ҳал этилиши доирасида узоқ муддатли қарорлар қабул қилинишига, шу жумладан, қочоқлар ишлари бўйича халқаро конференциялар томонидан маъқуллан-ган қарорлар қабул қилинишига эришишни ўз ичига олиши ке-рак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ушбу маса-лада, айниқса қочоқлар келиб чиққан мамлакатга нисбатан давлатларнинг масъулиятини таъкидлайди.

Ушбу барча нарсани қамраб олувчи ёндашув асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси мамлакат ичида ара-лашган шахсларга тегишли масалалар бўйича ҳукуматлараро ва инсонпарварлик ташкилотлари доирасида ва ушбу масалалар-нинг узоқ муддатли ечимларини қидириб топишга ҳамда ушбу шахсларнинг ихтиёрий қайтиши ва реабилитация қилинишига алоҳида эътибор беришнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси барча табиий офатлар ва антропоген фалокатларнинг қурбонларига муруват ёрдами кўрсатилишининг муҳимлиги ва зарурлигини бундан кейин ҳам таъкидлайди.

24. Аҳолининг ночор гуруҳларига мансуб бўлган шахслар-нинг, шу жумладан, меҳнаткаш-мигрантларнинг инсон ҳуқуқла-

рини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, уларни камситишнинг барча шаклларини тугатишга ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амал қилувчи шартномалар мустақкамланишига ва самаралироқ амалга оширилишига кўпроқ аҳамият бериш зарурдир. Давлатлар миллий даражада, жумладан, ўз аҳолисининг вочор гуруҳлари шахслари ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ўз муаммолари қидириб тонилишидан манфаатдор бўлганларининг иштирокини таъминлаш манфаатлари йўлида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида муқобил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллашга мажбурдир.

25. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳаддан ташқари қашшоқлик ва ижтимоий ажратиб қўйилганлик инсон кадр-қиммати таққирланиши ҳисобланишини ва аҳолининг энг камбағал қатламлари инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳаддан ташқари қашшоқлик ва ижтимоий ажратиб қўйилганликни йўқ қилиш ҳамда ижтимоий тараққиёт натижаларидан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида ҳаддан ташқари қашшоқликни ва унинг сабабларини, шу жумладан, уларнинг ривожланиш муаммоси билан боглиқ бўлганларини теранроқ англаш учун шошилиш чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тасдиқлайди. Давлатлар аҳолининг энг камбағал қатламлари яшаётган жамоода қарорлар қабул қилиниши жараёнида, инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилишида ва ҳаддан ташқари қашшоқликка қарши кураш қаратилган саъй-ҳаракатларда энг қашшоқ қатламлар иштирок этишига кўмаклашиши зарур.

26. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ўзида динамик ва ривожланаётган жараёни ифодаловчи инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларни кодификациялаш соҳасида эришилган олга қўйилган қадамни табриклайди ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар универсал ратификация қилинишига қатъий даъват этади. Барча давлатларга қарата ушбу халқаро шартномаларга қўшилиш ва имкони борича писандалар қилмаслик даъвати билан мурожаат қилинади.

27. Ҳар бир давлат инсон ҳуқуқлари бузилиши муносабати билан шикоятларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликлар бартараф этилиши учун ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг самарали тизимини барпо этиши керак. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалардаги қўлланиладиган стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва прокуратура органларини ва айниқса, мустақил суд органлари ва адвокатурани ўз ичига олувчи одил судловни амалга ошириш тизими

инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ва камситишсиз амалга оширилиши учун фавқулудда муҳим аҳамиятга эгадир ҳамда демократия ва барқарор ривожланиш жараёнларининг ажралмас элементи ҳисобланади. Бу жиҳатдан одил судловни амалга ошириш билан шуғулланувчи муассасалар зарур даражада молиялаштирилиши лозим ҳамда халқаро ҳамжамият ушбу мақсадларда ҳам техник, ҳам молиявий ёрдам ҳамжамларини кўпайтириши керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти одил судлов ишончли ва мустақил амалга оширилиши учун маслаҳат хизмати кўрсатишнинг биринчи навбатда ижтимоий дастурларидан фойдаланиши керак.

28. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилиши, айниқса, геноцид, “этник тозалаш” шаклларида бузилиши ва ҳарбий ҳаракатлар шароитларида аёлларнинг мунтазам равишда зўрланиши муносабати билан ўз хавотирини билдиради. Бундай ҳоллар қочоқлар ва аралашиб кетган шахсларнинг оммавий оқимини келтириб чиқаради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси бу жирканч амалиётни қатъий қоралайди ва яна бир марта бундай жиноятлар содир этилишида айбдор бўлган шахслар жазоланишига ва бундай амалиёт дарҳол тўхтатилишига даъват этади.

29. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ўзида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалардаги мавжуд ва халқаро гуманитар ҳуқуқда назарда тутилган стандартлар инкор этилишини ифодалайдиган жаҳоннинг барча минтақаларида инсон ҳуқуқлари бузилиши давом этаётганлиги ҳамда қурбонларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг етарли ва самарали воситалари мавжуд эмаслиги муносабати билан чуқур ташвишланиш изҳор этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференциясини фуқаро аҳолига, айниқса, аёллар, болалар, кексалар ва ногиронларга кўп ташвиш келтирадиган қуроли низолар пайтида инсон ҳуқуқлари бузилиши чуқур ташвишлантиради. Шу муносабат билан Конференция қуроли низоларда иштирок этувчи давлатларни ва барча томонларни 1949 йилги Женева конвенцияларида баён қилинган халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормалари ва принципларига, шунингдек, халқаро конвенцияларда назарда тутилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги минимал стандартларга қатъий риоя қилишга чақиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси қурбонларнинг 1949 йилги Женева конвенцияларида ва халқаро гуманитар ҳуқуққа тегишли бўлган бошқа тегишли ҳужжатларда назарда тутилган инсонпарварлик ташкилотларининг ёрдами

олишга бўлган ҳуқуқини яна бир марта тасдиқлайди ва бундай ёрдамнинг хавфсиз ва ўз вақтида олиниши таъминланишига даъват этади.

30. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг қўпол ва мунтазам равишда бузилиши ҳамда инсоннинг барча ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилиши йўлида жиддий тўсиқлар яратувчи вазиятлар ер шарининг турли қисмларида давом этаётганлиги ташвишга солаётганлигини билдиради ва бундай ҳолатларни қоралайди. Инсон ҳуқуқларининг бундай бузилиши ва тўсиқлар, шунингдек, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, ғайриинсоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи турларини, зарур суд муҳокамасисиз қатл этиш ва ўзбошимчалик билан қатл этиш, йўқолиб қолиш, ўзбошимчалик билан ушлаб туриш, ирқчилик, ирқий камситиш ва апартеиднинг барча шакллари, хорижий босиб олиш ва ёт ҳукмронликни, ксенофобия, қашшоқлик, очлик ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланиш рад этилишининг бошқа шакллари, диний тоқатсизликни, терроризмни, аёлларга нисбатан камситишни ва қонунийликнинг йўқлигини ҳам ўз ичига олади.

31. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси давлатларни халқаро ҳуқуққа ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига зид бўлган, давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларига тўсқинлик қиладиган ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда баён қилинган инсон ҳуқуқлари, жумладан, ҳар бир кишининг соғлиғи ва фаровонлигини зарур даражада таъминлайдиган, шу жумладан, овқатланиш ва тиббий ёрдам берилишини, соғлиқни сақлаш хизматларини ва зарур ижтимоий хизматларни таъминлайдиган ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини қийинлаштирадиган ҳар қандай бир томонлама чоралардан тийилишга даъват этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси озиқ-овқат сиёсий босим ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилмаслиги кераклигини тасдиқлайди.

32. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари масалаларини кўриб чиқишда ҳаммабшқлик, холислик ва танламасликни таъминлашнинг муҳимлигини тасдиқлайди.

33. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро шартномаларга мувофиқ давлатлар таълим тизими инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинлик-

лари ҳурмат қилинишини мустаҳкамлашга йўналтирилганлигини таъминлашга мажбур эканликларини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала ўқув дастурларига киритилишининг муҳимлигини тасдиқлайди ва давлатларни буни амалда рўёбга чиқаришга чақиради. Таълим тизими халқлар ва барча ирқий ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушунишга, сабр-тоқатли бўлишга, тинчликни ва дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиши ва ушбу мақсадларга эришиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятини рағбатлантириши керак. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳамда зарур назарий ва амалий ахборотнинг тарқатилиши барча кишиларнинг инсон ҳуқуқлари ирқи, жинси, тили ёки динининг белгисига қараб бирор-бир тафовутсиз рағбатлантирилиши ва ҳурмат қилинишида муҳим роль ўйнайди ва бу ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда таълим соҳасидаги сиёсатда акс эттирилиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ресурслар етишмаслиги ва зарур ташкилий тузилманинг йўқлиги ушбу мақсадларнинг тезликда амалга оширилишини қийинлаштириши мумкинлигини қайд этади.

34. Мамлакатларга уларнинг илтимосига кўра ҳар бир индивидуум инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланиши мумкин бўлган шарт-шароитлар яратилишида ёрдам бериш учун саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш зарур. Ҳукуматларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига, шунингдек бошқа кўп томонлама ташкилотларга қонунийлик ва демократияни таъминлайдиган миллий қонунчилик, миллий муассасалар ва тегишли инфратузилмалар барпо этилиши ва мустаҳкамланишига қаратилган дастурларга ажратиладиган ресурслар ҳажминини анча кўпайтириш, сайловлар ўтказилишида, кадрлар тайёрлаш, уларни ўқитиш ва таълим бериш, халқ оммасининг иштирок этиши воситасида инсон ҳуқуқларидан хабардорликнинг оширилишида ва фуқаролик жамияти шакллантирилишида ёрдам бериш қатъият билан таклиф қилинади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ доирасида маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник ҳамкорлик дастурларини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг самаралилиги ва транспарентлигини ошириш зарур, бу инсон ҳуқуқларига ҳурмат оширилишида уларнинг муҳим ҳисса қўшишини таъминлаш имконини беради. Давлатларга мунтазам бюджетлардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўпроқ миқдорда маблағлар ажратилишига кўмаклашиш ҳамда ихтиёрий бадаллар бериш йўли билан ўз улушларини кучайтириш тавсия қилинади.

35. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти тўлиқ ва самарали амалга оширилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида инсон ҳуқуқларига берилаётган катта аҳамиятни, шунингдек, қатнашчи давлатларнинг қарорларидан келиб чиқувчи инсон ҳуқуқлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига қўйиладиган талабларни акс эттириши керак. Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун маблағлар кўпайтирилиши керак.

36. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий муассасалар ўйнаётган муҳим ва амалий ролини, жумладан ваколатли органлар ҳузуридаги маслаҳат тузилмалари сифатидаги ролини, уларнинг инсон ҳуқуқлари бузилишини бартараф этишдаги, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборот ёйилишидаги ва инсон ҳуқуқларига ўқитишдаги ролини тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси “Миллий муассасалар мақомига тегишли принциплар”ни эътиборга олиб ва ҳар бир давлат миллий даражада ўзининг аниқ эҳтиёжларига энг кўп даражада мувофиқ бўлган тузилмаларни тавлаш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиб, миллий муассасалар барпо этилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантиради.

37. Минтақавий механизмлар инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишида асос ролини ўйнайди. Улар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалардаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал стандартлар мустаҳкамланишига ҳамда ҳимоя қилинишига кўмаклашиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ушбу механизмларни мустаҳкамлаш ва уларнинг самарасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни маъқуллайди ҳамда айни чоғда инсон ҳуқуқлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти доирасида ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши механизмлари ҳали мавжуд бўлмаган жойларда инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишининг минтақавий ва субминтақавий механизмлари барпо этилиши имконияти кўриб чиқилишининг зарурлигини яна бир марта таъкидлайди.

38. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсоннинг барча ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ишида ва миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсонпарварлик фаолиятида ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотларнинг муҳим роли-

ни эътироф этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари масалаларида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишда, ушбу соҳада кадрлар ўқитилиши, тайёрланиши ва тадқиқотлар олиб борилишида ҳамда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши ишида улар қўшган улушни юксак баҳолайди. Стандартлар ўрнатилишида биринчи даражали масъулият давлатлар зиммасига тушишини эътироф этиб, шу билан бирга, Конференция ушбу жараёнга ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар қўшган улушни юксак баҳолайди Бу жиҳатдан Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳукуматлар билан ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик давом эттирилишининг муҳимлигини таъкидлайди. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича фаол шугулланувчи ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уларнинг аъзолари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиши, шунингдек, ўз мамлакатларида қонун билан ҳимоя қилиниши керак. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принциплари бузилган ҳолда амалга оширилмаслиги керак. Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз фаолиятини миллий қонунчилик ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси доирасида кимнингдир аралашинисиз амалга оширишда эркинликдан фойдаланиши керак.

39. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари ва инсонпарварлик масалалари бўйича холисона, масъулиятли ва бетараф ахборотнинг муҳимлигини таъкидлаб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференциясида оммавий ахборот воситаларининг кенгроқ қатнашини қўллаб-қувватлайди. Оммавий ахборот воситаларига миллий қонунчилик доирасида эркинлик ва ҳимоя кафолатланган бўлиши керак.

II

А. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият мувофиқлаштирилишининг кучайтирилиши

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлашга доир фаолиятни мувофиқлаштиришни кучайтиришни тавсия этади. Шу мақсадда

Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ барча органлари, бўлинмалари ва ихтисослаштирилган муассасаларини ишда зарур бўлмаган бир-бирини такрорлашнинг олдини олиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, ўз фаолиятини мустаҳкамлаш, мақбуллаштириш ва тартибга солиш мақсадида ҳамкорлик қилишга қатъят билан даъват этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси шунингдек, Бош котибга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларининг катта мансабдор шахслари ўзларининг йиллик кенгашларида ўз фаолиятини мувофиқлаштиришдан ташқари ўз стратегияси ва сиёсатининг барча инсон ҳуқуқлари амалга оширилиши таъсирига баҳо беришлари кераклигини ҳам тавсия этади.

2. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси минтақавий ташкилотларни ҳамда етакчи халқаро ва минтақавий молиявий муассасаларни ва ривожланиш масалалари бўйича муассасаларни ҳам ўз сиёсатлари ва дастурларининг инсон ҳуқуқлари амалга оширилишига таъсирини баҳолашга даъват этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ

13. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича марказини мустаҳкамлаш муҳим эканлигини таъкидлайди.

14. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ инсон ҳуқуқларига умумтизимли эътибор берилишини мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Марказ, агар унга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа ташкилотлари ва органлари билан тўлиқ ҳамкорлик қилиш имконияти берилса, ўзининг ўзак ролини энг яхши тарзда амалга ошира олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказнинг мувофиқлаштирувчи роли, шунингдек, Нью-Йоркдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ бўлинмасини мустаҳкамлашни ҳам тақозо этади.

15. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ мавзули маърузачилар ва мамлакатлар бўйича маърузачилар, экспертлар, ишчи гуруҳлар ва шартномавий органлар тизими учун муқобил воситаларни таъминлаши керак. Тавсияларни бажариш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқиладиган биринчи навбатдаги масалалардан бирига айланиши керак.

16. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ инсон ҳуқуқларини рағбатлантиришда ўз зиммасига катта ролни олиши керак. Ушбу роль аъзо давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, кенгайтирилган дастурий маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник ёрдам бериш йўли билан белгиланиши мумкин. Ушбу мақсадларда мавжуд ихтиёрий жамғармаларни жиддий равишда кенгайтириш зарур. Уларни бошқаришнинг самарадорлиги ва мувофиқлаштирилганлиги оширилиши керак. Исталган фаолиятни амалга оширишда лойиҳалар бажарилишига раҳбарлик қилишнинг қатъий ва транспарент қоидаларига риоя қилиш ҳамда дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилишини мунтазам равишда баҳолаш керак. Жумладан, Марказ бир йилда камида бир марта ушбу лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилишида тўғридан-тўғри қатнашаётган аъзо давлат ва ташкилотлар учун очиқ ахборот кенгашлари ташкил этиши керак.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг механизмини мослаштириш ва мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Олий комиссари лавозимини таъсис этиш ҳам шу жумлага киради.

17. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси барча кишиларнинг манфаатлари йўлида мувозанатли барқарор ривожланиш асосида мазкур Декларацияда акс эттирилган инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши муносабати билан инсон ҳуқуқлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти механизмининг ҳозирги ва келгуси эҳтиёжларга доимий равишда мослаштирилиши зарурлигини эътироф этади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари ўзаро мувофиқлаштиришни кучайтиришлари ҳамда ўз фаолиятларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишлари керак.

18. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бош Ассамблеяга ўзининг қирқ саккизинчи сессиясида Конференция маърузасини кўриб чиқишда инсоннинг барча ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани биринчи навбатда ўрганишни бошлашни тавсия этади.

С. Ҳамкорлик, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

66. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси демократия, ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига кўмаклашиш бўйича

миллий ва халқаро чора-тадбирларга биринчи навбатда аҳамият берилишини тавсия қилади.

67. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муассасалар мустаҳкамланиши ва барпо этилишига, плюралистик фуқаролик жамияти ривожланишига ва ночор гуруҳлар ҳимоя қилинишига кўмаклашиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу жиҳатдан ҳукуматларнинг илтимосига кўра, эркин ва адолатли сайловларни ўтказишда берилаётган ёрдам, шу жумладан, сайловларга тегишли инсон ҳуқуқлари ва жамоатчиликни сайловлардан хабардор қилишда кўмак бериш йўли билан ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қонунийликни мустаҳкамлаш, фикрни эркин ифодалашни рағбатлантириш, шунингдек, адолатли суд қилиш ҳамда қарорлар қабул қилиниши жараёнида халқнинг реал ва самарали иштирок этишига кўрсатилаётган ёрдам муҳим аҳамиятга эгадир.

68. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ томонидан кучайтирилган маслаҳат хизмати кўрсатилиши ва техник ёрдам берилиши зарурлигини таъкидлайди. Марказ давлатларга, уларнинг илтимосига кўра инсон ҳуқуқларининг аниқ масалалари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларда назарда тутилган маърузалар тайёрлаш бўйича ёрдам кўрсатиши, шунингдек, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида саъй-ҳаракатларнинг келишилган ва режаларини амалга ошириш ишида ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Инсон ҳуқуқлари институтлари ва демократия мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, мансабдор шахсларни ва бошқа шахсларни тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишига кўмаклашишга қаратилган ҳар томонлама ўқитиш ва ижтимоий ахборот ушбу дастурларнинг таркибий қисмлари бўлиши керак.

69. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида инсон ҳуқуқларига ҳамма жойда риоя қилинишига ва қонунийлик қўллаб-қувватланишига бевосита таъсир кўрсатувчи тегишли миллий тузилмаларни барпо этиш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давлатларга ёрдам кўрсатиш мақсадида комплекс дастур ишлаб чиқишни қатъий тавсия этади. Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ мувофиқлаштириши керак бўлган дастур манфаатдор ҳукуматнинг илтимосига кўра жазони ўташ ва ахлоқ тузатиш муассасаларини ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи адвокатлар, судьялар, хавфсизлик хизматлари ходимларини ўқитиш ва тайёрлаш соҳасида ҳамда қонунийликнинг зарур тар-

зда мавжуд бўлишига тегишли исталган бошқа соҳада миллий лойиҳаларга техник ва молиявий ёрдам кўрсатишга қодир бўлиши керак. Ушбу дастур инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида саъй-ҳаракатлар режаларини амалга ошириш ишида давлатларга ёрдам кўрсатиши керак.

70. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бош котибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига таклиф этилаётган дастурни яратишни, тузилмаси, амалга ошириш ва молиялаштириш йўллари бўйича муқобил таклифларни тақдим этишни илтимос қилади.

71. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳар бир давлат улар воситасида давлат инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишини такомиллаштириши мумкин бўлган чора-тадбирларни кўрсатиб ўтган ҳолда саъй-ҳаракатларнинг миллий режаси ишлаб чиқилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия қилади.

72. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ривожланишга бўлган универсал ва ажралмас ҳуқуқ Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларацияда белгиланганидек амалга оширилиши ва рўёбга чиқарилиши керак деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги масала бўйича мавзули ишчи гуруҳ ташкил этилганлигини қутлайди ҳамда ушбу ишчи гуруҳ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг бошқа органлари ва муассасалари билан маслаҳатлашиб Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш ва рўёбга чиқариш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли ва самарали чора-тадбирларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг зудлик билан кўриб чиқиши учун тезкорлик билан ишлаб чиқишга ҳамда ривожланишга бўлган ҳуқуқнинг барча давлатлар томонидан амалга оширилиши йўллари ва воситаларини тавсия этишга қатъий даъват этади.

73. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ривожланиш ва/ёки инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол иш олиб бораётган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва бошқа маҳаллий ташкилотлар ривожланишга бўлган ҳуқуққа тегишли масалаларни муҳокама қилиш ва фаолиятни амалга ошириш ҳамда ривожланиш мақсадларида ҳамкорликнинг барча жиҳатларида ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилишда миллий ва халқаро даражаларда муҳим роль ўйнаш имкониятига эга бўлиши кераклигини тавсия этади.

74. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳукуматларга, ваколатли муассасалар ва ташкилотларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир бўлган ишончли фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий тизимлар учун, шунингдек, ушбу соҳада фаолият кўрсатувчи миллий муассасалар учун ажратилаётган ресурсларни жиддий равишда кўпайтиришга даъват этади. Ривожланиш соҳасида ҳамкорлик қилувчи қатнашчилар ривожланиш, демократия ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги ўзаро мустаҳкамловчи алоқани ҳисобга олишлари зарур. Ҳамкорлик мулоқотга ва транспарентликка асосланиши керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, кенг қамраб олувчи дастурлар, шу жумладан, ахборотнинг ресурс банклари ишлаб чиқишига ҳамда қонунийликни ва демократик институтларни мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланувчи экспертлар тайёрланишига ҳам даъват этади.

75. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияни Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита билан ҳамкорликда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протоколлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттиришга чақиради.

76. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича марказнинг маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник ёрдам бериш дастурлари доирасида инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши мақсадида минтақавий механизмларни мустаҳкамлаш ва барпо этиш учун кўпроқ ресурслар ажратилишини тавсия қилади. Давлатларга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда баён қилинганидек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадларида минтақавий механизмларни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий ва субминтақавий ишчи кенгашлар ўтказиш сингари мақсадлар учун ёрдам сўраш тавсия этилади.

77. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тегишли ихтисослаштирилган муассасаларининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ва бошқа тегишли халқаро шартномаларда назарда тутилганидек касаба уюшмалари ҳуқуқларининг самарали рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирларини қўллаб-қувватлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси барча давлатларни ушбу

масалага тегишли халқаро шартномалардаги ўзларининг барча мажбуриятларини тўлиқ амалга оширишга чақиради.

D. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқитиш

78. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича кадрларни ўқитиш, тайёрлаш ва жамоатчиликни хабардор қилиш жамоалар ўртасидаги барқарор ва уйғун муносабатларни рағбатлантириш ва ўрнатиш учун ҳамда ўзаро бир-бирини тушунишни, сабр-тоқатни ва тинчликни мустаҳкамлаш учун ғоят муҳим деб ҳисоблайди.

79. Давлатлар саводсизликни тугатишга ва ўқитишни инсон шахсини тўлиқ камол топтириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлашга йўналтиришга интилишлари керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси барча давлатлар ва муассасаларни инсон ҳуқуқлари, гуманитар ҳуқуқ, демократия ва қонунийлик масалаларини расмий ва норасмий таълимнинг барча ўқув юртлари ўқув дастурларига киритишга чақиради.

80. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқитиш инсон ҳуқуқларига универсал тарафдорликни мустаҳкамлаш учун умумий тушуниш ва хабардорликка эришиш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномаларда қайд этилганидек, тинчликни таъминлаш, демократия, ривожланиш ва ижтимоий адолат масалаларини ўз ичига олиши керак.

81. ЮНЕСКО халқаро конгресси томонидан инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида таълим масалалари бўйича 1993 йил март ойида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва демократияга ўқитиш соҳасида саъй-ҳаракатларнинг Бутунжаҳон режасини ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа шартномаларни эътиборга олиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасида энг кенг таълим берилишини таъминловчи аниқ дастурлар ва стратегия ишлаб чиқилишини ва аёлларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эҳтиёжларига алоҳида эътиборни қаратиб, жамиятда у ҳақдаги ахборотни ёйишни тавсия қилади.

82. Ҳукуматлар ҳукуматлараро ташкилотлар, миллий муассасалар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар кўмагида инсон ҳуқуқлари ва ўзаро сабр-тоқатли бўлиш соҳасида хабардорликни кенгайтиришда ёрдам беришлари керак. Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича Бутунжаҳон кампаниясини фаоллаштиришнинг

аҳамиятини таъкидлайди. Ҳукуматлар инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш жараёнини бошлашлари ва ушбу жараённи қўллаб-қувватлашлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборот жамиятда самарали тарқатилишини ташкил этишлари керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг Маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник ёрдам бериш дастури давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маърифий ва ўқув фаолиятига тегишли илтимосларига дарҳол жавоб бериш имкониятига ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва гуманитар ҳуқуқдаги мавжуд стандартлар соҳасида уларнинг ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва соғлиқни сақлаш ходимлари сингари аниқ гуруҳларига нисбатан қўлланиши юзасидан махсус тайёргарликка эга бўлиши керак. Маърифатпарварлик фаолиятининг инсон ҳуқуқларига ўқитиш сингари турларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда унга эътиборни жамлаш мақсадида ушбу соҳада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўн йиллигини эълон қилиш масаласини кўриб чиқиш керак.

Е. Амалга ошириш ва кузатиш усуллари

83. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси ҳукуматларни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардаги мавжуд стандартларни ички қонунчиликка киритишни ҳамда жамиятнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ишида муайян роль ўйнайдиган миллий тузилмалари, институтлари ва органларини мустаҳкамлашга чақиради.

84. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ўз миллий муассасаларини барпо этишни ёки кучайтиришни хоҳлайдиган давлатларнинг ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосларини қондириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти ва дастурини мустаҳкамлашни тавсия этади.

85. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилинишини, жумладан, ахборот ва тажриба алмашиш йўли билан миллий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда минтақавий ташкилотлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақиради.

86. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси шу муносабат билан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасаларнинг механизмлари ва иш тажрибасини такомиллаштириш йўллари ва воситаларини кўриб чи-

қиш мақсадида уларнинг вакиллари Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ шафеълиги остида даврий кенгашлар ўтказишини қатъий тавсия этади.

87. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларга, шартномавий органлар раислари кенгашларига ва қатнашчи давлатлар кенгашларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли конвенцияларга мувофиқ давлатларнинг маърузаларини тайёрлашга тегишли маърузалар ва раҳбарий принципларни тақдим этиш бўйича кўп сонли талаблар мувофиқлаштирилиши таъминланишига қаратилган чора-тадбирларни бундан кейин кўришни ҳамда унга мувофиқ ҳар бир давлат томонидан ўз зиммасига қабул қилинган шартномавий мажбуриятлар бўйича битта умумий маъруза тақдим этилиши ушбу тартиб-қоидаларни самаралироқ қиладиган ва уларнинг аҳамиятини оширадиган таклифни кўриб чиқишни тавсия қилади.

88. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар қатнашчилари бўлган давлатларга, Бош Ассамблеяга ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мавжуд шартномавий органлар ва ҳар хил мавзули механизмлар ва тартиб-қоидаларнинг маддатлари ва вазифаларидаги зарур бўлмаган бир-бирини такрорлаш ва параллелликдан қочиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил органлар, механизмлар ҳамда тартиб-қоидалар иши мувофиқлаштирилишини яхшилаш ҳисобига уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида фаолият кўрсатиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия этади.

89. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси шартномавий органлар фаолият кўрсатишини яхшилаш ишларини, шу жумладан, ушбу масаладаги кўп сонли таклифларни, жумладан, шартномавий органларнинг ўзлари ва шартномавий органлар раислари кенгашларининг таклифларини эътиборга олган ҳолда кузатишга доир вазифалар бажарилиши ишларини давом этиришни тавсия қилади. Шунингдек, Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан қабул қилинган кенг қамраб олувчи мамлакатлар бўйича ёндашишни ҳам рағбатлантириш зарур.

90. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларнинг қатнашчилари бўлган давлатларга маълумотларни тақдим этишнинг барча мавжуд факультатив тартиб-қоидалари қабул қилиниши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия қилади.

91. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари бузилишида айбдор бўлган шахсларнинг жазоланмаслиги тўғрисидаги масала бўйича хавотирлик билдиради ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Озчилик камситилишининг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссиянинг ушбу муаммонинг барча жиҳатларини ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

92. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги шартномаларни халқаро ва минтақавий даражаларда самаралироқ амалга ошириш имкониятини кўриб чиқишни тавсия этади ва Халқаро ҳуқуқ комиссиясини халқаро жиноят суди тўғрисидаги масала бўйича ўз ишيني давом эттиришга чақиради.

93. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси 1949 йил 12 августдаги Женева конвенциясига ҳали қўшилмаган давлатларни ушбу конвенцияга ва унга қўшимча протоколларга қўшилишга ҳамда уларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун миллий даражада барча зарур чора-тадбирларни, шу жумладан, қонунчилик хусусиятига эга бўлган чораларни кўришга чақиради.

94. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси умум эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши мақсадида хусусий шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги декларация лойиҳаси тезликда ишлаб чиқилишини тугаллашни ва унинг қабул қилинишини тавсия қилади.

95. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Озчилик камситилишининг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссиянинг махсус тартиб-қоидалари, маърузачилари, вакиллари, эксперт гуруҳлари ва ишчи гуруҳларига зарур одамларни молиявий ресурсларни берган ҳолда жаҳоннинг барча мамлакатларида ўз мандатларини бажариш имкониятини бериш учун ушбу тизимни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг муҳимлигини таъкидлайди. Даврий кенгашлар доирасида тартиб-қоидалар ва механизмлар келишилган тартибда ва мақбул фаолият кўрсатишини таъминлаш зарур. Барча давлатларга ушбу тартиб-қоидалар ва механизмлар фаолиятида тўлиқ даражада ҳамкорлик қилиш тавсия қилинади.

96. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави мақсадлари ва принципларига мувофиқ қуролини низолар билан боғлиқ бўлган барча вазиятларда халқаро гума-

нитар ҳуқуқ нормалари тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлаб, инсон ҳуқуқлари рағбатлантирилиши ва ҳимоя қилиниши ишида фаолроқ роль ўйнашни тавсия қилади.

97. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан амалга оширилаётган тинчликни сақлаш бўйича айрим операцияларга тегишли аниқ тадбирларда инсон ҳуқуқлари компонентининг муҳим ролини эътироф этиб Бош котибга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги механизмларнинг ҳисобот бериши тартиб-қоидасини, тажрибаси ва имкониятларини эътиборга олишни тавсия қилади.

98. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш мақсадида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда баён қилинган ҳуқуқларни амалга ошириш ишида тараққиётни аниқлаш учун кўрсаткичлар тизими сифатида қўшимча ёндашувларни кўриб чиқиш зарур. Миллий, минтақавий ва халқаро даража-ларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш учун келишилган саъй-ҳаракатлар зарур.

Ғ. Жаҳон конференциясидан кейин қўйиладиган қадамлар

99. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бош Ассамблеяга, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган бошқа органлари ва муассасаларига мазкур Декларациядаги тавсияларни, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари ўн йиллигини эълон қилиш имконияти билан боғлиқ таклифларни кўриб чиқишни тавсия қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга ушбу мақсадларга эришиш учун тараққиёт шарҳини ҳар йили ўтказишни тавсия қилади.

100. Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг эллик йиллиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган барча органлари ва муассасаларига мазкур Декларацияни амалга оширишда эришилган тараққиёт тўғрисида унга маърузалар тақдим этишни таклиф қилишни, шунингдек, Бош Ассамблеяга унинг

эллик учинчи сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали маъруза тақдим этилишини тавсия қилади. Минтақавий муассасалар, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда эса инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, шунингдек, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар мазкур Декларация қоидалари амалга оширилишида эришилган тараққиёт тўғрисида мана шу тарзда ўз фикрларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига маълум қилишлари мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномалар ва протоколлар универсал ратификация қилиниши мақсадларига эришиш йўлидаги тараққиётни баҳолашга алоҳида эътибор бериш зарур.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАМСИТИШГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

1960 йил 14 декабр

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференцияси 1960 йил 14 ноябрдан 15 декабргача Парижда ўн биринчи сессиясига йиғилиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик принципини тасдиқлашини ва ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эълон қилишини эслатиб,

таълим соҳасида камситиш шу декларацияда баён этилган ҳуқуқларни бузиш эканлигини эътиборга олиб,

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг Уставига кўра ҳамма жойда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини ҳамда ҳамма учун таълимга тенг кириш имкониятини таъминлаш учун миллатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга интилаётганини эътиборга олиб,

бинобарин, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти айрим мамлакатларда қабул қилинган таълим тизими хилма-хиллигидан келиб чиқиб, таълим соҳасидаги ҳар қандай камситишни бартараф этибгина қолмай, балки ялпи имкониятлар тенглигини ва шу соҳада барчага тенг муносабатни рағбатлантириши ҳам кераклигини тая олиб,

таълим соҳасида камситишнинг, яъни сессия кун тартибининг 17.1.4-бандига киритилган масаланинг турли жиҳатларига доир таклифларни ҳисобга олиб,

бу масала халқаро конвенциянинг предмети бўлишини, шунингдек, аъзо-давлатларга тавсиялар бўйича ўнинчи сессияда қабул қилинган қарорни инобатга олиб,

1960 йилнинг 14 декабрида қуйидаги Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Ушбу Конвенцияда «камситиш» ибораси таълим соҳасида муносабат тенглигини йўқ қилиш ёки бузишни мақсад ёки натижа қилиб қўядиган ирқ, тана ранги, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқача эътиқодлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий ҳолат ёки туғилиш белгиси бўйича ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликни қамраб олади, хусусан:

а) қандайдир шахс ёки шахслар гуруҳининг ҳар қандай погона ёки турдаги таълимга киришига тўсқинлик қилиш;

б) қайсидир шахс ёки шахслар гуруҳи учун ўқитиш таълимнинг қўйи бўғини билан чеклаш;

с) қайсидир шахслар ёки шахслар гуруҳи учун алоҳида таълим тизими ёки ўқув юртларини тузиш ёки сақлаш, ушбу Конвенциянинг 2-моддаси қондасида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир;

д) қайсидир шахс ёки шахслар гуруҳини инсон қадр-қимматига номуносиб вазиятга тушириб қўйиш;

2. Ушбу Конвенцияда «таълим» сўзи таълимнинг барча турлари ва бўғинларига тегишли ҳамда таълимга киришни, ўқитиш даражаси ва сифатини, шунингдек, у олиб бориладиган шарт-шароитларни ўз ичига олади.

2-модда

Қўйидаги қондалар, агар уларга алоҳида давлатларда йўл қўйилса, ушбу Конвенциянинг 1-моддаси нуқтаи назаридан камситиш сифатида кўриб чиқилмайди:

а) турли жинсга мансуб ўқувчилар учун шу тизим ёки ўқув юртлари таълимига бир хилда киришни таъминлаб, уларнинг ўқитувчилари таркиби бир хил таяланиб, улар тенг сифатли бино ва ускуналарга эга бўлиб, бир хил дастурларда ўқитиш имкони мавжуд бўлган ҳолда, ўқитишнинг алоҳида-алоҳида тизимларини тузиш ёки сақлаб туриш;

б) ўқувчилар ота-оналари ёки қонуний васийларининг таялашига мос таълим берувчи диний ёки тил хусусиятидаги алоҳида таълим тизимларини ёки ўқув юртларини шу тизимларга ёки шу ўқув юртларига кириш ихтиёрий бўлган, бериладиган таълим ваколатли таълим органлари томонидан, жумладан, айти бир хил бўғиндаги таълимга нисбатан кўрсатилган ёки тасдиқланган меъёрларга асосланган ҳолларда тузиш ёки сақлаш;

в) хусусий ўқув юртларини уларнинг мақсади қандайдир гуруҳни истисно қилиш эмас, балки давлат томонидан бериладиган таълим имкониятларини кенгайтиришдангина иборат бўлган ҳолларда шу шарт билан тузиш ёки сақлаб қолишни, токи бунда уларнинг фаолияти юқорида кўрсатилган мақсадга жавоб берсин ва улар берадиган таълим таълимнинг ваколатли органлари томонидан, жумладан, айти бир хилдаги бўғин таълими меъёрларига нисбатан кўрсатилган ёки тасдиқланган нормаларга мувофиқ келсин.

3-модда

Ушбу Конвенцияда бериладиган таърифларга мос тушадиган камситишни тугатиш ёки унинг олдини олиш мақсадида унинг

иштирокчилари бўлган томонлар қуйидагиларни ўз зиммаларига олади:

а) таълим соҳасида камситиш тусидаги ҳамма чиқарилган қонуний қарорлар ва маъмурий фармойишлар бекор қилинсин ҳамда маъмурий амалиётчилик тугатилсин;

б) агар лозим бўлса, ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилишда ҳар қандай камситишга барҳам бериш учун қонун чиқариш тартибида зарур тадбирлар қабул қилинсин;

с) ўқиш учун ҳақ тўлашга доир ишларда, стипендиялар ва бошқа ҳар қандай ёрдам беришда, шу жумладан, таълимни чет элларда давом эттириш учун ўқувчиларга керакли рухсат ва имтиёзлар беришда, муайян мамлакат фуқаролари бўлган ўқувчиларга нисбатан давлат органлари томонидан уларнинг ютуқлари ва эҳтиёжларига асосланган фарқлардан бошқа ҳеч қандай тафовут қилинишига йўл қўйилмасин;

д) давлат органлари ўқув юртларига у ёки бу турда ёрдам берган ҳолларда ўқувчиларнинг қайсидир муайян гуруҳга мансублигига қараб истисно тарзида устунлик ёки чекловлар берилишига йўл қўйилмасин;

е) уларнинг ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқароларга таълимга кириш имконияти ўз фуқароларига бўлгани сингари таъминлансин.

4-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар бундан ташқари таълим соҳасида имкониятлар ва муносабат тенглигини амалга ошириш учун миллий шароит ва одатларга муносиб тегишли усуллардан фойдаланиладиган умумдавлат сиёсатини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва амалга ошириш мажбуриятини олади, жумладан:

а) бошланғич таълимни мажбурий ва бепул қилиш; ўрта таълимни унинг турли шаклларида барча учун умумий мулк қилиш ва унинг ҳаммабоплигини таъминлаш; олий таълимни тўла-тўқис тенглик ва ҳар бир кишининг қобилиятига қараб унга кириш имконияти бўладиган қилиш; қонунда кўзда тутилган ўқитиш мажбурийлигига риоя қилинишини таъминлаш;

б) тенг поғонали ҳамма давлат ўқув юртларида бир хил таълим даражасини ва ўқитиш сифатига нисбатан тенг шароитларни таъминлаш;

с) бошланғич таълим олмаган ёки уни тугалламаган шахсларнинг таълим олишини ва таълимни улардан ҳар бирининг

қобилиятига қараб давом эттиришини муносиб усуллар билан рағбатлантириш ва ривожлантириш;

д) камситишсиз ўқитувчилик касбига тайёрлашни таъминлаш.

5-модда

1. Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар шундай деб ҳисоблайдилар:

а) таълим инсон шахсини тўла ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари билан асосий эркинликларини кўпроқ ҳурмат қилишга қаратилиши керак; у ҳамма халқлар ва ҳамма ирқий ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушунишга, бағрикенглик ва дўстликка, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш юзасидан фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашмоғи лозим;

б) ота-оналар тегишли ҳолларда, қонуний васийлар, биринчидан, ҳар бир давлатнинг қонунилари белгилаган доирада ўз болаларини давлатники бўлмаган, балки ваколатли таълим органлари томонидан кўрсатилган ёки тасдиқланган минимал талабларга жавоб берадиган бошқа ўқув юртларига эркин жўнатиш имкониятига эга бўлишлари ва иккинчидан, ўз эътиқодларига мувофиқ равишда болаларнинг диний ва маънавий тарбиясини таъминлашлари лозим; алоҳида олганда ҳеч кимга ва яхлит олганда ҳеч бир шахслар гуруҳига уларнинг эътиқодларига тўғри келмайдиган диний тарбияни зўрлаб ўтказмаслик керак;

с) миллий камчиликка мансуб шахсларда ўзининг маърифий ишени, шу жумладан, мактабларга раҳбарликни олиб бориш ҳуқуқини тан олиш ва ҳар бир давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатига мувофиқ, ўз миллий тилидан фойдаланишни ёки уни ўқитишни таъминлаш керак, лекин бунда қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

i) бу ҳуқуқни амалга ошириш камчиликка мансуб шахсларга бутун жамоанинг маданияти ва тилини тушунишда ҳамда унинг фаолиятида қатнашишга ҳалақит бермайди ва у мамлакат мустақиллигига путур етказмайди;

ii) шундай турдаги мактабларда ўқитиш даражаси ваколатли органлар томонидан кўрсатилган ёки тасдиқланган умумий даражадан кам эмас; ва

iii) шу турдаги мактабларга қатнаш ихтиёрий тарздадир.

2. Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар ушбу модданинг 1-бандида баён этилган принциплар қўлланилишини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўришга мажбурият олади.

6-модда

Ушбу Конвенция қўлланилганда унинг томонлари бўлган давлатлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференцияси таълим соҳасида камситишнинг турли жиҳатларига қарши тадбирлар ва шу соҳада имкониятлар ҳамда муносабатлар тенглигини таъминлаш юзасидан тадбирлар белгилаш мақсадида қабул қилиши мумкин бўлган тавсияларни иложи борида қўпроқ даражада ҳисобга олиш мажбуриятини қабул қилади.

7-модда

Ушбу Конвенция томонлари бўлган давлатлар улар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясига, Конференция белгилайдиган муддатларда ва шаклларда вақти-вақтида берадиган маърузаларида улар томонидан ушбу Конвенцияни амалга ошириш учун қабул қилинадиган қонун чиқаришга оид, маъмурий ва бошқа тадбирлар тўғрисида, жумладан, 4-моддада эслатиб ўтилган умумдавлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, эришилган натижалар ҳамда шу сиёсатни амалга оширишга халақит қилган тўсиқлар ҳақида хабар қилишлари керак.

8-модда

Агар ушбу Конвенция томонлари бўлган иккита ёки бир неча давлатлар ўртасида уни шарҳлаш ёки қўлланиш масаласига доир келишмовчиликлар пайдо бўлса ва агар бу келишмовчиликлар музокаралар йўли билан бартараф этилмаса, келишмовчиликларни бартараф этишнинг бошқа воситалари мавжуд бўлмаса, томонлар илтимоси бўйича улар тегишли ҳукм чиқариш учун Халқаро судга ўтказилади.

9-модда

Ушбу Конвенцияга ҳеч қандай қўшимча шартлар бўлишига йўл қўйилмайди.

10-модда

Ушбу Конвенция алоҳида шахслар ёки гуруҳлар иккита ёки бир неча давлатлар ўртасида тузилган шартномаларга кўра фойдаланишлари мумкин бўлган ҳуқуқларни, агар шу ҳуқуқлар Конвенциянинг матни ёки руҳига қарши чиқмаса, чекламайди.

11-модда

Ушбу Конвенция инглиз, испан, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма тўртта матн тенг кучга эга.

12-модда

1. Ушбу Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатлар томонидан кўзда тутилган тартибда ратификация қилиниши ёки қабул қилиниши керак.

2. Ратификация ёрлиқлари ёки қабул қилиш тўғрисидаги актлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош директорига сақлаш учун топширилади.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияга Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлмаган ҳар қандай давлат ушбу Ташкилотнинг Ижроия кенгашидан унга қўшилиш тўғрисидаги таклифномани олиб қўшилиши мумкин.

2. Қўшилиш бу тўғридаги актни Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош директорига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

14-модда

Ушбу Конвенция учинчи ратификация ёрлиги ёки қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги акт сақлаш учун топширилган кундан уч ой ўтгач, фақатгина ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўз актларини сақлаш учун кўрсатилган кунда ёки эртaroқ топширган давлатларга нисбатан амалга киритилади. Исталган бошқа давлатга нисбатан Конвенция у ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисида ўз актини топширигандан кейин уч ой ўтгач амалга киритилади.

15-модда

Ушбу Конвенция томонлари бўлган давлатлар унинг ҳаракати нафақат уларнинг метрополияларидаги ҳудудларга, балки ўзини ўзи бошқармайдиган, васийликдаги мустанлак ва ташқи aloқалари учун улар масъул бўлган бошқа ҳудудларга ҳам тарқалишини тан олади; улар агар зарур бўлса, кўрсатилган ҳудудларнинг ҳукумати ёки ваколатли ҳокимликлар билан ратификация қилиш, қабул қилиш пайтида ёки яна илгарироқ шу ҳудудларда Конвенция амалга оширилишини таъминлаш учун маслаҳатлашишга, шунингдек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директорига Конвенция амалга ошириладиган ҳудудлар тўғрисида маълум қилишга

мажбурийят олади. Бу ратификация у олингандан кейин уч ой ўтгач амалга киритилади.

16-модда

1. Ушбу Конвенция томони бўлган ҳар бир давлат уни ўз номидан ёки ташқи алоқалари учун у жавоб берадиган исталган ҳудуд номидан денонсация қилиши мумкин.

2. Бекор деб эълон қилиш ёзма акт билан маълум қилиниб, у Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директориغا топширилади.

3. Денонсация, денонсация тўғрисида акт олингандан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

17-модда

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директори Ташкилотга аъзо давлатларга, 13-моддада қайд этилганидек Ташкилот аъзоси бўлмаган давлатларга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 12- ва 13-моддаларда қайд этилган ратификация, қабул қилиш ёхуд қўшилиш, шунингдек, 15-ва 16-моддаларда қайд этилган нотификация ва денонсация тўғрисидаги барча актлар сақлаш учун топширилганини маълум қилади.

18-модда

1. Мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош конференцияси томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Аммо унинг қайта кўриб чиқилган матни қайта кўриб чиқилган Конвенция томонлари бўлган давлатлар учунгина мажбурий ҳисобланади.

2. Мабодо Бош конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқувчи янги конвенция қабул қилса ва агар янги конвенцияда бошқа кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, қайта кўриб чиқилган матнга эга янги Конвенция кучга кирган кундан эътиборан мазкур Конвенция ратификация, қабул қилиш ёки қўшилиш учун ёпиқ бўлади.

19-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорининг илтимосига кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатга олинади.

Парижда, 1960 йилнинг ўн бешинчи декабрида икки аутентик нусхада, ўн биринчи сессияга тўпланган Бош Конференция Раиси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директори имзолари билан тузилди; ушбу нусхалар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади ва уларнинг тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари 12- ва 13-моддаларда кўрсатилган барча давлатларга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилади.

ЮНЕСКОНИНГ МАДАНИЙ ТУРЛИ-ТУМАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Декларация 2001 йил 2 ноябрда Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессиясида қабул қилинган

Бош конференция

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа умум-мэтироф этилган ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга бағишланган иккита халқаро пактда тантанали эълон қилинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ҳажмда таъминлаш мақсадига содиқ қолиб,

- ЮНЕСКО Уставининг Муқаддимасида айтилганидек, «инсоннинг қадр-қимматини қўллаш мақсадида барча инсонлар ўртасида адолат, эркинлик ва тинчлик асосида маданият ва таълимни кенг тарқатиш лозимлиги учун барча халқларга ўзаро ҳамкорлик руҳида буни бажаришнинг муқаддас мажбурияти юклатилишини» эслатиб,

шунингдек, ЮНЕСКО олдида бошқа вазифалар билан бир қаторда «огзаки ва тасвирий усуллар билан гоёларни эркин тарқатиш учун фойдали деб билган халқаро битимларни» тузишни тавсия этиш вазифаси Уставнинг I моддасида қўйилишини эслатиб;

ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган маданий турли-туманлик ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга оид қондаларга *қавола этиб1* ;

- маданият жамият ёки ижтимоий гуруҳга хос бўлган ажратиб турувчи - маънавий ва моддий, интеллектуал ва эмоционал - белгиларнинг йигиндиси сифатида кўрилиши лозимлигини, санъат ва адабиётдан ташқари, у турмуш тарзи, «биргаликда яшаш маҳорати», қадриятлар, анъаналар тизими ва диний эътиқодни ҳам ўз ичига олишини *яна бир бор тасдиқлаб2*;

- ҳозирги ўзига хослик бўйича мунозараларнинг, жамиятнинг жипслиги ва иқтисодиётнинг билимлар асосида ривожланиши масалаларининг марказида маданият турганлигини *этироф этиб*,

- маданиятларнинг турли-туманлигини ҳурмат қилиш, ишонч ва ўзаро тушуниш шароитида, бағрикенглик, мулоқот ва ҳамкорлик тивчлик ва халқаро хавфсизликнинг энг яхши гарови эканлигини *тасдиқлаб*;

- маданий турли-туманликка асосланган инсониятнинг бир-

лигини англаб етиш ва маданиятлараро алмашинувларни ривожлантиришга асосланган янада кенг ҳамфикрлик қарор топишига интилиб;

- янги ахборот ва алоқа технологияларининг тез ривожланиши билан рағбатлантирилаётган глобаллашув жараёни, ваҳоланки у маданий турли-туманликка муайян хавф туғдирса-да, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги янги мулоқот учун шарт-шароитлар яратади, деб ҳисоблаб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ЮНЕСКОга маданий турли-туманликни сақлаб қолишни таъминлаш ва маданиятларнинг самарали турли-туманлигига кўмак бериш бўйича аниқ ваколатлар юклатилганини англаб етиб,

- қўйидаги принципларни эълон қилади ва мазкур Декларацияни қабул қилади:

Ўзига хослик, турли-туманлик ва плюрализм

1-модда.

Маданий турли-туманлик инсониятнинг умумий бойлиги сифатида

Маданият шакллари замон ва маконга қараб ўзгаради. Ушбу маданий турли-туманлик инсониятни ташкил этувчи гуруҳларга ва ҳамжамиятларга хос бўлган ўзига хосликнинг бетакрорлиги ва ранг-баранглигида ўз тасдиғини топади. Алмашинув, янгиликка интилувчанлик ва ижод манбаи ҳисобланган маданий турли-туманлик, жонли табиат учун био турли-туманлик қанчалик зарур бўлса, инсоният учун шунчалик зарур. Шу маънода у инсониятнинг умумий бойлиги ҳисобланади ҳамда бугунги ва келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида тан олиниши ва мустаҳкамланиши лозим.

2-модда.

Маданий турли-туманликдан маданий плюрализмга

Тобора турли-туман бўлиб бораётган бизнинг жамиятимизда инсонлар ва ижтимоий гуруҳларнинг плюралистик, турли-туман ва динамик маданий ўзига хослик билан мавжуд бўлишга интилишлари ва ўзаро алоқасининг уйғунлигини таъминлаш лозим. Интеграция ва барча фуқароларнинг иштирокини рағбатлантирувчи сиёсат ижтимоий бирдамлик, фуқаролик жамиятининг яшовчанлиги ва тинчлик-осойишталик гаровидир. Шу маънода маданий плюрализм маданий турли-туманлик воқелигига нисбатан сиёсий жавобдир. Демократия билан чамбарчас боғлиқ бўлган

маданий плюрализм жамиятга зарурий куч бахш этувчи маданий алмашивув ва ижодий истеъдоднинг юксалиши учун қулай шарт-шароит яратади.

3-модда.

Маданий турли-туманлик ривожланишнинг омили сифатида

Маданий турли-туманлик ҳар бир инсон эга бўлган танлов имкониятини кенгайтиради, у нафақат иқтисодий ўсиш нуқтаи-назаридан кўриладиган ривожланиш манбаларидан бири сифатида, балки тўлақонли интеллектуал, эмоционал, ахлоқий ва маънавий ҳаётни таъминловчи восита сифатида кўрилади.

Маданий турли-туманлик ва инсон ҳуқуқлари

4-модда.

Инсон ҳуқуқлари маданий турли-туманликнинг кафолати сифатида

Маданий турли-туманликни ҳимоя қилиш ахлоқий императив бўлиб, у инсон шахсининг қадр-қимматини ҳурмат қилишдан ажралмасдир. У инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, айниқса, миллий озчиликка мансуб ва маҳаллий халқларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни назарда тутди. Маданий турли-туманликка асосланиб, халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган инсон ҳуқуқларига путур етказишига ёки уларнинг қўллаш доирасини чеклашга йўл қўйилмайди.

5-модда.

Маданий ҳуқуқлар маданий турли-туманликка имкон яратувчи омил сифатида

Маданий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлиб, улар универсал, бўлинмас ва ўзаро боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13- ва 15-моддаларида белгилаб берилган тарзда маданий ҳуқуқларни тўлиқ ҳажмда ҳаётга татбиқ қилиш ижодий турли-туманликни ривожлантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ҳар бир инсон тегишли равишда ўз фикрини ифода этиш, ижод қилиш ва асарларини ўз танловига кўра ҳар қандай тилда, хусусан, ўз она тилида тарқатиш имкониятига эга бўлиши лозим; ҳар бир инсон унинг маданий ўзига хослиги тўлиқ ҳурмат қили-

ниши шартларида сифатли таълим ва профессионал тайёргарлик олиш ҳуқуқига эга; ҳар бир инсон ўз тавловига кўра маданий ҳаётда иштирок этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя қилиниши шартларида ўзининг маданий анъаналарига содиқ қолиш ҳуқуқига эга.

6-модда.

Барча учун очиқ бўлган маданий турли-туманлик сари

Огзаки ва тасвирий усуллар орқали гоъларнинг эркин тарқатилишини таъминлаш билан барча маданиятларнинг ўзини ифода эта олиш ва тарқатилиш объекти бўла олишига эришиш лозим. Фикрни эркин ифодалаш, оммавий ахборот воситаларининг плюралиزمi, кўп тиллилик, бадиий ижодга, илмий-техникавий билимларга, шу жумладан, рақамли шаклдаги билимларга ва барча маданиятларга гоъларни ифодалаш ва тарқатиш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш маданий турли-туманликнинг гарови ҳисобланади.

Маданий турли-туманлик ва ижод

7-модда.

Маданий мерос ижоднинг манбаи сифатида

Ҳар қандай ижоднинг манбаи маданий анъаналардан олинади, бироқ бошқа маданиятлар билан алоқада гуллаб-яшнайдди. Шунинг учун ҳам ижоднинг барча кўринишлари билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш ва маданиятлараро чинакам мулоқотни рағбатлантириш орқали инсониятнинг тажрибаси ва орзумидларини ифода этувчи маданий меросни унинг барча шаклларида сақлаб қолиш, оммалаштириш ва келажак авлодга етказиш муҳим.

8-модда.

Маданият мақсадларига мўлжалланган предметлар ва хизматлар: алоҳида хусусиятга эга бўлган маҳсулот

Ижод ва янгиликлар киритиш учун кенг имкониятлар очилаётган ҳозирги иқтисодий ва техникавий ўзгаришлар шароитида ижодий таклифларнинг ранг-баранглигига, муаллифлар ва ижод ходимларининг ҳуқуқларини адолатли тарзда инobatга олишга, шунингдек, маданият мақсадларига мўлжалланган ўзига хослик, қадриятлар ва моҳият ташувчи предметлар ва хизматларнинг

Ўзига хослигига алоҳида эътибор бериш ва уларга оддий предметлар ёки истеъмол маҳсулотлари сифатида қарамаслик лозим.

9-модда.

Маданият соҳасидаги сиёсат ижодни рағбатлантириш воситаси сифатида

Маданият соҳасидаги сиёсат ғоялар ва асарларнинг эркин тарқатилишини таъминлаш орқали маҳаллий ва глобал даражада маданий меросни қарор топтириш учун тегишли воситаларга эга бўлган маданий саноат ёрдамида маданий мазмун касб этувчи турли хил маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларига риоя қилишда маданият соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқади ва ўзи мақбул ҳисоблаган услублар ёрдамида, шу жумладан, тезкор қўллаб-қувватлаш ва тегишли норматив-ҳуқуқий асосни яратиш орқали уни ҳаётга жорий этади.

Маданий турли-туманлик ва халқаро бирдамлик

10-модда.

Ижодий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва глобал миқёсда маданий маҳсулотларни тарқатиш имкониятлари

Маданий мазмун касб этувчи маҳсулотларнинг глобал оқимида ва уларнинг алмашинувида мувозанатсизлик кузатилаётган ҳозирги вақтда халқаро ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш лозим, чунки шуларга таянган ҳолда барча мамлакатлар, шу жумладан, ривожланаётган ва ўтиш босқичидаги мамлакатлар миллий ва халқаро миқёсларда рақобатбардош барқарор маданият саноатини ярата олади.

11-модда.

Давлат сектори, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасида шерикчиликни йўлга қўйиш

Инсоният барқарор ривожланишининг ҳал қилувчи омили ҳисобланган маданий турли-туманликни сақлаб қолиш ва рағбатлантиришни фақатгина бозор имкониятларига таянган ҳолда таъминлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яна бир бор хусусий сектор ва фуқаролик жамияти билан шерикликда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг муҳим ролини таъкидлаб ўтиш лозим.

12-модда.

ЮНЕСКОнинг роли

Ўз мандати ва функцияларига биноан ЮНЕСКО зиммасига:

(a) турли ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ривожланиш стратегияларида мазкур Декларацияда белгилаб берилган принципларнинг инobatга олинишига ёрдам бериш;

(b) ахборот функцияларини бажариш ва маданий турли-туманликни қўллаб-қувватлаш учун давлатлар, ҳукуматлараро ва ноҳукумат жалқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг ҳамкорликда концепциялар, вазифалар ва сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

(c) бундан кейин ҳуқуқ ижодкорлиги ишини, мазкур Декларацияда тўхтаб ўтилган соҳаларда, шунингдек, жамоатчилик диққатини жалб қилиш ва унинг ваколатига тегишли салоҳиятни мустаҳкамлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

(d) асосий йўналишлари мазкур Декларацияга иловада ўз ифодасини топган ҳаракат режасини амалга оширишга кўмаклашиш масъулияти юкланган.

ЮНЕСКОНИНГ МАДАНИЙ ТУРЛИ-ТУМАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТ РЕЖАСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аъзо-давлатлар ЮНЕСКОнинг Маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини кенг оммалаштириш ва уни ҳаётга самарали татбиқ қилишга кўмаклашиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни, хусусан, қуйидаги мақсадларга эришишда ҳамкорлик қилиш орқали амалга оширади:

1. Маданий турли-туманлик масалалари бўйича, хусусан, унинг ривожланиши билан боғлиқ ҳам миллий, ҳам халқаро даражада сиёсатни ишлаб чиқишга таъсири бўйича халқаро муҳокамаларни чуқурлаштириш; хусусан, маданий турли-туманлик бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигининг таҳлили бўйича фаолиятни кучайтириш.

2. Миллий ва халқаро даражада жамоатчилик диққатини жалб этишга ёрдам берувчи принциплар, нормалар ва услублар, шунингдек, воситаларни ҳамда маданий турли-туманликни сақлаб қолиш ва рағбатлантиришга имкон берувчи ҳамкорлик шакллари аниқлаш бўйича ишни жонлантириш.

3. Бир хил бўлмаган жамиятларда интеграция учун шарт-шароит яратиш ва улар ҳаётида турли хил маданий илдизларга эга бўлган инсонлар ва гуруҳлар иштирок этишига кўмак бериш мақсадида билимларнинг ва маданий плюрализм соҳасидаги энг самарали амалиётнинг алмашинувини рағбатлантириш.

4. Инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисми сифатида маданий ҳуқуқларни янада чуқурроқ тушуниш ва мазмунини аниқлаш.

5. Инсониятнинг тил меросини сақлаб қолиш ва имкон даражасида кўп тилларда ўз фикрини ифодалаш, ижод қилиш ва гоаяларни тарқатишга ёрдам бериш.

6. Она тилига ҳурматни сақлаб қолган ҳолда ҳамма ерда, қаерда бунинг имкони бўлса, таълимнинг барча даражаларида тилнинг турли-туманлигини, шунингдек, ёшлиқдан бир неча тилларни ўрганишни рағбатлантириш.

7. Таълим воситасида маданий турли-туманликнинг ижобий ролини англаб этишга ёрдам бериш ва ушбу мақсадларда мактаб дастурларини яратиш ва ўқитувчиларни тайёрлашни такомиллаштириш.

8. Зарурият даражасида у ёки бу маданиятга хос бўлган мулоқот ва билимларни бериш услубларини сақлаб қолиш ва энг

қулай шароитларни яратиш мақсадида ўқиш-ўқитиш жараёнига анъанавий педагогик қарашларни жорий этиш.

9. Таълим соҳасида хизматларнинг самарадорлигини оширишга қодир бўлган, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқув дастурлари, ҳам педагогик воситалар сифатида кўрилиши лозим бўлган янги ахборот ва алоқа технологияларидан фойдаланиш бўйича малакаларни такомиллаштириш ва «рақамли технологиялар соҳасида саводхонликни» оммалаштиришга ёрдам бериш.

10. Кибермаконда тилнинг турли-туманлигини кенгайтириш, шунингдек, умумий бойлик ҳисобланган ҳар қандай ахборотнинг глобал тармоқлар орқали барча учун очиқ бўлишини таъминлашга кўмаклашиш.

11. Ривожланаётган мамлакатларнинг янги технологиялар билан танишиш имкониятини кенгайтириш, ахборот технологияларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш, маҳаллий маданий маҳсулотни рақамли шаклда тарқатишга кўмаклашиш ва ушбу мамлакатларнинг таълим, маданий ва илмий характердаги жаҳон рақамли ресурслари билан танишишини осонлаштириш орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ваколатли муассасалари билан ҳамкорликда «рақамли тафовут»ни барта-раф қилиш учун курашиш.

12. Ахборот воситалари ва глобал ахборот тармоқлари орқали турли хил мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишни рағбатлантириш ва ушбу мақсадда юқори сифатли аудиовизуал маҳсулотларни тайёрлаш, хусусан, бундай маҳсулотни тарқатишга ёрдам берувчи қўшма механизмларни яратишга кўмаклашиш орқали, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларнинг жамоатчилик хизматлари ролини ошириш.

13. Маданий ва табиий меросни, шу жумладан, оғзаки ва номоддий меросни сақлаш ва оммалаштириш сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда маданий мазмун касб этувчи маҳсулотлар ва хизматларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш.

14. Анъанавий билимларни, шу жумладан, туб халқлар томонидан тўпланган билимларни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш; анъанавий билимлар ролини тан олиш, айниқса, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурсларни бошқариш масалаларида ҳамда ҳозирги замон фани ва маҳаллий аҳоли билимлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш.

15. Ижод ходимлари, санъат арбоблари, тадқиқотчилар, олимлар ва ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг ҳаракатчанлигини таъминлашга, шунингдек, дастурлар ишлаб чиқиш ва ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш босқичидаги

мамлакатларнинг ижодий салоҳиятини сақлаб қолиш ва ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар билан бирга, илмий тадқиқотларни ўтказишда халқаро ҳамкорликни ўрнатишга ёрдам кўрсатиш.

16. Ҳозирги замон ижодиётини ривожлантириш мақсадида муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлаш ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасига мувофиқ бир вақтнинг ўзида жамият аъзоларининг маданият билан шугулланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ижодий меҳнат учун адолатли рағбатлантиришни таъминлаш.

17. Ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш босқичидаги мамлакатларда маданият саноатини яратишда ёки мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатиш ҳамда шу билан боғлиқ равишда зарурий инфра-тузилмани ривожлантириш ва тегишли мутахассисларни тайёрлашда кўмаклашиш, яшовчан маҳаллий бозорларни шакллантиришда қўллаб-қуватлаш, ушбу мамлакатлар маданий маҳсулотларининг жаҳон бозорлари ва халқаро тарқатувчи тармоқларга кириб боришини кенгайтириш.

18. Ушбу Декларацияда эълон қилинган принципларни жорий этишга имкон туғдирувчи, шу жумладан, ҳар бир давлатнинг халқаро мажбуриятларига амал қилингани ҳолда тезкор ёрдам механизмларидан фойдаланиш ва/ёки тегишли норматив-ҳуқуқий базани яратиш орқали маданий соҳага оид сиёсатни ишлаб чиқиш.

19. Фуқаролик жамиятининг турли хил гуруҳларини маданий турли-туманликни сақлаб қолиш ва рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишга фаол жалб этиш.

20. Маданий турли-туманликни оммалаштиришда хусусий секторнинг ҳиссасини тан олиш ва рағбатлантириш, шунингдек, ушбу мақсадда давлатлар ва хусусий сектор ўртасидаги мулоқот учун шарт-шароитлар яратишда ёрдам кўрсатиш.

Аъзо-давлатлар Бош директорга ЮНЕСКО дастурларини амалга оширишда, мазкур ҳаракат режасида белгилаб берилган мақсадларни инobatга олишни ва маданий турли-туманликни қўллаб-қуватлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими муассасалари ва бошқа манфаатдор ҳукуматларо ва ноҳукумат ташкилотларни улар билан таништиришни тавсия этади.

Уларга, хусусан, Флоренция битими (1950 й.) ҳамда унга Найроби протоколи (1976 й.), Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон конвенцияси (1952 й.), Халқаро маданий ҳамкорликнинг халқаро принциплари декларацияси (1966 й.), Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва мулк

ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва таъқиқлашга қаратилган чоралар тўғрисидаги конвенция (1970 й.), Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 й.), Ирқ ва ирқий хурофот тўғрисидаги декларация (1978 й.), Ижодий ходимларнинг ҳолати тўғрисида тавсия (1980 й.) ва Фольклорни сақлаш тўғрисида тавсиянома (1989 й.) киради.

Таъриф Маданият соҳасида сиёсат бўйича Жаҳон конференциясининг хулосаларига мувофиқ келади (МОНДИАКУЛЬТ, Мехико, 1982 й.), Маданият ва ривожланиш бўйича умумжаҳон комиссияси («Бизнинг ижодий турли-туманлик» 1995 й.) ва Ривожланиш мақсадида маданият соҳасида сиёсат бўйича ҳукуматлараро конференция (Стокгольм, 1998 й.).

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚЎШИЛГАН
ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР**

№	Ҳужжатларнинг номланиши	Имзолаш жойи ва вақти	Қўшилганлик тўғрисида маълумотлар ва вақти (Олий Мажлис қарори)
1.	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	10.12.48. БМТ	30.09.91 №366-Х11
2.	Янги Европа учун Париж хартияси	21.11.90. Женева	Парижда 27.10.92 да имзоланган
3.	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (Якунловчи ҳужжат)	Хельсинки, 1975.	Хельсинки 26.02.92.
4.	Бола ҳуқуқлари Конвенцияси	20.11.89. БМТ	09.12.92. №757-Х11
5.	Янги Европа учун Париж хартияси (қўшимча ҳужжат)	Париж, 21.11.1990.	Хельсинки 27.10.92
6.	Ҳаракатдаги қуролли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. №946-Х 11
7.	Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. №946-Х11
8.	Денгиздаги қуролли кучлар таркибидан бўлмиш ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматларини енгиллаштириш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. №946-Х11
9.	Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. №946-Х11
10.	Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли, 1949 йил 12 август Женева Конвенцияларига доир қўшимча протокол (1 Протокол)	26.09.77. Женева	03.09.93. №946-Х 11

11.	Халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли 1949 йил 12 август Женева Конвенцияларига доир қўшимча протокол (2 Протокол)	27.09.77. Женева	03.09.93 №946-X11
12.	Тинчлик учун ҳамкорлик андозавий ҳужжат	10.01.94 Брюссель	Брюсселда 13.07.94 да имзоланган
13.	Болаларнинг яшаб қолиши, ҳимояланиши ва ривожланиши тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси	30.09.90. БМТ Нью-Йорк	19.14.94 да имзоланган
14.	Иш вақтини ҳафтада қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида 47-Конвенция	21.06.35. Женева	06.05.95 №83-1
15.	Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллار тўғрисида 52-Конвенция	24.06.36. Женева	06.05.95. №84-1
16.	Оналикни ҳимоялаш тўғрисида 103-Конвенция	1919, Женева 28.03.52	06.05.95. №82-1
17.	Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида 122- Конвенция	09.07.64. Женева	06.05.95. №86-1
18.	Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация	7.11.67. Нью-Йорк	2263. (XXII)
19.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт	19.12.66. БМТ	31.08.94. №126-1
20.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт	19.12.66 БМТ	31.08.95. №127-1
21.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол	19.12.66. БМТ	31.08.95. №128-1
22.	Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро Конвенция	7.03.66	31.08.95. №129-1
23.	Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция	10.12.84.	31.08.95. № 130-1

24.	Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида 29-Конвенция	28.06.30. Женева	30.08.95. №492-1
25.	Коллектив шартномаларни уюштириш ва тузиш ҳуқуқи тартибларининг қўлланишига нисбатан 98-Конвенция	01.07.49. Женева	30.08.97. №496-1
26.	Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисида 100-Конвенция	29.06.51. Женева	30.08.97. №493-1
27.	Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларга берилаган имкониятлар тўғрисида Конвенция	23.06.71. Женева	30.08.97. №494-1
28.	Коллектив музокараларга кўмаклашиш тўғрисида Конвенция	19.06.81. Женева	30.08.97. №495-1
29.	Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишлар тўғрисида 111-Конвенция	25.06.58. Женева	30.08.97. №499-1
30.	Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида Конвенция	25.06.57. Женева	30.08.97. №498-1
31.	Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция	31.03.53. Нью-Йорк	30.08.97. №501-1
32.	Техник ва мутахассислик таълими тўғрисида Конвенция	10.11.98. Париж	30.08.97. №502-1
33.	Таълим соҳасидаги камситишга қарши Конвенция	15.12.60. Париж	30.08.97. №497-1
34.	Халқларнинг тинчлик ҳуқуқи тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблеясининг 12.11.84 №39/11-сон резолюцияси	30.03.97. №503-1
35.	Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблеясининг 04.12.86. №41/128 сон резолюцияси	30.08.97. №504-1
36.	Дин ёки қарашлар асосида чиқишмаслик ва камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблеясининг 25.11.81 №36/55-сон резолюцияси	30.08.97. №505-1

37.	Халқаро маданий ҳамкорлик тамойиллари Декларацияси	ЮНЕСКО Бош конференцияси 04.11.66.	30.08.97. №506-1
38.	Ҳуқуқ - тартибот бўйича масъул мансабдор шахслар Кодекси	Рез. № 34/169 ГА БМТ 17.12.79.	30.08.97. №507-1
39.	Суд идоралари мустақиллигининг асосий тамойиллари	БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўйича VII Конгрессда қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 29.11.85. кунги №40/32-сон ва 13.12.85. кунги №40/146 сон резолюциялари билан тасдиқланган	30.08.97. №508-1
40.	Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида Конвенцияси	9.12.1948	№835-1 20.08.99.
41.	ЕХҲТ иштирок этувчи давлатлари вакиллари Мадрид учрашувининг якуний ҳужжати	Мадрид, 06.09.1983.	
42.	ЕХҲК иштирокчи давлатлари вакиллари Вена учрашувининг якуний ҳужжати	Вена, 19.01.1989.	
43.	ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати	Копенгаген, 20.06.1990.	
44.	Эркин сайлов бўйича бюро Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши экспертларининг озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари бўйича Кенгаши маърузаси	Женева, 19.07.1991.	

45.	ЕХХКнинг инсонийлик бўйича конференцияси Москва Кенгашининг ҳужжати	Москва, 03.10.1991.	
46.	1992 йилги Хельсинки ҳужжати - ўзгаришлар даврининг даъвати	Хельсинки, 10.07.1992.	
47.	Кенгашнинг тўртинчи учрашуви	Рим, 30.11.-1.12.1993	
48.	1994 йил Будапешт ҳужжати. Янги даврда ҳақиқий ҳамкорлик сари олий даражадаги Будапешт учрашуви декларацияси	Будапешт, 06.12.1994.	
49.	ЕХХТ Лиссабон учрашуви	Лиссабон, 1996.	
50.	Олий даражадаги Истамбул учрашуви декларацияси	Истамбул, 19.11.1999.	

Акмал Холматович Саидов

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ**

Дарслик

Муҳаррирлар: *Файзиев Ф.С.
Шамшаров Т.Ю.*

Мусаҳҳиҳ: *Ҳамдамова С.*

Компьютерда
саҳифаловчи: *Файз Суҳроб*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ напс этиш ман этилган маълумотларни оммавийлаштиргани учун нашр муаллифлари жавобгардирлар.

Босишга рухсат этилди 27.04.2006 й. Бичими 60x90 ¹/₁₆.
SchoolBookUzbek гарнитураси. Шартли босма табоғ 25.
Адади 500. 53/ИП-сонли шартнома. Келишилган нархда.
«Konsauditinform-Nashr» наشريёти.
700047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6.

«ARNAPRINT» МЧЖда чоп этилди.
700182, Тошкент ш., Х. Бойкаро кўчаси, 54.
54-сонли буюртма.